


ТАФАККУР



ИЖТИМОЙ - ФАЛСАФИЙ,
МАЪНАВИЙ - МАЪРИФИЙ
ЖУРНАЛ

ТАФАККУР 1/2006


120



*Ҳиммат ва саботи бўлмаган миллатнинг
ҳаққи ҳаёти йўқдир.*

Абдурауф Фибрат

YALASH BOSHQA, SIYLASH BOSHQA...



Шўро замонида бир ёзувчи бўларди. Яхши ёзувчи эди, кўп бамъни асарлар ёзган. Лекин камписандроқ, назардан четда юрарди. Боз устига, хотин-боласи ташлаб кетган, сўққабош. Собаби — пиёниста эди.

Шу одамни бир куни ҳамшишаси мақтаб қолибди: сиз ундок ёзувчисиз, бундоқ ёзувчисиз! Умрида дадилроқ бирор таъриф эшитмаган ҳалиги шўрлик кафтини қулоғига карнай қилиб ялинармиш: “Яна бир мақтанг, яна, яна!”

Ширин сўз — жон озиғи, кимга ҳам ёқмайди дейсиз! Аммо у хушомаду ялтоқиликка айланиб кетса-чи? Унга ғараз, тама аралашса-чи?

“Подшонинг эшагини мақтаб, отини мин” деган гап бор. Бу бир эски нақл, албатта. Бугун энди подшою подшолик деган нарсалар йўқ. Қолаверса, подшо жаноблари келиб-келиб эшак минмагандир. Эшак жонивор ярашган бўлса, Хўжа Насриддинга ярашган.

Подшо, эшак, афандилар замони-ку ўтган, бироқ ҳуда-бехуда мақтов, кўтар-кўтар, силлик хушомадлар қолган. Шулар орқасида иш битиришлар қолган. Тамаю ялтоқилик қолган. Бозор баҳона, ҳатто урчиб ҳам кетган.

Хўш, ким мақталади? Иш тушган одам-да. Иш битириш учун. Кимга ишингиз тушди? Амалдорга-да. Ия, у зот мақтов замиридаги заҳарни сезмайдими? Сезишга сезади-ю, тоб беролмай қолади. Эриб кетади. Одам-да. Лойдан, гилдан бино бўлган.

Шу тариха ўртадаги иш битди дейлик. Икки томон ҳам гўё рози. Сен — менга, мен — сенга.

Аслида улар бир-бирини алдади, лақиллатди. Ҳожатманд тилига бол суртиб ҳожатбарорнинг тамоми жойини ялаб чиқди. Яланган эса макруҳ сўлак аралаш кўпикдан ҳазар қилмади — ҳузурланди.

Аслида бу “олди-берди”нинг пора, порахўрликдан фарқи кам. Маънавий порахўрлик, холос.

Қани, бу ўйинда ким ютдию ким ютқазди? Бизнингча, ялаган ютди — ишини битириб олди-да. Яланган эса моҳиятан алданди, масхара бўлди — чув тушди.

Жамият, таассуфки, ҳамон шу каби ҳақоратларга лоқайд, чидаб келади. Ва ҳатто бу ҳол кўпинча рағбатлантирилади ҳам. Зараркунанда ҳашаротларга муносабат бора-сида қонун чиқиши мумкиндир, хушомадга қарши бундай чора қўллаш имконсиз — ширинсўханлик билан ялтоқиликнинг чегарасини аниқлаш осон эмас-да. Шундан куйибми, ҳазрат Навоий масалани кескинроқ қўйган эканлар:

*Чун хушомад демакни бошласа кош
Ким, тугилса дами, кесилса тили.*

Ўша замонлардан бери ялаймиз, яланамиз. Тилимиз узилиб тушмаганию ўзимиз олқиндига айланиб кетмаганимизга балли!



ТАФАККУР



Тафаккур

ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ

НИМА ДЕЙСИЗ, ЗАМОНДОШ?

Виждон ҳақиқатдан чекинмасликдир. Ўзбекистон халқ шоири Хуршид ДАВРОН билан суҳбат.....4

ТАРИХ ВА ТАРАҚҚИЁТ

Абдурахим ЭРКАЕВ. Тафаккур эркинлиги мезонлари. Тўртинчи мақола.....12

ТАРАҚҚИЁТ ТАМОЙИЛЛАРИ

Олим ТОШБОЕВ. Глобаллашув ва миллий маданият.....20

ЮРАК ТИЛГА КИРДИ

Муҳаммад РАҲМОН. Муждами бу, азалнинг куйи?... 24

Кўчқор НОРҚОБИЛ. Ким кўрибди қуёшни тунда?.....28

Ёқубжон АҲМАДЖОНОВ. Бедардлар бу ишқнинг сирин билолмас.....32

ЕТТИ ИҚЛИМ МУЖДАСИ

Саидбек ҲАСАН, Зокиржон МАШРАБОВ. Олис Цинциннатидаги мўъжизалар.....35

Абдулла ШЕР



Булон КАРИМ



Бош муҳаррир
Эркин АЪЗАМ

Тахририят:

Нурбой АБДУЛҲАКИМ
(бош муҳаррир ўринбосари)

Дамин ЖУМАҚУЛ
(масъул котиб)

Ольга ЖОЛДАСОВА
(бадний безак бўлими мудир)

Шоҳ САНАМ
(мусахҳих)

Наргиза УСМОНОВА
(саҳифаловчи)

Машраб НУРИНБОЕВ олган
суратлардан фойдаланилди.

Жамоат кенгаши:

Дилором АЛИМОВА
Абдулла АЪЗАМ
Муҳсин АШУРОВ
Хуршид ДАВРОН
Нуриддин ЗАЙНИЕВ
Баҳодир ЗОКИР
Нажмиддин КОМИЛ
Султонмурод ОЛИМ
Хайридин СУЛТОН
Қобилжон ТОШМАТОВ
Нурислом ТҲХЛИЕВ
Абдурахим ЭРКАЕВ
Тўлепберген ҚАЙИПБЕРГЕНОВ
Муртазо ҚАРШИБОЙ
Фарҳод ҲАМРОЕВ
Иброҳим ҲАҚҚУЛ

Муассис — Республика Маънавият ва маърифат кенгаши

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 120-роқам билан рўйхатга олинган.

Матнларда фойдаланилган мисол, кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар жавобгардир.

Журналдан кўчириб босилганда манба қайд этилиши шарт.

Манзилимиз: 700047, Тошкент шаҳри, Мовароунноҳр кўчаси, 6-уй



133-10-68
139-05-19

Журнал андозаси тахририятнинг компьютер бўлимида тайёрланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси басмахонаси. 700029, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

2005 йил 28 ноябрь кўни басмахонага топширилди. Қоғоз бичими 70x100¹⁶/₁₆, 8 басма тобок. 2021-бўртма. Нашр адади 4000 нусха.

SAHI FALARIDA

саҳифаларида

САНЪАТ ФАЛСАФАСИ

Дурдона АЗИЗОВА. Рангларда акс
этган нафосат.....40

АҚЛ МУНОЗАРАСИ

Абдулла УЛУФОВ. Тил тилсими ёки
Сўз сири.....42

ШАРҚУ ҒАРБ ФАЛСАФАСИ

Абдулла ШЕР. “Келмагу кетмакдин, не
экан мақсуд?..”48

МОЗИЙГА ҚАЙТИБ

Дилором АЛИМОВА, Умар РАШИДОВ.
Тарих — холислик тарафдори.....60

ХАЗИНА

Ваҳоб РАҲМОН. Бадиият жавҳари.....64

ШАРҚУ ҒАРБ ФАЛСАФАСИ

Қурбон ШОДМОНОВ. Шарқ перипате-
тизми нима?.....72

АҚЛ МУНОЗАРАСИ

Дамин ЖУМАҚУЛ. Даъвогарлик — фай-
ласуфлик дегани эмас.....76

БОҚИЙ САРЧАШМАЛАР

Абдураҳим ҲАСАНОВ, Алломалар
бешиги.....82

МАЪРИФАТ ФИДОЙИЛАРИ

Фулом КАРИМ. Замонни муаллим
билган зот.....88

ТАҚДИРДАГИ ТАДБИРЛАР

Мақсуд ҚОРИЕВ. Ёруғлик ва зулмат...94

“ТАФАККУР” ТАБАССУМИ

Екатерина Иккинчи. Ҳазил башоратлар....102

ЖАВОНДАГИ ЖАВОҲИР

Фарҳод ҲАМРОЕВ. Йўл юрган ютади....81

ТАЛҚИН ВА ТАДҚИҚОТЛАР

Хикматилла ТУЛИБОЕВ. Хавфсизлик
муаммоси.....110

Азиз МИРЗАЕВ. Таҳдиддан сақланиш
йўли.....111

Ақтам ЖАЛИЛОВ. Геосиёсатда
мондиализм назарияси.....112

Хондамир ФУЛОМОВ. Чор Россияси
ва Хива: элчилик миссиялари.....113

Раҳима МАМАТҚУЛОВА. Раҳбарнинг
маънавий маданияти.....115

Дилдора ИСЛОМОВА. Муаммонинг
ечими.....117

Озода РАҲМАТУЛЛАЕВА. Соҳибқирон
шахсияти: ҳақиқат ва уйдирма.....118

Наргиза ЮСУПОВА. Хонақоҳ — маъ-
рифат маскани.....119

Нилуфар НИЁЗОВА. Гигиена
маданияти нима?.....120


Бобоназар МУРТАЗОЕВ. Термизийми
ёки Табризий?.....121

Шоира АҲМЕДОВА. Кичик жанрнинг
катта имконияти.....123

Нодира ХОЛИҚОВА. Изтиробнинг
бадий талқини.....124

Журналнинг инглизча мухтасар
мазмуни.....126

НИМА ДЕЙСИЗ, ЗАМОНДОШ?



НАҚИҚАТДАН ШЕКИНМАСЛИКДИР

Ўзбекистон халқ шоири Хуршид ДАВРОН билан суҳбат

— Хуршид ака, мана, мустақилликка эришганимизга ҳам ўн тўрт йилдан ошди. Югурик вақтга қиёсласак, бу жуда кўп фурсат эмас, албатта. Лекин бу муддатни кам ҳам деб бўлмас. Шубҳасиз, ўтган давр мобайнида ҳаётимизнинг барча жабҳаларида муайян ютуқларга эришилди. Бироқ муаммоларимиз ҳам кам эмас. Ана шу муаммолар, уларни келтириб чиқарган омиллар ҳақида фикрлашсак. Сизнингча, буларга йўл қўймаслик учун энди нималар қилишимиз керак?

— Бу жуда мураккаб савол. Мураккаблиги шундаки, ҳар бир одам дунёга, бўлиб ўтаётган воқеа-ҳодисаларга ўз “айвони”дан туриб назар ташлайди, уларни маърифий савияси, дунёқараши доирасида баҳолайди. Мустақиллик —

буюк тарихий ҳодиса, баҳосиз неъмат. Унга эришиб нима ютдик? Бу саволга жавоб беришдан олдин бунинг учун биз ўзимиз нима қилдик — шу ҳақда ўйлашимиз лозим. Тўғри, ҳаммамиз (мен бу ўринда зиёлиларни назарда тутяпман) нималардир қиляпмиз. Мана шу нималардир жамиятимиз ҳаётига таъсир қилдими, йўқми? Фаолиятимизнинг самарали ёки аксинча экани шунга боғлиқ. Шахс камолини ҳам, жамият ривожини ҳам маданият тушунчасидан айри тасаввур этиб бўлмайди. Жамият ҳаётининг барча жабҳалари маданият билан чамбарчас боғлиқ бўлиши керак. Жумладан, сиёсатда ҳам, иқтисодда ҳам, ўзаро муносабатларда ҳам маданиятга таянилмоғи зарур.

Муаммоларга келсак, биз ҳозирча айтганимиз — маданий савияга ҳануз эриша олганимизча йўқ. Бусиз жамият ибтидоий тушунчалар исканжасида қолиб кетаверади. Ибтидоий деганда мен маданиятсизликни назарда тутяпман. Шу жиҳатдан, инсоннинг, ҳаётнинг маданийлашувиغا эътибор кучайишини жуда-жуда истардим.

Хўш, бунинг учун нима қилишимиз керак? Шунчаки истак билан, қуруқ гап-сўз билан бунга эришиб бўлмайди, албатта. Оддий мисол. Жамоат транспортининг ўз вақтида қатнаши — юксак маданият белгиси. Бинобарин, одамларнинг ишга ўз вақтида бориши ҳам, асабларни асраш ҳам шунга боғлиқ. Ёки теледастурларни олайлик. Дастур — ваъда демакдир. Бир-икки кишига эмас, миллионлаб телетомошабинга берилган ваъда. Шундай бўлгач, дастурдаги кўрсатув вақтини кечиктириш — маданиятсизлик.

Ошхоналаримиздаги тартибсизлик, антисанитар ҳолатлар маданиятнинг бу соҳада ҳам нечоғлиқ зарурлигини кўрсатади. Ахир, бугун юртимизга бунтун дунёдан сайёҳлар, ишбилармонлар, расмий шахслар келяпти. Улар халққа, миллатга кўрганлари асосида баҳо беради.

Бир қарашда, бу нуқсонлар арзимас бўлиб туюлади. Аслида, бундай эмас.

Бугун қишлоқларда кўплаб болалар спорт мажмуалари бунёд этиляпти. Бу — ёш авлод истиқболи, демакки, юрт келажаги билан боғлиқ масала. Бинобарин, бу иншоотлар анчайин кўзқўрарга, экспонат учун қурилмаяпти. Бунга эътибор бериш керак.

Яна бир муаммо — кутубхона масаласи. Ҳар бир қишлоқда, маҳаллада, гузарда кутубхона бўлишига эришмоғимиз керак. Афсуски, бунга етарли даражада эътибор берилмаяпти. Натижада, ёшлар аксар вақтини интернет-ка-

Тафаккур — жамият тараққиёти даражасини кўрсатувчи ойна. Бу ойнада муваффақиятлар ҳам, камчиликлар ҳам аён кўринади. Сир эмаски, инсоннинг нечоғлиқ муқаррамлиги ҳам фикрлаш даражасига кўра белгиланади.

Журналимизнинг ушбу сонидан бошлаб янги “Нима дейсиз, замондош?” рукнида бериб бориладиган суҳбат-мақолалар жамиятимиз учун ана шундай ойна вазифасини бажаришидан умидимиз бор. Бу суҳбат-мақолаларда таниқли зиёлилар — шоирлар, ёзувчилар, олимлар билан ечимини қутаётган долзарб муаммолар, уларнинг “муолажа”си хусусида баҳс юритилади. Ютуқларимиз, тараққиётга тўсиқ бўлаётган нуқсонлар тафаккур чиғиригидан ўтказилади.

Янги рукнинг дастлабки меҳмони — Ўзбекистон халқ шоири, миллий телерадиокомпаниямизнинг “Ўзбекистон” канали бош директори Хуршид Даврон. “Қақнус”, “Тўмариснинг кўзлари”, “Шаҳидлар шоҳи”, “Самарқанд ҳаёли” ҳамда бошқа шеърини тўяламлари ва насрий асарлари билан эътироф қозонган шоирнинг оҳорли фикрлари сизни бефарқ қолдирмайди деган умиддамыз.



феларда, дискотека залларида, қаҳвахоналарда беҳуда ўйинлар билан ўтказмоқда. Бу — ташвишланарли ҳол. Замонавий кутубхоналар қуриб, ёшларни мутолаага жалб эта олсак, туғилажак кўплаб муаммоларнинг олди олинган бўларди. Тўғри, бугун асосий ахборот манбаи сифатида интернетга интилиш кучайган. Лекин интернет ҳеч қачон китобнинг ўрнини боса олмайди.



— Кўпчиликни қийнаётган муаммо ҳақида сўз очдингиз. Дарҳақиқат, мутолаадан маҳрум авлод жаҳолатга, маънавий тубанликка маҳкумдир. Кутубхоначилик, ноширликдаги мавжуд ютуқларни эътироф этган ҳолда, тан олиш керак: бу борадаги умумий даража анча паст. Масалан, кутубхоналардан, китоб дўконларидан мумтоз адибларимиз асарларини ҳам

топиш маҳол. Топиладиганларининг ҳам аксарияти бундан қирқ-эллик йил муқаддам ўша замондаги ҳукмрон мафкурага мослаб нашр этилган. Бугунги кун талабларига мутлақо жавоб бермайди. Ахир, бу ҳол маънавиятнинг кемтик бўлишига олиб келади-ку!

Муқояса учун бир мисол. Яқинда хорижий мамлакатлардан бирига бориб келган дўстимнинг айтишича, у ерда ҳар бир классик шоир асарларининг ўнлаб турдаги нашрлари мавжуд. Улар кутубхонадан, китоб дўконларидан исталган пайтда топилади. Бу нашрлардан айримлари совғага мўлжалланган, зарҳал безакли, баъзиси чўнтақда олиб юриб мутолаа қилишга мос. Яна бошқаси арзонроқ ва ҳоказо... Дўстимнинг таъкидлашича, айрим китоб дўконлари кечаси билан савдо қилар экан. Токи ишдан кеч келган ёхуд тунги сайрга чиққан одам бемалол, хоҳлаган китобини сотиб олсин, мутолаа қилсин.

Бизнинг тадбиркорлар ҳам беҳуда сарфларга зўр бермай, ана шундай маънавий-маданий масалалар тўғрисида бош қотиришини истар эдик. Улар шу тариқа миллатимиз келажаги, ёш авлод камоли йўлида хизмат қилган бўлар эди. Тараққийтга тўсиқ бўлаётган муаммоларнинг тобора чуқурроқ томир отишига зиёлиларимизнинг лоқайдлиги, бепарволиги, аксарият ҳолларда масалага шахсий манфаат нуқтаи назаридан ёндашилаётгани ҳам сабаб бўлмаптими? Умуман, зиёлилик имтиёзми ёки масъулият?

— Жамиятда зиёлининг ўрни беқийс. Аммо, аввало, зиёли ўзи ким? Мен учун, дейлик, масъулиятсиз ва чаласавод вазирдан далада Навоий ғазалини пичирлаб юрган деҳқон зиёлироқдир. Маънавиятли шахс, яъни ҳаётини маъно билан тўлдирган инсонгина зиёлидир. Катта-катта китоб ёзаётган адиб билан фарзандларию набиралари юрагига эзгулик уруғини экаётган отахон зиёлилик борасида баробардир.

Чинакам зиёли жамиятда кечаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан лоқайд бўлмайди. Бепарволик — зиёлига ёт тушунча. Шу маънода, миллат миқёсидаги масалага шахсий манфаат нуқтаи назаридан ёндашган одамнинг зиёлиликка алоқаси йўқ. Жамият учун энг хавfli иллат — ижтимоий адолатсизлик ҳам манфаатпарастлик ҳосиласидир. Бозор муносабатларига асосланган жамиятда бундай муаммолар бўлиши табиий. Онгимиз аввалги замонда шакллангани учун буни ҳазм қилишимиз қийин кечяпти.

Мустақиллик бизга жуда катта имкониятлар берди. Лекин, тўғри таъкид-

ладингиз, муаммолар ҳам кам эмас. Айтайлик, авваллари адибларнинг асарлари юз минглаб нусхада нашр этилган. Бозор эса фойдани, манфаатни биринчи ўринга қўяди. Фойда кетидан қувиш эса, афсуски, савиясиз китобларнинг кўпайишига олиб келмоқда.

Қийинчиликлар ўз йўлига. Ҳар қандай ҳолатда зиёли ўз вазифасини бажариши, одамлар қалбига нур олиб кириши керак. Шу маънода, зиёлилик — масъулиятдир, имтиёз эмас.

Менинг яна бир хулосам шуки, жамият бозор ислохотларига таянадими ёки унда бошқача муносабатлар устувор бўладими, зиёлининг — шахснинг мавқеи баланд бўлиши керак. Шахснинг қадри пасайдими, билинги, жамият орқага кета бошлайди. Тараққиёт ўз ўрнини таназзулга бўшатиб беради. Ана шундай ҳолга йўл қўймаслик ҳам зиёлининг масъулиятини оширади.

— Бугун ҳаётимизда молпарастилик авж олиб кетяпти. Дабдабали уй қуришлар, тўй қилишлардаги мусобақалар, бойлик орттиришга ружу қўйилаётгани ҳам бунинг далилидир. Энг ёмони, тўплаган сарвати билан гурурланиб, манманлик иллатига чалинганлар сони ортмоқда. Ваҳоланки, Навоий бобомиз “Одам ўлгон зебу зоҳирдин демас, Кимки ондин фахр этар — одам эмас”, дея ўғит берган. Ул зотнинг ўзи мол-дунёни эл-юртга наф келтириш воситаси деб билгани, саноқсиз иншоотлар қурдиргани, етим-есир, фақир-мискинлар бошини силагани аён. Аждодлар ва авлодлар дунёқараши ҳамда аъмоли ўртасида бунчалик улкан тафовут пайдо бўлгани сабаби нимада деб ўйлайсиз?

— Молпарастилик авж олишининг сабабларидан бири феодализм асоратидан ҳамон қутула олмаганимиздир. Шунинг учун ҳам замонавий бозор иқтисодиёти асосларига тўлиқ етиб борганимизча йўқ.

Қаллоблик, фирибгарлик йўли билан мол-дунё тўплаш бойликка алоқасиздир. Бугун дунёдаги энг бой одамлар юксак интеллектуал салоҳият эгаларидир.

— Дарвоқе, Хуршид ака, доно халқимиз нақли бўйича ҳам, бойлик ашёларнинг кўплигида эмас — назарнинг тўқлигида. Одамнинг назари тўқ бўлиши учун ҳам, Сиз айтмоқчи, интеллектуал салоҳият керак. Жоҳилдан, нодондан буни кутиб бўлмайди. Тўғри эмасми?

— Айни ҳақиқат! Бунга тарихдан ҳам кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Хожа Аҳрор Валийнинг нечоғлиқ бой бўлгани, шунинг баробарида мол-дунёга заррача ҳирс қўймагани маълум. Бу ҳақда улўф бобомизнинг машҳур эътирофи ҳам бор. Янглишмасам, ул зот “Мен ўзимни бойликнинг олдига мих уриб бойламаганман” деган. Алишер Навоий ҳам бадавлат одамлардан бўлган. Лекин бор бойлигини, эслатганингиздек, фақат халқ эҳтиёжига сарфлаган.

Молпарастилик биздагина эмас, бутун дунёда бор. Эҳтимол, бу ўтиш даврига хос хусусиятдир. Лекин ҳамма жойда ҳам бундай иллатларга нисбатан муносабат салбий.

Маълумки, тарихимизда фақирлик мартаба, мақом ҳисобланган. Фақирлик — камбағаллик эмас, инсон камолотининг муайян даражаси саналган. Молпарастиликнинг авж олиши маънавий тушунчаларнинг жамият ҳаётига чуқур сингмагани билан ҳам боғлиқ. Тўй-ҳашамга, дабдабозликка ружу қўяётганимиз сабаби ҳам шунда. Тўйлар, таъбир жоиз бўлса, оёғимизга кишан бўлиб келяпти. Топганимизни фарзандларимизнинг илм олиши, камолоти йўлида эмас, бир кунлик дабдабага сарфлашни маъқул кўрамиз.

— *Ўтган аср бошида Бехбудий тўй ва азани “бизни кемиргувчи иллатлар” деб атаган эди. Абдулла Қодирий, Фитрат, Авлоний каби маърифатпарварлар бу мавзуда кескин мақолалар ёзгани маълум. Лекин... Таассуфлар бўлсинки, биз бу иллатларни янги асрга ҳам олиб ўтдик. Тўғри таъкидладингиз, бу иллатлар оёғимизга кишан бўлиб келмоқда.*

— Дарҳақиқат, Сиз номларини санаган зотлар “Мақтаб, маориф деса — қочасан, ош деса чопасан” дея куйинганича бор. Бугунги айрим дабдабозликларни ота-боболаримиз удуми деб оқлаш тушунарсиз. Уларни халқимизнинг меҳмондўстлиги билан боғлаш ҳам ўринли эмас. Бу маданиятсизлик, савиянинг пастлиги натижасидир.

Бу муаммони ҳеч бир йўл билан ҳал эта олмаётганимиз кишини ўйлантиради. Тўғри, жамиятимизда бир оз саранжомлик пайдо бўлди. Лекин моҳият ўзгаргани йўқ. Ҳаётимиз огир деймиз-у, емай-ичмай тўйга сарфлаймиз. Бугина эмас. Тўйлар маданиятимиз, санъатимизга бениҳоя салбий таъсир кўрсатмоқда. Санъаткорларимиз кўшиқларини тўйга мослаштира бошлади. Маст-аластларга хос сўзлар, бетайин оҳанг санъатимизни эгаллаб олди. Кўпинча, бутун дунёда шундай-ку, дея ўзимизни юпатамиз. Аслида бундай эмас. Лекин бугун дунёда инсоний қадриятларнинг арзонлашув хавфи туғилгани рост.

Аксарият санъаткорларимизнинг маданий савияси жуда паст. Иш фаолиятим улар билан боғлиқ бўлгани учун бу гапни бутун масъулиятни ҳис этган ҳолда айтяпман. Ҳозирги санъат ҳам молпарастликка хизмат қиляпти, бойлик тўплаш воситасига айланган.

Бу ҳолга бефарқ қараб бўлмайди. Акс ҳолда, санъатимиз, адабиётимизнинг эртанги кунини бой бериб қўйишимиз мумкин. Бугун бутун дунёда ўзига хос санъатни, маданиятни сақлаб қолишга бўлган интилиш мавжуд. Ушбу масалага оид махсус дастурлар ишлаб чиқилган.

Молпарастлик, бехуда ҳою ҳавас жамиятни таназулга олиб боради. Навоий бобомизнинг сиз эслатган сатрлари хос одамларга қаратилган деб ўйлайман.

— *Сиз тарихни яхши биласиз. Ҳар ҳолда, асарларингиз шундай демоққа асос беради. Бордию мўъжиза юз бериб, Сизга танлаш ҳуқуқи берилса, қайси замонда яшаган бўлардингиз?*

— Бу савол одамни кўп ўйлантиради. Тарихга назар солсангиз ҳам бирор ижодкор ўз замонасидан рози бўлган эмас. Ҳатто бугун биз ҳавас қиладиган замонларда ҳам ҳаётдан қониқмайдиган ижодкорлар бор. Аён бир ҳақиқат шуки, ҳар қандай инсон ўз замонасида яшашга маҳкум.

Агар сиз айтган мўъжиза юз берса, мен ўтган замонлардан кўра келар замонларни танлаган бўлардим. У қандай замон бўлади — билмадим. Нима бўлганда ҳам, боболаримизнинг бу дунёга берган таърифини ёдда тутишимиз зарур: “ёлғон дунё”.

Лекин, бу — бизнинг давримиз тарих учун қадрсиз дегани эмас, албатта. Давримизнинг қиммати шундаки, тошбитикларни, “Девону луғотит-турк”ни — умуман, боболар меросини ўрганиш, билиш имконига эгамиз. Олдинги замонларни орзу қилсак, Навоийни, Бобурни билмаган, уларнинг асарларини мутолаа қилиш бахти насиб бўлмаган бўлар эди. Шу маънода, кейинги авлодларга ҳавас қиламан.

Тафаккур — ҳамма замонларда ҳам инсонни азизу мукаррам қилувчи неъмат. Чархпалак дегандай, замонлар, тузумлар ўзгариши мумкин. Лекин

тафаккур қолади. Инсоният, қачондир гўзал жамият, саодатли замонга етса, бунга тафаккур туфайли эришади.

— Шеърларингизда виждон тушунчасига кўп мурожаат қиласиз. Бир шеърингизда виждонни энг буюк устозга қиёслагансиз. Виждоннинг зулмат тунида юзни қуёшга буриши ҳақидаги бетакрор ташбеҳ ҳам Сизга тегишли. Фақат виждон амрига қулоқ тутиб яшаш осонми, нима дейсиз?

— Агар мен ўтган умримда фақат виждон амрига қулоқ тутиб яшадим десам, ёлғон айтган бўламан. Қай бир ҳолларда виждон амридан чекинган, ҳаётини тутумларимга қарши борган бўлишим мумкин. Муҳими, ўзим уяладиган шеърлар ёзмадим. Лекин бу — шеърларим нуқсондан ҳоли деганим эмас. Уларда бадиий жиҳатдан камчиликлар бўлиши табиий. Қайсидир шеърим эски даврга хизмат қилиб, бугун аҳамияти бир қадар тушган бўлиши ҳам мумкин. Асл шеърят юксак туйғулар асосида пайдо бўлади. Эҳтимол, баъзан мақола тарзида ёзиш мумкин бўлган фикрларни шеърга солгандирман. Лекин бир таскин бор: ёлғон ёзмаганман.

Адабиёт юксак инсоний туйғуларни тарбиялашга хизмат қилиши керак. Шу маънода, адабиёт дарсликлари кўпроқ ижтимоий-сиёсий юкка эга асарлардан иборат бўлиб қолаётгани бир қадар ташвиш уйғотади. Адабиёт дарсликларига бадиияти мукамал асарлар киритилиши керак. Ватан мавзуйига бағишланганининг ўзигина шеърнинг фазилати эмас. Шиорбозлик руҳидаги асарлар ёшлар савиясининг пасайишига сабаб бўлади.

Фақат виждон амрига қулоқ тутиб яшаш осонми, дедингиз. Қийин, жуда қийин. Савиясиз бадиий асарлар кўпайиб кетаётгани, бу ҳақда ҳаққоний фикр деярли билдирилмаётгани мени қийнайди. Адабиётга, сўзга бўлган масъулиятни теран ҳис этиш биринчи ўринда турадиган вазифа деб ўйлайман.

“Бобурнома” — мен учун чинакам ҳаётини китоб. Ўзбек адабиётида муаллиф ўзининг шахсий камчиликларини асло яширмай ёзган ягона асар — “Бобурнома”. Мана буни айтадилар виждон амрига қулоқ тутиш деб. Биз эса ҳатто асардаги шундай жойларни хаспўшламоқчи ҳам бўламиз. Бобур чиндан-да буюк виждон соҳибидир.

Виждонли бўла олиш одамнинг кимлар билан сафдош эканига ҳам боғлиқ. Масалан, мен ҳар доим бирор асар ёза бошласам, бунга Шавкат Раҳмон нима дер экан, Усмон Азим буни қандай баҳолайди, деб ўйлаганман. Шундай ижодкорлар билан замондош, сафдош бўлганимдан бахтиёрман. Қолаверса, Чўлпон, Ойбек, Рауф Парфи каби устозларнинг ҳам ибратли таъсирини сезганман. Эҳтимол, улар намуна бўлгани учун ҳам бизга бир қадар осонроқ бўлгандир.

Шеърят остонасига эндиgina қадам қўяётганимда хатолардан сақланишимга катта таъсир кўрсатган Рауф Парфидан миннатдорман. Ижодкор тутуни юзасидан берган танбеҳлари мудом ёдимда. Дўстим Шавкат Раҳмон чинакам виждонли шахс, виждонни муқаддас билган ижодкор эди. Бу жиҳатдан у бизга ўрнак бўлди. Виждон амри билан яшагани учун ҳам унга осон бўлган эмас.

Умуман, виждон ҳар қандай вазиятда ҳақиқатдан чекинмасликдир. Виждон — барча замонлар учун ҳам долзарб муаммо. Рўзи маҳшаргача буюк ёзувчиларнинг энг сара асарлари шу муаммо талқинига бағишланса ажаб эмас. Виждон инсон умрига мазмун бағишлайди. Руҳиятни ҳам, адабиётни



хам виждонгина поклаши мумкин. Лекин умрни бесамар мунозараларга, бейфойда курашларга сарфламаслик керак.

Виждон амрига бўйсуниш инсонни тавбага олиб келади. Адабиётдаги тавба кейинги асарлари билан ўзини оқламоқдир. Буюкларнинг айби ҳам ўзларига яраша бўлади. Виждон ана шундай айблардан сақловчи нажот элчисидир.

— *Хуршид ака, назаримда, Сизни кўпдан буён ўйлантириб келаётган муаммо ҳақида сўз очиб кўйдим, шекилли. Ҳақиқатан ҳам, виждон — инсон қалбини, ҳаёт йўлини ёритувчи нур. Усиз жамият зулматда қолган бўларди. Бугун бот-бот инсоният оромини, осойишини бузаётган террорчилик ҳам виждонсизлик ҳосиласи бўлса ажаб эмас. Айтинг-чи, террорчилик нима? Экстремизм-чи? Бугун одамзод қаяққа қараб кетяпти? Наҳотки, ваҳшийликнинг кўз кўриб қулоқ эшитмаган турларини ўйлаб топиш тараққиёт бўлса? Буни айримлар ижтимоий шароит билан боғлашга уринади. Шу тўғрими?*

— Террорчилик бугун пайдо бўлиб қолган ҳодиса эмас. Тарихда бу ҳодиса қадим Шарқда ҳам, Фарбда ҳам учраган. Фарбда кўхна Рим империясининг бошқа мамлакатларни забт этиш билан боғлиқ ҳаракатларини Шарқда XII-XIII асрларда яшаган Ҳасан ибн Саббоҳ бошлиқ ассасинлар давом эттирган. Бугунги террорчилар айни шу гуруҳнинг давомчилари десак асло муболаға бўлмас. Тоғу тошлар орасидан макон топган ассасинлар Ҳасан ибн Саббоҳга шу даражада эътиқод қўйганки, ўзларини қоядан ташлаб ҳалок қилишларига унинг биргина ишораси кифоя бўлган.

Ҳасан ибн Саббоҳ дастлаб ўз валинеъмати Низомулмулкни қатл эттиради. Ҳасан тоғлар орасидаги одам оёғи етмаган водийда ажиб бир боғ бунёд этади. Атрофи ранго-ранг гуллар, мевали дарахтлар билан ўралган майдонда эса зарҳал безаклар билан зийнатланган сарой қурдиради. Сарой деворидан қайнаб чиқадиган булоқлардан май, сут ва асал оқиб туради. Сарой ва боғда бир-биридан гўзал қизлар истиқомат қилган, мусиқа чалиш ва рақс тушишда уларнинг олдига тушадиганини топиш маҳол бўлган.

Ҳасан ўз гуруҳининг янги аъзоларини гиёҳванд моддалар ва маст қилувчи ичимликлар билан тўйдириб, махфий боққа юборган. У ердаги “ажойибот”ларни кўрган нашавандлар эса жаннатга тушиб қолганига заррача гумон қилмаган. Бир неча кундан кейин Аламут қалъасига, Ҳасан ибн Саббоҳ ҳузурига келтирилган ёш йигитлар ўзлари кўрган “жаннат”га қайтмоқ учун унинг ҳар қандай амрини сўзсиз бажарган. Улар амалга оширган хунрезликлар, неча замонлар ўтган бўлса-да, одамни даҳшатга солади.

Бугунги террорчилик, қайсидир маънода, шунинг давомидир. Лекин замонавий террорчилик айрим давлатларнинг геополитик мақсадларини амалга оширмоқ учун мўлжалланган стратегияси ҳосиласи. Натижа шуки, бундан уларнинг ўзлари ҳам зиён кўраётир. Улар ўзлари уюштирган ҳодисанинг қурбонига айланаётир. Ҳофманнинг “Цахеснинг Циннобар исмли зинғарчаси” асарида худди шундай ёввойи кучни тарбиялаб, шу кучнинг қурбони бўлган кишининг аянчли қисмати тасвирланган.

Бугунги кунда террорчиликнинг келиб чиқишини аксар ҳолларда ижтимоий шароитга боғлаб талқин этишга уриниш сезилмоқда. Замонавий террорчилик асосчилари ҳам ижтимоий шароитни эътиборга олади. Бу билан шундай талқинга асос бериб, ўзларини оппоқ қилиб кўрсатишга интилади. Аслида, бунга Буюк Британиянинг колониал сиёсати асос бўлган. Эътибор берсангиз, террорчилик хуружлари асосан ана шу колониал сиёсат худудига кирган жойларда бўляпти. Араб давлатларининг чегараларини ҳам ўша сиё-

сат арбоблари чизиб берган. Улуғ адиблардан бири образли қилиб “Бу чегараларга исталган лаҳзада портлаши мумкин бўлган минглаб миналар жойлаштирилган” деган эди. Бугун мазкур колониал сиёсат арбоблари давлатларни бир-бирига гиж-гижлашда ўзлари қолдириб кетган ана шу миналардан фойдаланмоқда.

Тўғри, бу ҳодиса маълум маънода ижтимоий шароит билан ҳам боғлиқ. Лекин ана шу ижтимоий шароитни юзага келтиришга ўша колониал сиёсат арбоблари йиллар давомида жиддий тайёргарлик кўради. Нега тайёргарлик кўрмасин, ахир, бу уларнинг манфаати учун керак-да! Африкада, араб мамлакатларида ва Афғонистонда ижтимоий қашшоқликни сақлаб қолиш дунёни қайта тақсимлашни ният қилган, жаҳоннинг энергия ресурслари кўп минтақаларини қўлга киритишни истаган кучларнинг асосий мақсадидир.

Шарқ фалсафаси бундай ёвузликни бутунлай қоралайди. Бизнинг эътиқодимиз, динимиз бунга мутлақо зид. Боболаримиз ватан озодлиги учун курашганида галаба ёхуд мағлубият масаласи жанг майдонларида ҳал бўлган. Улар зинҳор ҳийла-найранг йўлини тутмаган. Буни мардликка хилоф деб билган. Шу маънода, уларнинг ворислари сифатида биз колониал сиёсат арбобларининг маккор сиёсатини мутлақо қоралаймиз.

Террорчилик — айбсиз тинч аҳолига қарши қаратилган жиноят. Бундай қабохатни ҳеч қандай ғоя оқламайди. Қон тўкиш йўли билан, жиноят орқали эзгуликка бориб бўлмайди.

Собиқ Иттифоқ парчалангач, дунёни қайта бўлиб олишга бўлган интилиш кучайди. Террорчиликнинг манбаи ана шу интилишга ҳам бориб тақалади. Ўзингиз ўйланг, Ироққа демократия олиб кириш ниқобида қурол кўтариб борганлар террорчими ёки ўз осойишталигини, ватан озодлигини ҳимоя қилганларми?

Энг ёмони, дунёдаги айрим куч ва марказлар томонидан террорчиликни бизнинг мамлакатимизга ҳам олиб киришга интилиш бор. Кимлардир динни, яна бошқалари демократияни ниқоб қилиб, ҳали онги шаклланмаган ёки ҳамма нарсани мол-дунё билан ўлчайдиган кимсалардан фойдаланишни кўзлайди. Бундай ҳодисаларнинг тараққиётга заррача ҳам алоқаси йўқ. Бу — инсониятни жоҳилиятга етаклашдан ўзга нарса эмас.

— Бундай ҳодисалар миллатнинг энг илғор вакиллари — зиёлиларда масъулият ҳиссини уйғотиши табиий. Сизнинг марказий телевидениенинг масъул ходими сифатидаги фаолиятингиз ҳам таҳсинга лойиқ. Лекин мухлисларингиз Сизни кўпроқ шоир сифатида билади. Нима дейсиз, улар шоир Хуршид Даврондан гина қилишга ҳақлими?

— Сўнгги йилларда мени энг кўп қийнаётган саволни бердингиз. Телевидение ҳам ижодий жамоа. Ҳар бир ишхонада бўлгани каби, бу ерда ҳам масъулият бор. Бизда замонавий телевидение шаклланыпти. Унинг миллат ҳаётидаги ўрни, одамлар тафаккурига, дунёқарашига таъсири беқиёс. Бу ишларни ҳам кимдир бажариши керак. Албатта, бадий ижоднинг ўрни бўлакча...

Маълум маънода, ижоддан тўхтаганим йўқ. “Самарқанд сирлари” деган китобимни якунлаш арафасидаман. Бироқ булар етарли эмас. Мухлислардан қарздорман. Буни бирор лаҳза унутмайман. Бу ҳақда ўзим улардан ҳам кўра кўпроқ ўйлайман.

Агар ҳаётда бирор нарсага эришган бўлсам, ижод туфайли эришдим. “Тафаккур”нинг яқин сонларида туркум шеърларимни эълон қилиш ниятим бор.

Нурбой АБДУЛҲАКИМ суҳбатлашди.

ТАФАККУР ЕРКИЛИГИ ТАФАККУР ЕРКИЛИГИ МЕЗОПЛАРИ

Тўртинчи мақола

Бугунги кунда биз учун бош мақсад бўлган озод ва демократик жамият барпо этишнинг муҳим шарти тафаккур эркинлигига кенг йўл очишдир.

Эркин тафаккурнинг асосий белгиларидан бири фаоллик ва мустақилликдир (Э.Фромм). Лекин бунга эришиш ҳеч қайси замонда осон кечмаган. Чунки ҳар бир даврда муайян мафкуравий қолип ва меъёрлар асосида фикрлашнинг барқарор стереотиплари вужудга келади. Ҳар қайси давр тафаккурга ўз имконидан ортиқ эркинлик беролмайди.

Тафаккур эркинлиги имкониятлари ҳамда намоён бўлиш шакллари ижтимоий тараққиёт даражаси ва сиёсий тузум хусусиятлари белгилайди. Баъзи тарихий даврларда тафаккур эркинлиги ҳатто мистик шаклларда юзага чиқиши мумкин.

Оврупода капитализмнинг илк шаклланиш жараёнида тафаккур эркинлиги хурфикрлилик сифатида вужудга келган ва ривожланган. Ўшанда хурфикрлилик тафаккурнинг дунёвийлашувини англатган. Хурфикрлиликнинг ижтимоий негизини жамиятнинг асосий институтлари — давлат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, таълим ва илм-фан, соҳликни сақлаш каби соҳаларнинг секуля-

ризация, яъни черков таъсиридан холи бўлиши ташкил этган.

Фарбда секуляризация — жамият, айниқса, илм-фан ва тафаккурнинг табиий-тарихий ривожига маҳсули. У пишиб етилган объектив ҳодиса сифатида вужудга келди. Оврупода хурфикрлилик халқ онгига зўравонлик билан сунъий равишда сингдирилмаган. Черков ва дин ҳам таъқиб этилмаган. Лекин черковга нисбатан танқид йиллар ўтиши билан кучайиб борган. Замон талабларига жавоб бермай қолган католиклик бағрида дастлаб протестантлик оқими пайдо бўлган.

Тўғри, протестантлик ва католиклик ўртасида узоқ давом этган қонли тўқнашувлар юз берган, буржуазия сиёсий ҳокимият тепасига айрим ҳолларда инқилобий урушлар натижасида келган. Чунончи, Нидерландия, Буюк Британия, Франциядаги инқилоблар шундай ҳулоса чиқаришга асос бўлади. Лекин бу ҳодисалар объектив ижтимоий тараққиёт ифодаси бўлмиш капитализм ва янги тафаккурнинг кураш воситасида ўзига йўл очиши натижаси эди. Капитализм илм-фан, маданият, технология ва ишлаб чиқариш ривожига катта имконият яратди. Илмий-техникавий тараққи-

ёт ва табиатшунослик билан боғлиқ фанлар халқ хўжалиги ҳамда иқтисодиётнинг узвий қисми, таркибий бўлагига айланди. Бу тафаккурнинг рационал йўналишда ривожланишига улкан таъсир кўрсатди. Айниқса, шафқатсиз рақобат жамият тафаккурини кескин рационаллаштрди, кўнгилчанлик ва сентиментализмга, ҳавойи орзу-ҳавасга деярли ўрин қолмади. Анъанавий қадриятлар ва маданий меросга аста-секин беписанд муносабат шаклланди.

Рақобат, бозор талаблари, ишлаб чиқариш ва технологиядаги сифат ўзгаришлари кўп жиҳатдан тафаккурнинг эркин ривожига хизмат қилган бўлса-да, пировардида унинг инқирозга учрашини ҳам муқаррар қилиб қўйди. Масалан, аста-секин технократик қарашлар ҳукмрон бўла бошлади. Жамиятда дегуманизация жараёни кучайди. Ғарб рационализмининг XX аср иккинчи ярмидаги инқирози, Оврүпада турли-туман мўътадил ва тажовузкор диний секталар, мистик, теософик, спиритуалистик, парапсихологик оқимларнинг ҳаддан ташқари кўпайиб кетгани, телеэкранларни шу мазмундаги фильмлар эгаллагани бунга далилдир.

Лекин ғарблиқлар менталитетида инсон ҳуқуқлари, тенглик, либерализм, мустақил фикрлаш ва фаол изланиш, ўзгача қарашларни ҳурмат қилиш тамойиллари шу қадар чуқур илдиз отганки, бу уларнинг тафаккурига муайян даражада эркинлик бағишлайди. Бугунги ғарб тафаккури зинҳор атеистик сиёсат маҳсули эмас, балки капитализм ва секуляризация маҳсулидир. Ғарбда фикрлар кураши ренессанс ва маърифатпарварлик давридан бошлаб анча авж олган, ҳатто айрим олим ва адиблар атеистик руҳдаги асарлар ёзган, тарғибот олиб борган. Аммо давлат атеистик сиёсат юритмаган.

Чор Россиясида ижтимоий тараққиёт

тақозо этган секуляризация жараёни анча сустр эди. Чунки бу мамлакатда ҳали капитализм тўлиқ шаклланиб улгурмаган, аҳолининг аксарияти саводсиз эди. Шўро даврида эса секуляризация давлатнинг зўравонлик билан амалга оширилган атеистик сиёсати натижаси бўлди. Бироқ бу гайритабиий секуляризация эди. У кўпроқ шаклий кўринишга эга бўлиб, моҳиятан тўлиқ амалга ошмаган эди. Шўро даврида диний ақидалар коммунистик ақидалар билан алмаштирилди, холос. Шу боис ҳақиқий тафаккур эркинлиги шаклланмади, унинг муҳим таркибий унсурлари чала-ярим бўлиб қолган ёки деформацияга учраган эди.

Колониализмни бошдан кечирган, сўнгра капитализмни четлаб ўтган халқларда эса бу жараён янада мураккаброқ, зиддиятлороқ кечган. Чунки уларнинг ҳаётида рационализм унсурлари, ташаббускорлик, танқидий руҳ етарли ривожланмаган, обрўли одамларнинг фикрини танқидий эмас, кўр-кўрона қабул қилишга мойиллик кучли бўлган.

Шўро давлатида қарор топган авторитар, маъмурий-буйруқбозликка асосланган бошқарув, дохийпарастилик, догматик коммунистик мафқуранинг яккахукмронлиги онгдаги иррационалистик унсурларни озиклантириб турди ва аста-секин мустабид тафаккур унсурларини шакллантирди.

Бундай тафаккур воқеликни аслидан узоқ, яъни бузилган, сохталаштирилган ҳолда акс эттиради. У, биринчидан, воқеликка тор синфийлик ва партиявийлик нуқтаи назаридан қарайди. Ижтимоий воқеа-ҳодисаларга, жамият аъзолари хатти-ҳаракатларига, шахслар фаолиятига сиёсий ва мафқуравий тус беради, уларни ҳукмрон мафқура ва расмий сиёсат нуқтаи назаридан баҳолайди. Лекин унга мудом сиёсий холислик ва илмийлик етишмайди. У жамият ҳаёти казармача бир хил, одамлар-

Тафаккур — инсон аъмолини белгиловчи бош мезон. Бинобарин, тафаккур эркинлигисиз инсон камолоти, жамият тараққиёти ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Файласуф олим Абдурахим Эркаевнинг журнализмнинг ўтган йилги сонларида (2,3,4-сонлар) берилган “Тафаккур эркинлиги” мақоласи ўқувчиларни бефарқ қолдирмагани аниқ. Олимнинг ушбу “Тафаккур эркинлиги мезонлари” мақоласи мазкур туркумдаги тадқиқотини яқунлайди.

Бу туркум нафақат журналхонларни, балки кенг илмий жамоатчиликни ҳам бугунги ҳаётга янгича назар билан қарашга ундаши, фикримизни бойитиши, олдимизга янги замон қўяётган муаммолар илдизини аниқлашга ёрдам бериши билан аҳамиятлидир.

нинг фикрлаш тарзи эса бир чизиқли бўлишига интилади.

Иккинчидан, мустабид тафаккур муросанималигини билмайди, тажовузкорликка мойил бўлади. Масалан, жанговар атеизмнинг сиёсий, мафкуравий мухолифларни таъқиб қилишида бу хусусиятлар яққол намоён бўлади. Бундай тафаккур ўз қарашларини жамиятга, кишилар онгига зўравонлик билан сингдиришга интилади.

Учинчидан, мустабид тафаккур кишиси амалдорларнинг фикрларига кўр-кўрона итоат этади. Уларни танқидий қабул этишга ожизлик қилади. Бу борада унга нафақат мустақиллик, балки ирода ҳам етишмайди.

Бошқа томондан, мустабид тафаккур эгаси ўзига нисбатан пастроқ хизмат лавозимидаги кишининг фикрини тўлиқ инкор этиши, тўғри ёки нотўғрилигидан қатъи назар, ҳеч иккиланмасдан унинг усидан кулиши мумкин.

Тўртинчидан, мустабид тафаккур мазмунан ўзига хос “синкретик” тафаккурдир. Сиёсий ва мафкуравий яқдиллик, синфийлик, партиявийлик ва жанговар атеизм унинг ички “муштараклиги” ва бўлинмаслигини таъминлайди, танқиддан, “ревизионистик” ва “оппортунистик” унсурлардан ҳимоя қилади. Лекин, шунга қарамасдан, у эклектик тафаккур тарзидир. Чунки унда рационализм ва иррационализм, илмийлик ва волюнтаризм, коллегиял фикрлаш ва авторитаризм унсурлари механик тарзда қоришиб кетади.

Муросасизлик, ўзгача фикрловчилар билан келиша олмаслик мустабид тафаккурни тажовузкорликка, мухолифларини таъқиб қилишга ундайди. Шу сабабдан жамиятда ёппасига ва мафкуравий назорат ўрнатади. Айнан шу кейинги икки ҳолат мустабид тузумнинг моҳиятини ифодалайди.

Тафаккур эркинлигига интилаётган бизнинг жамиятимиз ижтимоий онгдаги, тафаккурдаги анъанавийликнинг айрим қолоқ унсурларидан ҳам, мустабидлик иллатларидан ҳам халос бўлиб бормоқда. Янги жамият қуриш, ўтиш даври қийинчиликларини бартараф этиб, янги авлодни тарбиялаш жараёнида бунга тўлиқ эришилади. Лекин бу ўз-ўзидан содир бўлмайди. Тафаккур эркинлигини таъминлаш учун янги дунёқараш ва фикрлаш тарзи шакллантирилиши талаб этилади. Чунки тафаккур ижтимоий борликнинг механик инъикоси эмас. Бир томондан, унга ижодий фантазия ва трансцендентлик хос. Иккинчи то-

мондан, у инерция кучига эга. Шу боис анъанавий, авторитар ва қолоқ консерватив тафаккур унсурлари ривожланган жамиятларда ҳам авом онгида фикр эркинлиги сезиларли ўрин эгаллаши мумкин. Бошқача айтганда, ижтимоий борлиқ ўзгариши билан ижтимоий онг, тафаккур унга мос ҳолда бирданга ўзгариб қолмайди.

Янги дунёқараш дунёвий ва тараққийпарвар мазмунга эга. Дунёвийлик тафаккурнинг илмийликка таяниши орқали таъминланади. Тараққийпарварлик эса фикрий турғунликни, догматизмни, миллий маҳдудлик ва нигилизмни инкор этишдан келиб чиқади. Тараққийпарварликнинг муҳим шартларидан бири — шахснинг ўз мулоҳаза ва хулосаларига нисбатан масъулият сезиши, муайян ғояни, жумладан, ғўеки “энг замонавий” ва “фойдали” ғояларни ҳам инсон манфаатлари ва камолотига қай даражада хизмат қила олиши нуқтаи назаридан баҳолашида намоён бўлади. Масъулият етишмаган жойда тафаккур ҳеч қачон фаол ва мустақил бўлолмайди.

Ўтиш даврининг муқаррар бўлган объектив ва субъектив қийинчиликлари ижтимоий онг инерцияси билан биргаликда тафаккур эркинлигини ривожлантириш йўлида муайян тўсиқлар яратади. Катта ёшдаги аҳоли онгининг ўзига хос маргиналлиги шулар жумласидандир. Ҳозирги пайтда ана шундай маргиналлик тараққиётнинг ўзбек модели имкониятларини тўлиқ юзга чиқаришга ғов бўлмоқда. Чунки тафаккури эски даврда шаклланган кишилар онгида, бир томондан, катта ўзгаришлар юз берди. Улар коммунистик тушунча ва меъёрларнинг аксариятидан воз кечди, аҳолининг сиёсий, иқтисодий, ахлоқий, диний қарашлари, қадриятлар мезони сезиларли даражада ўзгарди. Иккинчи томондан, янги қараш ва қадриятларни тўлиқ ўзлаштириш, яъни уларни ўз эътиқоди, иш ва яшаш меъёрига айлантириш жараёни оқсамоқда. Шу тариқа шўро замонида суяга қотган одамларнинг тафаккури эндиликда тўлиқ эскича ҳам, янгича ҳам эмас — аросатда, маргинал ҳолатда. Албатта, жамият ривожлангани сари аҳолининг ушбу қатлами онгида маргиналлик хусусияти аста-секин камайиб боради. Бироқ у тўлиқ бартараф бўлмайди.

Фақат янги шароитда вояга етган авлоднинг онги маргиналликдан холи бўлади. Авлодлар алмашинуви жараёнида янги авлод вакиллари халқ ҳўжалиги, айниқса, бошқарув бўғинларида маргинал онг со-

хилларига нисбатан кўпроқ иштирок этгани сайин ўзбек модели имкониятлари янада кўпроқ юзага чиқади, жамият ҳаёти-ни демократлаштириш жараёни янада тезлашади.

Тўғри, катта авлод онгидаги маргиналлик хусусиятлари маълум даражада ёшлар онгига ҳам таъсир кўрсатади. Бу таъсир баъзи ҳолларда ниҳоятда мураккаб ва зиддиятли тус олиши мумкин. Дунёқараш ва ижтимоий баҳолашнинг аввалги тизимини йўқотган, янги тизимга кўниқолмаган айрим катта авлод вакиллари ўз фарзандларида аниқ ижтимоий мўлжалларни шакллантириш, уларни маънавий-эътиқодий тарбиялашда қийналиб қолади. Натижада, оилада зарур ҳаётий йўл-йўриқ, маслаҳат ололмаган бола дунёқараш ва эътиқод масалаларида чалғиб, сохта қадриятларга мойиллик кўрсатиши ҳеч гап эмас. Буни кейинги йилларда юз берган нохуш воқеалар, хусусан, айрим ёшларнинг диний экстремизм таъсирига тушаётгани ҳам кўрсатиб турибди.

Маргиналлик кўпинча тарбия борасида лоқайдлик ва жамият ҳаётида вужудга келган қийинчиликлар олдида эсанкираб қолиш каби ҳолатларга сабаб бўлади.

Маргинал тафаккурнинг яна бир камчилиги — унда эклектик тарзда бир-бирини инкор қилувчи тамойил ва меъёрларнинг ўзаро қоришиб кетиш эҳтимоли мавжуд. Бундай ҳолларда эклектик тафаккур эгаси гоҳ у, гоҳ бу томонга оғиб туриши, турли гаразли чақириқлар, сохта ғоялар ортидан эргашиши мумкин. Бундай кимсалардан, айниқса, сайлов кампаниялари пайтида ёки ҳокимият идораларига ноқонуний талаблар билан тазйиқ ўтказишда баъзи гаразгўй ва ташқи кучлар маккорона фойдаланишга интилади.

Тафаккур маргиналлиги жамиятни демократлаштиришга халақит берувчи субъектив омиллардан биридир. Чунки демократия фақат илғор қонулар тизимидан ва тегишли ижтимоий-сиёсий институтлардангина иборат эмас. У кенг маънода жамиятнинг эътиқоди ва ижтимоий-сиёсий турмуш тарзи ҳамдир. Демократиянинг қонуңчилик асосини тезда яратиш қийин эмас. Давлатнинг эски идоралари ва ижтимоий институтларни ислоҳ қилиб, янгитдан ташкил қилиш ҳам жуда узоқ вақт талаб этмаслиги мумкин. Жамият аъзоларининг психологияси ва тафаккурини кечаётган ислоҳотларга мутаносиб равишда ўзгартириш эса ниҳоятда қийин.

Ўзбекистонда замонавий демократик тараққиёт талаб этадиган ҳуқуқий пойдевор яратилди ва у тобора мустаҳкамланиб бораётир. Институционал ўзгаришлар ҳам жадал давом этаётир. Аммо жамиятнинг демократлашув суръатлари айрим доираларни, айниқса, чет эллардаги баъзи кучларни қониқтирмаяпти. Уларнинг назарида гўёки ҳокимият идоралари бу жараённи сунъий равишда секинлаштиришга уринмокда эмиш. Бундай қараш мутлақо нотўғри. Жойлардаги баъзи бир бюрократик тўсиқларни, хато ва камчиликларни инкор этмаган ҳолда, эътиборни бошқа бир муҳим жиҳатга, яъни юртимизда жамият онги ва тафаккури қандай ўзгариб бораётганига қаратиш лозим.

Қонуларга риоя қиладиган, ўз ҳақ ҳуқуқини юзага чиқарадиган, янги институтлар фаолиятига нисбатан ижтимоий талабни ҳосил қиладиганлар — фуқаролардир. Уларнинг онгли фаолияти охиросида амалга оширилаётган ҳар қандай ислоҳотлар, жумладан, жамиятни демократлаштириш жараёнлари самарадорлигини белгилайди. Шу боис баъзи гараб сиёсатчиларнинг Ўзбекистон ва собиқ СССР ҳудудидаги бошқа янги мустақил давлатларда бу жараён оқсаётгани ҳақидаги фикрлари ўта бирёқламадир.

Масалан, матбуот ва сўз эркинлиги масаласини олайлик. Бу соҳадаги аксарият камчиликларнинг илдизи ҳам маргиналликка бориб тақалади. Дцензура бекор қилинганига қарамадан, кўпгина журналистлар, муҳаррирлар ички тақиқ ва ҳадиксирашни жуда секин енгиб ўтаётир.

Эски қадриятлар тизимининг емирилиши айрим жамият аъзолари қарашларининг кескин ва қарама-қарши томонга ўзгаришига олиб келади. Мисол учун, атеист қутилмаганда — диндорга, коммунистик ғоя тарғиботчиси эса дафъатан бу таълимотнинг ашаддӣ танқидчисига айланиб қолади.

Маргиналликнинг шаклий зидди — эътиқодда радикал позицияга кўр-кўрона ўтишдир. Буни шартли равишда “неофит радикализи” деб аташ мумкин (неофит — ўзга эътиқодни қабул қилган киши).

Неофитнинг биринчи хос белгиси — мутаассиблик, муросани тан олмасликдир. Неофит ҳеч қачон хато қилдим, демайди. У ўзга эътиқодга ўтгунда иккиланиши мумкин. Аммо ўтиб бўлгандан кейин ўзининг ҳақ эканини тиш-тирноғи билан ҳимоя қилади. Неофитликнинг иккинчи белгиси — унинг соҳибиди янги эътиқод бўйича би-

лимларнинг етишмаслиги, мулоҳазалар саёзлиги, амалий тажрибанинг йўқлигидир. Шу сабабдан неофитлар янги раҳнамоларининг иродасига тўлиқ итоат этади, уларга ёқиш ва кўрсатаётган ҳимматларини оқлаш илинжида жонбозлик қилади, ўта “ташаббускор” бўлади, аввалги ошноларини ҳеч иккиланмасдан жазолашга тайёр туради.

Ўзини демократия ва сўз эркинлиги курашчиси деб ҳисоблайдиган айрим радикал кимсалар тафаккури аслида неофит тафаккур намунасидир. Амалда улар демократия ниқоби остида ижтимоий-сиёсий барқарорликка хавф туғдириб, ҳақиқий демократик жараёнларнинг тадрижий ривожига халақит бераётир. Матбуот ва оммавий ахборот воситаларида эса “қора пиар” деб аталмиш ҳодисаларни келтириб чиқармоқда. Собиқ СССР парчаланганидан сўнг пайдо бўлган барча мустақил давлатларда ушбу ҳолатни кузатиш мумкин.

Неофит радикализмни шартли равишда иккига бўлиш мумкин: демократия ниқоби остидаги радикализм ва дин ниқоби остидаги радикализм. Иккаласи ҳам сиёсий ҳокимиятга интилади.

Дин ниқобидаги радикализм тафаккурида мутаассиблик, тарихий тажриба ва аънчаларни билмаслик ҳамда инкор этиш, фикрий саёзлик, жаҳолат, ўз муҳолифларига нисбатан душманлик кайфияти яққол сезилибгина қолмай, минг афсуски, амалиётга ҳам кўчиб, фожиали воқеаларга ҳам сабаб бўлмоқда.

Ўзини инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси ва демократия тарафдори деб ҳисоблайдиган турли радикалларга ҳомийлик қиладиган хориждаги айрим доиралар аслида ғаразли геосиёсий мақсадларни кўзламоқда. Улар демократия ва инсон ҳуқуқларининг универсал модели йўқлиги, етук демократия меъёрларини қисқа фурсатда жорий этиб бўлмаслигини билмайди, дейиш қийин. Ҳар ҳолда, Фарбнинг Генри Киссенджер ва Збигнев Бжезинский каби атоқли сиёсатчи ва олимлари бу ҳақда ёзиб, жаҳон аҳлини огоҳлантириб келмоқда.

Сиёсий ва диний радикал ташкилотларни очиқча ёки пинҳона кўллаётган кучлар дунё жамоатчилигини бирёқлама танланган ёки сохталаштирилган ахборотлар ёрдамида атайлаб чалғитмоқда. АҚШ президенти Жорж Буш томонидан эълон қилинган демократияни олға суриш ғояси аслида жаҳондаги ёқилғи-энергетика захираларини назорат қилишни истайдиган гуруҳ-

ларнинг геосиёсий манфаатларини кўзлайди. Амалда эса бу ҳаракат неокOLONиализмнинг янгича кўринишидир. Буни АҚШнинг Яқин Шарқ, Каспий денгизи минтақаси ва Марказий Осиё мамлакатларига нисбатан юритаётган икки хил андозадаги сиёсати кўрсатиб турибди. Албатта, бу геосиёсий ўйинда, неокOLONиалистик сиёсатда АҚШнинг стратегик рақиблари — Россия ва Хитойга қарши зимдан кураш олиб бориш режаси ҳам эсдан чиқарилган эмас.

Шу боис бугунги кунда демократия ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ниқоби остида неокOLONиалистик тарғибот ва ташвиқот юритилаётганини ҳамюртларимиз яхши тушуниб олиши, хорижий оммавий ахборот воситалари орқали тарқатилаётган ҳар бир ахборотни танқидий тафаккур элагидан ўтказиб, қабул қилиши керак. Умуман, эски қадриятлар тизими янгилаётган шароитда шаклан жозибали бўлиб кўринган ширларга эҳтиёткорлик билан, танқидий ёндашиш тафаккур эркинлигига асло зид эмас, аксинча, бағоят мосдир.

Мустақиллик шароитида қадриятлар тизими, уларнинг мезонлари тубдан қайта кўриб чиқиши табиий. Бу ўринда гап фақат ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, мафкуравий баҳолар, мезон ва меъёрлар, қараш ва назариялар ҳақида бормоқда. Чунки эски тузумда уларнинг барчаси коммунистик ақидаларга мослаштирилган ёки шунга асосланган эди. Шу боис биз, миллий мустақилликни мустаҳкамлаш, халқимиз тафаккурини юксалтириш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, бутун қадриятлар тизимини қайта баҳолаёмиз. Асл маданий меросимизни тиклаб, қайта англашга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Бу жараённинг кечиши анча қийин ва қарама-қаршилиқларга бой. Чунки аввалги қадриятларни қайта баҳолашда баъзиларини идеаллаштириш, баъзиларини эса, аксинча — асосиз равишда инкор қилиш ҳоллари учраб туради. Фақат вақт — олий ҳакам — аста-секин барчасини жойига қўяди. Аммо энг хатарлиси — қадриятлар тизими қайта баҳоланиб, аввалги мафкурадан воз кечилганда, жамиятда мафкуравий бўшлиқ пайдо бўлиши мумкин. Лекин бу ҳол узоқ давом этмайди. Чунки бу бўшлиқни турли ғоялар тўлдирди бошлайди. Уларни танқидий таҳлил қилиб, тўғри баҳолай олиш учун жамият аъзоларининг ҳаммасида ҳам етарлича билим ва тажриба бўлмайди. Натижада баъзиларнинг сохта қадриятлар, бузғунчи ғоялар томон чалғиб кетиши куза-

тилади. Неофит радикализм вужудга келишининг сабабларидан бири ҳам шунда.

Тафаккур эркинлигининг асосий белгиси — инсонпарварликни, жамият ва алоҳида шахс манфаатларини бирдай акс эттиришдан иборат.

Анъанавий тафаккур асосида инсоннинг фақат жамоа бўлиб, кучларни бирлаштириб ҳаётий муаммоларни ҳал қилиш ва шу тўғрисида яшаб қолиш мумкинлигини стихияли англаши ётади. Инсоннинг тафаккур тарзи, урф-одатлар, ахлоқий ва бошқа меъёрлар яшаб қолиши ва минимал турмуш қўлайликларини таъминлаб, уларни муттасил кўпайтириш эҳтиёжига бўйсундирилади. Анъанавий тафаккур айнан шу негизда шаклланади ва жуда секин такомиллашади. Жамиятнинг яхши ривожланмагани, ишлаб чиқариш, ижтимоий инфратузилмалар, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот тизимининг ночорлиги каби нохуш ҳолатлар умумий манфаатларни алоҳида шахс манфаатларидан устун қўйишни тақозо этади.

Анъанавий тафаккурдан фарқли ўларок, эркин тафаккур нафақат жамият, балки алоҳида инсон эҳтиёжларини ҳам ҳисобга олади. Демак, тафаккур эркинлиги замирида жамият ва шахс манфаатларининг уйғунлашуви, мутаносиблиги ва мувозанати мужассам бўлади.

Жамият ва шахс манфаатлари уйғунлиги тамойили, фуқаро ҳуқуқларининг давлат ҳуқуқидан устунлиги, инсон шахсий ҳаётининг дахлсизлигини ҳимоя қилиш, унга эркин танлаш имкониятларини яратиш, ўзгача фикрга ҳурмат, қарашлар ранг-баранглиги, бошқарувда демократизм тафаккур эркинлигини вужудга келтирувчи ва таъминловчи омиллардир. Бу тамойил ва меъёрлар инсон онгида акс этиб, эркин тафаккурнинг ички белгиларини шакллантиради. Инсон шахси, унинг манфаатлари асосий мезонга айланиши жамиятда гуманизм руҳини кучайтирибгина қолмасдан, тафаккурнинг ўзига ҳам инсонийлик ва эркинлик бағишлайди.

Эркин тафаккурнинг яна бир муҳим хусусияти — унинг танқидий ва ижодий руҳидир. Эркин тафаккур ҳар қандай фикрни кўр-кўрона қабул қилмайди. Уни аввало таҳлил элагидан ўтказиш, маъқул келмаса, инкор этади. Ҳар қандай фикрнинг заиф ва бўш, унинг назарида хато ёки бирёқлама бўлиб кўринган жиҳатларини танқид қилади. Ўзга фикрни шунчаки маъқуллаш ёки танқид қилиш билан чекланиб қолмай,

уни ривожлантириш, ўзини қизиқтирадиган ҳодисалар билан боғлашга ҳаракат қилади. Унинг фаоллиги ва мустақиллиги айнан шунда намоён бўлади.

Албатта, тафаккур эркинлигига хизмат қилувчи омиллар орасида холислик, илмийлик (назарий тафаккур учун кўпроқ хос), масалага ҳар томонлама ёндашув, тизимлилик каби асосий талаблар муҳим ўрин тутади. Масалага бирёқлама ёки ноҳолис ёндашиш тафаккурни хато хулосаларга олиб келади, уни ўзга фикр ёки догматик андозага тобе қилиб қўяди. Илмий далилларни инкор этиш, ҳисобга олмаслик ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Формализм нуқтаи назаридан ёндашув кўп ҳолларда мураккаб, зиддиятли ҳодисаларни юзакни тушуниш, пировардида хато қилишга сабаб бўлади.

Холислик ва илмийликка интилиш, масалага ҳар томонлама тизимли ёндашиш, танқидий ва ижодий руҳ тафаккурда тарихийлик билан замонавийлик ўртасидаги уйғунлик ҳамда мувозанатни таъминлайди. Агар тарихийлик ва замонавийлик ҳисобга олинмаса, тафаккур яна бирёқлама бўлиши ҳеч гап эмас. Масалан, айрим анахроник турмуш қоида ва меъёрларининг мутлақлаштирилиши, уларни тиклашга беҳуда уринишлар хавфли оқибатларга олиб келиши мумкин.

Диний экстремистик оқимлар таъсирига тушган айрим кишилар тафаккури ва хатти-ҳаракатларида бугун биз шундай уринишларни кузатмоқдамиз. Ёки, аксинча, замонавий тараққиёт талабларини бирёқлама тушуниш мумтоз қадриятларни муайян даражада инкор қилишга, маданий меросга нисбатан ниғилизмга йўл очади, миллатнинг теран тарихий илдизлари билан алоқани заифлаштиради. Биринчи ҳолатда диний экстремизм ёки миллий маҳдудлик ғояларига нисбатан мафкуравий иммунитет етарли даражада бўлмайди. Иккинчи ҳолатда эса космополитик, сохта демократия ғояларини тарғиб этадиган, аслида ғаразли геосиёсий мақсадларни кўзлайдиган мафкурага нисбатан зарур иммунитет вужудга келмайди.

Шу боис тафаккурда тарихийлик ва замонавийлик тамойилларини мутаносиб ривожлантириш талаб этилади. Бунинг учун, бир томондан, мумтоз миллий қадриятлар ва маданий меросга, иккинчи томондан эса инсон ҳуқуқлари, демократия каби замонавий ютуқлар ҳамда тараққиёт мезонларига (глобаллашув ва интеграцияга) холис,

илмий муносабатни шакллантиришга жиддий эътибор қаратиш зарурати сезилади.

Эркин тафаккур кенг маънода оламни, тор маънода эса конкрет вазиятни адекват, яъни аслига мос тарзда холис акс эттиради. Адекватлик — эркин тафаккурнинг муҳим белги ва мезонларидан бири. Тафаккур ўзи таҳлил этаётган объектга, у турғун ёки динамик моддий (материал) ёки маънавий (идеал) ҳодиса бўладими, онг, руҳ бўладими — қатъи назар, холис ва мос ёндашиши, бу борада илмий усулларга таяниши лозим. Масалан, иқтисодиётни биологик, психологик ёки мафкуравий тушунчалар асосида тўғри талкин қилиб бўлмайди. Бошқа соҳага оид тушунча ва усуллардан маълум даражада фойдаланиш мумкин, аммо иқтисодиёт аввало иқтисодиёт илми тушунча ва қонуниятлари орқали таҳлил этилиши керак. Худди шунингдек, руҳиятни ҳам иқтисодиёт ёки математика илми ёрдамида тушунириб бўлмайди.

Лекин адекватлик фақат шулар билан чекланмайди. Тафаккур нарса ва ҳодисаларни адекват акс эттириши учун теран рационализм ва диалектикага асосланиши, барча чигаллик ва қарама-қаршиликларни, ўзгарувчанликни ҳисобга олишда қайишқоқ бўлиши, аммо эклектик бўлмаслиги лозим. Тафаккур адекватликка интилиш жараёнида метафизик усуллардан тўлиқ воз кечмайди, зарур ҳолларда улардан ҳамда релятив ва синергетик тамойиллардан фойдаланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, эркин тафаккур рационализмга асосланса-да, иррационализм ва трансцендентликни кўр-кўрона рад қилмайди, улардан ҳам вазиятга қараб фойдаланиши мумкин.

Ҳаётда, айниқса, инсоннинг ижодий фаолиятида тушунириб бўлмайдиган ҳодисалар талайгина. Масалан, ошиқнинг мажнунлиги ёки истеъдоднинг кашф этиш қудрати, ноёб иқтидор соҳибларининг ғайриоддий қобилиятларини кўриб, кузатиб, улардан ҳайратланиб юрамиз. Аммо уларнинг асл моҳияти бизга сирлигича қолади, тўлиқ очилмайди. Инсон ақли уларни охиригача қамраб олиш, таҳлил этиб, тушунириб беришга ожиз. Бундай ҳодисалар трансцендент ҳодисалар дейилади. Энг қизиғи, тафаккур ва ақлнинг ўзи ҳам трансцендент ҳодисадир. Ақл ўзини ўзи тўлиқ қамраб ололмайди, бинобарин, тўлиқ тушунириб беролмайди.

Ақл — ақлдан ташқаридаги ҳодисадир!

Ақл доирасига сиғмайдиган ҳодисаларга дуч келганда, тафаккур боши берк кўча-

га кириб қолади. Ундан чиқиш учун турлича йўл тутиши мумкин. Айрим кишилар тушуниришга ожиз ҳодисанинг ўзини, гўёки у мавжуд эмасдек, рад этади. Айримлар фантастик ёки мистик уйдирмалар тўқий бошлайди. Фақат теран тафаккур соҳиблари аънавий бўлмаган мантиқ ёки мистик рационализм, интуиция ва ички майл ёрдамида зиддиятни бартараф этади. Бу — трансцендентликнинг тафаккурда намоён бўлиши. “Трансцендентлаштириш, илмий рационализм сингари, муайян ва аниқ билим бермаса-да илгашга қодир” деган фикрга кўшилиш лозим (П.Алексеев, А.Панин. *Философия. Москва, 1997, стр. 66-67*).

Трансцендентлаштириш, айниқса, буюк валий зотлар ижодида кўп учрайди. Улар баъзи мураккаб ҳодисаларни нафақат ақл кўзи, балки қалб кўзи билан ҳам кўра олган.

Эркин тафаккур фақат соф рационализмга асосланиши мумкин эмас. У оқилона тарзда трансцендентликни ҳам ҳисобга олиши, ақл ва кўнглини мувозанатга келтириши лозим. Бунинг учун ақлий тарбия, фан асосларини ўрганиш ҳиссий тарбия билан қўшиб олиб борилиши керак. Одамда инсоний туйғулар (ҳамдардлик, хайрихоҳлик, диёнат, бурч, ватанпарварлик, адолат ҳислари, гўзалликка ошуфталик, нозик дид, завқ-шавқ каби юсак сезгилар) етарлича шаклланмаса, нечоғлиқ билимли бўлмасин, унинг ҳаётга, одамларга муносабати биртомонлама бўлиб қолаверади.

Азалдан баъзи мулоҳазаларда ақл ва кўнглини бир-биридан ажратиш, ҳатто қарама-қарши қўйиш ҳоллари учрайди. Кўнглига қараб яшаш керакми ё ақлга, деган мавзуда баҳслар ҳам бўлиб туради. Ҳақиқатан, инсон онгининг икки даражаси — ҳиссиёт ва ақл — диалектик бирлики ташкил этади. Кўнгли эса, олий ва теран ҳиссиёт сифатида ақлга таянади. Шу боис тафаккур эркин ва самарали бўлиши учун ақл ва кўнгли мувозанати зарур.

Ўзбекистонда янги жамият барпо этиш, баркамол авлодни тарбиялаш жараёнида ижтимоий онгда, миллий тафаккурда жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Энг аввало, халқимиз инсон тафаккури ва иродасини чеклаб қўядиган ижтимоий кўркувдан халос бўлди, унинг иллатларини бартараф этмоқда.

Лекин тафаккур эркинлигини ривожлантириш, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини тўлароқ юзага чиқариш учун ички ва ташқи таҳдидлардан огоҳ бўлиб, ижтимоий кўркувни тугдирадиган ёки озиқланти-

радиган ҳар қандай омилларга қарши фаол курашиш, демократия ва фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлаш зарур. Ислохотлар самараси ошгани сайин аҳолида эртанги кунга ва ўзига ишонч ортиб бориши муқаррар. Айнан келажакка ва ўзига бўлган ишонч турли номуқаммаллик туйғуларидан халос бўлишга ёрдам беради. Бунда “Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз” деган ғояни ёшлар онгига сингдириш, соғлом миллий гурурни шакллантириш жуда муҳим.

Бозор муносабатлари ва эркин рақобатнинг ривожланиш жараёнида тафаккур тарзи рационаллашиб боради. Чунки тадбиркор ишлаб чиқаришни тўлиқ, батафсил калькуляция этиш, харажатлар ва даромадларни аниқ ҳисоб қилишга мажбур бўлади. Ҳар бир оила, рўзгор ҳам харажат ва даромадларни аниқ ҳисоблашга ўрганади. Булар тафаккур рационаллашувининг моддий-иқтисодий омилларидир.

Ишлаб чиқаришни оқилона ташкил этиш, унга замонавий технологик янгиликларни муттасил жорий қилиш, бозор талаблари ва конъюктурасини таҳлил этиб, энг қулай қарорлар қабул қилиш оддий ишчи ва корхона раҳбарларидан тортиб то жамият институтларигача рационал фаолият юритиш заруратини юзага келтиради. Қолаверса, рационал фикрлаш ва оқилона фаолият юритишга интилиш бозор рақобатига, турмуш талабларига яхшироқ мослашиш имкониятини беради.

Аммо бозор шароитида эркин рақобат одамларнинг ўзаро бегоналашувига, юлғичлик ва бойиш ҳирси авж олишига сабаб бўлмаслиги учун, тарбия тизими янги воқеликка мослаштирилиши зарур. Юлғичлик аслида кенг омма, жумладан, аксарият тадбиркорлар учун ҳам хос эмас. Аммо ўтиш даври зиддиятлари хусусий тадбиркорликнинг шаклланиш ва оёққа туриб олиш жараёнида илк, ёввойи капитализмга хос айрим иллатларнинг пайдо бўлишига маълум даражада замин яратади. Хусусий бизнес оёққа туришининг зиддиятли жараёни ва ўтиш даври қийинчиликлари аҳолининг онгини, тафаккурини бузиб юбормаслиги учун зарур чоралар кўриш талаб этилади.

Одамларни фақат ҳалол меҳнат ҳамда ўз шериклари, давлат ва қонунлар билан тўғри муносабатда бўлиш бозор иқтисодиёти шароитида ишнинг ривожини учун муҳим шарт ва омил эканига ишонтириш керак.

Тафаккурнинг рационаллашуви унинг

фаол ва мустақил (эркинликнинг асосий шартларидан бири) бўлишига йўл очади. Ижтимоий ҳаётнинг либераллашуви, демократия ва фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлаш ҳам, бир томондан, жамият институтлари ва аъзоларининг эркинлик даражасини оширса, иккинчи томондан, иши, хатти-ҳаракатлари, қарорлари учун масъулиятни кучайтиради. Бу яна тафаккур фаол ва мустақил бўлиши, ҳаётини муаммоларни тўғри таҳлил қилиб, тўғри хулосаларга келишнинг ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий заминини кенгайтиради.

Демократия ва фуқаролик жамияти, шунингдек, тафаккур эркинлигига тўсқинлик қилувчи ижтимоий кўрқув, миллий номуқаммаллик туйғуси қолдиқларини тўлиқ бартараф этишга шароит яратади. Демак, демократияни ривожлантириш, фуқаролик жамиятини қарор топтириш тафаккур эркинлигини таъминлашнинг ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий шартларидандир. Демократия ривожланмаган жойда тафаккур масъулиятдан, мустақилликдан кўркиб, обрўли фикрга тобе бўлиб қолаверади.

Демократия ва фуқаролик жамиятининг нечоғлиқ ривожлангани охирик-оқибатда тафаккур эркинлиги даражасини белгилайди. Тафаккур эркинлигини шакллантирувчи, юзага чиқарувчи омиллар орасида маънавий-маданий омилларни алоҳида ажратиб кўрсатиш керак. Таълим-тарбия тизими, ёш авлодни ўқитиш, унга зарур замонавий билимларни бериш, унда юксак ахлоқий ва эстетик фазилатларни, соғлом миллий гурур ва ватанпарварлиқни шакллантириш, фикрлаш маданиятини ўстириш жамият тараққиётининг ҳам, тафаккур ривожининг ҳам асосий шарти ва воситасидир. Шу боис юртимизда таълим-тарбия тизими Ўзбекистоннинг ёруғ келажagini барпо этиш учун жаҳон ҳамжамиятига интеграция бўлиш, етук шахсни тарбиялашнинг барча масалаларини тўлиқ ҳисобга олиш заруратга айланмоқда. У эклектика ва догматизмдан ҳам, миллий нигилизм ва маҳдудликдан ҳам бирдай холи бўлмоғи шарт.

Аён бўладики, тафаккур эркинлиги, ижтимоий мазмунига кўра, гуманизм, демократизм ва тараққийпарварлик тамойилларига таянади. Воқеликка муносабатига кўра, у адекватликка, рационализмга, холисликка интилади, масалага ҳар томонлама ёндашиб, таҳлил ва умумлаштиришнинг илмий усулларида фойдаланади.

GLOBALLASHUV VA MILLIY MADANIYAT

“Глобаллашув” атамаси дастлаб америкалик олим Т.Левиттнинг 1983 йили “Гарвард бизнес ревью” журналида чоп этилган мақоласида тилга олинган. “Муаллиф йирик трансмиллий корпорациялар ишлаб чиқарадиган турли-туман махсулот бозорларининг бирлашув жараёнини шундай деб атаган эди”, деб ёзади социолог Баходир Зокир (“Тафаккур”, 2004 йил, 1-сон, 27-бет).

Глобализм — миллий ҳаётга таҳдид демакдир. Аммо бу ҳукмни қабул қилиш, ҳеч бўлмаганда бунга хайрихоҳ бўлиш ҳам бир қадар оғир. Сабаби, биз — XXI аср одамлари глобаллашув чуқурлашиб, кенг қулоч отиб бораётган бир даврда яшаяпмиз. Таъбир жоиз бўлса, глобализм тошқин бир дарёга ўхшайди. Дарёни баҳор суви тоширгани каби, инсоният тафаккурининг ҳар жиҳатдан такомилга эришиб бораётгани, фан-техниканинг мислсиз тараққиёти, пировардида, дунёни бир қадам қилиб қўйди. Бугун мағрибу машриқнинг ораси бир нафаслик йўл. Уммонлар, сахро ва музликлар ўртасида ҳеч бир ҳад қолмагандай гўё. Балким дунёнинг яхлитлашгани, бир бутунлик касб этгани яхшидир. Хаёл, хаёл... Абдулҳамид Чўлпон ёзганидай “Хаёл, хаёл, ёлғиз хаёл гўзалдир. Ҳақиқатнинг кўзларидан кўрқаман”. Эҳтимол, шоир Ҳақиқат деганда бутунлай бошқа маънони назарда тутгандир. Аммо...

Маданият — аслида нисбий тушунча. Дейлик, дашт ҳавосида яйраб ўсган, ўзи ҳам, кўнгли ҳам дашт каби кенг бир йигитнинг тўпорилиги шаҳарлик силлиқ ўспиринга маданиятсизлик бўлиб туюлиши мумкин. Шу маънода, маданият тушунчасининг шаклланишида кишини ўраб турган муҳит, яшаш шароити, муносабатлар тизими ҳам алоҳида ўрин тутади десак, хато бўлмас.

Бугун миллий маданият борасида баҳс юритаётган, мақола, эшиттириш, кўрсатув тайёрлаётган айрим ҳамкасбларимиз масалани жуда жўн англаётгани маълум бўлиб қолмоқда. Узоққа бормайлик, “Бойсун баҳори” фольклор фестивали баҳонасида юртимизга айнан ўзбек миллий маданиятига қизиқувчи кўплаб хорижий мутахассислар, сайёҳлар, журналистлар ташриф буюрди. (Мавриди келди, айтмасак бўлмас: Мазкур халқаро фестивалнинг нуфузини сақлаш мақсадида уни икки-уч йилда бир марта ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлармиди...) Очиги, меҳмонларни фақат фестивал эмас, катта маданиятга туртки бўлган, унга илҳом берган “чашма” — халқнинг бой миллий мероси, турмуш тарзи, урф-одатлари ва бугунги ҳаёти кўпроқ қизиқтирди. Афсуски, журналистларимиз улардан ортиқ билмас экан. Бу бебаҳо қадриятларнинг туб моҳиятини, фалсафаси ва гоёсини ўзимиз етарли англамас эканмиз. Алалоқибат, меҳмонларнинг фестивал тарғиботидан кўнгиллари тўлмагани маълум бўлди.

Маданиятлар, урф-одатлар, дунёқарашлар қоришган бир бутун яхлитлик — глобализм бизнинг миллий турмушимизга, ахлоқ тутумларимизга нечоғлиқ мос? Глобализм шароитида миллий характер муаммоси қандай бўлади? Саволлар жуда кўп. Хаётимизга жуда сингари сезилмасдан сингиб бораётган ГЛОБАЛИЗМ эртага қай асралмишларимиздан бизни мосуво қилади. Биз глобализм аравасида қандай қўшиқ айта-миз?! Кузатаётгандирсиз, сўнги уч-тўрт йил ичида “Валентин куни”ни нишонлаш ёшлар орасида қандайдир “мода” тусини олмоқда. Бу, ўз навбатида, глобализмни сунъий тезлаштиришга ҳаракат қилаётган ва шундан манфаат топаётганлар учун жуда қўл келмоқда. Таассуфлар бўлсинки, бу кунда пойтахтдаги аксарият кўнгилочар жойлар ва дам олиш масканлари “ошиқлар”ни байрам дастурхонига (текинга эмас албатта!) таклиф этади: хусусий радиостанциялар алмойи-алжойи номалар ўқиб эшиттиришдан чарчамайди... Ҳолбуки, 14 февраль — темурий ҳукмдор, шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун! Бу борада зиёлиларимизнинг куюнчаклик билан билдираётган фикр ва мулоҳазалари қумга сингган сувдай беиз кетмоқда. Бир фикр хаёлда бот-бот тақрорланаверади: истиқлол даври ёшлари мутлақо бошқа заминда вояга етаётгани йўқ-ку?! Табиийки, мухит, оила, жамиятдаги турли муносабатлар, одамларнинг аҳвол-руҳияси ёш авлодга ўз муҳрини босади. Зеро, тадрижий тараққиётдан, ўтмиш ва бугундан ажратиб олинадиган авлод йўқ. Истиқлол фарзандлари бўлган ёшларнинг дунёқарашини, онгу тафаккури, ҳаётга бўлган муносабати янгича. Лекин ана шу “янги” дунёқарашнинг асоси, хусусиятлари нималардан иборат, деган саволга ҳам жавоб топишимиз керакка ўхшайди. Маданий глобализм тармоқ отиб, кенг миқёсда ривожланиб бораётгани боис унинг мураккаб жиҳатлари бугунги авлод зиммасига катта-катта вазифалар юкламоқдаки, гап ана шу масъулият қаршисида довдираб қолмасликда.

Профессор Бегали Қосимовнинг “Миллий уйғониш” асарида келтирилишича, бундан роппа-роса бир юз йигирма йил муқаддам улуг маърифатпарвар Исмоил Ғаспирали “Оврупо бир кекса чолдир, тажрибаси кўпдир. Улуг ёшига хурматимиз бор. Тажрибасидан ўрганамиз. Лекин хатоларини тақрорламаймиз... Оврупода нимани кўрсак, ёш боладек олиб югурмаймиз. Эслихушли инсонлардек “Бу нимадир? Оқибати нима бўлади? Виждон ва ҳаққониятга уйғунми?” дея ақл тарозисига тортиб оламиз”, деб таъкидлаган экан (“Миллий уйғониш”. Т., “Маънавият”, 2002, 33-бет).

Бу даъват замондошимиз томонидан айтилаётгандек долзарб эмасми?

Бундан олти йил муқаддам Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси маданият ишлари бўйича атташеси жаноб Кенжи Ашида билан “Юзма-юз”



кўрсатувида мулоқот қилганимда, (суҳбат бевосита ўзбек-япон халқлари маданиятидаги уйғун жиҳатлар хусусида бўлган эди) суҳбатдошим ачиниш билан Япониянинг марказий шаҳарлари, хусусан Токиода ўзаро кўни-кўшничилик муносабатлари йўқолиб бораётгани, япон ёшларида миллий анъана ва қадриятларга нисбатан беҳурматлик кўринаётганини айтиб, сизларда ҳам шундайин бир ҳолатни кузатяпман, деган эди.

Бизнинг томонларда ҳалиям аёл киши бойидан, яъни хўжайинидан икки қадам орқада юради. Бу — ҳурмат белгиси, эркакнинг бир поғона баланд туришига ишора. Худди шундай одат японларда ҳам бор экан (япон аёли ҳар қанча баланд рутбага эришмасин, эрининг ҳатто соясини ҳам босиб ўтмаслигини биламиз). Суҳбатдошимиз буни завқ-шавққа тўлиб гапирган эди. Шарқона муштараклик дегани балки шундадир!

Яшириб нима қилдик — табиатимизда тақлидчилик, кўр-кўрона итоат борда! Фикр қилинг, икки томлик “Ўзбек халқ мақоллари”ни ўқиган хоҳ хорижлик бўлсин, хоҳ ўзимизнинг ватандошимиз — шак-шубҳа йўқки, ўзбек феъли, ўзбек менталитетини қайта кашф этади. Биргина мисол: “Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ”. Ўзбек билмай гапирмайди. Бу мақол ўзбекнинг ўз-ўзига маломати, ўзига хос халқона мафқураси. Бугун биз у ёки бу даражада муҳокамага чоғланганимиз — глобаллашув, энг аввало, миллий мафқурани қаттиқ синовдан ўтказди, сўнг уни обдан чиниқтириб, тоблайтиди. Бордию мафқуравий иммунитет сусайиб заифлашса, миллий ғоя глобаллашув жараёнининг қурбонига айланади. Бутун дунёда маънавият таназзули авж олган бир шароитда жамиятда ахлоқий муносабатларни сақлаб қолиш, зарур бўлса, ихоталаш лозим. Халқнинг минг-минг йиллар давомида шаклланган муқаддас ахлоқ тамойиллари глобаллашув бўронида ассимиляцияга тушиб кетса, бундан ортиқ фожиа бўлмайди.

Мустақилликнинг илк йиллари матбуотимизда, телевидение ва радиода миллий анъана ва қадриятларни тиклаш, маънавий ва маданий меросни ўрганиш, тарғиб этиш борасида шу қадар кўп ёзилдики, охир-оқибат, шу мавзуда гап кетса, одамларнинг энсаси қотадиган бўлди. Биз энг азиз, нозик ва сирли мавзуларни ҳам сийқалаштириб, кўпчиликнинг ихлосини қайтардик. Меъёр бузилди, аниқроғи, уни ўзимиз буздик! Истиқлол матбуотининг дастлабки беш йилида юқоридаги манзара устувор бўлди. Кейин эса... воқелик тамомила бошқа ўзанга кўчди. Оврупоча маданиятга тақлид авж олди: маданий-маиший ҳаётимиз “мини” шаклга ўтди. Надежда Кашинанинг “Ф.М.Достоевский эстетикаси” асарига ёзилишича, адиб учун рус адабиётидаги номатлуб асарлардан бири Тургеневнинг “Тутун” романи бўлган экан. Достоевский мазкур асарда фарбпарастлик ғояларининг ҳаддан ташқари очиқ тарзда ифодаланганини қоралайди. Тургеневни рус воқелигини англамасликда айблайтиди. “Одамлар нима ҳақда ўйлаяпти? Уларнинг юз-кўзларида қандай ҳақиқатлар зоҳир? Губарёв ким? Ҳаммаси тўқиб чиқарилган”, дейди адиб. Италияда “Телба” романи устида ишлайётган Достоевский “Россиясиз ҳеч нарса ёзолмайман. Ишлашим учун менга Россия керак. Сувдан чиқиб қол-

Истиқлол фарзандлари бўлган ёшларнинг дунёқараши, онгу тафаккури, ҳаётга бўлган муносабати янги. Лекин ана шу “янги” дунёқарашнинг асоси, хусусиятлари нималардан иборат, деган саволга ҳам жавоб топишимиз керакка ўхшайди.

ган балиққа ўхшайман”, деб ёзган эди (Н.В.Кашина. Эстетика Ф.М.Достоевского. М., “Высшая школа”, 1989, стр. 30-31).

Бугунги кун воқелигини билиш нуқтаи назаридан қаралганда, бизда ҳам худди шундай тақриз-тадқиқотларга эҳтиёж ниҳоятда катта. Чунки ҳар қандай “парастлик” ўзликни емиради, одамнинг ўзи билан қолишига, ўзини англашига салбий таъсир этади. Шу маънода, Президентимизнинг “Тафаккур” журнали бош муҳаррири саволларига берган жавобидеги “Баъзан беозор бўлиб туюлган мусиқа, оддийгина мультфильм ёки реклама лавҳаси орқали ҳам маълум бир мафкуравий мақсадлар ва интилишлар ифодаланади” деган гапи ниҳоятда ўринли.

Тан олайлик, миллий ғоя тарғибига бағишланган йиғилишларимиз расмиятчиликдан нарига ўтмаяпти. Мазкур йиғилишларга таклиф этилаётганлар қай даражададир маънавиятга, мафкурага алоқадор одамлар. Уларнинг бирига фалсафа сўқиб ўтиргани маъқулми ёки мафкурамизнинг моҳиятини, унинг инжа-нозик қирраларини оддий одамларга содда, жайдари тилда тушунтирганими? Маънавиятга мутасадди одамлар қачонгача қуруқ сўзбозлик билан машғул бўлади?

Шу ўринда журналистик фаолиятимда кузатган ва кўп бор гувоҳ бўлган бир ҳолатни айтмоқчи эдим: матбуотда, телевидение ва радиодаги чиқишларни кўрган, эшитган ёхуд ўқиган одам “нима демоқчи?” деган бир савол билан кузатиб туради. Бу азбаройи ўша “зиёли”нинг тилига тушунмаганидандир. Халқнинг ўз зиёллари тилини тушунмаслиги ниҳоятда ачинарли ҳол. Очигини айтадиган бўлсак, халқ билан зиёллар ўртасида узилиш бор. Халқ ўз тирикчилик ташвиши билан банд, зиёлларимиз ўз хаёлларига ғарқ. Шиддаткор замонда бу каби бегоналик жуда катта йўқотишларга олиб келиши турган гап. Масаланинг яна бир нозик жиҳати — зиёлларимизнинг ўзида ички бирлик йўқ. Шу сабаб бўлса керак, матбуотда аҳён-аҳёнда учраб турадиган жиддий чиқишларга ҳам деярли муносабат билдирилмайди.

Бегона мафкуралар, маданиятлар таъсирига берилмасдан, ўзимизни ўрганайлик. Миллат бўлиш йўлларини, камолот пиллапояларини излайлик, тадқиқ этайлик. Ўзимизга, аҳвол-руҳиямизга синчиклаб разм солайлик: маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик бизни тараққиётдан четда ушлаб турадиган тушовлигини инкор эта оламизми?! Ўсиб келаётган ёш авлоддан умид катта. Ўзи инсон табиати шундай — фарзандидан ниманидир умид қилади, кутади. Аммо фарзанд қандай муҳитда тарбия топаётганини кўп ҳолларда унутиб ҳам қўяди. Муҳитнинг кучини, таъсирини хаёлдан фаромуш қилишга ҳаққимиз йўқ. Сабаби, глобаллашув жараёнини сунъий тарзда тезлаштираётган баъзи кучлар ҳам айнан муҳит омилидан фойдаланишга ҳаракат қилади. Демак, соғлом муҳитгина бизнинг саъй-ҳаракатларимизга самара бахш этади.

“Оврупо бир кекса чолдир, тажрибаси кўпдир. Улуғ ёшига ҳурматимиз бор. Тажрибасидан ўрганамиз. Лекин хатоларини такрорламаймиз... Оврупода нимани кўрсак, ёш боладек олиб югурмаймиз. Эсли-хушли инсонлардек “Бу нимадир? Оқибати нима бўлади? Виждон ва ҳаққониятга уйғунми?” дея ақл тарозисига тортиб оламиз”.

Мухаммад РАҲМОН

*Миждати бу,
азалнинг куйи?..*

ЁМҒИР МУШОИРАСИ

*Осмон соғда, осмон тенг кўрар
Оқилнишю ақли қосирни:
Ҳалқобларга "чучвара" тугар
Ёмғирлари Усмон Носирнинг.*

*Фикрларин тилкалаб оқар,
Шоиридан сўрар шарҳини.
Ҳам қувонч, ҳам дардига ёғар
Ёмғирлари Рауф Парфининг.*

*Ялтирайди нурда оқариб,
Таралгандай чилтор қиллари.
Бу, шубҳасиз, Абдулла Ориф...
Ориповнинг шаън сатрлари!*

*Қайси номда,
Қайси мақомда
Сўроқлайди нимани, кимни, —
Юриб чиқар тонггача томда
Ёмғирлари Абдулҳакимнинг¹.*

*Ишқ йўлида саргардон-сарсон,
Жондан кечмак саодат бўлди.*

¹ Шоир Матназар Абдулҳаким назарда тутилмоқда.

Ёмғирингиз, Муҳаммад Раҳмон,
Соғибондан йиқилиб ўлди.

Парвардигор, таважжуҳинг бор
Ҳар амал, ҳар чизгиларингга.
Шоир уни такрор ва такрор
Ўтказар онг, сезгиларидан.

Тўқсон тўққиз сифатинг, тарзинг,
Тўқсон тўққиз исмингга қасам:
Барҳақ маъбуд, холиқсан ўзинг,
Ар-Раҳимсан, Раҳмон бокарам!

Мана, ёмғир баҳона бўлиб,
Қанча-қанча сатрлар тиздим.
Фақат кўнглим тўлмади тўлиб,
Улуғдирсан сўздан-га, сездим.

Ҳасратлашар боғ билан ёмғир,
Қуюқлашар шивир-шивирлар...
Ошиқмикан, савдойи шоир —
Ҳув йўлакда кимдир ғивирлар.

Изҳор истар, тавалло истар
Балки ундан юрак сагоси.
Балки шундан юргандир музтар
Битта сўзнинг бўлиб агоси.

Бўлмасин у бошқалардан кам,
Иймон қадар тийрак кўзни бер.
Савлат берма сен унга, эгам,
Давлат берма — ўша сўзни бер!

Сабр бергин, илҳом, илойим,
Руҳ парвози, дил рози билан.
Давраларда бор бўлсин доим
Ўз ёмғири — овози билан!



УМАРШАЙХ МИРЗО

Жардан учган Умаршайх Мирзо,
Хуркишган ким каптарингизни?
Ёш Бобурга очмай кетдингиз
Дардингиз, дил дафтарингизни.

Жардан учган Умаршайх Мирзо,
Дасти дароз инсоннинг гарчи,
Бир қарасанг у — арши аъло,
Бир қарасанг — ердир, чилпарчин.

Жардан учган Умаршайх Мирзо,
Дўст-ку бисёр, ғаюр ҳам, мараз...
Қилмасайди бизларни адо
Охир бир кун майда гап, ғараз.

Жардан учган Умаршайх Мирзо,
Чарх оғуси озиғимизда...
Сайёғмиз-у... сайғлармиз, илло,
Қон йиғлаш бор ёзиғимизда!

Жардан учган Умаршайх Мирзо,
Қисмат амри, эҳтимол, вожиб...
Қанотлари бўлса ҳам ҳатто,
Қуш ҳам ундан кетолмас қочиб!

...Жардан учган Умаршайх Мирзо,
Муждами бу, азалнинг куйи?
Деразамнинг раҳига қўниб
Сайраяпти бир қуш кун бўйи...

Каптар, каптар, нола қил, эзил,
Фалакларда чарх ур сарсари.
Мен биламан — нимага қизил
Кўз жиягинг, кўзинг гавҳари!..

★ ★ ★

Сен ҳам элайсанми гоҳ қолиб холи,
Қўмсайсанми кўнгил кўчаларини...
Мунаввар айлади ойдин хаёлинг
Савдоли бу умрим кечаларини!

Сен ҳам элайсанми ёшлигингни — шаън
Ранги, ифорини — нечук эди ул?
Мени маст қилади қирқ йил наридан
Китобинг қатига қистирилган гул...

Обу оташидан дунёни ўтдинг,
Бекарам, бир кам деб қарғарсан ёмон...
Севги-чи, илк сеvgи... наҳот, унутдинг,
Мен эса соғиниб яшайман ҳамон.

Номалар битардим сенга бир талай,
Қоғозга ишониб сирларнинг сирин.
Хатжилдни ёпардим ширачин ялаб —
Хатжилдлар ўзингдек, сўзингдек ширин!

Тонмайман бўғзимга ботса ҳам тиши,
Эслаб хўрсингулик ёзим, қишим бор.
Йўқдир дунёсининг мен билан иши,
Менинг бу дунёда йўқлар кишим бор!

Сен ҳам элайсанми...

НИЛУФАРНИНГ ҲАСРАТИ

Бақалар ёнимда...
Ой, юлдуз — олис,
Ким учун очилдим, ким деб сўламан?
Бўғзимда лопиллаб турибди ҳовуз —
Ўлсам, кўзёшимга чўкиб ўламан!



ОДДИЙЛИК

Дунё кездим...
Лондону Римни,
Истанбулу Париж, Қиримни.
О, доврўқли шаҳарлар бари
Тошкент каби гўзал кўринди.

Ҳамма жойда ўхшашлик бисёр:
Қушлар — қушдир, мушуклар — мушук.
Денгиз тунни айлайди ҳушёр —
Тўлқинлари куйлайди қўшиқ.

Тонг ҳам ўхшаш. Ёмғир бу — ёмғир,
Ва шунчаки ҳаёт талқини.
Ҳаммамизга улашади нур
Юлдузларнинг мангу ёлқини.

Шамол — шамол!
Булут — булут-да!
Ҳар не мавжуд собит очунда —
Ўхшар, бироқ айтинг, қай юртда
Ким кўрибди қуёшни тунда?..

*Ҳамма нарса аниқ ва аён,
Лек таажжуб тортади олам —
Дунё пайдо бўлгандан буён
Нега одам бўлолмас одам?!*

ЎТТИЗ ЕТТИНЧИ ЙИЛ. ШОИР

*Кўзим кўр,
Қулогим кар.
Кўрмадим. Эшитмадим.
Юрак жим. Қилма абгор,
Десам ҳам иш битмади.*

*Яшаб бўлар забонсиз,
Тилни суғуриб отдим.
Қанча сукут сақласам,
Юрак, исёнинг ортди.*

*Кўксимда турар қўлим,
Қамчи ейди курагим.
Кўзимга ёш келмади,
Йиғлайверди юрагим.*

*Ҳаёт кўзга илмасди,
Яшардим ярим-ёрти...
Сени ҳеч ким билмасди,
Афсус,
Юрагим сотди.*

ЮПАНЧ

*Чўзган қўлинг толди. Бемажол.
Тош ҳам отма. Тинч қўй юлдузни.
Йиқолмагай дарахтни шамол —
Ерни тутиб турса илдизи...*

*Бошни уриб олдинг,
Оддий ҳодиса —
Қисмати олдида одамзод ночор,
Не ҳам қилсин яралган бўлса,
Пешонангдан аввалроқ девор.*



Мен ҳам учдим —
қарши олди кўк.
Халал берма, боқмагин гайри.
Сендан сўраб келмаганман, йўқ,
Бу дунёга, билсанг, огайни.

ХАТО

Сен буюксан дедик —
Мағрур турди. Тик.
Тасаннолар айтдик,
Ишонди ҳатто.
Гоҳо масхаралаб
Ортидан кулдик —
Отган тошларимиз
Кетдилар хато.

Биргалашиб уни
Бошга кўтардик,
Қувлик билан тутиб
Мақтов — оғуни...
Энди елкамиздан
Тушмайди — билдик,
Ювишга мажбурмиз
Кир оёғини...

ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВ

Ёз, қийналиб кетдинг, бечора,
Қўй, ўкинма. Умидингни уз.
Эримайди. Излама чора,
Юрагимда чўкиб ётган муз.

Севги қуши учди — ўкиндим,
У сайради қайси дарчада?
Елкамдаги тақдир юкини
Кўтаролмай қолдим. Чарчадим.

Бепарвоман,
Минг бора оҳ ур...
Ёз, ёқмоққа қанча режа туз...
Ишонавер, мен йўқман, ахир
Юрагимда эримайди муз...

Ховучимда эҳтирос кули —
Тўзгитмоққа етмас мажолинг.
Гулханингдан ўтса-да йўлим,
Тошга дўниб боради жоним.

Қандай ёнай?..
Энди бари кеч.
Кимнинг ёди ичимда...
Ёлғизликни англайсанми ҳеч,
Ёз, мен йўқман,
Айтма ҳеч кимга!

РЎЗИ ЧОРИЕВ

Яшаётган одам,
йиғлайсан нега?
Менинг кўзларимга
Келмас сира нам...
Осмон қуласа ҳам
Тутардим елка —
Агар ўлмасам...

АЛАФ

Бунчалар хижилсан,
Бунча кўнглинг зиқ...
Фалакда очилмоқ
Бўлар талабинг.
Сенинг гуноҳинг йўқ,
Менинг айбим йўқ,
Қўлмакдан сув ичган
Бўлса палагинг...

Bedardlar

bu ishqning sirin bilolmas

ИШҚ

Очунда ким маҳзун, кимдир шод экан,
Бандага минг турлик тақдирот экан,
Оллоҳнинг суйгани — куйган зот экан,
Бедардлар бу ишқнинг сирин билолмас.

Мажнун дилин ишққа мубтало топди,
Чун Лайли бу йўлда ибтило топди,
Ишқ ўти чақинди — дил жило топди,
Бедардлар бу ишқнинг сирин билолмас.

Кимга зоҳир ўлса шуълаи сирож,
Ўзини йўқотар мисоли Ҳаллож,
Мансур учун бўлди қонли дор Меърож,
Бедардлар бу ишқнинг сирин билолмас.



Шаҳиди ишқларга йўқ эрур фано,
Бақода Маширабга Боязид ҳамроҳ,
Тирикдай ётибди ул Юнус Эмро,
Бедардлар бу ишқнинг сирин билолмас.

Эй дўст, гофил бўлма, ўйла, фикр қил,
Эранлар номини доим зикр қил,
Агар ошиқ эрсанг, Ҳаққа шуқр қил,
Бедардлар бу ишқнинг сирин билолмас.



OLIS SING NAIIDAGI SOFINCH

Сен юрибсан дунёда,
Гоҳ отлиғ, гоҳ тиёда,
Согинчларинг зиёда,
Дўсти содиқ қайдадир?

Аҳд қўргонин бузмаган,
Макр кўлида сузмаган,
Ориф зотлар излаган
Дўсти содиқ қайдадир?

Омад келса, дўст-ёр кўп,
Омад кетса, ағёр кўп,
Фариб дилга озор кўп,
Дўсти содиқ қайдадир?

Маломат ёғса бошига,
Кетарсен тоғу тошига.
Ёлғиз Оллоҳдан бошқа
Дўсти содиқ қайдадир?



ЁЛҒИЗНИНГ КУЗИ

1

Ўчоқдаги чўғлар сингари
Иссиқ кунлар бирма-бир сўнар.
Кўлмакларга хазонлар кўнар.

2

Термиласан хазонрез боққа,
Бевақт кетган хоксор, камсуқум
Дўстинг ёди солар қийноққа.

3

Бир барг узилмайди бекордан-бекор,
Тунда ўлаётган бу дарахтларда
Аллақандай сирли мужда бор.

4

Туннинг парчалари қагиллаб учар,
Қўрқувдан боғларнинг ранглари ўчар.
Обозсиз йиғлайди ярадор кундуз.

5

Ҳеч кас эмас очунда муқим,
Охир қайтар сен қилган зуғум.
Сўнги куздир Сарҳисоб фасли.

6

Кириб келди бир кун кулбамга
Қувғинларда юрган Изтироб.
Чаккасида минг йиллик қиров.

7

Ҳақни ёд этади ҳатто тошлар ҳам,
Дарахтлар умридир сокин ибодат.
Фақат мен гофилман уйғоқ дунёда.

8

Гоҳ хотира қушлари қайтар
Олисларда қолган манзилдан.
Кўзёшларим ичади улар.



ЕТТИ ИҚЛИМ МУЖДАСИ

Саидбек ҲАСАН
Зокиржон МАШРАБОВ

OLIS SINSINNATIDAGI MO'JIZALAR

Уммонорти давлатининг Огая штатидаги Цинциннати шаҳрида ўнлаб музей ва йирик кутубхоналар мавжуд. Улар орасида ноёб меъморлик ёдгорлиги сифатида кўзга яққол ташланиб турадиган муҳташам бинода Санъат музейи жойлашган. Унда бутун дунё халқлари маданиятига оид ёдгорликлар кўз қорачиғидек сақланиб келаётгани бизни ҳайратга солди. Нью-Йорк шаҳридаги марказий музей ва Сенат кутубхонасида бой меросимиз намуналари мавжудлигидан кўпчилик илм аҳли хабардор, албатта. Аммо Цинциннатидек чекка бир жойда тарихий ёдгорликларимизнинг бу қадар ардоқланаётгани қувончли ҳолдир.

Таажжубки, Цинциннати шаҳридаги Санъат музейи хазинасида ўзбек халқининг буюк шоири, давлат арбоби, темирйилар сулоласининг Ҳиндистондаги давомчиси Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодига мансуб шаҳзодаларнинг 1526 йилдан то 1858 йилгача бўлган тарихи битилган қўлёзмалар ҳамда шу даврга оид маданий ёдгорликлар сақланиб келаётир.

Бизни Шарқ халқлари маданий обидалари фондига музейнинг шу соҳа бўйи-

ча масъул ходими Глен Маркой бошлаб кирди. Хазина жавонларида бобурийлар хонадони вакилларига оид юзлаб асарлар ўзига хос тарзда жойлаштирилган бўлиб, улар орасида қўлёзмалар, санъат асарлари, расмлар, гиламлар, кийим-кечак ва турли даврларга оид буюмлар дид билан жойлаштирилган.

Глен Маркойнинг айтишича, бобурий ҳукмдорларга мансуб бу тарихий обида ва ашёларнинг Санъат музейига келиб қолиши ўзига хос тарихга эга. Уларнинг бир қисми: сопол буюмлар, мисдан ишланган кўза ва кашмир рўмоллари музейга харид қилинган бўлса, бир қисмини Жозеф Сван Нив хоним ва Рат Харрисон 1923 йили Дехлида Имр Швейжер деган тадбиркордан сотиб олган. Бу нодир тарихий ва маданий ёдгорликларни 1950-51 йилларда Жон Нажак музейга ҳадя этган. Бу тухфалар орасида энг диққатга сазовори Мануҳар Дас исмли ижодкор мўйқаламига мансуб миниатюра асаридир. Бу асар 1602 йили ишланган. Унда император Акбаршоҳнинг қадрдон дўсти Мирза Азиз Кўкани ўз саройида қабул қилаётгани акс эттирилган. Маълумки, Акбаршоҳ Мирза Азиз Кўкани ҳукмдор

лавозимига кўтариб, унинг қизини Жаҳонгирга никоҳлаб берган эди. Мирза Азиз Кўканинг отаси Аткахон Ҳумоюн Мирзо хизматида бўлган. Акбаршоҳнинг ёшлиги Мирза Азиз Кўка билан ўтган. Улар орасида атиги бир ёш фарқ бўлган. 1580 йили Акбаршоҳ Мирза Азизни “Хони аъзам” мартабасига кўтарган эди. Бу уларнинг бир-бирига нечоғлиқ яқин бўлганидан далолат беради. Расмда Акбаршоҳнинг орқа томонида Жаҳонгир Хусро билан унинг укаси Хуррамшоҳ, яъни Шоҳжаҳоннинг ҳам сиймолари акс этган. Миниатюранинг қуйроғидаги таъзим қилиб турган шахс эса Шамсиддин Хусайндир. Шундай қилиб, бу расмда уч авлодга мансуб икки катта оила ҳаётидаги муҳим тарихий воқеа ифодаланган. Бу миниатюра “Акбарнома” асарига ишланган лавҳа бўлиши эҳтимолга яқиндир. Бу лавҳанинг яна бир диққатга сазовор жиҳати шуки, ҳошиясида гўзал хат билан битилган ёзувлар ҳам мавжуд. Матн тўлиқ сақланиб қолмаган бўлса-да, қуйидаги ҳикматомуз байтлар унинг аҳамияти беқийёс эканига далил бўла олади:

*Ки умр рафту нагузаштам зи бахт
бархурдор,
Ҳазор ҳайфки, навмед гаштам
охир кор.*

Таржимаси:

*Умр ўтти-ю, бахту иқбол насиб этмади,
Минг ҳайфки, оқибат умидсизликка
тушдим.*

Цинциннати Санъат музейи 1962 йили, Уильям ва Луиза Тафт Семпл ҳамда бошқаларнинг тухфалари боис, бобурийлар тарихига оид қимматли манбалар билан янада бойиган. Улар орасида Саъдийнинг “Гулистон” асарига ишланган миниатюраларнинг аҳамияти алоҳида. Бу миниатюралар бобурий ҳукмдорлар буйруғига биноан тахминан 1595 йили чизилган. Акбаршоҳ даврида тарихий ва

адабий қўлёзмаларга лавҳалар ишлаган машхур рассом Лаълнинг ижод намуналари, айниқса, қимматлидир. Акбаршоҳ саройида хизмат қилган муаррих Абулфазлнинг эътирофича, Лаъл ўша даврда ижод қилган машхур 15 та рассом ичида энг шуҳрат қозонганларидан бири бўлган. У “Акбарнома” асарига 13 та миниатюра чизган. “Гулистон” асарининг “Шоҳлар ҳаётидан” деб номланган бобидан жой олган 24-ҳикояга чизилган сурати мазкур музейнинг ноёб мулки сифатида сақланиб келмоқда.

Саъдий асарининг “Дарвешлар ахлоқи зикри” бобидан жой олган “Художўй киши ва уни улоқтириб ташлаган туя” ҳикоясига ишланган миниатюра ҳам ўзига хосдир. Унда Бани Хилол қабиласига мансуб бир йигитнинг ашуласига ҳамма маҳлиё бўлади, ҳатто қушлар ҳам ҳайратда қолади, туя минган дарвешгина бунга бефарқ қарайди. Суратда туя дарвешнинг дидсизлигидан дарғазаб бўлиб, уни ерга улоқтириб ташлаётган манзара ажойиб бир маҳорат билан тасвирланган. Рассом Маноҳачнинг “Қаноат фазилати зикри” бобидан ўрин олган ҳикояга ишлаган миниатюраси ҳам юксак санъат асарларидандир. Расмда сайёд ўлжасига тушган улкан балиқни тута олмай қочириб юборгани ёрқин образда очиб берилган. Фаррух Чела ҳам “Ҳалқани нишондан ўтказган бола” ҳикояси манзарасини ўта таъсирчан ифодалаган. Шунингдек, Бхим Гужаротийнинг “Саъдий ва кошғарлик йигит”, Сур Гужаротийнинг “Шоҳнинг Ҳамадон қозисига танбех бергани”, рассом Маканднинг “Бадхулқ муаллимнинг сабоқхонадан бадарға этилиши”, Дҳарамдаснинг “Саъдий билан дарвешнинг бойлик ва фақирлик ҳақидаги суҳбати” каби ҳикояларга ишлаган миниатюралари ҳам ноёб санъат дурдоналаридир.

Бу ерда сақланаётган қўлёзма меросимиз орасида Ҳиротда Султон Хусайн Мирзо ва Бухорода Абдулазизхон кутуб-

санъатини Зайниддин Маҳмуд ва Султонли Машҳадийдан ўрганиб, “Котиби султоний” унвонига сазовор бўлган Мир Али Ҳиравий томонидан кўчирилган Камол Хўжандий “Девон”ининг қўлёзма нусхаси алоҳида қимматга эга. Бу қўлёзма 1529-30 йиллари кўчирилган.

Шунингдек, музей экспозициясида намойиш этилаётган Қуръони каримнинг XI-XII асрларга оид куфий хатида китобат қилинган нодир нусхаси, XVII асрга оид бадиий безаклар билан ишланган “Фарҳанги Жаҳонгирий” асари ва миниатюралар билан безатилган “Ҳамзанома” асари қўлёзмаси энг нодир ёдгорликлар қаторидан ўрин олган.

“Фарҳанги Жаҳонгирий” тилшунослик ривожига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган асарлардан. Бу асарни Акбаршоҳ фармонига кўра Мир Жамолиддин Хусайн 30 йил мобайнида ёзган ва Жаҳонгиршоҳ ҳукмронлиги даврида, 1608-09 йиллари яқунлаган. Бу асар қўлёзмасининг 1618 йили кўчирилган яна бир нодир нусхаси ҳозир Вашингтондаги Конгресс кутубхонасида сақланмоқда.

Бундан ташқари, мазкур экспозицияда бобурийлар хонадонига мансуб турли тарихий ашё ва буюмлар, ипак ҳамда жундан ишланган санъат асарлари ҳам мавжуд.

Музей фондидаги бобурийлар кутубхонасига оид айрим қўлёзмаларга ишланган миниатюраларда Ҳиндистонни бирлаштириш ва ягона империя барпо этиш йўлидаги ҳарбий юришлар акс эттирилган. Баъзиларида эса, бобурийлар сулоласининг Ҳиндистондаги сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёти билан боғлиқ тарихий воқеалар, маиший ҳаёт тарзи тасвирланган. Мазкур қўлёзмаларда Ҳиндистон давлат арбоблари — Ҳумоюн, Акбаршоҳ, Шоҳжаҳон, Доро Шукуҳ, Шоҳ Шужоъ ва Аврангзебнинг сеvimли ўғли Аъзамшоҳ сиймоларининг ва Ҳиндистондаги сўнгги бобурий ҳукмдорлар-

дан бири Акбар Иккинчининг аъёнлари билан машварати акс эттирилган миниатюралар Бобур ва унинг авлодлари жаҳон тамаддуни ривожига нақадар улкан ҳисса қўшганини ёрқин далилловчи тарихий ҳужжатлардир.

Акбаршоҳ даврида адабиёт, санъат ва илм соҳалари, айниқса, миниатюра санъатига алоҳида аҳамият берилган. Шу билан бирга, бу даврда илм-фан, адабиёт ва тарихга оид бошқа тилларда битилган мўътабар асарларни таржима қилиш, қўлёзма меросни эъозлаш, тарғиб этиши иши юксак босқичга кўтарилган.

“Акбарнома” (“Тарихи Акбарий”) асари қўлёзмаси уч жилддан иборат бўлиб, “Бобурнома” ва “Ҳумоюннома”нинг тадрижий давомидир. Бу асарни Акбаршоҳнинг топшириғига кўра, унинг вазири ва яқин сафдоши Абулфазл Алломий 1589 — 1601 йиллари ёзган. Унда Бобур, Ҳумоюн тарихи, Акбаршоҳ ҳукмдорлигининг илк ўн етти йили (1556-72), Ҳиндистон ва Шимолий Афғонистоннинг (1573-1601) маъмурий бўлиниши, давлатни идора қилиш усуллари ва қонунлари ҳақида сўз юритилган. Мазкур асарнинг Цинциннати шаҳридаги Санъат музейи хазинасида сақланаётган мўътабар қўлёзма нусхасида бобурий шаҳзодалар тарихига оид лавҳалар мавжудлиги уларнинг аҳамиятини янада оширади. Шулар орасида Ҳумоюншоҳнинг Гужарот шаҳрини қамал қилгани тасвирланган миниатюра, айниқса, эътиборга лойиқдир. Қўлёзма нусхадаги маълумотларга кўра, у 1590 йили китобат қилинган. Матн настаълиқ хатида уч устунда ёзилган, саҳифалар нақшинкор бўлиб, олтин ва кумуш сувлари билан безатилган. Жанг тасвири акс эттирилган лавҳадаги қайдга кўра, бу миниатюрани рассом Бхура Чаҳроқ чизган. Миниатюранинг юқори қисмида Ҳумоюннинг Гужарот қалъасини қўлга киритиш учун олиб борган жанги ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган.

Унда айтилишича, Хумоюн Мирзо 30 минг кишидан иборат қўшини билан Султон Баҳодирга қарши жанг қилиб, ғалабага эришади. Бу воқеа 1535 йил апрель ойининг охирларида содир бўлган. Лекин Гужарот учун кураш кейинчалик ҳам давом этган, уни Акбаршоҳ ниҳоясига етказган.

Маълумки, бобурийлар даври миниатюра санъатининг ривожига Камолиддин Бехзоднинг шогирдлари Мирсайид Али ва Хўжа Абдусамад Шерозий муносиб ҳисса қўшган. Бу мактаб вакиллари Саъдийнинг “Гулистон”, Низомий ва Хисрав Дехлавийнинг “Хамса” асарларига юзлаб миниатюралар чизган. Цинциннати Санъат музейида сақланаётган туркум тасвирий санъат асарларидан аён бўлишича, кейинги даврларда тарихий шахслар сиймоси акс этган альбомлар, кундалик машиий ҳаётга оид воқеа-ҳодисалар ифодаланган мажмуалар тузиш урф бўлган. Музей хазинасидаги ана шундай тасвирий санъат асарлари қаторига “Хонандалар”, “Мева сотувчи савдогар”, “Олти тулпор”, “Булбул”, “Фил” ва бобурий шаҳзодаларнинг туркум портретларини киритиш мумкин.

Шунингдек, музей фондида ҳозирча номаълум қўлёзмага ишланган Акбаршоҳнинг бир саҳифадан иборат Жон Нажак туҳфа қилган рангли портрети ҳам бор. Портрет Ҳиндистон шоҳлари альбоми учун махсус ишлангани кўриниб турибди. Расмда Акбаршоҳ шаҳардан ташқарида, тоғ ёнбағрида, чап қўли билан қиличига суянган ва ўнг қўлида узук тутиб тик турган ҳолатда тасвирланган. Миниатюрада рассом номи қайд этилмаган. Асар



1640-50 йиллари яратилган деб тахмин қилиш мумкин.

Қўлёзма саҳифаларида номаълум расомлар қаламига мансуб XVII-XVIII асарларга оид эскизлар ҳам мавжуд бўлиб, уларда ёш шаҳзодалар билан бирга санъаткорларнинг ҳам сурати тасвирланган.

Шундай эскизлардан бири XVIII асрга оид. Унда икки нафар сарой хонандасининг куйлаётган ҳолати акс этган. Саҳифанинг юқори қисмида ҳинд тилида уларнинг хонанда экани қайд этилган бўлса, қуйроқда араб ёзувида исмлари, яъни “Капурхон биродари Лодхон билан бирга” деб ёзилган. Бу эскиз, тахминимизча, келажакда яратилиши мўлжалланган миниатюралар альбоми учун қоралама чизги бўлса керак.

Музей фондида сақланаётган миниатюралар орасида бобурий ҳукмдорларнинг сўннгиларидан Акбар Иккинчининг (1806-1837) олтин тахтада, ҳинд ва мусулмон аёнлари иштирокида Британиянинг Ҳиндистондаги резиденти Чарльз Зеофилас Меткейлфни тантанали қабул қилиш маросими акс эттирилган лавҳа ҳам мавжуд. Фулом Муртазохон ижодига мансуб бу асар юксак савияси билан ажралиб туради.

Цинциннати Санъат музейи хазинасида бобурийларга оид юзга яқин тарихий манбалар ва санъат асарлари сақланмоқда. Биз уларнинг айримларигагина тўхталдик. Бебаҳо меросимизнинг бир қисми Ватанимиздан олисда, АҚШда сақланиб келаётгани илм-фан тараққиёти йўлида улкан хизмат қилган бобоқолларимиз башарият тарихида ўчмас из қолдирганининг яна бир тасдиғидир.



RANGLARDA AKS ETGAN NAFOSAT


“Гўзаллик — ғоядир. Уни шу тарзда англамоқ лозим” деган эди Гегель табиатдаги гўзалликдан санъатдаги гўзаллик устунлигини таъкидлаб.


Гегелнинг фикрича, мутлақ ғоя ўзликни англашнинг юксак шакли — санъатда гўзаллик сифатида намоён бўлади. Негаки, санъат воқеликни бадий тимсоллар орқали акс эттириш билангина чекланмайди, балки у воқеликдан-да юксак бўлган ҳодиса сифатида англади. Санъат объектни моддиятдан “тозалагани” учун ҳам гўзаллик ярата олишга қодир. Чунки санъатни яратувчи инсонда илоҳий асос — руҳ бор. У асарига ўша руҳни сингдиради. Демак, гўзаллик моҳиятан илоҳийлик касб этувчи ҳодисадир.

Маълумки, санъат борликни кўчирма нусха каби тўғридан-тўғри акс эттирмайди. Аксинча, уни тасвирлашда бадий ранглар, тимсоллар воситасида бойитади.

Шу маънода, санъат асари инсонни фақат воқеликдаги гўзалликлар билан чекланмасликка, айна пайтда мавжуд гўзалликни мушоҳада қилишга, унинг моҳиятини англашга ундайди. Бу борада тасвирий санъатнинг энг нафис тури бўлмиш рангтасвир асарлари алоҳида аҳамият касб этади.

Воқеликни рангтасвир ёрдамида ифодалашга интилаётган таниқли расмолар Аслиддин Исаев асарларида ўлкамиз тарихи, халқ турмуши, миллий қадриятлар, урф-одатлар, қадимий анъаналар, меъморий ёдгорликлар нозик бўёқларда маҳорат билан акс эттирилган. У миллий турмуш анъаналарини айрича бир муҳаббат ва инжа меҳр билан тасвирлайди. “Аждодлар руҳи” (1990), “Бибиҳоним” (1992), “Келинчак” (1994), “Самарқанд”, “Оналик” (1997), “Шарқ бозори” (1997), “Наврўз” каби туркум асарларида тасвирий санъатнинг асосий мезонларидан ҳисобланмиш уйғунлик кучлидир. Уйғунлик — батартиблик, мослик, бутунлик, қисмларнинг меъёрга мувофиқли-





1. «Бухоро»
2. «Теранлашув»
3. «Оналик»
4. «Қадамжо»
5. «Аждодлар руҳи»

ги, нарсанинг ташқи кўриниши ички борлиги билан мослашувидир. Қисқаси, у ҳар қандай ҳодисанинг мукамал ва яхлитлилик кўрсаткичидир. У ўз ўрнида эстетик хусусиятлар: ритм, симметрия, нисбат каби ҳолатлар билан бевосита боғлиқ.

Рассом асарлари маънодорлиги, жозибаси билан томошабинни тасвирнинг мазмуни, моҳияти ҳақида ўйлашга ва ундаги гўзалликни хис этишга ундайди.

Рассом ижодида мозий тасвири етакчи ўрин тутади. Унинг фалсафий йўналишдаги асарлари санъат ихлосмандларини фикрлашга чорлаши билан алоҳида ажралиб туради. Инсоният олдида турган глобал муаммолар ечими, вақт мавзуси, айниқса, миллий-тарихий аъёнлар, ҳаётни фалсафий мушоҳада этиш, ахлоққа, экологияга доир масалалар унга илҳом бахш этиб, ижодга чорлайди.

Рассомнинг асарларида табиат манзараси асосий ўринни эгаллайди. Уларда айниқса Самарқанднинг ноёб ёдгорликлари, ўзига хос манзараси ёрқин бўёқларда акс этган.

Ижодкор яратаётган кўглаб асарларини бевосита кундалик ҳаётдаги воқеа-ҳодисалар билан боғлашга ҳаракат қилади, атроф-муҳитга тийрак назар билан боқади. У теварагида кечаётган воқеа-ҳодисалардан илҳомланади. Рассомнинг воқелиқдан олган таассуротлари асарларига кўчади ва уларнинг ҳаётийлигини таъминлайди.

Аслиддин Исаев асарларидаги гўзаллик нафақат рассомнинг шахсий идеали, балки халқ ҳаёти, унинг ўлмас қадриятлари, бой ва ранг-баранг аъёнлари, юрт манзаралари орқали яққол намоён бўлади. Зотан, рассом асарларининг ўзига хос сеҳри ва жозибаси ҳам кўп жиҳатдан шу хусусиятлар билан белгиланади.

Дурдона АЗИЗОВА,
санъатшунос

TIL TILSIMI YO'KI SO'Z SIRI


Табиат қонунияти шундайки, борлиқдаги жамики нарса-ҳодиса тўхтовсиз ҳаракат қилади ва турли шаклга киради. Жумладан, тошлар ҳам вақти келса сувдай эрийди. Сув эса тош каби қотиб, музга айланади. Нимасини айтасиз, борлиқ бу каби сир-синоат ва мўъжизаларга тўлиб ётибди. Хуллас, унинг бағрида моддалар ҳаракати бир зум ҳам тўхтамайди, барча кўзга кўринадиган нарсалар эрийди, қотади, буғга айланади. Қуёшдан тортиб энг кичик заррагача тинимсиз ҳаракат қилиб, қайгадир интилади. Коинотдаги бу бесаранжомликнинг сирини нимада эканига эса кишининг ақли бовар қилмайди.

Шундай бўлса-да, одамлар ўзини борлиқнинг барча сир-синоатидан хабардор деб билади. Ҳамма нарсани ўзгартира олишига ишонади. Борлиқда неки кўзга кўринарли нарса бор — барчасини одамзод ўз измига солмоқчи бўлади. Шу мақсадда, бамисоли шамол тегирмонига ҳамла қилган Дон Кихот каби, ерга, сувга, ҳавога муттасил “тазийқ” ўтказади. Мудом нималарнидир куради, нималарнидир бузади. Бу жараён узлуксиз давом этади. Ваҳоланки, тупроқ, сув, ҳаво ва олов беқиёс неъмат эканини, ҳарчанд уринмасин, уларни қайтадан яратолмаслигини билмайди. Касалликка чалиниб, нафас олиши қийинлашганида, ташналиқдан лаблари ёрилганида, совуқдан вужудлари титраганида ёки юз-қўли, уст-бошини ювиш зарурати туғилганидагина бу неъматларнинг ўрнини бошқа ҳеч нарса босолмаслигини ҳис қилади. Буларни-ку қўяверинг, “коинот гултожи” ҳисобланган одамларнинг ҳатто ўз оғзидан чиқадиган сўзнинг ҳам қадри ва аҳамиятини тўла англамаслигига нима дейсиз? Сўзга берилган таърифлар ҳам шундан далолат эмасми?

Илмий манбалардан бирида сўзга бундай таъриф берилади: “Сўз — лексеманинг нутқда муайян шакл ва вазифа билан боғланган кўриниши. Ўз товуш қобилигига эга бўлган, объектив нарса-ҳодисалар ҳақидаги тушунчани, улар орасидаги алоқани ёки уларга муносабатларни ифодалай оладиган, турли грамматик маъно ва вазифаларда қўлланадиган энг кичик нутқ бирлиги” (Азим Ҳожиёв. *Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати*. Т., “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2002, 95-бет). Гарчи бу шарҳ илмий таъриф саналса-да, у сўзнинг барча сифат ва хусусиятларини тўлиқ ифодалай олмайди.

Илоҳий китобларда эса сўз борлиқнинг ибтидоси экани ҳақида хабар берилади. Алишер Навоий шу ҳақиқатни таъкидлаб ёзади: “Аллоҳ “Кун!”, яъни “Ярал!” деди ва еру осмон пайдо бўлди. Ундаги жамики нарса, мавжудот Яратгувчининг биргина шу калом билан йўқдан бор бўлди”. Демак, тилшунослик тадқиқотларида “энг кичик нутқ бирлиги” деб таърифланган ҳодиса ана шундай кудратга эга. Шу боисдан шоир унга қуйидагича шеърий таъриф берган:

*Сўз гуҳарига эрур онча шараф
Ким, бўла олмас анга гавҳар садаф.
Тўрт садаф гавҳарининг дуржи ул,
Етти фалак ахтарининг буржи ул.*



Умар Хайём эса “Наврўзнома” китобида сўз хусусида бундай дейди: “Мен, ақл баркамоллиги нуқтаи назаридан қараганимда, сўздан мўтабарроқ ва қалбимдан буюкроқ ҳеч нарсани топмадим. Чунки ундан афзалроқ бирор нарса бўлганида эди, Ҳақ таоло пайғамбарга — саллоллоҳу алайҳга ўша нарса билан мурожаат қилган бўларди” (*Умар Хайём. Наврўзнома. Т., “Меҳнат”, 1990, 10-бет*).

Сўз неъматиди, сўзлаш лаёқати бу ранг-баранг ва чексиз мавжудот ичра фақат одамзодга берилган. Инсон айна шу хусусияти боис барча жонзотлардан устун туради. Чунки инсон тафаккури айнан сўзда намоён бўлади. Кишилар ўй-кечинма, истак-хоҳишларини сўз воситасида ифода қилади. Одамларнинг ўзаро муомала-мулоқоти, жамики хатти-ҳаракати фақат сўз орқали амалга оширилади. Кишиларнинг меҳру муҳаббати, қаҳру ғазаби, тўю томошаси, байрам ва тантаналари — барча-барчаси сўзларда акс этади.

Сўз воситасида одамлар бир-бирига яқинлашиб, дўсту биродар бўлади. Ва аксинча, ноўрин сўз туфайли улар ўзаро адоватлашиб, низолашади. Шаҳар ва қишлоқларнинг кули кўкка соврилиб, сон-саноксиз одамлар ҳалок бўладиган уруш-жанглр ҳам асли ўйланмай айтилган бир оғиз сўздан бошланади. Бир хонадон аҳли, эр-хотин, ўғил-қиз ўртасидаги можаро, кўнгил қолиши ҳам кўпинча тилни тиёлмаслик оқибатида рўй беради.

Аммо “Бўзчи белбоққа ёлчимаиди”, “Кулол мўндида сув ичади” деган гаплар ҳам бор. Халқнинг кўп асрлик турмуш тажрибасини мужассамлаштирган бу ҳикматлар бир оз кинояли бўлса-да, айна ҳақиқат. Инсон ҳаётидаги қанчадан-қанча ҳодисалар моҳиятини ифодалаб, таърифлаб келадиган сўзнинг ўзи аслида нима, қандай ҳодиса экани тўлиқ шарҳланмай қолса, айтинг, бу адолатданми? Сўз тўғрисида қанча китоблар ёзилган бўлмасин, барибир, тан олайлик, унинг мингдан бир хусусияти ҳам очилган эмас. Хуллас; сўзнинг аслида нима экани ҳали-ҳануз номаълум. Эҳтимол, бунда ҳам ғаройиб бир сир бордир.

Лекин инсоният қадим-қадимдан сўзни англашга, унинг нима эканини тушунтиришга уриниб келади. Буюк Шарқ шоирларининг дoston ва қасидаларида сўз таърифига махсус тўхталгани бежиз эмас. Жумладан, Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонида сўзни бундай таърифлайди:

*Сўздин ўликнинг танида руҳи пок,
Руҳ доғи тан аро сўздин ҳалок.
Тиргузиб ўлганни каломи фасиҳ,
Ўзига “Жонбахш” лақаб деб Масиҳ.
Сўздин этиб ўтқа азимат Халил,
Сўз юкига ҳомил ўлуб Жабраил.
Тенгрики инсонни қилиб ганжи роз,
Сўз била ҳайвондин анга имтиёз...
Донаву дур сўзини афсона бил,
Сўзни жаҳон баҳрида дурдона бил.*

Ҳазил мулкининг султони “Ҳазойин ул-маоний” куллиётининг биринчи девонида сўзни “фалак жисмининг жони” деб атайдди. Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Абдурахмон Жомий, Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Бедил, Данте,

Шекспир, Гёте, Пушкин, Фёдор Достоевский, Лев Толстой сингари Шарку Фарб донишмандларининг сўз таърифидаги шарҳлари бир жойга жамланса, бу мавзудаги ажойиб тафаккур хазинаси пайдо бўлур эди. Афсуски, товушлардан иборат сўзни кўз билан кўриб, қўл билан ушлаб бўлмайди. Бордию бунинг имкони бўлганида эди, борлиқнинг жамики мўъжизалари унинг олдида рангсиз ва тузсиз бўлиб қоларди.

Инсон аъзоларидан бири бўлмиш кўз гавҳарида энг майда зарралардан тортиб, улкан сайёраларгача акс этади. Киприкларнинг бир кўтарилиб тушиши билан кўзимиз қанча ахборотни миямизга узатишга улгуради. Лекин Оллоҳнинг буюк мўъжизаси бўлмиш кўзимиз шунча имкониятларга эга бўлатуриб, лоақал сўзнинг бир “қирра”сини акс эттиролмайди. Чунки Алишер Навоий “фалак жисмининг жони” дея таърифлаган сўзнинг бир зарраси ҳам кўринмайди.

Кишилар, нарса-ҳодисаларга баҳо берар экан, беихтиёр уларни қиёслаб, солиштириб кўради. Бу холис хулосага келишнинг энг тўғри усули саналади. Одамлар ана шу мезон асосида нарса-ҳодисаларнинг фарқини кўрсатиб, ҳақиқий қийматини белгилайди. Олтину кумуш сингари маъданлар, дуру гавҳар каби тошлар табиатда кам учрагани боис одатда нарса-буюм, ашё ва хизматлар қадрини белгилашда уларга таянилади. Лекин одамзод ақли эришган бу мезон жуда нисбий бўлганидан нарса-буюмларнинг нархи, баҳоси доимо “ўзгариб” туради. Чунки олтину кумуш, дуру гавҳарнинг қадри ҳам одамларнинг уларга бўлган умумий эҳтиёжи ва муносабатига боғлиқ. Шу боис улар баъзида бир қултум сув, бир бурда нон каби ҳам қадр-қимматга эга бўлмайди. Ҳаётда шундай вазиятлар ҳам бўладики, кишилар қум заррачасича тилла ушоғи учун ҳам бир-бирига тиг кўтаради. Лекин тоғ-тоғ тиллаю кумуш, дуру гавҳардан лоақал битта сўз ясаб бўлмаслигини улар тасаввур қила олармикан?

Одамнинг иши ҳам, ўй-кечинмалари, ҳаттоки кўрган тушлари ҳам сўз ёрдамида хотирада қолади ва маъно-мазмун касб этади. Шу сабабдан инсоният сўзни кўриш, ушлаш мақсадида тинимсиз уринади, турли техник воситалар яратади. Чунончи, ёзув инсониятнинг сўз бойлигини эгаллаш, уни ўз мулкига айлантириш йўлидаги илк уриниши эди. Шу тариқа жамики кашфиётлар ёзув шаклидаги сўз воситасида амалга оширилди.

Сўз шунчалик гаройибки, уни оламдаги ҳеч нарсага қиёслаб бўлмайди. Борлиқда сўз билан ёнма-ён қўйиш, чоғиштириш мумкин бўлган бирор нарса йўқ. Чунки сўз учун на макон ва замон деган чегара бор. Навоийнинг беш юз аввал айтган қуйидаги сўзларини компьютер асрида яшаётган ўзбек ҳам, ҳар қалай, тушунади ва дилига яқин олади:

*Мени мен истаган ўз суҳбатига аржуманд этмас,
Мени истар кишининг суҳбатин кўнглим писанд этмас.
Не бахра топқамен ондинки, мендин истагай бахра,
Чу улким, бахрае андин тилармен, бахраманд этмас.*

Аммо беш юз йилдан бери одамларга бузилмасдан, тўқилмасдан безавол ва холис “хизмат” қилиб келаётган бирорта нарса ёки буюм, хазина борми? Йўқ. Бу муддат ичида оқиб турган дарёларнинг нечаси қуриб, ўзанлари кўмилиб кетди. Улкан сув ҳавзаси бўлмиш Орол бир авлод кўз ўнгида қуриб боряпти. Аммо сўздан одамлар қанча замонлардан буён фойдаланиб келяпти? Буни ҳеч ким билмайди. Чунки сўз ҳеч кимга ўлчаб, тортиб берилмайди. Сўзни бой ҳам, камбағал ҳам, шоҳ ҳам, гадо ҳам, хоҳлаган пайтида, истаган шаклида бемалол ишлатаверади. Аммо бундан у асло камаймайди, тугаб қолмайди. Узлуксиз ишлатилаверса, ҳаво, сув, олов ҳам ўзгаради. Сўз эса ишлатилгани сайин сайқал топади. Сўз нафақат одамларга, балки ҳайвонларга ҳам таъсир ўтказади. Йилқибоқарнинг “ҳайт” деган ҳайқириғи шамолдай елиб бораётган отлар уюрини йўлдан қайтаради. Ёш бола ҳам “чўк! чўк!” дея тоғдай туяни

чўктиради. Хартуми билан улкан дарахтни суғуришга қодир баҳайбат фил фил-боннинг сўзи билан ҳар хил мақомга йўрғалайди.

Одамлар кўнглига яқин кишилар билан суҳбатлашишга муштоклик сезади. Сўзда бекиёс жозоба яширин эканини шундан ҳам билса бўлади. Кишилар ҳеч нарсадан яхши суҳбатдош билан суҳбатлашгани каби таъсирланмайди. Биргина “севаман” деган сўзнинг таъсири нақадар кучли эканини олинг. Уни илк бор эшитган дамларни ошиқ инсон умри давомида ёдидан чиқармайди. Ўша сеҳрли лаҳзалар ёдига тушганида юзини ажин тўрлари қоплаган чол-кампирилар ҳам беихтиёр жилмайиб қўяди. Чунки айни шу сўз, орадан қанча йиллар ўтса-да, инсон қалбига бекиёс лаззат бахш этади.

Оллоҳ неъматни бўлмиш сўзнинг бу каби илоҳий жиҳатларини ҳозирги одамлардан кўра уларнинг олис аждодлари теранроқ ҳис қилган. Масалан, аждодларимиз қарғишдан жуда қаттиқ кўрққан, “талоқ” сўзидан беҳад ҳазар қилган, қасам ичишдан тилини тийган. Улар обдан ўйлаб, сўнг ваъда берган. “Ўткан кунлар” романида қаллоб Ҳомид Отабек номидан Кумушга сохта талоқ хати ёзиб киритади. “Кумуш бу мактубни ўзининг сўнги томчи кучи билан ўқиб тамом қилди-да, жонсиз бир товуш ила “уятсиз!” деб қичқирди ва ерга йиқилиб ўзидан кетди”. (Абдулла Қодирий. *Ўткан кунлар. Тарихий роман. Т., Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974, 173-бет.*) Ҳассос адиб қалами билан битилган бу лавҳа бадиий муболаға ёки бўрттириш эмас, айни ҳақиқатдир. Чунки мусулмон кишининг ҳеч бир сабабсиз хотинини хат орқали талоқ қилиши — ғайриоддий ҳол. Бундай ҳаракат аёл зотини ва унинг қавм-қариндошларини иснодга қолдиради. Кумушни ҳушсиз қилиб йиқитган совуқ хабар Мирзакарим қутидордай кўпни кўрган кишини ҳам гангитиб қўяди: “Қизини бунчалик фалокатга солган хатни олган еридан қўзғалмаёқ ўқиб чиқди. Хат ҳақиқатан ҳам жонсиз эди. Қутидорнинг ҳам оз қолдики, ҳуши бошидан учсин... Сўнг чекда хўрланган ва фавқулодда чайқалган юраги билан ихтиёрсиз “маккор, инсофсиз!” деди. Кўз ўнглари қоронғуланиб, бир неча вақт серрайганича қолди” (*ўша манба, 174-бет*).

Ҳазрат Навоий “Тил — кўнгил хазинасининг қулфи. Сўз шу хазинанинг калити” деган. Нега шундай? Нега кўнгил хазинаси қўл ёки оёқ билан очилмайди? Тил қўл ёки оёқдан кучлими? Одам учун тил муҳимроқми ёки қўл билан оёқми? Шубҳасиз, қўл ҳам, оёқ ҳам керак. Аммо қандайдир фалокат туфайли қўл-оёқсиз яшаётганлар ҳам кўп. Ўпкаси, буйраги, ичаги қирқиб олинганлар ҳам умр ўтказяпти. Кўзи кўр, қулоғи карлар ҳам имкон топиб яшяпти. Аммо тилсиз одам борми? Кар, кўр ва гунгларнинг ҳам тили бор. Гунглар расмана гапирмаса-да, ўзича мулоқот қилади. Ҳар қалай, ўзаро бир-бирини тушунади. Одамлар тил воситасида нафақат гапиради, балки овқатнинг таъми ва мазасини ҳам сезади. Тилнинг бу каби вазифаларини бошқа ҳеч бир аъзога юклаб бўлмайди. Чунки бу “юк” шунчалик оғирки, уни на оёқ, на қўл, на ўпка, на буйрак, на юрак кўтара олади. Тиббиётда юрак, буйрак ва терини кўчириб ўтказиш тажрибаси бор. Бироқ тилни кўчириб ўтказишга ҳозиргача ҳеч ким журъат этмаган. Чунки тили қирқиб олинган одам омон қолмайди. Омон қолганида ҳам онгсиз бир махлуққа айланиб, одам сиёғини йўқотади. Садриддин Айнийнинг “Қуллар” романида қул жаллоблари кишиларнинг тилига бигиз сўқиб азоб бергани, бу оғриққа чидолмасдан кўплар ўлиб кетгани, ёш болаларгина бошқа лаҳжада гапиришга ўрганиб, соғ қолгани айтилади.

Сўзнинг сир-синоатга тўла тилсим экани унинг турли ўринда турли маъно англатишида ҳам аниқ билинади. Бир гапдаги тўртта сўзнинг ўрни ўзгартирилса, маъно жиҳатидан тамоман фарқли тўртта гап ҳосил бўлади. Тилшунослиқда бу ҳодиса мантиқий урғу дейилади. Айрим сўзларнинг талаффузи, ёзувдаги шакли бир хил бўлади-ю, лекин улар турлича маъно билдиради. Баъзан бундай сўзларни фарқлаш учун айрим тилларда уларнинг қайсидир бўғини чўзиқроқ талаффуз қилинади. Бу ҳодиса сўз урғуси деб юритилади.

Баъзи сўзларнинг маъноси сақланган ҳолда, товушлар таркиби ўзгаради. Баъзилари эса ўз-ўзидан унутилиб, ўрнига янгилари пайдо бўлади. Аммо буни ҳеч ким билмай, пайқамай қолади. Бу каби хусусиятлар, барча нарса-ҳодисалар сингари, сўзларнинг ҳам тўхтовсиз ҳаракатда эканидан далолат беради.

Бу сирли ҳодисанинг ўз "ич"ига турфа ранг ва оҳанглари но қилгани сўзларнинг ҳар бир киши томонидан турлича айтилиши, айтилиши, шеър ёки кўшиқдан ҳамма ўзича таъсирланишида ҳам билинади.

Телефон, радио, телевизор, компьютер каби замонавий ахборот воситалари бугун одамларнинг азалии оғзисини бўлган мақсадларга осонгина етишига ёрдам беради. Аммо сон-саноксиз техникавий мўъжизалар яратиб, ҳатто темирни ҳам "гапиртирган" инсон қадим замонлардан бери рост ва ёлғонни ажратолмай азоб чекади. Одамлар ҳаётидаги аксарият муаммо ва зиддиятлар эса сўзнинг ичига яширинган ана шу ақл бовар қилмас "сир"дан келиб чиқади. Ҳамма рост гапириш баробарида, ўрни келса, ёлғонни ҳам ишлатади. Баъзан бир оғиз ёлғон туфайли тақдирлар ўзгариб кетади. Одамзод ўқлардан сақланишнинг турли воситаларини ўйлаб топган. Эндиликда ҳатто ракеталарни чалғитувчи воситалар ҳам ўйлаб топилмоқда. Бироқ инсон ҳанузгача сўздан ҳимояланиш чорасини тополган эмас. Дейлик, бир оғиз миннат, таъна, ҳақорат умр бўйи эсдан чиқмайди, тирикликда юракдан, ўлганда суяқдан кетмайди. Зил-замбил юкларни бемалол кўтарадиган алп паҳлавонлар баъзан бир оғиз ҳақорат ёки таънаю маломатга тоқат қилолмайди.

Бордию сўзлар ҳам буюмлар сингари кўзга кўринганида, эҳтимол кўпроқ эъзозланарди. Аввало одамлар уларни ўз хусусий мулкига айлантириб оларди. Чунки инсонлар кўзга кўринган неки нарса бўлса, барчасини эгаллашга, ўзлаштиришга ҳаракат қилади. Ойга ва олис сайёраларга ҳам айнан шу мақсадда кемалар учирилади. Олис кутбга ҳам айни шу ниятда байроқ қадалади. Ўзига тегишли эканини билдириш учун денгиз ва океанларга ҳам белгилар қўйиб чиқади.

Агар одамзод сўзларни "ушлай" олганида борми, шубҳасиз, уларни ҳам газлама, гуруч, шакар янглиғ ўлчаб сотарди. Ўзига берилган сўзлар миқдорини билганида эса, табиийки, уларни беҳад тежаб ишлатарди. Афсуски, одамлар қанча умр кўришию ўзларига қанча гапириш имкони берилганидан беҳабар яшайди. Шу боис уларни хоҳлаган пайтида ишлатади, қанчаси фойдали экани, қанчаси зарар ва беҳуда экани тўғрисида ўйлаб ўтирмайди.

Бизнингча, сўзларни ҳавога ўхшатса бўлади. Чунки уларнинг иккаласи ҳам кўзга кўринмайди ва уларсиз яшаб ҳам бўлмайди. Улар ҳеч кимга боғлиқ бўлмаган ҳолда юзага келади. Шу боис ҳаво ҳам, сўзлар ҳам ҳеч кимнинг мулки эмас. Не-не дostonу девонлар битган шоирлар ҳам "Мен бунча янги сўз яратдим" деб даъво қилмаган. Модомики шундай экан, сўзлар қай тариқа пайдо бўлади? Уларни ким ихтиро қилади? Буни ҳеч ким аниқ билмайди. Ҳатто тилшунослар ҳам сўзларнинг қачон, қай тариқа вужудга келганини аниқ шарҳлаб беролмайди. Ҳеч бир тилшунос, шоир ёки файласуф олдиндан қандай янги сўз пайдо бўлишини башорат қилолмайди.

Сўз дастлаб инсон вужудининг қайси аъзосида воқе бўлади? Бўғиздами, оғиз бўшлиғидами, ўпкада ёки тилдами? Шайх Нажмиддин Кубро бу хусусда бундай дейди: "Шубҳасиз, сўз қалбдадир. Тил эса қалбга далил бўлди" (*Тасаввуфий ҳаёт. Т., "Мовароуннаҳр", 2004, 190-бет*). Унда қалб қаерда? У вужуднинг қайси бир "манзил"ида жойлашган? Ёки вужудга қон "ҳайдовчи" аъзо бўлмиш юрак — қалбми? Нега одам гапирмаган, дейлик, туш кўраётган пайтида ҳам ичида улкан бир сўз дарёси шовиллаб оқиб ётади?

Жалолиддин Румий йўлда кетаётган турк, форс, араб ва юноннинг узум олиш можароси ҳақида ривоят қилади. Улар бир-бирининг тилини тушунмагани туфайли тортишади. Нега араб, юнон, турк ва форс бир нарса — узумни турлича атайдилар? Нима учун япон ёки ҳинд ўзбек билан бемалол сўрашолмайди? Ахир, одамларнинг ранги ва кўринишида тафовут бўлгани билан уларнинг вужудида-

ги аъзолар, хусусан, тили бир хил-ку! Бу ҳам Оллоҳнинг сўз ичига жо қилган сон-саноксиз сирларидан бири эмасми? Ёки нега бир халқ тилида турли шева ва лаҳжалар мавжуд? Нима сабабдан давлати, маҳалласи, мактаби, иш жойи бир кишиларнинг нутқида тафовут сезилади? Нега баъзилар “нарвон” деса, бошқалар “занги” дейди? Бировлар “чумоли” деса, бошқалар “мўрча”, айримлар “қорин” дейди? Уларга ким шундай ўргатган? Қандай куч уларга бир нарсани турлича номлатиб қўйган? Бу ҳам Яратганнинг сир-синоати эмасми?

Аён бўладики, дунёдаги энг мураккаб ҳодиса — сўз. Оламда сўз сирини англашдан мушкул муаммо йўқ. Тил тилсимоти ичига жо қилинган сўз жумбоқларини ечишга оёқ-қўлнинг қуввати билан эришиб бўлмайди. Одамзод нима қилса, тил ичидаги бу тилсимни очиб, англаб, сўз сирига етишади? Бу саволга ҳеч ким тўла-тўқис жавоб беролмайди. Чунки сўзларнинг сирини ҳар ким ўзича англайди.

Шоир ва ёзувчилар, бахшилар сўзларга бошқаларга қараганда кўпроқ харидор бўлади. Улар айрим сўзларни эшитиб, ўқиб қолганида дафъатан ҳаяжонланиб кетади. Бошқалар эса уларнинг бу аҳволдан ажабланади. Не ҳодиса юз берганини тушунмай ҳайрон бўлади. Чунки улар, ўзлари сезмаган ҳолда, айнан ўша сўзни излаб юрган бўлади. Оллоҳ уларнинг қалбини сўзга ошиқ қилиб қўйганидан хаёллари доим сўз ташвиши билан банд бўлади. Агар Худо сўзга сеҳр ва жозиба ато этмаганида эди, Фирдавсий “Шоҳнома”ни, Низомий, Деҳлавий, Жомий ва Навоий “Ҳамса” дostonларини яратолмасди.

Сўзда овоз, сув ва нурга хос хусусиятлар мужассам. Сув бирор идишга солинганида, нур бирор буюмга тушганида, овоз нимагадир урилганида ўша нарсаларга хос тарзда аксланади. Сўз-чи? Сўз ҳам шундай. У ҳар ким томонидан ҳар хил оҳангда айтилади ва шу боис турлича таъсир кучига эга бўлади. Айни бир сўз дарак, сўроқ, ундов, буйруқ, пичинг, кесатиқ каби маъноларни англатади.

Куръони каримнинг “Ҳадид” сураси, 25-оятда: “Яна биз темирни туширдик — яратдик. Унда куч-қувват ва одамлар учун манфаатлар бордир” дейилади. Одамлар темирдан қуроллар ясайди. Болта, ўроқ, кетмон, бел каби темир анжомлар кишиларнинг мушкулини осон қилади. Темирдан қилинган хома ва бошқа ёзув қуроллари воситасида эса сўзлар қоғозга муҳрланди. Бундан сўзларнинг имконияти янада ошади, “умр”и узаяди. Тошларга, тери ва қоғозларга битилган сўзлар замонлар оша одамларга маънавий-руҳий қувват беради. Улар одамларда гўзал ҳиссиёт ва кечинмалар уйғотади.

Сўзнинг сирли тилсими бадиий асарларни қайта ўқиганда ҳам аён бўлади. Сўзни қайта ҳис қилиш орқали уларнинг илгари англамаган янги жиҳатлари очилади. Ваҳоланки, шеър, дoston ва романлар матнидаги бирор сўз, вақт ўтса-да, ўзгармаган бўлади. Масалан, Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўғри” ҳикояси неча йиллардан буён адабиётшунослар, китобхонлар ўртасида турлича талқин қилиб келинади. Лекин бу жажжи ҳикоянинг яратилганига чораккам бир аср ўтди. Бу муддатда унинг ҳажми кўпаймади ҳам, камаймади ҳам. Айрим таҳлилчилар ҳикоядаги элликбоши, амин, тилмоч ва приставни ўғри дейди. Яна бир гуруҳ танқидчилар эса ҳўкизини ўғри урганидан ночор қолиб, дағ-дағ титраб, кўзлари жовдираб, ҳаммага қараса-да, ҳеч кимни кўрмаётган Қобил бобонинг ўзини айбдор қилади. Қарашларнинг бундай ҳар хиллиги нимадан келиб чиқади? Бунга фақат ижтимоий турмушдаги ўзгариш ва дунёқарашнинг янгиланиши сабабми? Агар шундай бўлса, дунёқараш ниманинг таъсирида пайдо бўлади, ниманинг замирида юзага келади? Дунёқараш ва тафаккур аввало сўзнинг таъсирида шаклланмайдими?

Шундай экан, сўзни қай тарзда шарафлаш мумкин, сўзга қандай ҳайкал қўйса бўлади? Кўнгил ҳазинасидан тил “олиб чиққан” бу сирли ҳодиса моҳиятини кишилар қачон англаб етади? Ою юлдузларни забт этишга тинимсиз уринаётган, азиз умрини бойлик ва молу мулк таллашишга совураётган одамзод ўз қалбидан мўъжизага айланиб чиқаётган тилсим — сўз сирини билишга қачон вақт топади?

ШАРКУ ҒАРБ ФАЛСАФАСИ

Абдулла ШЕР



Хужжатул-ҳақ Гиёсиддин Абулфатҳ имом Умар ал-Хаймий ибн Иброҳим ан-Найсобурий 1048 йили Хуросоннинг Нишопур (Найсобур) шаҳрида чодирдўз оиласида (Хайёмий тахаллуси шундан) таваллуд топиб, 1122 йили вафот этгани маълум. Умар Хайём математика, астрономия ва фалсафада ўз даврининг буюк мутафаккири эди. У математика тарихида биринчи бўлиб, даражали илдиз чиқаришнинг умумий усулини таклиф этган. Унинг алгебра ва геометрия борасидаги кашфиётлари, илмий фаразлари 400-800 йил кейин Декарт, Ньютон, Венцел каби Овруро олимлари томонидан тасдиқланган. Хайёмнинг астрономия соҳасидаги изланишларига Улуғбек юксак баҳо берган. У тузган тақвим ҳозир биз фойдаланаётган Григорян тақвими-дан аниқроқ экани кўпчиликка аён. Алломанинг бизгача етиб келган фалсафий рисолалари ва жаҳонга машҳур бўлиб кетган рубойлари ҳам муайян маънода ўзига хос кашфиётдир. Уларнинг ҳозиргача аҳамиятини йўқотмагани шундан. Хайём асарлари қайси соҳага тааллуқли бўлишидан қатъи назар, фалсафа билан узвий боғлиқ. Бошқача айтганда, унинг илмий, тарихий ва бадиий мероси абадий ям-яшил дарахтга ўхшаса, фалсафа бу дарахтнинг ўқ томиридир.

Умар Хайёмнинг “Рисолаи фил-бароҳийи ало масоил ал-жабр ва ал-муқобала” (“Алгебра ва алмуқобала масалалари исботи тўғрисида рисола”), “Мезон-ул-ҳакам” (“Донишмандлик мезонлари”), “Зижи Маликшоҳий” (“Маликшоҳ тақвими”), “Рисола фил-вужуд” (“Мавжудлик тўғрисидаги рисола”), “Наврўзнома” каби математика, физика, жуғрофия, муסיқашунослик, тарих, астрономияга бағишланган асарлари, шунингдек, рубойлари муайян бир илмий-фалсафий тизимни ташкил этади.

Баъзи тадқиқотчилар Хайёмнинг хурфикрлигини кескин радикаллаш-тирган ҳолда, уни ашаддий даҳрийга чиқариб қўйишгача боради, моддиюнчи — материалист деб таърифлайди. Аслида эса унинг қарашлари асосан машоийунлик (перипатетизм) йўналишига мансуб бўлиб, у Шарқ арастучилари — Форобий ва Ибн Синонинг издоши. Уларни фақиҳ, мутасаввиф, мутакаллим ва бошқа муҳолиф йўналишдаги мутафаккирлар "файласуф" (юнонча — "философ") номи билан атаганлар. Масалан, Хайёмнинг замондоши Имом Ғаззолий ўзининг бир эмас, икки асарини қадимги юнон аъналарининг давомчилари бўлмиш "файласуф"лар қарашлари танқидига бағишлайди. "Мақосид-ул-фалосифа" ("Файласуфларнинг мақсадлари"), "Та-хофут-ул-фалосифа" ("Файласуфларнинг қарама-қаршиликлари") асарларида Форобий ва Ибн Синони адашганликда, ҳатто куфрда айблайди. Хайём ўзининг бир рубойида бундай дейди:

*Мени файласуф деб ёв қилур хато,
Мен ундай эмасман, билади Худо.
Шу қайғу уйига келгач, ўзимни —
Ким билсам ўшандан камроқман ҳатто.*

Бу ўринда Хайёмнинг "ёв"и — рақиби ҳақ. Хайём — файласуф, фақат у кўпхудоликни тарғиб этган юнон алломаси эмас, яккахудоликни, тавҳидни тан олган мусулмон файласуф. Лекин айна пайтда Хайём ҳамда ундан аввал ва кейин ўтган машоийун-файласуфлар билан юнон файласуфлари, айниқса, Арасту ўртасида мустаҳкам боғлиқлик бор; уларнинг ҳаммаси юнон файласуфлари изидан борган. Нега шундай бўлди? Нега Яқин ва Ўрта Шарқ мутафаккирлари Узоқ Шарқдаги даочилик, конфуцийчилик ёки буддавийлик фалсафасидан, бошқачароқ айтганда, ўзларига "қадрдон" Хитой ёки Ҳиндистон донишмандларидан эмас, Овруро — Юнонистон файласуфларидан таъсирланган?

Маълумки, мусулмончиликнинг асоси — тавҳидда, яккахудоликда: Оллоҳ ягона, унинг шериги йўқ ва бўлиши мумкин эмас. Қадимги юнон мутафаккирлари айнан ана шу тавҳид йўлини фалсафий жиҳатдан асослаб берган эди. Биринчи бўлиб бу масалани Сукрот ўртага ташлаган. У ўлимга маҳкум этилганида, юнон эътиқодига шак келтиришда, ёшларни нотўғри йўлга (аслида тавҳид йўлига) даъват этишда айбланади. Лекин Сукротнинг ўлим олдидан айтган сўнги гапига эътибор қилинг. У заҳар ичгач, "Мен Унинг (уларнинг эмас! — **А.Ш.**) ёнига кетяпман!" дейди. Шунингдек, Афлотуннинг гоёлар, мутлақ руҳ, эманация ҳақидаги фикрлари ҳам тўғридан-тўғри яккахудолик масаласига бориб тақалади. Лекин Сукрот ва Афлотун тавҳидни фалсафий-назарий жиҳатдан асослашни ўз олдига вазифа қилиб қўймаган, бунга уринмаган ҳам эди. Бу ишни Арасту уддалади. У ўзининг машҳур "Метафизика" асарида Худонинг яккалигини, жисмсиз, ҳеч нарса томонидан ҳаракатга келмайдиган, аксинча, биринчи ҳаракатга келтирувчи куч эканини назарий исботлаб берди. Уни "олий шакл" (форма) деб атади. Арасту талқинида Худо олам ва барча оламий жараёнларнинг мақсади ҳисобланади. Ўрта асрлар мусулмон Шарқи мутафаккирларидаги қадимги юнон донишмандлари меросига улкан эътиборнинг, тақлиднинг асл сабаби ана шунда.

Бинобарин, Хайёмни (шунингдек, бошқа машоийунларни ҳам) моддиюнчига чиқариб қўйиш мафкуравий нуқтаи назар маҳсули бўлиб, холис илмий ёндашувлардан йироқ. Хайёмга даҳрийлик тамғасини босиш ҳам худди шундай ножоиздир.

Хайём кўпчилик замондошлари ва тарихчилар эътирофича, ростгўй, ҳалол,



мунофиқликдан ҳазар қиладиган буюк шахс, ҳамиша ҳақиқатни устувор деб биладиган олим бўлган. Шунинг учун баъзи тадқиқотчилар таъкидлаганидек, уни Қуръони карим ва тафсири, қироат илмини кўзбўямачилик учун, одамлар орасида обрў орттириш мақсадидагина ўрганган деб бўлмайди.

Аксарият муаллифлар эса, аксинча, Хайёмни зоҳид, сўфий, мутасаввиф сифатида кўрсатишга уринади. Улар кўпинча қуйидаги уч асосга таянади.

Биринчиси, ҳозирги вақтда тасаввуфнинг айрим замондошларимиз учун қандайдир “мода”га, “хобби”га айланиб қолганида намоён бўлади: улар мумтоз бадий асарда “ёр” учраса, уни — Худо, “май” дуч келса, уни — ваҳдатга олиб борувчи восита рамзи дея талқин қилади. Бунинг устига, муслмон Шарқи тафаккурининг моҳиятидан беҳабар насронийлар ва Фарб ўқувчилари орасида

да шов-шув кўзғатишни ўз олдига мақсад қилган, тасаввуфни жодугарлик тарзида талқин этувчи Идрис Шоҳ кабиларнинг тахминий гапларига таяниш кўзга ташланмоқда. Аслида эса, Идрис Шоҳ тасаввуфга фалсафий билим ва мушоҳада воситасида ёндашишдан анча йироқ. Унинг учун тасаввуф ҳамма ерда — исломда ҳам, насронийликда ҳам, буддавийликда ҳам мавжуд. Бошқача айтганда, Идрис Шоҳ чуқурликка тўғри келса, уни — “тасаввуф чуқурлиги”, дўнгликка тўғри келса, уни — “тасаввуф дўнглиги” дейишдан тап тортмайди. Унинг Хайёмга муносабати ҳам шундай: “Умар Хайём” деган мақоласида Хайёмни ҳеч бир жиддий асоссиз сўфий деб атайтиди ва шунинг ўзи унинг сўфийлигини исботлаш учун етарли деб ҳисоблайди (*Идрис Шах. Суфизм. М., “Клышников и К”, 1994, с. 193*). “Мулла Насриддиннинг лутфлари” деган мақоласида эса Идрис Шоҳ ҳатто Насриддин Афандини тасаввуф вакили, мутасаввиф шайх сифатида тасвирлайди (*Ўша асар, 81-бет*). Биздаги Идрис Шоҳ шоғирдларининг жаҳди жадалига кўра, яқинда Алдар кўсанинг ҳам мутасаввиф экани “кашф этилса” ажаб эмас.

Иккинчи асос шуки, “Мавжудликнинг ялпи умумийлиги” рисоласининг сўнги — еттинчи қисмида Хайём Худони билишнинг, тўғрироғи, Худога етишишнинг тўрт йўли (калом, фалсафа, исмоилии ва тасаввуф) ҳақида гапириб, тўртинчисига нисбатан “Ҳаммасидан маъқули шу йўл”, деган фикрни айтади (*Омар Хайям. Трактаты. М. “Наука”, 1961, с. 186*).

Бу ўринда Хайём, мутасаввиflikка даъво қилаётгани йўқ, фақат Худога етишмоқ аввало ахлоқий поклик орқали юз беради, демоқчи, холос. Дарҳа-

қиқат, Қуръони карим юксак ахлоқ ва эътиқод эгаларини тарбиялаш учун нозил қилинган муқаддас битик экани ҳар бир диний саводи бор одам учун аён; ислом эса, ҳадисларда қайта-қайта таъкидланганидек, "гўзал ахлоқ". Айни пайтда Хайём масалага ўзи мансуб илмий йўналишнинг рационал таъмоилларига содиқ қолгани ҳолда ёндашмоқда: Худога рационал йўлдан кўра иррационал, трансцендентал ёндашув орқали етишишнинг эҳтимоли кучлироқ деган (кейинчалик экзистенциализм оқимига мансуб файласуфлар томонидан тан олинган) фикрни баён этади.

Учинчи асос Хайём рубоийларида куйланган майнинг "шароб-ут-тахуро" ёки "майи ваҳдат" тарзида нотўғри тушунилиши билан боғлиқ. Бу ҳақда кейинроқ алоҳида тўхталамиз.

Фалсафадан яхши хабардор киши Хайём асарларига жиддий эътибор билан қараса, унинг мутасаввиф ёки сўфий эмаслигини англаб олиши қийин эмас. Бир мисол: Хайём "Мавжудлик тўғрисида рисола" асарида таъкидлашича, Худо — мутлақ зот, инсон — нисбий мавжудот экан, нисбийлик мутлақликни билиши ва шу билими орқали унга етишиши мумкин эмас; нисбийлик мутлақликнинг моҳиятини ҳеч қачон била олмайди, фақат унинг кўпдан-кўп хусусиятларидан, сифатларидан, ҳодисаларидан бирини, бир нечасини билиши мумкин, холос. Шунинг учун инсон Худони мукамал тарзда билишга умри мобайнида эриша олмайди, мукамал билмаганидан кейин у билан бирлаша олмайди, яъни нисбийлик мутлақликка айланмайди. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, инсон ўз "мен"идан мут-



лақ даражада кеча олмайди ва "аналҳақ" даражасига кўтарила билмайди. Демак, Хайёмгача бўлган Мансур Ҳалложнинг тасаввуфий қарашлари ҳам, Хайёмдан кейинги Ибн Арабийнинг ваҳдатул-вужуд назарияси ҳам, ундан сўнгги ваҳдатуш-шухуд таълимоти ҳам жиддий илмий заминга эга эмас. Хайём тасаввуфнинг асосларидан бирини инкор этипти: инсон Худони таниб, унга интилиб боргани ҳолда, ҳеч қачон уни охиригача билишга муяссар бўла олмайди.

Буни жуда яхши тушунган Жалолиддин Кифтий (1172-1231) "Татимат ус-сивон ал-ҳикма" китобида алломани тасаввуфнинг душмани, ҳатто исломнинг заруркунандаси деб атайди: "Умар Хайём — хуросонлик имом, ўз давридаги олимларнинг олими эди, у юнонлар илмидан дарс берарди, инсон қалбини поклаш, уни жисмоний нафсдан тозалаш воситасида ягона Ҳақни билишга ундарди ва одамлар ўртасида юнонча қонун-қоидаларга асосланган юксак ахлоқий муносабатларнинг устувор бўлишини қатъиян талаб қиларди... Кейинги сўфийлар унинг шеърлятидаги баъзи бир зохирий нарсаларга эътиборни қаратдилар ва ўша зохирий маъноларни ўз таълимотларига татбиқ этдилар, ўз мажлислари ва холи суҳбатларида уларни далил сифатида қўлладилар. Ваҳоланки, унинг шеърлятидаги ботиний маънолар мусулмончилик қонун-қоидалари учун заҳарли илондек гап..." (Трактаты, с. 59).

Умар Хайёмнинг мутасаввиф ёки сўфий эмаслигига яна бир исбот шуки, агар у ҳақиқатан ҳам тариқат ахлидан бўлганида, машхурлик жиҳатидан ўзидан кам бўлмаган замондоши, "Низомия булбули" деб ном олган тасаввуф назариятчиси ҳужжатул-ислом Имом Фаззолий билан муносабатга киришмаслиги мумкин эмас эди. Хайём эса, аксинча, иложи борича ундан ўзини олиб қочишга ҳаракат қилган. Бу борада Байҳақий келтирган Фаззолий ва Хайём ўртасида ўтган бир учрашувнинг тафсилоти диққатга сазовор. Унда Хайём Фаззолий билан жиддий фикр алмашишни истамай, атайин узундан-



узоқ ва юзаки фикрларни баён қилади. Ниҳоят, муаззин пешин намозига чақирганида, Имом Ғаззолий "Ҳақиқат келдию бемаънилик йитди", деб ўрнидан туриб чиқиш кетади (*Трактаты*, с. 26).

Бундан ташқари яна бир муҳим жиҳат борки, унга тўхталмай ўтишнинг иложи йўқ. Бу — ўзини мутасаввиф деб ҳисоблаган олимлар доимо, истисносиз тарзда, йирик, фундаментал асарларида ҳам, кичикроқ рисолаларида ҳам гапни "Билиб қўйки, эй дарвеш..." деган мурожаат билан бошлаган ёки саҳифалар орасида шу мурожаатни қўллаган ёхуд дарвишлик рутбаси ҳақида албатта тўхталиб ўтган. Буни Ғаззолийда ҳам, Насафийда ҳам, Кошифийда ҳам — барча мутасаввифларда кўриш мумкин. Хайём рисолаларида эса бундай мурожаат учрамайди.

Хайёмнинг қайси фалсафий йўналишга мансублиги тўғрисида буюк мутафаккир рисолаларини таржима қилиб, нашрга тайёрлаган, уларга шарҳлар ёзган рус олимлари Б. Розенфельд ва А. Юшкевич қуйидагича фикр билдиради: "Хайём ўз фалсафий рисолаларида янги афлотунчиликнинг муҳим унсурлари билан омукталашган ва мусулмончилик этиқодига яхшигина мослаштирилган Шарқ арастучилиги тарафдори сифатида намён бўлади. Хайём рационал исботлардан ислом ва диний ибодатнинг энг муҳим қонун-қоидаларини далиллаш учун фойдаланади" (*Трактаты*, с. 62).

Маълумки, фалсафада Яратган ва яралмиш мавжудлиги ва бу мавжудликнинг моҳиятга муносабати қадим-қадимлардан муҳим масала ҳисобланган. Машоийунлар ичида Хайёмгача мавжудлик муаммоси билан унинг устози Ибн Сино жиддий шуғулланган, Хайёмдан кейин эса Ибн Рушд бу масалага ўзига хос фалсафий ойдинлик киритган. Гарчанд Хайём фалсафий рисолаларида илгари сурган мавжудлик борасидаги ғоялар, хусусан, "Уч саволга жавоб" асаридаги назарий фикрларнинг Ғарб илмий адабиётларида кейинчалик вужудга келган концептуалчилик оқимига асос бўлгани қайд этилса-да, айтиш мумкин бу қарашлари XX асрда шов-шув кўтарган экзистенциализм таълимотига ҳам катта таъсир ўтказган.

Хайём мураккаб файласуф-шоир, унинг меросига фақат бир томонлама ёндашиш мумкин эмас. Айниқса, унинг рубоийлари муаллиф ижодий тафаккури ва дунёқарашининг кўпқирралиликдан далолат беради. Шуниси муҳимки, Хайёмнинг фалсафий қарашлари рисолаларидан кўра шеърларида теранроқ ифодаланган. У фикрларини ўзига хос эстетик шаклда — адабиётнинг ғоят нафис рубоий жанрида баён этишга интилган.

Хайём наздида инсон, кейинчалик экзистенциализм оқимининг йирик вакили Карл Ясперс таъкидлаганидек, эртага нима бўлишини, ўзини қаерда ва қандай ҳолатда кўришини билмайди, "у ҳамма ҳодисаларда бир хил бўла олмайди" (*К.Ясперс. Смысл и назначение истории. М., Политиздат, 1991, с. 378*). Рубоийларнинг кўпчилигида, экзистенциячилар севган ибора билан айтганда, инсон ўз ҳолига ташлаб қўйилгани — унга ихтиёр эркинлиги берилгани ва тақдир кинояга мавзу бўладиган ҳодиса эканини кўрамиз; ҳар бир мавжудликни Оллоҳ яратган, лекин унинг хусусиятларини кейинчалик ўзгартирмайди — "ўз ҳолига ташлаб қўяди". Бунга ишорани Ибн Синода ҳам учратамиз. Ибн Рушд эса уни олов мисолида тушунтиради. Оловни Оллоҳ яратган, лекин у фойда келтириш баробарида ўрмонга ўт кетган ҳолларда ҳайвонлар ва ўт-ўланларни ҳалок этиши мумкин; унинг бу хусусияти ўзгармасдир. Шунга ўхшаш фикрларга таяниб, Ибн Рушд яқка субстанцияларда (жавҳар) мавжудлик моҳиятдан олдин туриши мумкин, деган ғояни илгари суради. Мавжудлик фалсафаси деб тан олинган экзистенциализм таълимотининг мақсади моҳият мавжудликни эмас, аксинча, мавжудлик

моҳиятни белгилайди, деган ғояда ифодаланган. Шу жиҳатдан Хайёмнинг мана бу рубойиси диққатни тортади:

*Умрингдан нафас ҳам ўтса, эй инсон,
Кўлдан чиқармагин бўлмайин шодон.
Қандоқ ўтказурсан, шундоқ ўтар умр,
Хушёр бўл, шундақа аслида жаҳон.*

Рубойларда алломанинг мавжудлик фалсафаси ифодаланган. Уларда инсон алоҳида субстанция сифатида талқин этилиб, мавжудлиги унинг моҳиятига мос ёки мос эмаслиги ҳамда бу мавжудликнинг чеклангани масаласи ўзига хос бадий тимсоллар воситасида баён этилади. Ана шу нуқтада биз нима сабабдан Хайём рубойилари ҳатто ҳозирги даврда ҳам аҳамиятини йўқотмагани сабабини англагандек бўламиз.

Чунки Хайём рубойилари — жажжи сюжетларидан тортиб, ахлоқий-эстетик жиҳатларию фалсафий хулосаларигача — тўлалигича "бизники". Зеро, истаган одам, унинг лирик-фалсафий қахрамони сингари, табиат кўйнида хузур олиши, май ичиши, мусиқа тинглаши, ёр ва баҳор гўзаллигидан лаззатланиши ҳамда инсон мавжудлиги ҳақида фалсафий мушоҳадага берилиши мумкин. Уларда инсон мавжудлиги унинг моҳияти билан чиқиша олмайди, "мавжудликнинг асл сабаби тасодифий ҳақиқат туфайли зоҳир бўладиган жавҳардир (субстанциядир)" (*Трактаты. М., 1961, с. 168*). Нега шундай?

Айнан шу масала Хайём фалсафасининг асосини ташкил этади. Инсон олам узугининг кўзи — гавҳари (жавҳари) бўлган ҳолда, ўз мавжудлиги мобайнида асл моҳиятини ва бу моҳиятнинг чегараларини англаб етишга қодир эмас. Натижада унинг ҳаёти абсурдга айланади. Инсон охир-оқибат ўлимга қараб борадиган зот экан, унинг дунёга келиб кетганидан нима фойда? Эҳтимол, бу оворагарчиликдан бирйўла қутулиш учун ёруғ дунёга келмай кўя қолгани маъқул эмасмикан? Зотан, Хайём таъкидлаганидек:

*Мени айладилар дунёда мавжуд,
Ҳаётда топганим ҳайрат, тараддуд.
Бу йўлни ўтдиму тушунолмадим,
Келмагу кетмакдин не экан мақсуд?!*

Инсон мавжудлигининг ғайримантиқийлиги унинг ҳаётидаги фожиавийликни келтириб чиқаради. Абсурд — Хайём рубойиларида бадий инъикос топган фожиавийлик тушунчасининг мояси, у одам, олам ва замон муносабатлари силсиласида намоён бўлади. Одам мавжудлигининг имкониятлари, бир томондан, олам абадийлиги, иккинчи томондан, замон ўткинчилиги билан боғлиқ. Абадийликка дахлдор руҳ билан ўткинчилик хусусиятига эга вужуд ўртасидаги муносабатлар инсон ҳаётини зиддиятли, ҳеч қандай тушунча ёрдамида тўлиқ англаб етиб бўлмайдиган, ўз ҳолига ташлаб кўйилган, ўзгарувчан, хавотир, кўркув ва танловдан иборат мавжудлик тарзида кўрсатади.

*Бизлар кўғирчоғу фалак кўрчоқбоз,
Бу сўзим чин сўздир, эмасдир мажоз.
Йўқлик сандуғига бир-бир тушгаймиз,
Вужуд палосида ўйнагач бир оз.*

Файласуф-шоир ана шу саволларга жавоб топишга уринади. Уни майдан, ёр васлидан, лаззатдан, табиат гўзаллигидан, ахлоқий юксакликдан, фалсафий тафаккурдан излайди.



Шу сабабли Хайём ҳам, ўз салафлари каби, гўзалликка алоҳида эътибор беради, уни инсон билан бевосита ёки билвосита боғлиқ ҳолда олиб қарайди. Жумладан, нарсалар гўзаллиги ҳам инсон билан боғлиқ. Масалан, олтин нима учун гўзал? “Наврўзнома”да айтилишича, у қимматбаҳо рангли металл бўлгани учун эмас, балки инсон ундан безак сифатида фойдалангани, унинг жисмонан соғломлашувига хизмат қилгани сабабли гўзалдир.

Хайём ахлоқий гўзаллик ҳақида фикр юритар экан, ташқи ва ички гўзаллик уйғунлиги масаласига алоҳида урғу беради, барча машоиййун файласуфлар каби, гўзаллик билан эзгуликнинг яхлит намоён бўлишини таъкидлайди; гўзалликни гўзал қиёфа билан боғлаб талқин этади: “Гўзаллик барча тилларда васф этилади ва ҳар қандай ақлга хуш келади. Дунёда яхши нарсалар кўп, уларни кўриб баҳраманд бўлиш одамларни шод этади ва табиати ни покиза қилади, аммо ҳеч нарса гўзал юз ўрнини боса олмайди, чунки у шундай қувонч бахш этадики, бошқа ҳеч қандай қувонч унга тенг келолмайди. Айтадиларки, гўзал юз дунё саодати сабабчисидир. Агар гўзал юз яна яхши хулқ билан уйғунлашса, бахт-саодатнинг энг юқори даражаси бўлади. Агар одам, ҳам ташқи кўриниши, ҳам табиати яхши бўлса, Худо ва одамлар учун сеvimлидир. Гўзал юз тўрт фазилатга эгадир. Улардан бири шуки, гўзал юз уни кўрган одамнинг шу кунини хайрли этади, иккинчиси — ҳаётдан баҳраманд бўлиш онларини ширин қилади, учинчиси — у одамни очик кўнгилли ва олижаноб этади, тўртинчиси — бойликни кўпайтиради ва юқори мансабга эриштиради” (Умар Хайём. *Наврўзнома*, Т., “Меҳнат”, 1990, 54-бет).

Баъзи рубоийларида эса Хайём гўзалликка теран фалсафий нуқтаи назардан қарайди. Гўзал юз, гўзал хулқ эгаси бўлмиш нозанин вақти келиб гулга, майсага, лолага айланади:

*Ариқ лабидаги ҳар гиёҳ, кўкат —
Малакдай гўзалнинг юзидаги хат.
Бу сабза — лоладек юзлар тупроғи,
Сабзага авайлаб оёқ кўй гоёта.*

Хайём гўзалликка чинакам инсоний ёндашувни мақбул кўради. Унинг на- заридан, инсондан ташқаридаги гўзаллик, аввало, табиатда, гулларда, лолаларда, баҳорда тажассум топади. Лекин у — ўткинчи. Бу гўзалликдан лаззатланиш учун жуда қисқа вақт берилган; гўзаллик умри билан инсон умри шу жиҳатдан ўхшаш. Буни Хайём бир рубоийсида бундай ифодалайди:

*Сабодан бўлибди гул ёқаси чок,
Гул юзидан булбул бўлмиш тарабнок,
Гул тагида ўтир, чунки жуда тез
Гул ерга тўкилур, биз бўлурмиз хок.*

Хайём табиат гўзаллигини идрок этиш учун албатта муайян имкон ва шарт-шароит зарурлигини, улар мавжуд бўлгандагина инсон ўзи учун шу заминда ҳам гўзаллик лаззатини туюши мумкинлигини таъкидлайди:

*Кўнглим очилмайди баҳор палласи,
Бўлмаса май, маъшук, машшоқ яллари.
Боғ ичра май, машшоқ маъшуқанг бўлса,
Жаннат ҳам, кавсар ҳам шудир хулласи.*

Шу ўринда май тушунчасига тўхталиб ўтмоқ жоиз. Гарчанд, юқорида ай- тиб ўтганимиздек, Хайём сўфийларга ён босиб, рисолаларда тасаввуф аҳли мақомини баланд кўйса-да, унинг рубоийларидаги шароб бу — мутасав- виф шоирлар куйлаган рамзий май эмас. У — узумдан тайёрланган ичим- лик. Масалан, "Наврўзнома" асарида Хайём май тарихига тўхталиши баро- барида ҳатто қизил, сариқ ва қорамтир май турларини тайёрлаш жараёнла- рига алоҳида боблар ажратади ҳамда май тайёрлашни қиёмига етказиш усуллари ҳақида муфассал маълумот беради. Бироқ, айтилган пайтда, "Хайём- нинг майи" рамзий маънога ҳам эга, у — гўзалликни идрок этиш воситаси. Мусиқа, гўзал ёр жамоли билан биргаликда май инсонда фориғланиш (ка- тарсис) ҳодисасини вужудга келтиради — ҳаётнинг хунук воқеаларидан, жа- миятдаги пасткашлик, майдакашлик, манфаатпарастлик сингари ҳолатлар- дан фориғ бўлиш, улардан бир бош баланд туриш, баҳор ва ёр гўзаллиги- дан, гул ва кўнгил гўзаллигидан лаззатланиш имконини беради.

*Замонасозларнинг сўзларидан кеч,
Гўзаллар қўлидан шароб сўраб ич, —*

дейди бир рубоийсида шоир-файласуф.

Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, Хайём рубоийларидаги май инсон учун кўзгу вазифасини ўтайди. У инсондаги ахлоқ ва ахлоқсизликни, гўзал- лик ва хунукликни ҳам ўзига, ҳам атрофига намоён этувчи восита. Шу са- бабли унинг тарбиявий аҳамияти катта, май — шахсни шахс қилади:


*Майни тоққа берсанг тоғ ҳам рақс этар,
Ёмонлар ёмонлаб уни наҳс этар.
Майдан асти тавба қилмайман, зеро,
Май тарбия берар, шахсни шахс этар.*

Бу сатрлар шунчаки шоирона ташбеҳ, гўзал лутф учунгина айтилган сўзлар эмас, балки чуқур мушоҳада ва мулоҳазалар асосида чиқарилган хулоса;

Хайём майни ишонч билан аънавий ахлоқий-эстетик восита сифатида талқин этади. Зотан, айнан шундай фикрларни биз юқорида тилга олганимиз "Наврўзнама" рисоласидаги "Майнинг фойдаси ҳақида" деган бобда ҳам кўрамиз: "Баъзи зийрак одамлар майни ҳақиқий инсонийлик маҳағи дейишади. Баъзилар уни идрок танқидчиси, баъзилар — билиш мезони, баъзилар — қобилият кўзгуси дейдилар... Кимда-ким беш жом майи ноб ичса, ўзидаги яхшилик ва ёмонликни, яъни ўзининг маънавиятини кўрсатади... Доно одам... ичишни бошлаганидан тугатгунча унинг на сўзларида ва на хатти-ҳаракатларида ҳеч қандай қўполлик ва ёмонлик намоён бўлмайди. У шу даражага (мақомга) етгандагина май ичиши мумкин", деб ёзади Хайём (*Наврўзнама, 47-48-бетлар*). Унинг кўпгина рубоийларида бу фикрларга ҳамоҳангликни кўриш мумкин. Мана улардан бири:

*Май ичамен, мастлик қилмайман асло,
Қадахдан ўзгага бўлмайман бало.
Бода ичишлиқдан менинг ғаразим
Ўзимга сен каби қўймаслик бино.*

Айрим тадқиқотчилар Хайём ижодидаги май тимсоли моҳиятини нотўғри тушуниши оқибатида сохта илмий хулосалар чиқаради. Масалан, Г.Честертон "Умар Хайём ва муқаддас май" эссесига бундай деб ёзади: "Ёмони — Хайёмнинг майни куйлагани эмас, ёмони — унинг наркотик хусусиятини куйлагани. Хайём ғамни аритиш учун май ичишга чақиради. Унинг учун сархушлик олам эшигини очиш эмас, аксинча, ёпиш воситасидир" (*Самосознание Европейской культуры XX века. М., Политиздат, 1991, с. 209*). Шу эссенинг яна бир жойида муаллиф "Рубоийёт" ўткинчи қувонч ва лаззат кетидан қувишни ҳаммадан баланд пардаларда куйлайди", деб ёзади (с.210). Бошқа муаллиф назарида, Хайём ўта диндор зоҳид, харобада бир кўза суву яримта нон билан кун кечиришни афзал билган киши, у куйлаган май "майи ваҳдат" ёки "шароб-ут-тахуро". Хўп, шундай ҳам дейлик, у ҳолда лирик қаҳрамон уйланмоқчи бўлган "ток қизи"ни ("дўхтари раз") жаннатдаги ҳур, "узум суви"ни ("оби ангур") ваҳдат майи



деб тушуниш керак бўлади. Бу ақлга тўғри келмайди. Гап шундаки, Хайём нарсаларни ўз номи билан айтаётибди, холос. Хуллас, Хайёмни пиёнистага чиқариб қўйиш ҳам ёки унга "сўфийлик дипломи"ни тутқазиш ҳам кулгили ҳодиса.

Шу жиҳатдан аллома Абдурауф Фитратнинг "Форс шоири Умар Хайём" мақоласидаги "Умар Хайёмнинг "майи" Худонинг ишқи эмас, салжук султонлари саройида ичилган узум майи бўлган. Хайём бу майдан сарой кечаларидаги базмлардагина ичган. Доимий сархуш пиёниста бўлмаган" деган сўзлари диққатга сазовор (*Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. II жилд. Т., "Маънавият", 2000, 156-бет*). Қўшимча қилиб шуни айтиш керакки, май у даврларда биз тушунадиган "бир яйраш" учун ичилган эмас, Хайём ҳам, унинг салафлари ҳам майга бошқача муносабат билан ёндашган, боя айтиб ўтганимиздек, унга ахлоқий-эстетик восита сифатида қараган.

Шундай қилиб, Хайём майни инсоннинг ўзлигини намоён қилувчи восита, эстетик ҳиссиётни уйғотувчи модда сифатида талқин этади, уни маҳаллик (қимматбаҳо тошларни синайдиган тош), ўзига хос фалсафий категория даражасига кўтаради. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки инсон Хайём назарида коинотнинг асл жавҳаридир:

*Дунёнинг тилаги, самари ҳам биз,
Ақл кўзин қораси — жавҳари ҳам биз.
Тўғарак жаҳонни узук деб билсак,
Шаксиз унинг кўзи — гавҳари ҳам биз.*

Хайём инсонни фожиадан қутқариш чорасини, аввало, гўзалликка ошуфталикдан, кейин эса ахлоқдан излайди. Унинг фикрича, "на чин мусулмонун бутунлай кофир", ёлгон ва мунофиқ, нафс балосига йўлиққан инсон ахлоқ туфайлигина юксакликка кўтарилиши мумкин. Зеро, Куръони карим талаби ҳам — гўзал ахлоқ. Оллоҳнинг солиҳ бандалари гўзал ахлоқ эгаларидир, гўзал ахлоқ одамни комиллик мақомига кўтаради:

*Фақат илм билан баландмас одам,
Аҳду вафо билан баланд-паст одам,
Сўзи билан иши бир бўлса агар
Ҳар нарсадан баланд, муқаддас одам.*

Хайёмнинг бу рубоийдаги фикрига кўра, инсон шариат аҳкомларию барча диний, шунингдек, дунёвий илмларни эгаллагани билан Худога ва бандага берган аҳдига вафо қилмаса, бошқаларга савоб амаллар ҳақида сўзлаб, ўзи хуфя гуноҳга қўл урса, руҳан тавҳид ва таваккулдан йироқ бўлса, у одам мукаррам эмас, Яратганнинг халифаси эмас, бор-йўғи ҳайвонлик даражасидан бир баҳя ҳам юқори кўтарила олмаган жонзотдир. Тўғри, инсоннинг гуноҳи кўп, гоҳ у шариат фарзларини ўз вақтида бажара олмаслиги мумкин. Бироқ унинг нияти доим пок бўлса, бирор марта мунофиқлик қилмасдан, Яратганнинг яқкалигига шак келтирмасдан, унга суяниб, унинг расулини тан олиб яшаса, карами кенг Оллоҳ бундай бандани кечиради, у илоҳий қарамдан умидвор бўлишга ҳақли. Хайёмнинг қуйидаги рубоийси ана шу ҳақда:

*Тоат дурларини ипга тизмадим,
Юздан гуноҳ гардин артиб тўзмадим.
Ва лекин ҳеч бирни икки демадим,
Шунинг-чун лутфингдан кўнгил узмадим.*

Хайём, баъзи олимларга ўхшаб, Худога етишиш учун уни изламайди — Оллоҳ ҳамиша унинг қалбида. Шу боис Хайём Худонинг зотини, келиб чиқи-

шини биламан деб, уни "топишга" уринган, муқаддас сирни мен оча оламан, деб керилган кимсалар устидан кулади, нодонларнинг асл қиёфасини бундай тасвирлайди:

*Кўплар донишманд деб билдилар ўзни,
Худонинг зотидан очдилар сўзни.
Ҳеч бири билолмай азал сирларин,
Алжираб-валжираб юмдилар кўзни.*

Таъкидлаш жоизки, Хайём аниқ фанлар ва фалсафа борасида қай даражада етукликка эришган бўлса, ўз Раббини билишда ҳам шундай мақомга етган.

Бу ўринда бир ҳодисага эътиборни қаратмоқ лозим. Сўз Хайёмнинг ўз ўлимини олдиндан сезгани ҳақида бораётир. Байҳақийнинг эътирофича, у Хайёмнинг қариндошидан қуйидагиларни эшитган: "Бир куни у (Хайём) олтин мисвок билан тишини тозалаб туриб, "Аш-Шифо" (Ибн Сино) асарининг метафизика қисмини диққат билан ўқир эди. Китобнинг яққалик ва кўплик ҳақидаги бобиға келганида, у мисвокни варақ орасига қўйиб: "Шоҳидларни чақир, мен васият қилмоқчиман", деди. Кейин у туриб, намоз ўқиди, (шундан сўнг) ҳеч нарса емади ҳам, ичмади ҳам. Хуфтон намозини ўқиб бўлганидан кейин у бошини саждага қўйди ва сажда ҳолатида, "Ё Раббим, мен Сени имконим қадар билдим. Тавбамни қабул айла, Сени билишим — менинг Сенга борадиган йўлим эди", деди-да, жон берди" (*Трактаты*, с. 353).

Бу ривоят Хайёмнинг Худони нечоғлиқ англагани далилидир. Чунки муборак ҳадисда таъкидланганидек, "Ўзини англаб етган кишигина Яратгани англаб етади..." (*Воскрешение наук о вере*, с. 239). Дарҳақиқат, ўлим фариштаси қачон келишини сезган одам оддий банд эмас, комиллик пиллапоясининг энг юқори поғонасидан ўрин олган чинакам инсондир.

Шу ўринда болаликдаги хотираларим қалқиб чиқади: етти-саккиз ёшда эдим. Раҳматли ойим Кўқон қоғозига ёзилган арабий хатдаги Ҳофиз, Бедил ва Машраб ғазалларидан кўп ўқирдилар. Бир куни мен "Девони Машраб"даги қуйидаги сатрларни тингладим:

*Ёрсиз ҳам бодасиз Маккага бормоқ
не карак?
Иброҳимдин қолғон ул эски дўконни
на қилай?!
Ураинму бошимга саккиз беҳишту
дўзахин,
Бўлмаса васли менга, икки жаҳонни
на қилай?!
Аршнинг кунгурасин устига қўйдум
оёғим,
Ломакондин жой олибман, бу маконни
на қилай?!*

Бу мисраларни эшитиб, "Машраб ҳам бизнинг ўқитувчиларимизга ўхшаб кофирлик қиялпти-ку", дедим. Ойим раҳматли "Ҳай-ҳай, болам, ундай дема, Машрабни бунақа дейиш нораво, чунки у Худонинг эрка бандаси, билиб қўй, Худонинг шунақа эрка бандалари бўлади" деган эди.

Назаримда, хужжатул-ҳақ Гиёсиддин Абулфатҳ имом Умар ибн Иброҳим ал-Хаймий ҳам Яратганнинг эрка бандаси, ўзини англаб етган ва ўзгаларнинг камолотга эришуви йўлида хизмат қилган буюк сиймо бўлган.

МОЗИЙГА ҚАЙТИБ

Дилором АЛИМОВА
Умар РАШИДОВ



TARIX — XOLISLIK TARAFDORI

Ўзбекистон тарихининг шонли саҳифаларида Ватан мустақиллиги учун курашиб, бу йўлда қурбон бўлган юз минглаб қаҳрамонларнинг муборак номлари битилган. Кенг халқ оммаси қўллаши ёки қўлламаслигидан қатъи назар, тарихни буюк шахслар, раҳнамолар ҳаракатга келтириши аён. Мустақиллик йилларида кўҳна тарихимизнинг турли даврларида юрт озодлиги, Ватан равнақи учун курашган кўплаб фидойиларнинг унутилган номлари қайта тикланди. Бу яхши, албатта. Аммо шу жараёнда баъзи тарихий шахслар фаолиятига холис баҳо бермаслик ҳоллари ҳам учраб турибди. Бу — ортиқча эҳтиросларни жиловлай олмаётган айрим тадқиқотчиларнинг тарихий шахсларга ноҳолис муносабати оқибатидир. Ўтмишни яхши билмаслик, мозийни олдиндан ўйланган мақсадга мажбуран бўйсундириш истаги бу борада холис иш кўришга халақит беряпти. Одатда бунинг учун архив ҳужжатлари бирёқлама талқин қилинади, муаллиф қарашларига тўғри келмаганлари эса четга сурилади. Ана шундай тарихий шахслардан бири машҳур Анвар Пошодир. Сўнги даврда

асосиз равишда уни Ўзбекистоннинг миллий қаҳрамони сифатида талқин қилувчи турли шаклдаги адабий асарлар пайдо бўлди. Холбуки, бунга эҳтиёж йўқ. Ҳақиқатни тиклаш учун Анвар Пошонинг ҳаёти ва фаолиятига манбалар асосида холис ёндашсак, масала ойдинлашади.

Бир вақтлар Туркияда пошо (генерал) унвонини олган, лекин Камол Отатурк ҳукмати томонидан сиртдан ўлимга ҳукм қилинган собиқ Туркия фуқароси Анвар Аҳмадбей ўғли 1921 йилнинг октябрида Бухорога келади. Бир неча йиллар давомида турли мамлакатларда сарсон бўлиб юрган бу инсонни охир-оқибатда айнан Бухородан паноҳ излашга нима мажбур қилди? Унинг хаёли қандай гоёлар билан банд эди? Илгари ҳеч қачон қадами етмаган бу мамлакатдан у нима излади?

1881 йили дунёнинг азим шаҳарларидан бири Истанбулда туғилган Анвар ёшлигиданоқ бошқалардан устунлиги ва пешонасига “буюклик” қисмати ёзилгани ҳақида кўп ўйлайди, бора-бора бу фикрга чиппа-чин ишониб ҳам қолади. Ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган Анвар 1903

йили ҳарбий академияни муваффақиятли якунлаб, бошқа ёш зобитлар билан бирга усмонийлар империясининг мустамлакаси бўлган Македонияга юборилади. “Ёш турклар” ҳаракатига қўшилган Анвар кейинчалик кўзголончилар сафига кириб, Македонияни озод қилишда қатнашади. Анварнинг ёш зобитлар ўртасидаги нуфуздан фойдаланган усмонийлар султони Абдулҳамид Иккинчи, ўзига оғдириб олиш мақсадида, унга пошо унвонини беради ва Туркиянинг Берлиндаги ҳарбий атташеси этиб тайинлайди. Бу лавозим унинг Туркия тақдирида муҳим, ҳатто ҳал қилувчи вазифани бажаришига сабаб бўлади. Ҳали Македонияда эканлигидаёқ у австриялик зобитлар билан яқин алоқада бўлиб, немис тили ва ҳарбий тактикасини ўрганади. Берлиндаги хизмат даври ҳам беҳуда кетмайди. Анвар Пошо Германия канцлери Вилгельм Иккинчи саройига яқинлашади, кўплаб дўстлар орттиради, олий ҳарбий доиралардаги шахслар билан танишади.

1913 йили тақдир уни бундан-да юқори-роқ мартаба билан сийлайди: Туркияда ҳарбий тўнтарош содир бўлиб, ҳокимият “Ёш турклар” қўлига ўтади. Анварнинг дўстлари юқори лавозимларни эгаллайди: Тальат Пошо — Бош вазир, Жамол Пошо ҳарбий денгиз кучлари вазири бўлади. Анварга Туркия қўшинлари бош қўмондони ва ҳарбий вазир лавозимини таклиф қиладилар. Бу лавозим унга Германия билан муносабатларини янада мустаҳкамлаши ва Биринчи жаҳон урушида Туркиянинг Германия иттифоқчисига айланишида ташаббускор бўлишига ёрдам беради. 1914 йилнинг июлида Германия билан Туркия ўртасида Антанта иттифоқига қарши шартноманинг имзоланиши Анвар Пошонинг энг катта дипломатик муваффақияти бўлди. Аммо бу демократик кайфиятдаги кишиларни унга қарши қилиб қўйди. У Туркиянинг Биринчи жаҳон урушига тортилишида ташаббускор бўлди. Бунинг учун уни кечирмадилар. Боз устига, Туркия дастлаб Кавказда рус қўшинлари билан урушда, кейин эса Миср — Сувайш frontiда мағлубиятга учради. Худди шунинг учун у энг оғир жазога ҳукм қилинди.

Совет тарихчилари Анвар Пошонинг инглиз разведкасига хизмат қилганини тахмин этарди. Лекин бу тахмин далиллар би-

лан асосланмаган. Ўрта Осиёни ўрганган таниқли инглиз мутахассиси Фицрой Маклиннинг ёзишича, Анвар Пошо аввал-бошдан Германия Бош штабига хизмат қилган ва Германия урушни бой берганидан кейин ҳам Веймар республикаси ташқи сиёсатида муҳим аҳамиятга молик шахс бўлиб қолаверган. Лекин, нима бўлганда ҳам, унинг белгиланган жазодан қочиб, Одесса орқали Германияга йўл олгани ҳақиқат.

Адолат юзасидан эътироф этиш керакки, Анвар Пошо фавқулудда қобилиятли шахс бўлган. Шижоатли, жўшқин, довжорак бу инсон эҳтиросли ва оташин нутқлари билан кишиларни сеҳрлаб қўярди. Унинг тақдирида фожиа билан кулфат, фидойилик билан шуҳратпарастлик, зукколик билан телбалик ўзаро уйғунлашиб кетган эди.

Анвар Пошонинг Бухорода шўро ҳокимиятига қарши ҳаракатдаги хизматларини ошириб кўрсатишга мойил айрим тарихчилар, афсуски, унинг ашаддий шуҳратпарастлигини бутунлай эътибордан соқит қилади. Аввалига Македония, кейинчалик эса Кавказорти ва Туркия унинг шон-шуҳрат осмонида қуёшдай балқизи учун ўзига хос парвоз майдончаси вазифасини бажариши керак эди. Афсуски, унинг бу орзулари саробга айланади. Шундан кейин унинг нигоҳи Туркистонга қаратилади. Усмонийлар давлатига ўхшаш буюк салтанат бунёд этиш ва ўзи унинг яккаю ягона ва мутлақ ҳукмдори бўлишни хаёл қилади. Усмонийлар султонининг жияни Амина Нажибага уйланиб, “бутун мусулмонлар халифасининг куёви” фахрий рутбасига сазовор бўлганидаёқ бу гоёнинг тамал тоши қўйилган эди. Бу унинг мусулмон оламидаги обрўини янада ошириб юборади. Усмонийлар салтанати ағдарилиб, тасарруфидаги ҳад-ҳисобсиз мулклар, маҳладан, арабларга қарашли ерлардан маҳрум бўлгач, Анварнинг энг яқин сафдошларидан ҳисобланган амакиси Халил Пошо унга бундай деган: “Араблар нимаси билан ҳам бизни ўзига жалб қилиши мумкин? Қумдангина иборат бу лаънати саҳрони инглизларга қолдирамиз-да, ўзимиз Туркистонга йўл оламиз. У ерда мен ўзимнинг кичкина Чингизим учун улкан салтанат бунёд этаман”. Анварнинг кенжа ўғлини шундай атаганлар. Туғма хаёлпараст бўлган Анвар Пошода Туркистон тўғрисида

хеч қандай тасаввур йўқ эди. Лекин у “халифанинг куёви” деган баландпарвоз номининг ўзиёқ Туркистондаги мусулмон аҳоли ўртасида шон-шухрат қозонишига ёрдам беришини яхши билган. Бошқирдистон ва Туркистондаги миллий тараққийпарварлик ҳаракатининг машҳур раҳнамоси Заки Валидий Тўғон у ҳақда бундай деб ёзган: “мен бу одамнинг жуда катта бир идеалист эканини, ҳатто ҳаётдаги аниқ шарт-шароит ва воқеалар билан ҳам ҳисоблашмаслигини, Туркистон жугрофияси, статистикасига доир Оврупо ва рус нашрларини ўқимаганини ҳам билдим”.

Анварни бошқарадиган асосий куч шон-шухратга ҳаддан зиёд ўчлик эди. Унинг яқиндагина душмани ҳисобланган большевиклар билан дўстлашишга уринишини бошқача изоҳлаш мумкинми? 1920 йил бошида у Москвага келади. Ўшанда уни Ленин қабул қилади. Хўш, нима учун? Маълумки, большевиклар машҳур кишиларни, жумладан, “Қизил Шарқ” раҳнамоларини ўз томонига оғдириб олиш сиёсатини юргизиш, уларни инқилобга тайёрлаган. Бу борада усмонийлар салтанатининг собиқ ҳарбий вазири бўлмиш Анварнинг ҳам фойдаси тегишига улар умид қилган. Большевикларнинг қўллаб-қувватлаши билан у мусулмон байналмилали руҳидаги “Исломи инқилобчилари иттифоқи” ташкилотини тузади.

Рус тарихшуноси В.Медведевнинг ёзишича: “Анвар ўз қилмишларидан тавба қилади, коммунистлар билан ҳамкорликда ишлашга тайёрлигини билдиради ва бунинг учун ҳақли равишда тақдирланишини кутади. У большевиклар ёрдамида яна Туркия тахтини қўлга киритишга умид боғлайди”. Анвар Пошо руслардан кўп нарса эмас, бор-йўғи турк ҳарбий асирлари ва кавказлик мусулмонлардан иборат икки отлик дивизия сўрайди.

Бу вақтда грек армияси Анқарага ҳужум бошлаган эди. Россия ёрдам берган тақдирда Анвар қайтадан ҳокимиятни қўлга олиши мумкин эди. Лекин Москва ёрдам беришдан бош тортади. 1921 йилнинг сентябрида Камол Пошо урушда ютиб чиқади ва Анвар учун ватанининг эшиклари тақвақ беркилади. Лекин у тақдирга тан бермайди ва Шарққа қараб йўл олади. Бўйсунмас тафаккур, ушалмайдиган хаёлий орзу

унга Туркия чегараларидан Ҳиндистонгача чўзилган, таркибига Хитой Туркистони (Синьцзян) ва Афғонистон ҳам қирадиган буюк бир салтанат — пойтахти Самарқанд бўлган туркий ислом халифалигини тузишни амр этар эди.

Анвар Бухорога келиши билан большевикларнинг аҳоли ўртасида ҳурмати йўқлигига ишонч ҳосил қилади. Бухоро республикаси раҳбари Файзулла Хўжаев унинг обрў-эътиборини ҳисобга олиб ва Бухоро ҳукуматининг ислохотчилик ишларида иштирок этиш мақсадини муносиб баҳолаб, ҳарбий вазир лавозимини таклиф этади. Лекин “пешонасига буюк салтанат тузиш бахти ёзилган” зотга кўғирчоқ ҳукумат таркибида вазир бўлиш ниҳоятда арзимас, ўта ҳақоратли эди.

Анвар шўроларга қарши курашда дастлаб бирмунча муваффақиятга эришади. Чунки, бутун Туркистонда бўлгани каби, Шарқий Бухорода ҳам аҳоли қизил армияни хушламас, унга қарши курашувчи ҳар қандай кучни қўллаб-қувватлар эди. Буни тушуниш учун большевикларнинг ўз гувоҳликларини келтириш kifоя. Чунончи, РСФСРнинг Шарқий Бухородаги вице-консули томонидан 1921 йилнинг июлида юборилган расмий маълумотда қуйидагилар ёзилган: “Махсус бўлимларнинг фаол ҳаракатлари, қамашлар, тинтувлар, мусодара қилишлар, Шарқий Бухородаги қимматбаҳо мол-мулкларнинг олиб кетилиши... босмачиликнинг миллий тарғиботига ёрдам берди... Халқ исёнлари ҳарбийлар томонидан фақат куч ёрдамида бостирилди ва бунинг натижасида тинч аҳоли қирғин қилинди. Қизил армия таъминотидаги биринчи отлик дивизия 9 ой давомида Бухорода турар экан, моддий шароитнинг оғирлиги уни ўғрилиқ қилишга мажбур этди...”

Тарихчиларнинг маълумотига кўра, ўша йиллар ўлкани 200 минг киши — Шарқий Бухоро аҳолисининг чорак қисми тарқ этган. 1925 йили республика жанубида бўлган комиссия бутунлай ташлаб кетилган қишлоқлар, вайронага айланган тураржойлар, бегона ўт босиб ётган далаларга дуч келади. Бу ҳақда кўп ёзилган ва аънавий турмуш тарзининг бузилиши, диний эътиқоднинг камситилиши, шўро ҳокимияти томонидан туб ижтимоий-сиёсий ўзга-

ришларнинг шафқатсиз усулда амалга оширилиши оқибатида келиб чиққан, шўро ҳокимияти босмачилик деб атаган қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг асл моҳияти аллақачон тарихчилар томонидан очиб берилган. Аҳолининг Анвар Пошони қўллаб-қувватлаши бу шахснинг гўёки халифанинг куёви ва пайғамбарнинг ноиби бўлгани ҳақидаги сохта тарғибот туфайли эди. Анвар Пошонинг қимматбаҳо маъдандан ясалган шахсий муҳрида “Бутун ислом кўшини бош кўмондони — халифанинг куёви, пайғамбарнинг ноиби” деган сўзлар ўйиб ёзилгани ҳақидаги овозалар тарқалади. Барча мусулмонларга қаратилган мурожаатномасида эса бу зот ўзини халифа деб эълон қилади: “Мен бутун ислом оламининг халифаси этиб тайинландим. Мақсадим — барча мусулмонларни бирлаштириш ва озод қилишдир”. Бу вазифага у ўзини ўзи тайинлагани тамомила тушунарли. Бу пайтда муҳожирликда яшаган Амир Олимхон Анвар Пошони мажбуран бош кўмондон этиб тайинлаган бўлса-да, уни қўллаб-қувватлагани даргумон.

1922 йил февралда Анвар Пошо Шарқий Бухорода — Қизил армияга қақшатқич зарба бериб, Душанбе шахрини эгаллайди. Бундан ташвишга тушган большевиклар ҳукумати вазиятни ўз фойдасига ҳал қилиш ҳаракатига тушади. Қизил аскарларга тўла ҳарбий поездлар Бухорога кела бошлайди. Бу вақтда қаршилик кўрсатиш ҳаракати бутун Туркистонни қамраб олган эди. Дастлаб шафқатсиз қатагон усуллари, кейин эса ҳарбий коммунизм сиёсатидан мажбуран чекиниш орқали ўзини тутиб турган шўро ҳокимияти учун бу ерда жиддий хавф туғилган эди.

Бухорога юборилган кўшинга хоризм давридаёқ Россияда кўтарилган деҳқонлар кўзғолонларини бостиришда катта тажриба тўплаган генерал Н.Какурин кўмондон этиб тайинланади.

Анварнинг кўнгилдилардан ташкил топган лашкарига яхши қуролланган мунтазам армия қарши турар эди. Ҳаётининг ҳал қилувчи лаҳзаларида бўлгани каби, Анвар бу гал ҳам ҳақиқий вазиятни ҳисобга олмайди, тўғрироғи, буни истамайди. У бегона мамлакатда бўлиб, бу ерда унинг таянчлари йўқ эди. У мутлақ ҳукмдор бўлишни истаб, бошқа гуруҳлар, жумладан, ишонч-

сиз иттифоқчи бўлган ва унга бўйсуннишни истамаган Иброҳимбек билан ҳисоблашмайди. Урушдан чарчаган аҳоли кўп ўтмай уни қўллаб-қувватламай кўяди. Бойсун яқинидаги мағлубиятдан сўнг унинг шуҳрати бирданига сўнади, ҳатто афгонлар ҳам унга бошпана беришни хоҳламайди. Афғонистон ҳукумати эса Анвар Пошо лашкари сафида урушаётган афгонларни ватанига қайтишга даъват этувчи мурожаатнома қабул қилади.

Халифаликка етишолмаган Анвар Пошо ҳаётига сўнгги нуқта қўйган охириги ва ҳал қилувчи жанг Балжувон яқинида бўлади. Мусулмон оламига раҳнамолик қилиш ва “Осиё Наполеони” бўлишни орзу қилган Анвар Пошо тузоққа тушади — уни большевиклар Туркистонга йўллаб, ўзлари маҳв этади.

Аслини олганда, Анвар Пошони Туркистон халқларининг мустақиллиги ҳеч қачон қизиқтирган эмас. Бу шиор остида у Ўрта Осиёни афсонавий халифалик барпо этиш мақсадини кенг миқёсда амалга ошириш учун тайёргарлик майдончасига айлантиришни хоҳлаган, холос. Бу ерда исломга эътиқод кучли эканини яхши билгани учун Анвар Пошо Ўрта Осиё аҳолисининг қўллаб-қувватлаши билан пировардида Туркияни қайта қўлга киритишни истар эди.

Бир қатор чет эллик ва ўзбекистонлик тарихчилар Анвар Пошони халқлар озодлиги учун курашган жаҳонгашта валломат сифатида тасвирлаб, унинг шахсини идеаллаштиришга ҳаракат қилади. Анвар Пошо ўз даври сиёсий ҳаётида катта роль ўйнагани шубҳасиз. Лекин унда Туркистон халқларини озодлик ва мустақилликка даъват этиш бўйича на муайян сиёсий дастур, на ислохотчилик ғоялари бўлгани ҳозирча маълум эмас. Бинобарин, бу шахсни асоссиз равишда кўкка кўтариш, миллий қаҳрамонга айлантириш ҳам илмий ҳолисликдан йироқ бир уринишдир.

Анвар Пошонинг ҳалокати — муваффақиятсиз сиёсатнинг ҳалокати эди. Айни чоқда, яқин ўтмишимизда шундай бир шахс ўтгани ва уни тарих саҳифаларидан ўчириб ташлаб бўлмаслиги ҳам ҳақиқат, аммо унинг шахсига илмий ҳолислик билан ёндашиш керак. Зотан, тарихнинг тезоқар дарёсида бирор нарсани ўзгартириб бўлмайди.

BADIYYAT JAVHARI

VII-IX асрлар Мусулмон Ренессанси — Уйғониш даври сифатида тарихга киргани маълум. Бу даврда, барча фанлар қатори, адабиётшунослик ҳам тараққий топди, балоғат илми шаклланди. Унинг бир тармоғи “Илми саноеъ” эди. Бу илм адабиёт назариясининг ўзаги ҳисобланган. VII-IX асрларда араб тилида, кейинчалик — X-XIX асрларда туркий ва форс-тожик тилларида бу соҳага оид кўплаб китоблар яратилди. “Илми саноеъ” истилоҳларининг асосан арабча экани боиси ҳам шундадир. Бадиият илми асослари ва истилоҳлари Абдуллоҳ ибн ал-Муътазининг (863-908) “Китоб ал-бадеъ”, Хожа Имом Наср бинни Ҳасаннинг “Маҳосин ул-калом”, Қуддама ибн Жаъфарнинг (888-948) “Нақд уш-шеър”, Хатиби Табризийнинг “Ал-кофий фил арузи вал-қавофи”, Шайх Закиуддин ибн Абил Исбанинг “Ат-тахрирут-тахрир” китобларида шаклланди ва бадиий санъатлар саногига тўқсонга яқинлашди.

“Илми саноеъ”нинг навбатдаги тараққиёти Муҳаммад бинни Умар Родуёнийнинг “Таржимон ул-балоға” асари билан боғлиқ. Назарий фикрлар араб саноеъшуносларидан, хусусан Наср бинни Ҳасаннинг “Маҳосин ал-калом” китобидан олинган. Бироқ мисолларни у асосан форс-тожик адабиётидан танлаган ва кўплаб санъатлар ҳақида маълумот берган. Бу соҳада илмий теранлиги, аниқлиги ва миқёслилиги билан мусобақалаша оладиган яна қуйидаги асарларни кўрсатиш мумкин.

Хоразмлик Рашидиддин Абубакр Муҳаммад бинни Абдулжалил котиб Рашидиддин Ватвот “Ҳадоиқ-ус сеҳр фи дақоиқ уш-шеър” (“Сеҳр боғлари ва шеър нозикликлари”) номли саноеъга доир асар ёзган. Бундан кейинги асар “Ал-муъжам фи маори ашъор ил-Ажам” бўлиб, муаллифи Шамсиддин Муҳаммад ибн Қайс Розийдир. Бу асар муқаммалликда юқорироқ турса-да, унда Ватвотнинг назарий фикрларидан фойдаланилгани илм аҳлига маълум. Рашидиддин Ватвот асарини XII юзйиллик охирида яратган бўлса, Розий XIII асрнинг бошларида ёзган. XV-XVI асрларда бу соҳа-

даги юксалиш янги поғонага кўтарилади: Атоуллох Хусайнийнинг “Бадоеъ-ус-саноеъ” ва Хусайн Воиз Кошифийнинг “Бадоеъ-ул-афкор фи саноеъ-ил-ашъор” асарларида бадий санъатлар саногии ошади ва бу соҳадаги ютуқлар умумлаштирилади.

XIII асрда Тожий Ҳаловий “Дақоик уш-шеър” (“Шеър нозикликлари”) асарини яратиб, юздан ортиқ бадий санъатлар ҳақида маълумот берган. Воҳид Табризийнинг “Мифтоҳ ул-бадоеъ” (“Бадийлик калити”) ва “Жамъи мухтасар” асарлари ҳам шу хусусда.

1438 йили Аҳмад ибни Худойдод Тарозий ўзбек тилида “Фунун ул-балоға” номли ажойиб китоб ёзади. Асар тўрт қисмдан иборат: адабий жанрлар илми, қофия ва радиф илми, аруз илми, бадий санъатлар — “илми саноеъ”. Шу китоби туфайли Аҳмад Тарозийни ўзбек адабиётшунослиги отаси десак, муболаға бўлмас. Муаллиф уч тил билимдони, уч адабиёт донишманди сифатида қалам тебратган. Унинг бадеъшуносликдаги хизматлари айниқса бебаҳо. Юзга яқин бадий санъатлар истилоҳи, моҳияти ҳақида мулоҳаза юритгани, уч тилдан мисоллар келтиргани бунинг далилидир. Таърифлар аниқ-равшан, талқинлар мукамал; мисоллар Қуръони карим ва ҳадиси шариф, форс, араб, туркий адабиётлардан сараланган.

Бизга маълум бўлмаган санъат — мухтамил аз-зиддайн ҳақидаги Тарозий маълумотлари ҳам ушбу фикрни қувватлайди:


*Сенинг бирла эрур зиндон гулистон,
Бўлур сен бўлмасанг бўстон зиндон.*

Бу санъат анингдек бўлурким, агар мадҳқа эҳтимол қилсалар, мадҳ ҳосил бўлур. Агар ҳажвга ҳамл қилсалар, ҳажв. Ва муни зулважҳайн тақи дерлар” (Аҳмад Тарозий. *Фунун-ул-балоға*. Т., Ҳазина, 1996, 119-бет).

Атоуллох Хусайнийнинг илми саноеъдаги қудрати “Бадоеъ ус-саноеъ”-да кўринади. Навоий ва Бобур бу китобни юқори баҳолаган. Асар Алишер Навоий буюртмаси билан ёзилган ва Навоийга бағишланган. “Мажолис-ун-нафоис” тазкирасининг Атоуллох Хусайнийга бағишланган қисмидан: “Мир Атоуллох — Нишопурдиндур. Андин илм таҳсили учун шаҳрға (Хиротга — **В.Р.**) келди. “Қофия” ва “Мутавассит” ўқур эрди. Донишманд бўлгунча бир нав мустаҳсан маошқа муваффақ бўлдиким, андин ортуқ мумкин эрмас. Бовужуди донишмандлик, шеър ва муаммо ва саноеъда дағи маҳорат пайдо қилди ва муаммоға кўб машғул бўлур эрди. Ҳоло сабақ касратидин (мадрасада ўқитадиган дарслари кўплигидан — **В.Р.**) анга авқоти (вақти) вафо қилмас, аммо саноеъда китобе тасниф қилибдур: “Бадоеъи Атоий”ға мавсумдур. Эмди баёзға борди (оққа кўчирилди). Маълум эрмаским, бу фанда ҳаргиз ҳеч киши онча жам ва муфид китоб битимиш бўлғай”... (Алишер Навоий. *Мукамал асарлар тўплами*. 13-жилд, 1997, 118-бет).

Матндаги “Бадоеъи Атоий” номланган китоб “Бадоеъ-ус-саноеъ”дир. Иқтибосдаги кейинги гап мазмуни: бу илмда ҳеч қачон, ҳеч ким бундай мукамал ва фойдали китоб ёзгани маълум эмас.

Алишер Навоий “Мажолис-ун-нафоис”, “Муҳокамат-ул-луғатайн”, “Ме-



зон-ул-авзон” ва “Насойим-ул-муҳаббат” асарларида шоир маҳорати ва савияси мезони сифатида асосан бадиий санъатлар қўлланишига эътибор беради; устози Саййид Ҳасан Ардашерга ёзилган мактуб-маснавийсида энг нозик ва муҳим фикрлар ифодаловчиси бўлган ийҳом санъати хусусида ҳам фахрия усулида мулоҳаза изҳор этган:

*Агар хосса маъни гар ийҳом эрур,
Анинг кунда юз байти ҳалвом эрур.*

Дарҳақиқат, шоирнинг бир байтда бир ёки икки сўзни икки маънода қўллаш орқали байтни икки ёки тўрт хил мазмунга йўналтиришдай фикрий кашфиёт қилиш имконини берувчи ийҳом санъати Навоий ижодида мўъжизавий самаралар берди. XIII-XIV асрларда асосан “сўрмоқ” (сўрамоқ ва сўрмоқ маъноларида) кўпроқ ва бошқа сўзлар асосида озроқ ийҳом кўрсаткичлари яратилган бўлса, Атоий ижодида бу санок ўттизга етди, Мавлоно Лутфий эса ийҳом миқёси ва имкониятларини ғоят кенгайтириб юборди.

Устозига фахрия усулида битилган байтларда ийҳом ҳақида сўз очган Алишер Навоий бунга ҳақли эканини исботлади. Жумладан, куйидаги байтда Навоий тўртта сўзни ийҳом кўрсаткичи қилиб ола билганки, китобхон бу маҳорат олдида лол қолмай иложи йўқ:

*“Бош қўяй, — дедим, — оёғи туфроғига”. Деди: “Қўй”.
Бўса истаб лаъли рангин сўрдим эрса, деди: “Ол”.*

Биринчи мисрадаги “Қўй” сўзи ҳам бош қўйишга розилик, ҳам бош қўймаслик талаби маъноларини ифодалай олган. Ийҳомда зид маъноларни ифодалаш фавқулудда ҳодисалардандир. Иккинчи мисрадаги “Ол” сўзи, бўса беришга розилик маъносини ва лаб ранги — қизиллиги маъносини билдирган. “Рангин” сўзи мисрада икки маъноли: “рангини” ва “алвон” маъноларини ифодалаган. “Сўрдим” сўзи ҳам икки хил маънода.

Навоийнинг буюк издоши Бобур ижодида ҳам ийҳом санъати маҳорат билан қўлланган. Жумладан, куйидаги байтда бир мисрани ийҳом туфайли тўрт хил талқин қилиш мумкин:

*Ҳижронда, сабо, етти фалакка оҳим,
Гар ул сори борсанг бу дурур дилхоҳим:
Ким арзи дуо ниёз ила қилғойсен,
Гар сўрса мен хастани гулрух моҳим.*

Бобур асарларининг барча нашрларида рубоий ана шу тарзда чоп этилган. Биз ийҳом санъати талаблари асосида рубоийнинг тўртинчи мисрасини яна куйидагидек уч хил ўқишга ҳаракат қилдик:

1. *Гар сўрса мен хастани Гулрух моҳим.*
2. *Гар сўрса мен хастани гулрух Моҳим.*
3. *Гар сўрса мен хастани Гулрух, Моҳим.*

Оммавий ва академик нашрларимиздаги рубоийнинг биринчи вариан-

ти соф лирик шеър ҳолидадир. Биз илова қилган уч хил ўқишда рубоийга таржимаи ҳоллик хусусияти юклатилган.

“Саноеъ илми” ва бадиий санъатларга “Мажолис-ун-нафоис”да бот-бот дуч келамиз: “Мавлоно Яхъё Себак — Хуросон мулкининг рангин фозили эрди. Кўп улум ва фунунда моҳир эрди. Саноеъ ва аруз фанида барча эл ани мусаллам тутарлар эрди...”

Шунингдек, Навоий дарвеш Мансурнинг аруз ва саноеъда Мавлоно Яхъё Себак шогирди экани, “арузни Дарвеш қошида ўқигани” ҳақида ёзади. Саййид Камол Качкулнинг беш юз минг байти борлиги ва бир қасидасидан ўн икки минг байт маснуъ истихроҷ қилса бўлиши”ни қайд этади. Мавлоно Муҳаммад Аминнинг “Дилбарим” лафзин етти тажнис била айтгани таҳсинга лойиқ эканини таъкидлайди.

Ушбу фикрлардан кўриниб турибдики, шеър таъсирчанлиги, мукамаллиги бадиий санъатларга боғлиқдир. Давлатшоҳ Самарқандий “Тазкират уш-шуаро”сида ҳам буюк шоирлар ҳақида сўз юритганда, улар маҳоратининг бадиий санъатларда эканига ўнлаб маротаба эътибор қаратади.

Шунинг учун ҳам XIX аср охири — XX аср бошларида яшаган Зокиржон Фурқат:

*Балоғат эрур шеър оройиши,
Агар бўлса бир нукта кунжойиши, —*

деб ёзади.

Мазмуни: агар шеърда бирор фикрий кашфиёт бўлса ва бадиий санъатлар билан безалган бўлса, шеър етуклиги далилидир.

Маълум бўладикки, ўзбек мумтоз адабиёти асарлари таҳлил этилар ва баҳоланар экан, бош мезон бадиий санъатлар бўлмоғи керак. Чунки мумтоз шоирлар ўз маҳоратлари ва асарлари бадиияти мезонини илми саноеъга амал қилишда кўрган; шеърхонлар ва олимлар ҳам шеърни ана шу асосда баҳолаган, идрок этган, қадрлаган.

Шу нуктаи назардан ҳазрат Навоийнинг “Қаро кўзум” ғазали таҳлилини унда қўлланган бадиий санъатларни текширишдан бошлаш мақсадга мувофиқдир:

*Қаро кўзум, келу мардумлиғ эмди фан қилғил,
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил.*

Байтда муаллиф куйидаги санъатлардан фойдаланган: биринчиси: “Қаро кўзум” бирикмасида мурожаат, хитоб қилинмоқда. Яъни, нидо санъати қўлланган. Иккинчидан, шу бирикманинг ўзида сифатлаш санъати ҳам борки, кўзнинг сифати, қоралиги ўқтирилган; учинчидан, “қаро кўзум” бирикмасида биргина кўз қоралиги эмас, балки шу қора кўз эгаси — киши назарда тутилган: нарсанинг ўзи унинг бир қисми билан аталса, синекдоха санъати бўлади; тўртинчидан, иккинчи мисрада “қаро кўзум” бирикмасидаги сўзлар ўрин алмашилиб такрорланган: “кўзум қароси”. Бу — тарди акс. Бешинчидан, байтдаги буюриш, ҳукмфармолик оҳанги амр санъати туфайли. Олтинчидан, “мардум, мардумлиғ” сўзлари ўзақдош (иштиқоқ санъати). Еттинчидан, матнда “мардум” сўзи икки қарра қўлланиб, бири “одамлар”, иккинчиси “кўз қорачиғи” маъносида — тажнис. Саккизинчи-

дан, “мардум киби” сўзларидаги биринчи сўз икки маънолиги мисрага икки хил мазмун юклайди: “одамлардай” ва “кўз қорачигидай” (ийҳом). Тўққизинчидан, байтдаги сўз такрорлари (“қаро”, “кўз”) тақрир санъатига мисол. Ўнинчидан, “мардум киби” бирикмасидаги ўхшатиш, қиёслаш маъноси ташбеҳ санъатидир. Ўн биринчидан, байтда ва бутун шеър бўйлаб қофиядан сўнг “қилғил” сўзи радиф бўлиб келган, мураддаф санъати. Ушбу бадий санъатларнинг ҳар бири мисраларда мазмундорлик, кўп маънолик, баён сеҳри, таъсирчанлик, теранлик, хушоҳанглик, ифодалилик, ўқувчини фикрлашга рағбатлантириш сингари вазифаларни бажаради.

Ёки Шермуҳаммад Муниснинг қуйидаги байтига назар ташлайлик:

*Кўз қаро қилма ғайр қониға,
Қоним ич қона-қона, эй қаро кўз.*

Биз атайлаб Муниснинг шу байтини танладикки, токи ўқувчи ҳар икки байтдаги муштарак санъатларни дарҳол илғасин ва янгиларини фарқлай билсин. “Эй қаро кўз” сўзларида нидо (1), сифатлаш (2), синекдоха (3) санъатлари қўлланган. Шу бирикма байтда ўрин алмашгани учун тарди акс санъати бўлади (4).

Буйруқ оҳанги амр санъати тақозоси (5).

сўзи билан

шу сўз билангани

санъати-

Биринчи

сўнггидаги

иккинчи мис-

рорлангани эса

шонаси (7). Биринчи мисрада-

си — таъбир (8), “қона-қона” сўзларининг ёндош чизиқчали такрори му-

каррар санъати бўлади (9). Байтда муболага санъати ҳам мавжуд: “қона-қона қон ичмоқ” (10). Матндаги “қон” ва “қона” сўзларида тажниси зойид

(11), шунингдек, шибҳи иштиқоқ — ўзақдошсимонлик санъати қўлланган

(12). Байтда “қ” ҳарф-товушининг кўп такрорланиши тавзиъ санъатидан

дарақдир (13). “Ғайр жониға кўз қаро қилмоқ” “қониға” истиораси билан

ифодаланган (14).

Алишер Навоий ва Мунис байтларидаги бадий санъатлар таҳлилидан

қуйидагиларни сезиш мумкин: “Илми саноеъ” китобхоннинг диққат-эти-

борини ҳарфга, товушга, сўзга, сўз маъносига, сўзнинг байтдаги жойла-

шувига, сўз такрорига, сўзнинг асл ёки кўчма маънодалигига, жинсдошлик

(омонимик) хусусиятларига, бирикмага, бирикманинг маъно жилосига, мис-

рага, мисра мазмунига, хушжаранглигига, байтга, байтдаги сўзлар муно-

сабатига, бадий санъатларга жалб этади.

Ўқувчидан бу илм ҳар бир байт устида ана шундай машғулотни — ўйлаш,

топиш ва қувонишни талаб қилади. Бунинг натижасида китобхон ўз топ-

қирлигидан қониқади, муаллиф маҳоратидан ҳайратланади, лол қолади...

Ҳар бир байтни шу тарзда таҳлилий ўқиган китобхон бир ғазал орқали

йирик бир романдан оладиган таассуротни топа олади.

“Илми саноеъ” ўқувчи ва муаллифга бирдай тааллуқли илм: китобхон

*“Илми саноеъ” — адабиётга
бадийлик латофати ва таъсирчанлик
фазилатини берадиган, шунга ўргатадиган,
уни идрок этишга йўналтирилган
фандир.*

Мазкур байт “кўз”

бошланиб,

лан яқун-

тасдир

дир (6).

мисра

“қон” сўзи

ра бошида так-

тасбеъ санъати ни-

ги “кўз қаро қил”моқ ибора-

шеърнинг фазилати ва нуқсонини билиб олади; муаллиф шеър нафосати сирларини ўрганиб, ўз ижодига татбиқ этишга интилади. Агар биз билган Фарбий Оврупо адабиётшунослиги, адабиёт назарияси шеър ёки асар ҳақида кўпроқ умумий, ялпи, муаммоли масалаларни текширса, “Илми саноеъ” матннинг тўлиқ бадий анатомиясини кашф этади. Адабиёт назарияси шеърга бутунча баҳо беради, унинг дилкаш, хушоҳанг, таъсирчан эканини тадқиқ этади, бу текшириш юзаки ва умумий бўлади. “Илми саноеъ” эса ўша дилкашлик, таъсирчанлик унсурларини бирма-бир тизиб кўрсатади. Адабиётшунослик таҳлилни шеърдан бошлайди. “Илми саноеъ” эса ҳарфдан, товушдан, сўздан бошлаб, бирикма, мисра, байт бўйлаб давом этади. Мақсад “Илми саноеъ”ни амалдаги адабиёт назариясига қарама-қарши қўйиш эмас, чунки бу илм “Адабиёт назарияси”нинг “Адабий тил воситалари” бўлимида, яъни элементар, ибтидоий даражадагина ўрганилади. Биз ўқитаётган “Адабиёт назарияси” имкониятлари ўзбек мумтоз адабиёти таҳлиliga ожизлик қилади. Агар “Илми саноеъ” фани ҳақ-хуқуқларини ўрнига қўйсақ, уни мукамал ўргансақ, нафақат мумтоз адабиёtimиз, балки ҳозирги шеъримиз таҳлили ҳам анча юксалган бўлур эди.

Гап шундаки, X — XIX асрлардаги поэтикага бағишланган китоблар асосида мулоҳаза юритсақ,

уларда ҳар бир санъат кенг ҳажмда тад-

қик этилган.

Бизда шу

вақтгача

фақатгина

ташбех,

тажнис,

муболага

каби санъ-

атлар тас-

ниф этил-

ди, холос.

Натижада

кўпчилик

бу илм истиқ-

боли, тараққи-

ёти ҳақида жон куй-

дирмади. Тўғри,

Эрон ва Туркияда “Илми саноеъ”га оид рисолалар кўплаб яратилмоқда. Бироқ улардаги бош йўналиш бадий санъатлар саногини ва мисолларни кўпайтиришгагина қаратилмоқда.

Бадий санъатларни тарихий аспектда ўрганиш, уларнинг ички таснифи билан шуғулланиш каби илм тараққиётини белгиловчи йўналиш ҳозирги кунда деярли сезилмаяпти. Долзарб илмий муаммо — бадий санъатларни аъъанавийлик, новаторлик нуқтаи назаридан, тарихан-тадрижан ўрганишга киришилмаган. Шу сабабли уларнинг манглайига “аъъанавий санъатлар” деган муҳр босиб қўйилган.

Бизнингча, “Адабиёт назарияси”нинг энг истиқболли соҳаси — бадий санъатлар илми. “Илми саноеъ”нинг янги тараққиёт босқичида келгусида куйидагиларга эришилади:

- янги-янги бадий санъатлар кашф этилади;
- ҳар бир бадий санъат теран тасниф этилади;
- ҳар бир бадий санъатнинг аъъанавийлиги ва янги-янги хусусиятлари, новаторлик манбаи экани тадқиқ этилади;
- бадий санъатлар истилоҳларида бир хиллик — унификацияга эришилади;
- истилоҳларни арабча сақлаш керакми ёки миллийлаштириш — ўзбекчалаштириш керакми (Абдурауф Фитрат тутган йўл) деган масала ҳам ҳал қилинади;

— бадий санъатларнинг ҳар бири монографик тадқиқ этилади;
 — бадий санъатларнинг асл мақсади, мавзуси, муаммолари, қаҳрамон характери, кайфияти, воқеа-ҳодисалар талқинидаги роли каби масалалар текширилади;

— бадий санъатларнинг мукамал тур таснифи яратилади.

Хуллас, “Саноеъ илми” лугат-маълумотномалик даражасидан илмий-оммабоп ва академик тадқиқотлар мақомига кўтарилади.

Икки юзга яқин бадий санъатлар сафида тафреъ деган бир нави ҳам бор. Шамс Қайс Розийдек буюк адабиётшунос ҳеч бир тортинмай “Тафренинг форс адабиётида ривожини йўқ” (Ва ин санъат дар шеъри порси равнақе надорад) (*Шамси Қайси Розии. Ал-муъжам. “Адиб”, Душанбе, 1991, 301-бет*) деган. Текширишлар шуни кўрсатадики, бу санъат форс адабиётида ҳам, ўзбек мумтоз ва ҳозирги замон адабиётида ҳам ажиб мевалар берган. Форс адабиёти намуналаридан Саъдийнинг куйидаги байти ана шу санъатни ифода этади:

*Нест он лолаҳо ки дар бодияҳо жилвагаранд,
 Куштагонанад ки зи хок бароварда саранд.*

(Маъноси: даштларда алвонланаётган лолалар эмас, сўйилганлар ўз қон-талаш бошларини тупроқдан чиқариб турибди).

Тафреъ санъати бўйича, шоир байтда бирор нарсани инкор этади-да, ўрнига бошқасини келтиради. Атоуллоҳ Ҳусайний “Бадоеъ-ус-саноеъ” аса-рида бу санъатга таъриф берар экан, кўплаб адабиётшунослар, жумладан, Шамс Қайс Розий талқинини келтиради: “Шамс Қайс дептур: тафреъ ул-дурким, шоир нафй сийғаси (сўзнинг инкор шакли — Алибек Рустамов изоҳи) била бошлаб, эмас фалонким, андоғу мундоғдур, фалондин яшироқ ёки фалондин ортиғроқ дер” (*Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадоеъ-ус-саноеъ. Т., Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981, 141-бет*).

Алишер Навоийдан:

*Лолазор эрмаски, оҳимдин жаҳонға тушти ўт,
 Йўқ шафақким, бир қироқдин осмонға тушти ўт.*

Заҳириддин Муҳаммад Бобурдан:

*Сел эмасдур ер юзин тутқан, кўзумнинг ёшидур,
 Раъд эмасдур кўкка чирмашқон, кўнгул афғонидур.*

Ҳозирги замон адабиётимизда ҳам тафреъ санъати асосида яратилган шеърлар кўп. Қувончлиси шуки, Абдулла Ориповнинг “Куз манзаралари” шеъри бошдан-оёқ тафреъ санъати асосида яратилган. Бу ҳол бадий санъатлардан новаторларча фойдаланишнинг ажойиб намунаси:

*Яна далаларга бошлайди ҳавас,
 Боғларда хазонлар ёнади лов-лов.
 Дўстларим, бу кузнинг барглари эмас,
 Менинг юрагимдан тўкилган олов.*

*Шохларда мезонлар ялтирар хира,
Пойида шивирлар менинг ўйларим.
Дўстларим, булар ҳам мезонмас сира,
Бу менинг чувалган, сўнгсиз ўйларим.*

*Куюш ҳам фалакда бамисли рўё,
У энди ёндирмас, ялтирар фақат.
Дўстлар, у ҳам энди куюшмас асло,
У олис ёшликда қолган муҳаббат.*

Муаллиф тафреъ санъатидан фойдаланмаганида, бунчалик таъсирчан шеър яратилмас эди.

Тафреънинг ажиб хусусияти шундаки, шоир кўриниб турган нарсани инкор этиб, бошқа нарсани ўша деб даъво қилса, таъсирчанлик фаввораси отилади. “Куз манзаралари”нинг биринчи бандида оташин барглар инкор этилиб, ўрнига юракдаги олов, иккинчи бандида мезонлар рад қилиниб, чувалган ўйлар, учинчи бандда куз куюши олис ёшликда қолган муҳаббат дея ишонтирилмоқда. Натижада ўқувчини тўлқинлантирувчи ажиб рубобий обида бунёд этилган.

Халима Худойбердиеванинг “Бегим” шеъри, бизнингча, шоира ижодининг гултожи ҳисобланади. Бу шеър талмеҳ санъатининг ажойиб самарасидир. Кўряпмизки, ҳозирги замон шеърляти ёмбилари ҳам бадиий санъатлар туфайли яратилар экан...

Шеър сарлавҳасиёқ китобхон кўз олдида Отабекка “Бегим” деб мурожаат этаётган Кумушни гавдалантиради. Шеърдаги очиқ талмеҳлар Фарҳод, Ширин, яширин талмеҳ — ер юзининг михлаб ташланиши воқеалари шеърга тарихий ва фожиавий залвор юклаган. Талмеҳ санъатида Шамс Қайс Розий “Ал-муъжам фи маоир ашъор ил-Ажам” китобида бундай таъриф беради: “Шоир оз сўз билан кўп маънони ифодаласа, талмеҳ санъати бўлади” (*Шамс Қайс Розий. “Ал-муъжам”. “Адиб”. Душанбе, 1991, 301-бет*).

Талмеҳ санъати кўрсаткичлари бизнинг давримизга келиб мумтоз адабиётдаги “ўнлаб” ҳисобидан “юзлаб” саногига ўтди десак, муболага бўлмайди. Чунки ҳозирги замон ўзбек адабиётига мумтоз адабиётимиздаги талмеҳ қаҳрамонларигина эмас, балки энди бутун жаҳон мифологияси, дини, тарихи, дунё адабиёти қаҳрамонлари ҳам кириб келмоқда: Клеопатра, Цезарь, Отелло, Ҳамлет, Будда, Эдип, Яго, Герострат, Диана, Афродита, Азирисо, Тифан, Рамзес, Ҳомер, Спартак, Чаренц, Сайёд Наво, Ромул, Қутайба, Бобак, Фузулий, Штирлиц, Мумтоз Маҳал, Афлотун, Вергилий, Татьяна, Онегин, Офелия, Байрон, Дездемона... Ҳофиз, Зардушт, Индира, Назрул Ислон, Наполеон, Охтамар, Сосун ўғли...

Биз “Илми саноеъ”дан бир неча санъат — ийҳом, тафреъ ва талмеҳ ҳақида йўл-йўлакай дастлабки маълумотларнигина келтирдик. Бу соҳадаги билим китобхонга ҳам, шоир, адиб ва олимга ҳам бирдай кераклигини таъкидлашга ҳаракат қилдик. “Илми саноеъ” — адабиётга бадиийлик латофати ва таъсирчанлик фазилатини берадиган, шунга ўргатадиган илм, шуни идрок этишга йўналтирилган фан; адабий матнга теранлик ва нафосат бағишлайдиган маҳорат мактабидир. Олимларимиз бадиий санъатлар илмини тараққий эттирса, адабиётшунослик ривож топади, шеърят янада юксалади. Бадиий санъатлар илми янги-янги ноёб асарлар яратилишига хизмат қилади.

SHARQ PERIPATETIZMI NIMA?

Ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг барча соҳаларида муҳим сифат ўзгаришларини амалга ошириш — ҳаётий эҳтиёж. Биринчи навбатда бу — маънавият соҳасига тегишлидир. Чунки айнан маънавият эзгу мақсадларни амалга ошириш йўлида халқни бирлаштиради. “Ҳозирги вақтда кимнинг аслида кимлиги” ва “ким нима иш бажаргани, яъни инсониятнинг умумтараққиётига қандай ҳисса қўшгани” тобора ойдинлашиб бормоқда. Шунинг баробарида маънавият соҳасида ҳам тарихий ҳақиқат тикланмоқда.

Бу — замон талаби ва тарихий заруратдир. Асосий мақсад, биринчидан, жаҳон тараққиётига буюк алломалар ва қомусий олимларнинг бутун бир авлодини етказиб

берган халқимизнинг руҳи ва миллий ғурурини кўтариш ҳамда аجدодларимизнинг қардош халқлар билан алоқалари доирасини янада кенгайтиришдир.

Халқимизнинг бой ўтмиши, маънавий қадриятлари, жаҳон тамаддунидаги улуши, тенгсиз илмий ва маданий меросига назар ташласак, бу масалалар бугунги кунда қанчалик долзарб экани аён бўлади.

Жамият тараққиётининг ҳозирги палласида шахсни тарбиялаш, уни ҳар томонлама шакллантириш, камолга етказиш энг муҳим вазифадир. Шу нуқтаи назардан, IX-XIV аср Шарқ фалсафасининг, айниқса, Шарқ перипатетикларининг (юнонча peripatetikos “сайр вақтида айтиладиган” Арасту фалсафаси мухлислари перипате-

тиklar деб номланади. Арастуниг милоддан олдин 335 йили Афинада таъсис этилган фалсафа мактабида таълим бериш ва бахслар одатда сайр чогида, эркин ҳолда олиб борилган) Ўрта аср ва Уйғониш даври Оврупо фалсафий тафаккурига таъсири ва аҳамиятини очиб бериш, айниқса, ёшлар тарбиясига самарали хизмат қилиши шубҳасиз. Шарқ перипатетикларининг Фарб фалсафасига таъсири кам ўрганилган ва ханузгача етарли даражада оммалашмаган. Ўрта Осиёда туғилиб ўсган файласуфлар Оврупо фалсафасига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатганидан кўпчилик хабардор бўлса-да, бу борада бирор-та ҳам фундаментал иш қилинмаган.

Тарихни ўрганиш шуни кўрсатадики, биринчидан, Уйғониш даври фалсафаси ўша давр умумий қонуниятлари ва йўналишларига боғлиқ бўлган; иккинчидан, Уйғониш даврининг Ўрта аср билан алоқаси узвийлиги — барча тан олган умумий фикр. Бинобарин, бундан келиб чиқадиган ҳулосани ҳам тан олиш керак бўлади, яъни араб тилида ижод этган ўрта осиелик файласуфларнинг трактатлари овруполиклар томонидан ўрганилиб, фалсафий билим асосларини ўзлаштиришнинг мажбурий босқичига айланган.


Қизиғи шундаки, Оврупо илмий адабиётларида ўша давр буюк мутафаккирларини асли қаерлик эканини унутиб, араб олимлари деб атайдилар. Аммо, маълумки, Форобий, Ибн Сино, Фаззолий каби буюк зотлар араб бўлмаган. Уларни ўрта асрларда овруполиклар ўзларига қулай сўз билан “араблар” деб атаган. Яна бир тарихий хато ҳам айнан атамадан фойдаланиш қулайлиги билан изоҳланади. Бу — рақамларнинг “араб рақамлари” деб аталишидир. Ваҳоланки, рақамларни овруполиклар Мусо Хоразмийдан олган ва уни араб деб ҳисоблагани учун рақамлар ҳам “араб рақамлари” деб аталиб кетган. Рақамларни “араб рақамлари” ва “рим рақамлари”га ажратиш бугунги кунда кенг тарқалган, бироқ араб давлатларининг ўзлари “араб рақамлари”дан фойдаланмайди. Умуман, мусулмон олимларининг асарлари Уйғониш даври фалсафий меросининг ажралмас қисмини ташкил этган, уларнинг тадқиқотлари ҳамма турдаги мактаблар, мадрасалар, черковлар, университетларда ўрганилган.

Масалан, Роджер Бэкон (1214-1294) мусулмон Испаниясида ўқиган ва шу билан бирга, Авицеброндан (Сулаймон ибн Яхъё ибн Жаброил) таъсирланган. Инглиз адабиёти асосчиси Жеффри Чосер ҳам машхур суфий шоирлардан кўп нарса ўрганганини эътироф этган. Айнан ана шу даврда Шарқ фалсафаси Оврупо тафаккурига изчил ва узоқ муддат таъсир кўрсатиб, ўз тарихий вазифасини бажарди, дейиш мумкин.

Уйғониш даври фалсафаси бўйича етакчи мутахассислар В.И.Рутенбург, Л.М.Баткин, А.Ф.Лосев ва А.Х.Горфункелнинг фалсафа мактаблари пайдо бўлганидан бошлаб, Оврупода ўрта аср тафаккури ва Арастуниг натуралистик қарашлари етакчилик қилгани ҳамда аверроистик эркин тафаккур ҳукмрон бўлгани ҳам фикримиз далилидир. Шарқ ва Оврупо ўртасидаги алоқалар ҳақида XVIII аср француз мутафаккири Ж.Кондорсе бундай дейди: “Араб (шарқлик)ларнинг асарлари... Оврупода инсонпарварлик ғояларини тарқатди”.

Шу тариқа Шарқ мутафаккирлари эришган ютуқлар Оврупо томонидан қабул қилинди, ривожлантирилди ва янада юқори даражага кўтарилди. Бу ишларда Оксфорд университети ва авверроист-францискан оқимининг буюк вакили Роджер Бэкон катта роль ўйнади. У Ибн Сино, Аверроэс ва бошқа Шарқ мутафаккирларининг ғояларидан фойдаланган, хусусан, Форобий асарларини чуқур ўрганган.

IX-XV, айниқса, X-XII асрларда араб тилида ижод қилган ўрта осиелик мутафаккирлар, файласуфлар жаҳон фани байроғини баланд кўтардилар. Арабийзабон файласуфларнинг бекиёс илмий салоҳияти, заҳматли меҳнатисиз фалсафа фани (у орқали эса бошқа барча фанлар) ачинарли ҳолга тушиб қолиши маълум эди. Бу фикр тарих тасдиғидан ўтган. Араблар томонидан босиб олинган узоқдаги Пиреней яримороли IX асрдан бошлаб дунёнинг илғор минтақаларидан бири бўлиб



қолади: Андалузияда ишлаб чиқариш кучлари ривожланади, Фарб ва Шарқ мамлакатларининг ўзаро иқтисодий алоқалари ўсади, шаҳар маданияти гуллайди. Бу кулай шароит Фарбдаги маданий юксалишга сабаб бўлди, шу жумладан, фалсафа фани Ибн Бадис (вафоти — 1138 йил), Ибн Туфайл (1110-1183), Ибн Рушд (1126-1198) таъсирида ривожланади. Мусулмон тамаддуни маркази — Пиренейга бошқа Оврупо мамлакатларидан келган талай олимлар лотин тилига таржима қилиш мақсадида араб тилидаги китоблар, кўпинча ортодоксал мусулмон назариялари билан қизиқмай, фақатгина сўфизм адабиёти, илмий трактатлар ва уларнинг талқинларини харид қилган.

Тахминан XII аср ўрталаридан бошлаб араб тилидаги маданият ва фалсафа маркази Пиренейда мустаҳкам ўрнашади. Шу даврда дунёнинг арабийзабон буюк мутафаккирлари Ал-Киндий, Форобий, Ибн Сино, Термизийларнинг фалсафаси Фарб фалсафасининг асосий манбаи бўлиб қолади. Шу боис Шарқ перипатетизми Фарбдаги араб перипатетизмининг асосини ташкил этади. Шу тарзда араб тилидаги фалсафа антик дунёнинг (биринчи навбатда Арасту фалсафасининг) муҳим ёдгорликларини сақлаб қолди ва Фарбга етказиб берди. Оврупо Арасту фалсафаси билан Шарқ перипатетиклари орқали танишди. Ал-Киндий асарлари Оврупода X-XI асрлардаёқ маълум бўлган; XII асрда Фарб Форобий ва Ибн Синони билган; XIII аср ўртасида Ибн Рушднинг кўплаб асарлари лотин тилига таржима қилинган. Бинобарин, арабийзабон ва қисман форсийзабон фалсафа фарбий Оврупо фалсафасига жуда катта таъсир кўрсатиб келган.

Шарқ ва Фарб фалсафаси ривожланишидаги бир-бирига боғлиқлик (узвийлик) икки йўналишда — перипатетизм (Ал-Киндий, Форобий, Ибн Сино) ва неоплатонизм (Фаззолий) йўналишлари орқали амалга оширилди. Шу билан араб ва форс тилидаги Шарқ фалсафаси узоқ Оврупо қитъаси — Пиренейга етиб борди, бу ерда унинг асосида Фарб фалсафаси ишлаб чиқилди ва ривожлантирилди. У бутун Оврупо фалсафий тафаккурига, биринчи навбатда, инглиз фалсафаси ривожланишига катта туртки бўлди.

Қадимги Юнонистон ва Рим инқироз-

га учраган даврда император Зенон Эдесс фалсафа мактабига барҳам беради, император Юстилиан эса VI асрда Александрия ва Афина академиясини ёпади. Бу академия Афлотун томонидан ташкил этилиб, 914 йил давомида фаолият олиб боради. Бу икки академия олимлари Хусрав Ануширвон томонидан Эронга тақлиф қилиниб, Афлотун академиясини Гупдешапур шаҳрида, Эдесс академиясини Нисибин шаҳрида қайта ташкил этади. Кўп ўтмай, дастлабки ажойиб таржима матнлар пайдо бўла бошлайди. Антик муаллифларнинг ва энг аввало, Арастунинг асарларини таржима қилишга катта эътибор қаратилди. Шу асосда шарқ перипатетизми таркиби юзага келади ва деярли саккиз аср давомида мавжуд бўлади. Халифа Хорун ар-Рашид Бағдодда антик муаллифларнинг асарларини таржима қилиш ва талқин этиш учун “Таржимонлар уйи”ни ташкил қилган. Натижада араблар, эронликлар ва туркий халқлар қадимги юнон ва рум манбалари билан танишиш имконига эга бўлган.

Шарқ перипатетизмининг биринчи буюк олими Абу Юсуф ал-Киндий ҳисобланади. У араб тилида 200 дан ортиқ асар битган. Аллома Арастунинг “Категория”, “Иккинчи аналитика” асарларига шарҳлар ёзган. Унинг Оврупо фалсафаси ривожига катта таъсири шунда кўринадики, асарларини Рим папаси Сильвестр Иккинчининг (Герберт) шахсан ўзи лотин тилига таржима қилган. Ал-Киндий билан бир вақтда эронлик олим Абу Бакр Муҳаммад ар-Розий (865-925 ёки 934) фаолият кўрсатган. Ар-Розий қомусий олим бўлган, фалсафа, тиббиёт, астрономияга оид 184 та асар ёзган. Ҳозирги авлодларга унинг 61 та асари етиб келган.

Унинг асарлари X-XIII асрларда лотин тилига таржима қилинган. Ар-Розий тажрибани фаннинг ривожланишида асосий восита деб ҳисоблаган. Шу сабабли у Оврупо эмпиризми ҳамда инглиз Уйғониш даври фалсафасига катта таъсир кўрсатган.

Улуғ бобоконимиз, машҳур файласуф ва қомусий олим Абу Наср Форобий (870-950) шарқ перипатетизмининг буюк вакилидир. У қадимги юнон фани ютуқларини Шарқу Фарбда тарғиб қилиш ва тарқатишда муҳим роль ўйнаган. Афлотун, Арасту асарларига шарҳлар ёзган. Уларнинг ил-

мий-фалсафий фикрларини ривожлантириб, Фарб маданияти, жумладан, фалсафасига салмокли таъсир кўрсатган. Аллома ижодини ўрганган академик Музаффар Хайруллаев бундай деб ёзади: “Кўплаб ўрта аср мусулмон муаллифларининг гувоҳлик беришича, Форобийгача ва ундан кейин ҳам Аристотелни унинг даражасида чуқур ва ҳар томонлама биладиган файласуф бўлмаган — билимлари ҳар томонламалиги, илмий қизиқишлари хусусиятлари бўйича унга тенг келадиган мутафаккир-аллома бўлмаган. Уни “иккинчи Аристотель”, “иккинчи муаллим” (муаллими соний) деб аташлари бежиз эмас.

Абу Али ибн Сино араб тилида 400 дан ортиқ ва форс-тожик тилида 20 га яқин асар ёзган. Унинг машҳур “Тиб қонунлари” асари ўрта асрлардаёқ латин тилига таржима қилиниб, 30 мартага яқин нашр этилган. Чунки бу асар ўша давр Овруро табибларининг асосий қўлланмаси ҳисобланган. Унинг “Шифо китоби” номли фалсафий асари ҳам шундай кенг тарқалган. Китобнинг биринчи қисмида мантик, иккинчисида — физика, учинчисида — математика ва тўртинчисида — метафизика масалалари ёритилган.

Ибн Сино мусулмон перипатетизми ғояларини давом эттирган ва анча ривожлантирган. Бу билан бутун тажриба (эмпиризм) фанига йўлланма берган. Бир неча асрлар давомида унинг фалсафий трактатлари Овруро мутафаккирларига катта таъсир кўрсатиб келмоқда.

Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий (1058-1111) машҳур фақиҳ (ҳуқуқшунос) бўлган. “Мақсад-ул-фалсафа” (“Файласуфлар интилишлари”) асари туфайли Ғаззолий Овруроода арастучи деб қабул қилинади. Ғаззолий яна шу билан тарихга кирганки, у “Китоб илм-уд-дин” (“Дин ҳақидаги фанлар тўплами”) номли қисқача изоҳ (компедиум) асарини яратган. Ғаззолий қарашларининг тўғридан-тўғри таъсирини немис классик файласуфи И.Кант асарларида кузатиш мумкин. И.Кант Худонинг мавжудлигига рационал тушунтириш топа олмай, соф ақл ҳеч қачон уни тушунтириб бера олмайди. Шунинг учун унга эътиқод билан йўл топиш мумкин, деб ёзади.

Перипатетизм тарихидаги яна бир сиймо кордовалик Абул-Валид Муҳаммад ибн

Рушддир (1126-1198). Ўрта аср охири ва Уйғониш даврида унинг обрўси шунчалик кучли бўлганки, Арастунинг шарҳловчиси деган юсак номга сазовор бўлган. Ибн Рушд олий борлиқдан бошқа ҳамма нарсага файласуфнинг интеллектуал ёндашув ҳуқуқини ҳимоя қилиб келган.

Алломани Фарбда Аверроэс деб аташган. У тасаввуф таълимоти қоидаларини фалсафа фани доирасида тушунтириб берган. Ибн Рушд Арастуни оммалаштириш, тарғиб қилиш билан бирга, Ғаззолийнинг издошлари билан мунозаралар олиб борган. У Ғаззолий фалсафаси олий ҳақиқатни тушунтира олмайди, деб ҳисоблаган.

Уйғониш даври бошланишида аверроизм энг кучли, расмий фалсафа бўлгани сабабли Овруро университетларининг теология кафедралари, энг обрўли фалсафа мактаблари ва назарий оқимлар айнан аверроистлар томонидан бошқарилган. Уйғониш даври аверроизмнинг шиддатли кураши остида ўтади ва бу даврдан кейин аверроизм иккинчи ўринга тушиб қолади. Аверроизмнинг фалсафий категориялари, тушунчалари, атамалари Овруро тилларида янги фалсафий атамалар тизимининг вужудга келишига сўзсиз ёрдам беради.

Фанда маълум бўлган яна бир ҳол эътиборга лойиқ. Агарда ўрта асрларнинг бошларида (VIII-IX асрлар) қадимги юнонлар (Арасту, Афлотун ва бошқалар) ва римликлар (Порфирий) асарлари фаол равишда араб тилига таржима қилинган бўлса, ўрта аср ўрталарига келиб, айниқса, XII-XIII асрларда тескари жараён бошланади, яъни араб тилида ёзилган манбалар тез суръатларда латин тилига таржима қилинди ва Овруронинг энг буюк алломалари томонидан, шу жумладан, инглиз файласуфлари, ёзувчилари, дин ва ижтимоий-сиёсий арбоблари томонидан кенг ўрганилди. Афлотун, Арасту ва бошқа муаллифларнинг асарларининг аксарияти қадимги юнон тилидан араб тилига ва араб тилидан латин тилига таржима қилинди.

Араб тилида ижод қилган олимлар, шу жумладан, бизнинг аждодларимиз мероси Фарбдаги фалсафа фани ривожига, сўзсиз, самарали таъсир кўрсатди. Бу билан улар инсоният тараққиётига беқиёс ҳисса қўшди.

DA'VOGARLIK — FAYLASUFLIK DEGANI EMAS


Яхши отга бир қамчи...

Халқ мақоли

Инсон зоти яралганидан бери қай бир эра, қай бир замонда буткул соғлом одам ҳам бўлгандир, эҳтимол. Аммо бугунги кунда дунё аҳолисининг каттагина қисми гижжа, ундан ҳам кўпроғи бўқоқ, яна қанчаси бошқа бирор касаллик, аксарияти эса файласуфлик дардига мубтало. Бешикдаги чақалоқ десак муболаға бўлар-у, тили чиққан гўдақдан бошлаб барча бирдай ақл ўргатишга шошилади. Уларнинг кимга, нима мақсадда йўл-йўриқ кўрсатаётгани унчалик муҳим эмас. Муҳими — миясига сиғмай кўпириб, бош чаноғини ёриб чиқишга ҳозирлик кўраётган ақл булоғининг кўзини очса, бас. Ўзича! Бунчалар кўп ақл, фаросат, донишмандликнинг осмону фалакка ўрлаб кетмай, ер юзасига сиғиб юрганига баъзан ишонгиси келмайди одамнинг!

Аммо ҳамма бало шундаки, барча бирдай гапирди, тинглайди-ю, доим ҳам амал қилавермайди. Файласуфликнинг куруқ ваъзу насиҳатлардан иборат эмаслиги аён, бироқ донишмандликка даъвомиз ҳеч тугамайди.

Аслида файласуфлик ўзи нима? Файласуф дейишга лойиқ кимса шу қадар



кўпми? Менинг назаримда, фалсафадан бошқа барча фанларни ўрганиш мумкин. Бу фан шунинг учун ҳам фалсафа — донишмандликни севиш деб номланган бўлса ажаб эмас. Унинг асл моҳиятига ҳар доим етавермаганимиз боис университетнинг фалсафа факультетини йилига ўртача ўттиз нафар талаба якунлашини ҳисобга олсак, бугунги кунда ҳар қадамда бир донишмандни учратишимиз керак эди, биз эса фақат доноликка даъвогарларга дуч келяпмиз, деб ҳайрон бўламиз.

Нега шундай? Чунки мазкур предметга оид дарслик ва қўлланмаларда бир таъриф шакли ўзгариб, бир неча бор қайтариллади. Боз устига, баёнда ҳам ночорлик бордай. Масалан, дарсликларда сабаб ва оқибат деган атамалар ёнма-ён қўлланади. Шахсан ўзим бир саҳифадан ортиқ таърифни қайта-қайта ўқигандан кейингина шу атамаларнинг мазмунини тушунгандек бўлдим. Сабаб — бирор нарса ва ҳодиса ривожининг оқибати, оқибат эса кейинги ривожнинг сабаби бўлиб, сабаб оқибатга, оқибат сабабга, яна сабаб оқибатга, яна ...га яна ...га айланар экан (*Фалсафа. Т., 2000, 190-бет*).


Шунингдек, фалсафа дарслигини жуда диққат билан ўқиб, унга танқидий ёндашмаган киши муаллифлар ўз фикрини ўзлари инкор этмаяптими, деган ҳаёлга бориши тайин. Масалан, 1997 йили “Ўқитувчи” нашриётида чоп этилган “Фалсафа” дарслигида “Онг юсак даражада ташкил топган материянинг, яъни инсон миясининг маҳсули бўлиб, унинг хусусияти воқеликни акс эттиришдан иборатдир” деган таъриф берилди. Сўнг “Онг фақат инсон миясига хос бўлган инъикос жараёнидир” деган таъриф орқали онгнинг инсонгагина тегишлилиги таъкидланади. Кейин инстинктлар — ҳайвонлар муайян турининг эволюция жараёнида тўпланган онгсиз ҳаёти “тажрибаси” экани ёзилган. Ана шу таърифу тавсифларни ўқигандан сўнг, ҳайвонлар онгсиз мавжудот экан-да, деб турганингизда, кейинги саҳифада ҳайвонларнинг онгсиз эмаслигига доир бир неча мисол келтирилади: “Бу илмий далиллар ҳайвонларда онг

бошланғичлари борлигини кўрса-тади. Аmmo ҳайвонларнинг руҳияти билан одам тафаккури ўртасида сифат жиҳатдан жуда катта тафовут борлигини унутиб бўлмайди”. Табиийки, ўқувчи бу таърифларнинг қай бирига ишонини билмай иккиланиб қолади. Буни ойдинлаштирмоқ учун ҳеч бўлмаганда фалсафачилар каби фикрлаш лозим.

Кейинги хулоса ҳақиқатга яқин, деб фараз қилайлик. Чунки уй ҳайвонларининг хатти-ҳаракатларини доимий кузатиш имконига эга қишлоқ аҳолиси фалсафачи бўлмаса-да, ҳайвонларни онгсиз ҳисобламайди. Ҳатто бу ҳақда ўйлаб ҳам ўтирмайди. Ҳайвонларнинг воқеа-ҳодисаларга муносабатига ўзларини ажаблантирган жиҳатлар хусусида шунчаки баҳс юритади. Яқинда бир ҳамқишлоғимиз қизиқ воқеани ҳикоя қилиб берди. Уларнинг қозиқ суғурадиган бир эшаги бор экан. Ўзининг қозигини суғуриб олгани етмагандай, модасининг ҳам қозигини суғуриб берармиш.

— Эчки-улоқ, сигир-бузоқ билан иши йўқ, айнан модасининг қозигини бўшатади, тавба қилдим, — дея суҳбатини давом эттирди беш-олти нафар одамни оғзига қаратиб гурунг бераётган йигит. — Унинг бебошлигидан безор бўлиб тоғдаги холамга бериб юборган эдик. Поччам эшакни тўйга миниб борибди. Бир маҳал қарашса, бир сурув жабдуқли эшак ханграб чопиб юрган эмиш. Меҳмонларнинг уловини боғлаб юрган болакайларнинг айтишига қараганда, ўша бебош эшак тўйга транспорт вазифасини ўтаб келган барча жинсдошларининг қозигини суғуриб чиқибди.

Олдинига тўй-хонани айланиб чопиб юрган эшаклар галасини кўз олдимишга келтириб гурун этиб кулиб юбордик-да, сўнг ҳушёр тортиб, унинг гапларига унчалик ишонмаётганимизни айтдик. Шунда



у даст ўрнидан туриб, “Ким хоҳласа, юрсин, мотоциклим билан олиб бориб ўша эшакни кўрсатиб келаман”, деди.

Оғзаки ва ёзма адабиётда ҳам ҳайвонлар бутунлай онгсиз мавжудот сифатида талкин этилмайди. “Алпомиш” достонидаги Бойчибор билан биянинг узоқ йиллик айрилиқдан сўнгги айтишувини эсланг. Эҳтимол, бу — бахшининг ижоди, нима, у отларнинг бир-биридан ўпка-гина қилаётганини эшитибдими, дея эътироз билдириш мумкиндир. Бир қарашда, бундай эътироз ўринсиз эмасдай. Негаки, бахши ростдан ҳам бия ва тойчоқнинг дийдорлашувига гувоҳ бўлмаган, уларнинг изҳорини ўз қулоғи билан эшитмаган. Бирок халқ даҳоси шунчалар буюлки, ҳеч қачон замирида муайян ҳақиқат бўлмаган гапни айтмайди.

Агар ҳайвонларда ҳам озгина бўлса-да фикрлаш, меҳр-муҳаббат туйғулари бўлмаганида, Чингиз Айтматовдек ёзувчи “Қиёмат” романида Оқбарра (она бўри) образини шунчалик меҳр билан тасвирламас эди. Биласизки, туғма майлга таяниб яшайдиган ҳайвонда ҳеч қандай ғайритабиийлик бўлмайди. Тоғай Муроднинг “От кишнаган оқшом” асарини эсланг. Зиёдулло чавандозни безорилар ур-калтак қилаётганда унинг оти ариқ бўйида жимгина ўтлаб юрмайди. Аксинча, эгасининг калтакланаётганини кўриб қутуриб кетади. Зинграйиб, пишқириб, муштумзўрларни олдига солиб қувади, тош тегиб боши ёрилса ҳам ортга чекинмайди. Кейин энкайиб, чавандозни устига миндириб олади, уни тўғри уйига — бола-чақасининг бағрига олиб боради. Мана шу фидойилик, ўз эгасига меҳрибонлик Тарлондаги туғма инстинкт бўлиши мумкинми? Эгасини душмандан ҳимоя қилиш мақсадида жангга кириш ҳайвондаги туғма майл бўлса, у ҳолда Тарлон от эмас ит бўлиши керак эди, чавандозни эса уйга елкалаб келишга фа-

катгина отнинг фаҳм-фаросати ва қуввати етади, тўғримми?

Ҳайвонларнинг онгсиз эмаслигига яна бир далил уларда ҳам мия борлигидир. Бояги дарсликда мияга бундай таъриф берилган: “Мия мураккаб биология (!) маҳсули бўлиб, унинг ўртача вазни 1000-1400 грамм чамаси келади. Одам миясининг мутлақ вазни қарийб барча ҳайвонларнинг мияси вазнидан катта. Мия вазнининг гавда вазнига нисбати жиҳатдан эса инсон барча (!) ҳайвонлардан юқори туради. Инсон миясида 14 миллиарддан ортик нерв хужайралари бўлиб, уларнинг катталиги 5-200 микрон чамаси келади...” Демак, мия — билишнинг асосий манбаи. Ҳайвонларда ҳам, бизникидан кичикроқ бўлса-да, мия бор экан, унинг фаолият

кўрсатишини инкор этиш адолатдан эмас. Демак, мазкур дарслик муаллифларининг фикрича, ҳайвонлар онгсиз мавжудот эмас.

Ушбу мақолани ёзишга жазм этишдан олдин кўплаб мутахассислар фикри билан қизиқдик. Қайси биридан

“Ҳайвон онгсиз мавжудотми?” деб сўрасангиз, шунчалик ажабланиш билан боқадикки, наҳотки, шу қадар бемаъни савол берган бўлсам, деб хижолат тортасиз. У эса сизни баттар ҳайратга солиб, “Албатта, онгсиз, шуни ҳам билмайсизми?” дейди. “Донишманд”га уларнинг онгсиз эмаслигини тасдиқловчи бир-иккита мисол айтсангиз, “Уларда ҳам онг бор, фақат бошланғич ҳолда”, дейди. Қайсарроқлари бўлса, инстинкт, тасаввур, сезги, ҳиссиёт, интуиция, ирода, туйғу каби тушунчаларни қаторлаштириб, баҳслашишда давом этаверади. Масалан, от уйга келган одамнинг ниятини билади, дейишади. Баъзи “донишманд”лар буни онг эмас, сезги, деб хулоса чиқаради. Аслида от уйга келаётган одамнинг қадам товуши, шарпасини сезиши мумкиндир, унинг ниятини эса англайди. Англаш сўзининг маъноси онглашдир.

*Донолар сўзлари билан
қилаётган ишлари бир-бирига
тўғри келмай қолишидан қўрққани
учун қуруқ гапларни ҳеч қачон
гапирмайди.*

Хитой мақоли

Хайвонларни қатъият билан онгсиз де-гучиларнинг барчаси дарсликдаги “Он-г фақат инсон миясига хос бўлган инъикос жараёнидир” деган таърифга маҳкам ёпи-шиб олган. Бунча шошмасдан, кейинги хатбошини ҳам ўқиса-ку, бир оз шашти-дан тушарди киши.

Маълум вақт хайвонлар психологияси-ни ўрганган бир мутахассис билан шу мавзуда суҳбатлашганимизда у ҳам хай-вонларнинг онгсизлиги, улар инстинктлар ёрдамида яшаши ҳақида гапирди. Шунда мен, бўрдоқига боқилаётган новвос қас-собга кўзи тушса, ундан қўрқиб, емиш емай кўяр экан, нега шундай, деб сўра-дим. “Бу Сулаймон алайҳиссалом замони билан боғлиқ”, деди психолог. Унинг га-пини тинглаб туриб психолог бўлиш ҳам қийин эмас экан, деган ху-лосага келдим.

Нафсиламрини айт-ганда, ҳозирги кун-да олимларни хайвонлардан кўра киберне-тик машиналар-нинг онгли ёки онг-сизлиги кўпроқ қизиқ-тирмоқда. Бу мавзу жид-дий тортишувларга сабаб бўлаётир. Шуни эътироф этиш жоизки, инсон кашф этган барча техник восита-лар унинг ўзидан андоза олиб яратилган. Масалан, оддийгина автомобиль. Унда оёқ (ғилдирак), кўз (фара), юрак (мотор), жи-гар (картер), буйрак (бабино) ва яна бош-қа аъзолар бор. Лекин унда мия йўқ. Сўнги русумдаги компьютерларда мия ҳам бор. Бироқ улар ўзича фикрлай ол-майди. Чунки техника биологик мавжудот эмас. У ким ёки ниманингдир кўмагисиз ҳаракатлана олмагани каби, фикрлай ҳам олмайди.

Файласуф сўзининг маъносини Пифа-гор Олимпия ўйинлари мисолида қуйида-гича тушунтирган экан: “Анжуманга бир гуруҳ киши беллашиш, куч синашиш, ўзи-нинг ҳаммадан зўрлигини намоён этиш, иккинчи гуруҳ савдо-сотик қилиб, бойли-гини кўпайтириш, учинчиси эса ўйиндан

маънавий озиқ олиш, ҳақиқатни билиш ва аниқлаш учун келади. Ана шу учинчи гу-руҳга мансуб кишилар файласуфлардир”.

Ўзларини учинчи гуруҳга мансуб ҳисоб-ловчиларнинг фикрича, “Кимдир бу дунёга унинг сир-асрорлари тўғрисида бош қотир-масдан келиб кетади, умрини ейиш-ичиш, уй-рўзгор ташвишлари билан ўтказади (Олимпиада иштирокчилари назарда тути-лаётган бўлса керак. Таъкидлар бизники — **Д.Ж.**). Бошқаси нафс балосига бери-либ, мол-мулкка ружу кўяди (савдогарлар). Учинчиси эса олам ҳикматларини ўргана-ди, умрини хайрли ва савоб ишларга сарфлайди, бошқалар учун ибрат бўларли ҳаёт кечиради (файласуфлар)” (Фалсафа. Маърузалар матни. Т., 2000, 13-бет).

Диққат қилинса, Пифагор сўзларининг замирида бир оз киноя ҳам бордай. Айтайлик, би-ринчи гуруҳ, яъни Олимпиада ишти-рокчилари ти-нимсиз ўз усти-да ишлайдиган меҳнаткаш, жасо-ратли ва фидойи инсонлар. Тижоратчи-лар эса ана шу журъатли инсонларга хизмат кўрсатиш

баробарида моддий манфаат кўришни кўзлаган ишбилармонлардир. Учинчи гу-руҳга мансуб томошабинлар эса беллашув майдонларига чиқишга на кучи, на маҳо-рати бор, улар олдинги икки гуруҳга ман-суб кишилар наздида, ҳатто савдо-сотик-ни ҳам эплай олмайдиган ношуду нота-вонлардир. На ақлига, на қувватига ишо-на оладиган одамга Олимпиада ўйинла-рида томошабинликдан бошқа яна қандай мартаба насиб этиши мумкин?

Бизнингча, томошабинларни ҳам бир неча тоифага бўлиш мумкин. Пифагор эътирофича, кўнглида маънавий озиқ олишдан бошқа гарази бўлмаган ҳолда томошага борадиганлар ростокамига до-нишмандликни севувчи, гўзалликни қадр-ловчи кишилардир. Иккинчи тоифа тараф-кашлик қилиш учун боради. Уларнинг наз-дида нима бўлса бўлсин, ўзлари суйган

*Зўр хислатларга эга
бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди,
улардан фойдалана билиш ҳам керак.*

Ларошфуко

олимпиадачилар голиб бўлса бас. Учинчи тоифа эса мутлақо мақсадсиз, маишат излаб борган кишилардир. Олимпиада ўтанидан сўнг нима бўлади, биласизми? Муҳокама бошланади. “Фалончи ундоғ қилмасдан бундоғ қилиши керак эди” қабилидаги билимдонликларнинг охири кўринмайди. “Нима қилиш лозимлигини билар экансан, нега томошабин бўлиб ўтирибсан?” деб сўрайдиган одам йўқ.

Ривоят қилишларича, Шамс Табризий ҳазратлари дарвешларнинг бир йиғинида қатнашибди. Бир чеккагинада зикр билан машғул шайхга йиғин иштирокчилари эътибор беришни ҳам лозим кўрмабди. Дарвешлар ярим тунга қадар “Фалон даврда яшаб ўтган авлиё шундай кароматлар кўрсатган экан, фалончи шайх бундай дебди” қабилида гурунг қилибди. Ниҳоят, уларнинг қимматли вақтни беҳуда сарфлаётганидан афсусланган шайх ҳазратлари шахд билан туриб, “Ўзингиз нима қилдингиз, шундан гапиринг” деган экан.

Бу — инсонни ўз қилмиши ҳақида мушоҳадага ундайдиган ягона мисол эмас. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Яхшиси, Шамс Табризийнинг “Ўзинг нима қилдинг?” деган ҳақли саволига жавоб қидирайлик.

Ростдан ҳам, биз бу дунёда донишмандликка даъвогар бўлиб, бирор ишни эплай олдикми? Файласуфлик даъвосию лақмаликнинг зўрлигини қарангки, Шамс Табризий ҳазратларининг “Сен нима қилдинг, шундан гапир” деган ҳаққоний талабидан ибрат олиш ўрнига бу воқеани ҳам ўз донишмандлигимиз далили ўлароқ такрорламоққа ўтдик. Энди даврадошларни “Ҳазрати Шамс Табризий бундай деган экан” дея мот қила бошладик...

Агар шу таънани ҳақиқий файласуф эшитганида, бу зарбадан ўмбалоқ ошиб тушар, ҳаётининг бесамар ўтган кунлари, йиллари учун афсус-надомат чекар ҳамда бундан кейин қандай яшаши кераклигини жиддий ўйлаб кўрган бўларди. “Донишманд”лар-чи, улар нима қилди? Улар ана шу таънани, гуёки ўзларига алоқаси йўқдек, бошқаларга ўргата бошлади. Бошқалар яна бошқаларга қўлма-қўл қилиб

юборди. Бу билан улар кимнидир ўтган аждодлар қолдирган меросга мағрурланиб юрмасдан, уларга амал қилиб яшашга ундашдан кўра кўпроқ ўз билимдонлигини кўрсатишга уринди. Улар ана шундай ҳикматли сўзлар мафтун. Ҳамма гап шундаки, фақат мафтун, холос. Амал-чи, амал — масаланинг нозик томони. Ҳамма уқтиришни хохлайди-ю, амал қилишга келганда сустлашади. Шунинг учун айтувчи ҳам, тингловчи ҳам на Қуръон, на ҳадис ва на ҳикматдан файз олади.

Бу қўлма-қўлчилик неча асрлардан бери шу тахлит давом этиб келаётир. “Нима учун олдинги даврлардагидек, авлиёлар кам?” деб сўрадим бир куни отамдан. У киши айтдиларки: “Ҳозир билимдонлар кўп, амал кам, Қуръон ва ҳадисни шариллатиб ёддан айтиб берадиган муллаваҷчалар бисёр, тунларни ибодат билан ўтказадиганлар оз”.

Бу — оддий қишлоқ одамнинг хулосаси. Бироқ ўйлаб кўришга арзийдиган фикр. Агар Пифагор даврида ва ундан кейин яшаган томошабинлар файласуфликка даъво қилиб ястаниб ўтирмасдан олимпиадачилар сафида бўлишга ҳаракат қилганида, ҳеч бўл-маса маҳорат ошириш бобида улардан ўрناق олганида ва Олимпиада ҳақида айтган, ёзган фикрларини кузатувчи эмас, иштирокчи сифатида битганида, бугунги авлод бутунлай бошқача, ибратли бир тарихни ўрганарди.

Шамс Табризий таънасини донишмандлигимиз кўргазмасига айлантриб олмасдан ундан фойдали хулоса чиқарилганда, аждодларимиз XX асрнинг бошларида мадраса деб аталмиш ўша даврнинг етакчи илм даргоҳида Або Муслим гурзиси билан бир урганида душман ерга тиззасигача ботганми, елкасигачами деган масалани муҳокама қилиб ўтирмас, Оврүпода кечаётган тараққиётдан бу қадар даҳшатга тушиб, “Гирмон деганлари бир кўзли баҳайбат махлуқ эмиш...” дея хат-саводи йўқ, дайди болакай олдида кулги бўлмас ва пақ этган тутундан юраги ёрилиб, ер шохлаб қолмас эди. Аксинча, ўзлари Або Муслимдек паҳлавон жангчи бўлишга, “Гирмон” каби замонавий техникалар яратиш-

га интилган бўларди. Бунинг барчаси томошабинликнинг (файласуфликка даъвогарликнинг) оқибати эмасмикан?

Ачинарли жойи шундаки, насиҳатбозлик, таъсирланиш-у, амал қилмаслик бугунги кунда олдинги даврлардагидан-да кўпроқ илдиз отиб бормоқда.

Яқинда тўрт-беш нафар дўст йиғилдик. Дўстларимиздан бири бошидан ўтган ибратли воқеани сўзлаб берди. Тасаввур тўлароқ бўлиши учун воқеани ўша кишининг номидан ҳикоя қилсак:

“Кийдириб, тўйдириб гердаймаган бир деҳқоннинг фарзандиман. Ота-онам, ака-укаларим — кўл ичида кун кўрадиган одамлар. Шу боис институтда ўқишим ўта машаққатли кечди. Ўқишни битиргач, шаҳардаги автокорхоналардан бирига ишга жойлашдим. Насиб этган экан, уй-жойли ҳам бўлдик. “Эр-хотин — кўш ҳўкиз” деганларидек, куну тун меҳнат қилиб, Москвич сотиб олдик.

Наврўз арафасида Самарқандга, ота-онамиз зиёратига ўз машинамизда бордик. Бу оиламизнинг энг қувончли кунларидан бири бўлди. Кечқурун чой ичаётган отажонимнинг қадоқ қўлларига қарадим. Ушоққина бўлиб қолган онажонимнинг пешонасидаги ажинларини нигоҳим билан силадим. Фарзандлик меҳрим жўшиб, томоғимга бир нарса тиқилди. Шу онда “Кекса ота-онам яёв юрса-ю, мен қайси юз билан машина минаман?” деган фикр лоп этим хаёлимдан ўтди. Эртасига тонгда болаларни қолдириб, хотин иккаламиз туман марказига тушдик. Қайтаётганда машинани йўл юзасига тўхтатдим-да, хотинга “Машинани акамга берсак, ота-онамнинг хизматини қилса, фарзандлик бурчимизни бажарган бўлармидик”, дедим. Тинмай бидирлаб гурунги бериб келаётган хотин бу гапни эшитиб жим бўлиб қолди. Ахир, унинг ҳам ҳиссаси борлигидан ташқари қанча орзу-умидлари ҳосиласи эди бу машина! Боз ус-

тига, энди тўю йиғинга машинани у эмас, овсини гердайиб миниб боради. Узоқ вақт ўйланиб турди. Бир пайт тилга кирди: “Сиз нима десангиз — шу”.

Шундай қилиб, отам ва акамнинг қаршилигига қарамай, машинани акамнинг номига расмийлаштириб, Тошкентга автобусда қайтдик. Буни қарангки, ишларим юришиб кетди. Олдинига автокорхонада аллақачон хизматини ўтаб, “нафақа” ёшига етиб қолган бир “Волга” машинаси кимошди савдоси орқали сотиладиган бўлиб қолди. Шу бизга насиб этди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, ўзим автокорхона директорлигига тайинландим. Ҳозир хизмат машинаси, бундан ташқари, шахсий “Нексия”м бор. Болалар ҳам хурсанд. Кексаларнинг дуоси қўллагани шу бўлса керак-да”.

Бу гурунги машинаси борларга ҳам, йўқларга ҳам қаттиқ таъсир қилди. Ҳаммамиз бир оғиздан бу одамнинг тантилиги-ю, шу туфайли олган мукофотига таҳсинлар айтдик. “Қаранг, Худо берганга беради-да”, дея Яратганнинг марҳаматини, карами кенглигини эътироф этишни ҳам унутмадик. Аммо айнан шу воқеадан ибрат олиб, орамиздаги машинаси борларимиз — “Машинамни қишлоқдаги ака-укаларимдан бирига бериб келсам, ота-онамнинг хизматини қилса”, машинаси йўқларимиз “Оллоҳ таоло бирорта машинага етказса, уни ота-онамнинг хизматига юборардим”, қабилида қатъий қарорга келдик, дейиш жуда қийин. Бу нимани билдиради? Яна ўша гап — амал йўқ, амал...

Фалсафа факультетида ўқиганлар, айниқса, умуман, бу даргоҳнинг яқинига ҳам йўламасдан файласуфликка даъво қилаётганлар — барчамиз бир саволдан балодан кўрққандай кўрқамиз: “Сен оғизда эмас, амалда нима қилдинг, шундан гапир?”

БОКИЙ САРЧАШМАЛАР

Абдурахим ҲАСАНОВ



ALLOMALAR BESHIGI

Мадрасалар ҳақидаги дастлабки маълумотлар X аср манбаларида учрайди. Мадрасалар Шарқ меъморчилиқ санъатининг ажойиб анъаналарини ўзида мужассамлаштирган. Одатда улар тўртбурчакли бўлиб, атрофи девор билан ўралган. Ўртада айвон, ҳовлининг гир айланаси бўйлаб ҳужралар, дарсхона, мударрис, масжид имоми, мутавалли учун хоналар қурилган. Ҳужраларнинг эшик ва деразалари мадраса ҳовлисига қараган. Деразаларга ойна қўйилмай, юпқа оқ қоғоз ёпиштирилган. Иссиқ овқат ҳужрадаги ўчоқда тайёрланган. Қишда ҳужраларга сандал ўрнатилган. Ҳар бир мадрасада албатта ён-атрофдаги намозхон аҳоли ҳам сигадиған масжид бўлган. Мадрасалар кўпинча уни қурган одам, жой номи ёки охириги марта таъмир қилган кишининг исми билан аталган.

Шайхулислом ва қозикалон мадрасалар устидан умумий раҳбар ҳисобланган. Аълам хон хазинасидан маош олган ва мадрасада ўқув жараёнини бошқарган. Мутаваллибоши эса мадрасанинг хўжалиқ фаолиятини назорат қилиб борган

ва вақф мулкидан маош олган. Бу мансабдорлар хон ёки вилоят ҳокими томонидан тайинланган.

Илм олиш истагидаги ҳар бир киши, мулкий ҳолатидан қатъи назар, мадрасага кириши мумкин бўлган. Туркистоннинг барча шаҳар ва қишлоқларида ўнлаб мадрасалар фаолият кўрсатган. Уларни уч тоифага бўлиш мумкин. Хонлар, сарой амалдорлари қурдирган йирик мадрасалар — хон мадрасалари дейилган. Масалан, Тошкентдаги Бароқхон ва Қўқондаги Худоёрхон 1858 йили қурдирган Али мадрасалари хон мадрасаларидир. Диний раҳнамолар, эшонлар, пирлар қурдирган мадрасалар эшон мадрасалар дейилган. 1458 йили Тошкентда Хўжа Аҳрор Валий, 1841 йили Андижонда Халфа Азиз эшон қурдирган мадрасалар шулар сирасига қиради. Йирик ер эгалари, бойлар, савдогарлар қурдирган мадрасалар хусусий мадрасалар деб ном олган. Бундан ташқари, вақф мулкнинг миқдори, даромади ва ҳужраларнинг сонига қараб, мадрасалар йирик, ўрта ва масжид мадрасаларга ҳам бўлинган.

Мадрасаларда ўқитиладиган илмларнинг тўлиқ тизими XI-XII асрларда шакллланган. Мадрасаларнинг ўқув дастуридан араб тили грамматикаси, морфологияси (сарфи), синтаксиси (наҳви), этимологияси, нотиклик, дин тарихи, қироат илми ва мунозара маданияти, илоҳиёт ва қонуншунослик, ҳадис, фикҳ, ақоид, мерос тақсимоли, фалсафа, мантиқ, риёзиёт (математика), жуғрофия, геометрия, тиб илми, кимё ва бошқа фанлар ўрин олган.

Мадрасаларда дарслар икки йўналишда олиб борилган: мушкулот (умумий билимлар) ва масала (ҳуқуқий). Талабалар араб тили грамматикасини ўрганиб, мантиқдан бошланғич тушунча олганларидан сўнг шу бўлимлардан бирига оид китобни ўқишга киришган.

Туркистон мадрасаларининг ўқув дастури бир-бириникидан жуда оз фарқ қилган. Дастлаб форс тилида савол-жавоб йўли билан ёзилган “Аввали илм” ўргатилган. Араб тили грамматикасини изчил ўрганишдан мақсад Қуръонни тўғри ўқиш, англаш ва бошқа фанлар учун замин тайёрлаш бўлган. Илоҳиёт бўйича ислом ақидаларини баён этувчи “Ақоид” илмини ўрганишга алоҳида аҳамият берилган.

Талабаларга фикҳ (ислом ҳуқуқшунослиги) мукамал ўргатилган. Ислом фикҳи мусулмонларнинг ҳуқуқ ва бурчларини баён қилиб, шахсий ва жамият ҳаётидаги низому тартибларни қарор топтирган. Бу илм ҳаётдаги ҳамма масалаларни аниқ ва тушунарли ечиб берган.

Мадрасаларда мантиққа илмларнинг дебочаси деб қаралган. Бу фан “Шамсия” ва “Сулла” асарлари асосида ўргатилган. Эътиборга сазовор жойи шундаки, мадрасаларда қадимги юнон ва ҳинд фалсафаси асосида шаклланган фалсафа дарсини ўқитиш алоҳида ўрин эгаллаган. Жумладан, Садриддин Тафтазонийнинг “Таҳзиб”, Умар Насафийнинг метафизика негизидан ёзилган илми нужум, яъни астрология ва космографияга оид “Ҳикматул-айн” асари, шунингдек, фалсафа ўрганилган. Ўқиш жараёнида талабалар Наво-

ий, Фузулий, Бедил, Саъдий Шерозий, Машраб, Сўфи Оллоёр каби кўплаб машхур шоирларнинг девонларини кунт билан ўрганган. Мадрасаларда ҳадис ва Қуръон тафсирига оид Имом Бухорий, Имом Термизий, Қози Байзовий ва Маҳмуд Замахшарий китобларини ўқитишга алоҳида аҳамият берилган.

“Илми ҳисоб” ҳам муҳим фанлардан ҳисобланган. Арифметикада оғзаки ҳисоблаш, алгебрада рационал ва иррационал ифодалар билан амаллар бажариш, ал-жабр ва ал-муқобала усуллари асосида биринчи ва иккинчи даражали тенгламаларни ечиш ўргатилган. Фароз — мерос илми ҳам махсус ўқитилган.

Фарғона водийсидаги мактаб ва мадрасаларда ўқиш-ўқитиш аҳволини ўз кўзи билан кўрган Туркистон генерал-губернаторлигининг катта амалдорларидан бири 1909 йили Петербургга ўта махфий ахборот юбориб, барча мадрасаларда “Дарс” деб номланган ва 6 қисмдан иборат “Қофия”, “Шарҳи Мулла”, “Шамсия”, “Ҳикматул-айн”, “Мулла Жалол” ва “Ақоид”дан иборат фанлар ўқитилади деб хабар беради. Бундан ташқари, араб тили грамматикаси ва шариат қоидалари ҳам ўргатилган. Бу амалдорнинг сўзига қараганда, талабалар орасида мадраса таълимидан қониқмайдиган, рус тилини, жуғрофияни мустақил ўрганаётган ва татар тилидаги газеталарни ўқийдиганлари ҳам бўлган. “Шахсан мен, — деб ёзади у, — Кўқондаги Мадалихон мадрасасида Константинополда нашр этилган жуғрофия атласини, Осие харитасини, муллаваччалар кўлида эса “Жуғрофия” китобини, Шамсутдинов тузган ва Қозонда нашр этилган “Рус ва чет тиллар луғати”ни, рус ва француз тилини



ўрганувчига ёрдам қўлланмасини, Усмон Соатовнинг Симферополда нашр қилинган, мусулмончага мослаштирилган “Тўлик русча-татарча луғат”ини, Хотамтоевнинг Бухорода босилган ва мусулмончага мослашган “Рус-тожик” луғатини кўрдим. Бундан ташқари, муллаваччалар Қозонда чиқадиган “Баёнул-ҳақ”, “Юлдуз” ва Оренбургда чиқадиган “Вақт” газеталарини ҳам ўқиб юрибдилар” (*ЎзРМДА, И-1-Ф, 31-рўйхат, 540-иш, 174-175-варақлар*).

Ҳақиқатан ҳам, мадраса талабалари вақтли матбуотни қизиқиб ўқиган. Жумладан, Тошкентдаги “Беклар беги” мадрасасининг баъзи талабалари “Вақт”, “Күёш”, айниқса, “Таржимон” газеталари билан танишиб борган. Шу мадрасанинг муҳаррири (ассистенти) вазифасида ишловчи эркин фикрли Муродхўжа Солиххўжа ўғли эса мадрасада жуғрофияни гайрирасмий суратда ўқитган. Замонадан хабардор, мустамлака маъмурларига бирмунча яқин Абдумалик ҳожи Абдунаби ўғлининг шу мадрасага катта мударрис этиб тайинланиши натижасида бу ерда рус тили дарси жорий этилган.

Мадрасаларда аниқ дарс жадвали бўлмаган. Дарс вақти ҳам мударрис ва талабаларнинг ўзаро келишуви асосида белгиланган. Дарслар асосан бомдод намози ўқилганидан сўнг бошланган. Ўқув ҳафтаси иккига — таҳсил (шанба, якшанба, душанба, сешанба) ва таътил (чоршанба, пайшанба, жума) кунларига бўлинган. Таҳсил кунлари талабалар мударрислардан сабоқ олган, таътил кунлари эса ўтилган дарсларни такрорлаш, китоб мутолаа қилиш ва дам олиш билан машғул бўлган. Рўза кунлари, рамазон ва қурбон ҳайитларидан бир ҳафта олдин ва бир ҳафта кейин дарслар тўхтатилган. Бир йиллик сабоқ сентябрь-октябрда бошланиб, апрел-май ойларида яқунланган. Таътил даврида талаба келгуси йилги таҳсил учун йиғинган. Бунинг учун у ёлланиб далада меҳнат қилган, китоб кўчириш билан шуғулланган, ямоқчилик, этикдўзлик ва шу каби бошқа хунарлари орқали пул


топган. Талабаларга аҳолидан хайрия маблағлари ҳам тушиб турган.

Вақф мулкидан тушадиган даромадга қараб, мадрасаларда мударрисга маош, талабага вазифа (стипендия) белгиланган. Уларнинг миқдори мадрасаларда ҳар хил бўлган. Мисол учун, 1893 йили Тошкентдаги Хўжа Аҳрор Валий мадрасасида мударрисга 100 сўм, аълочи талабага 40 сўм, яхши ўқувчига 20 сўм, ўрта ўқувчига 10 сўм берилган бўлса, Кўкалдош мадрасасида мударрисга 90 сўм, талабаларга эса, ўзлаштиришига қараб, 4 сўмдан 1 сўмгача тўланган. Ўша даврда бир пуд ун 65 тийин, гуруч 80 тийин, бир семиз қўй 2 сўмгача, бир сигир 5 сўмгача бўлганини ҳисобга олсак, талабаларга берилган пул миқдори кам эмаслиги аён бўлади.

Талабалар ўзлаштиришига қараб, уч босқичга бўлинган: адно — қуйи босқич бўлиб, биринчи китоб — “Аввали илм”дан бошлаб “Ақоид” билан тугалланган. Авсат — ўрта босқичда талабалар “Мулло Жалол” китобини ўқиган. Аъло — юқори босқичда илми фароиздан таҳсил олган.

Бир босқичдан иккинчисига ўтказиш талабанинг ўзлаштиришига боғлиқ бўлган. Бир босқичда ўртача уч-тўрт йил ўқилган. Лекин турли сабабларга кўра, ўн йиллаб бир босқичда ўқиганлар ҳам бўлган. Натижада ўқиш 15-25 йилга чўзилиб кетган. Зеҳни ўткир талабалар мадрасани 6-7 йилдаёқ тугатган. Талабаларнинг ёши ҳам ҳар хил бўлган. 13-15 ёшли ўспиринлар билан бирга 50-60 ёшли кишилар ҳам ўқийверган. Каттаўрғондаги мадрасада асримиз бошида 125 талабанинг 76 таси 15-25 ёшда, 23 таси 26-40 ёшда, 26 таси 41-60 ёшда бўлган. Н.А.Бобровников Андижонда 60 ёшли қария мадрасада ўқиётганини кўрдим, деб ёзади (*ЎзРМДА, И-47-Ф, 1-рўйхат, 955-иш, 252-варақ*).

Мадрасаларда ўқиш 20-25 йилга чўзилса ҳам ўзлаштириш талаби қаттиқ бўлиб, агар талаба бир китобни яхши ўрганиб синовдан ўтмаса, унга навбатдаги босқичда ўқиш насиб этмаган. Ўз навбатида, талабалар ўқув дастурида бўлмаган рисола ва асарларни, бадиий адабиётни ҳам



Хивадаги Қутлугмурод Иноқ мадрасаси

ўрганган. Бир босқичдан иккинчисига ўтишда махсус имтиҳон ёки синов бўлмаган. Талаба дарсларни ўзлаштиради, мудarris навбатдаги босқичга ўтказаверган. Мадрасанинг ҳар учала босқичини яқунлаш ҳаммага ҳам насиб этавермаган. Айниқса, учинчи босқични келажакда мудarris, қози, муфтий ёки бошқа амални эгаллаш мақсадидагилар ёки илм ортидан қувганлар тугаллаган, холос. Бу шахслар олимлар синовидан ўтгач, мадрасани тугатгани тўғрисида шаҳодатнома олган.

Хивада мадраса битирувчиларини имтиҳон қилувчи махсус комиссия бўлган. Бу комиссияга хоннинг ўзи ёки тахт вориси раислик қилган. Унинг таркибига эса қозикалон, ўрда қозиси ва хон томонидан тайинланган одамлар, ҳаммаси бўлиб 21 киши кирган. Хоннинг шахсан ўзи иштирок этган бу имтиҳонда синовдан ўтувчи матнни бехато ва тугилмасдан ўқиб бериши, махсус қолдирилган хатоларни тузатиши шарт бўлган. Синовдан муваф-

фақиятли ўтганларга оқ фотиҳа берилган ва улар қози, муфтий, аълам, охун, мудarris ва бошқа мансабларни эгаллашлари мумкин бўлган.

Бухорода эса Шарқнинг асосий ҳуқуқшунослик китоби бўлган “Ҳидояи шариф”ни араб тилида ўқиш ва мазмунини тушунтириш бўйича танлов ўтказилган. Дарвоқе, Амир Темур ҳам “Ҳидоя”ни яхши ўқиган ва ўрганганларни рағбатлантириш мақсадида алоҳида вақф мулки жорий этиб, унинг даромадидан илмли талабаларга мукофотлар берган. XIX асрнинг ўрталарига келиб Бухорода “Ҳидоя” бўйича ўз илмини кўрсатган 800 нафар талабага ҳар йили 120 тангадан ёки рус пули бўйича 24 сўм берилган. Амир Музаффархон яна 200 та ўрин қўшиб, Бухоро бўйича 900, Шаҳрисабзда 100 талабага мукофот пули берилишини таъминлаган. Танлов тартиби бўйича талаба кўпчилик омма олдидан “Ҳидоя”ни ўқиши ва мазмунини тушунтириб бериши лозим эди. Талаб шунчалик қаттиқ эдики, талаба

сал хато қилса, зер-забарни нотўғри ўқиса, мукофотдан маҳрум бўлган. Голиблар ҳар йили 15 февралда амирнинг фармони билан қозикалоннинг уйида 120 тангадан мукофот олган.

Бухоро мадрасаларида талаба бир фанни кунда неча марта — аввал “кунжаки домла” билан ўз хонасида, иккинчи бор “дарсхона домласи” ҳузурида, ҳатто бир шуҳратлироқ муфти ёки мударрис олдида ўз гуруҳи билан ўрганган. Натижада, бу фан асослари талаба хотирасида бир умрга нақшланиб қолган.

Мударрис танлаш асосан талаба ихтиёрида бўлган. Талаба имкон қадар билимдон ва хушмуомала домла таҳсилини олишга ҳаракат қилган. Дастлабки йилларда биргаликда уч-тўрт киши ўқиган, холос. Ҳозирги ўқув юртларимизда ҳар гуруҳда 25-30, айрим фанлардан маърузаларда эса 150-200 киши бирга ўқишини ҳисобга олсак, мадрасада ўқитиш сифати юқори бўлганини тасаввур этиш қийин бўлмайди. Агар талабани домланинг дарси қониқтирмаса, услуби ёки феъли ёқмаса, хоҳлаган вақтда бошқа мударрисга қатнаши мумкин бўлган. Шу боис мударрис билимини муттасил ошириб боришга, талабага яхши муомалада бўлишга ҳаракат қилган.

Мадрасаларда таълим жараёнини ташкил этиш мударриснинг зиммасида бўлган. Уларни хон ёки беклар тайинлаган. Мударрисликка даъвогар шахс шайхулислом, қозикалон, аълам, муфти ва бошқа олиму уламолар иштирокида имтиҳондан ўтказилган. 40 ёшга етмаганлар мударрисликка олинмаган. Мударрис умрининг поёнига қадар мадрасада дарс бераверган.

1891 йилдан бошлаб мударрислар маҳаллий идоралар, мадраса жамоаси иштирокида сайланган (*В. Бартольд. История культурной жизни Туркестана. Л., 1947, стр.141*). Икки нафардан ортиқ гуруҳдаги мударрисдан бири катта мударрис дейилган, қолганлари унга бўйсунган. Мударрислар илми ва меҳнат муддатига қараб, вақф даромадидан маош олган.

Жумладан, 1912 йили Тиллакори мадрасасининг катта мударриси бир йилда 700 сўм олган. Кичкина мадрасаларда эса масжид имоми мударрислик қилаверган. Юқоридаги тартиблар улар учун мажбурий бўлмаган.

Ислом ахлоқиға кўра, мусулмонлар мударрисни ота-онаси каби ҳурмат қилган. Унинг калтаги ота-онанинг эркалаларидан фойдали ва яхшироқ ҳисобланган. Ота-она фарзандини осмондан ерга туширади, мударрис эса уни ердан осмонга кўтаради, деган қараш эътиқод даражасига кўтарилган. Мударриснинг ўзигина эмас, авлодларига ҳам иззат-икром кўрсатилган. Талаба мударрисга “тақсир”, “афандим” деб мурожаат қилган.

Мударрис дарсхонага кирганда ёки чиқаётганида талабалар ҳурмат юзасидан ўрнидан турган. Устозни кўчада учратиб қолганда эса таъзим билан салом берган. Агар шогирд отда бўлса, устоз билан саломлашиш учун ерга тушган. Улуғ бобомиз Алишер Навоий тўғрисидаги бундай ибратли ҳикоят бизгача етиб келган. Отда кетаётган ҳазрат Навоий йўл бўйида ўйнаб ўтирган ёш бола олдида отдан тушиб, уни эркалаб, қўлларига кўтаради. Унга иззат-ҳурмат кўрсатади. Ҳамроҳлари бунинг сабабини сўраганда “У менинг устозимнинг набираси” деб жавоб беради. Бу воқеада ибрат бор.

Лекин устозларга бўлган эҳтиром дарс пайтида мударрис билан илмий баҳс юритишга тўсқинлик қилмаган. Бу одоб ва ахлоқ қоидаларига зид келмаган.

Мударрислардан чуқур билим, заковат ҳамда юсак фазилатлар эгаси бўлиш талаб қилинган. Мударрис мадрасанинг хўжалик ишларига кўп аралашмай, ўқув ишларини ташкил этиш, таълим-тарбия жараёнига раҳбарлик ва талабаларнинг илм-фан билан шуғулланишини назорат қилиш билан машғул бўлган.

Мадрасада таълим берувчи мударрислар сони турлича бўлган. Андижондаги жомеъ мадрасасида 5, Самарқанддаги Улуғбек мадрасасида 10 нафар мударрис ишлаган. Мадрасаларнинг катта-кичикли-

ги, вақф мулки ва талабалар сонига қараб бир-икки мударрис ишлайдиган мадрасалар ҳам бўлган.

Мадрасаларнинг асосий қисми йирик шаҳарларда жойлашган. 1875 йили Фарғона водийсининг гавжум шаҳарлари — Андижон, Қўқон, Марғилон, Наманган ва Ўшда 182 та мадраса бўлиб, уларда 10391 талаба таълим олган. 1916 йили фақат Бухоронинг ўзида олий, ўрта ва ибтидоий тоифадаги 200 та мадраса бор эди. Бундан ташқари, кичикроқ шаҳарлар ва қишлоқларда ҳам мадрасалар бўлган. Асримиз бошларида Шаҳрисабз шаҳрида бошлангич мактаблардан ташқари олтига, Китобда учта мадраса фаолият кўрсатган. Хивада эса мадрасалар сони 65 та бўлган. 1917 йилги октябрь тўнтаришига қадар мадрасалар ва улардаги талабалар сони деярли шу миқдорда сақланиб келган.

Мадрасалар вақф мулклари ҳисобидан молиявий таъминланган. Экин майдонлари, бинолар, карвонсаройлар, дўконлар, ҳаммомлар, ариқлар, кўприклар, тегирмонлар, боғлар мадрасаларга вақф қилиб расмийлаштирилган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, 1896 йили Туркистонда мадрасаларга тегишли вақф ерлари 462566 танобни ташкил этган. Бухородаги 33 та олий мадрасанинг вақфдан олган йиллик даромади 40 мингдан 259 минг тангагача бўлган. Уларнинг умумий даромади 285 миллион 100 минг танга эди. 1874 йили Самарқанддаги Тиллакори ва Шердор мадрасаларининг 11610 танобли 25 та ер участкаси, 8 та дўкони бўлиб, йилига 38000 минг танга фойда олган. Улуғбек мадрасасининг эса 400 таноб ери, 2 та бозори, 21 та дўкони бўлиб, даромади йилига 3950 тангани ташкил этган. Айрим мадрасалар хонлар томонидан ажратилган маблағ ҳисобига ҳам фаолият кўрсатган. Бундай мадрасалар Қўқон хонлигида кўп бўлган. Хон ғазнаси маблағининг муайян қисми мадраса биносини

таъмирлашга, мударрислар, мутавалли ва бошқа ходимларга меҳнат ҳақи қилиб берилган. Талабаларга ҳам пул шу ҳисобдан тўланган. Вақф мулклари мусодара этилмайдиган, сотиш ва сотиб олиш мумкин бўлмаган мулкдир. Фақат мадраса ёпилиб кетсагина бу мулк мусодара қилинган ёки эгаларига қайтарилган.

Чор маъмурияти юртимизни босиб олгач, ҳамма соҳада бўлгани каби, мадрасалар ишига ҳам ўз таъсирини ўтказишга уринди. Мадрасалар устидан сиёсий назорат кучайди. Генерал Кауфман томонидан раис, мутавалли, аълам лавозимлари бекор қилинди. Натижада, мадрасани тамомлаганлар фақат масжидларда имом, мактабда домла ва камдан-кам ҳолларда қозилик қиладиган бўлди. Бу ҳол мадрасалар мавқеини сезиларли даражада туширди. Мадрасаларда талабалар сони камайиб кетди.

Таъкидлаш жоизки, мадрасалар ишида камчилик ва салбий ҳолатлар ҳам бор эди. Дарсликларнинг асосий қисми XI-XIII асрларда араб ва форс тилларида яратилган бўлиб, бу фанларни ўзлаштириш анча мушкул бўлган. Мадрасада ўқиш муддати ва талабалар ёши аниқ белгилаб қўйилмагани учун таҳсил жараёни 15-25 йилгача чўзилиб кетган. Кўпгина мадрасаларда талабаларнинг турмуш шароити оғир бўлган. Айниқса, кийим-бош, озиқ-овқат таъминоти қийин бўлган.

Чор Россияси истилоси даврида мадрасалар босқинчиларга қарши кураш маркази бўлиб қолаверган. Чор маъмурлари Туркистон мадрасалари фаолиятини чеклашга, ўзларининг улуғ давлатчилик манфаатларига бўйсундиришга қанчалик ҳаракат қилмасин, бу мақсадга тўлиқ эриша олмаган. Ҳар қандай тўсиқ ва говларга қарамай, мадрасалар ўзбек халқининг маданий-маърифий ҳаётидаги илгариги мавқеини сақлаб қолган ҳамда Шарқда энг табарруқ ва муқаддас ўқув даргоҳи, алломалар бешиги бўлиб келган.

Гулом КАРИМ



Инсоният тарихидаги буюк сиймолар орасида номи ёки тахаллуси ҳаёт йўли ва фаолиятига мос келадиган, таъбир жоиз бўлса, тақдири ўз исмида тажассум топган сиймолар унчалик ҳам кўп эмас.

Исҳоқхон Жунайдуллаҳўжа ўғли Ибрат худди шундай исми жисмига мос буюк шахслардандир. Аллома умр бўйи бутун борлиғи билан Ватан ва миллат тараққийси учун хизмат қилиш борасида чиндан ҳам улуг бир ибрат кўрсатди. Ватанда ҳам, мусофирликда ҳам мудом миллат ҳақида қайғурди, қандай тузумда яшамасин, ҳар доим миллатни юксалтириш йўлларини излади. Бунда адабиётнинг, китобнинг ўрни алоҳида эканини теран англаган маърифатпарвар ўзи туғилиб ўсган Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида илк босмаҳона ташкил этди. Ибратнинг ва бошқа жадид мутафаккирларнинг асарлари шу ерда нашр этилгани ҳамда авлодлар мулкига айланганиёқ “Матбааи Исҳоқия” деб номланган бу босмаҳонанинг Туркистон учун нечоғлиқ аҳамиятли бўлгани исботидир.

Ибратнинг шахсияти ва фаолияти, ай-

ниқса, бир неча соҳада муваффақият билан ижод қилгани ўрта аср Уйғониш даврида яшаб ўтган буюк сиймоларни ёдга солиди. Баъзи замондошлари ҳам

унинг фавкулудда истеъдодли, беназир сиймо бўлганини таъкидлаган. “Туркистон вилоятининг газети” 1908 йил 56-сонида чоп этилган мақоласида Иброҳим Даврон, жумладан, бундай деб ёзади: “Исҳоқхон тўра улуми диния ва фанния ва адабияда устози комиллиги билан бутун Фарғона ва дигар жиҳат Осиёи вустода (Ўрта Осиёда) инкор ўлунмас даражада бир мавқеи мумтоза тутмушдур. Исҳоқхон тўра улуми динияда мударрисдур, фунуни дунявийда биллошубҳа архитектор, техник ва механик ва физикия илминда телефонист, телеграфист ва яна химик десак, оздур, чунки бу илмларни билур. Баъзи ихтироти ҳам бордур”.

Ибратнинг серқирра фаолияти ҳақидаги бу рўйхатни давом эттириб, камида икки баробарга етказиш мумкин.

Исҳоқхон Ибрат қатағон йилларида жисман маҳв этилган бўлса-да, унинг жўшқин ва сермазмун фаолияти беиз кетмади. Ул зот “Жомеъ ул-хутуг” муқаддимасида қуйидагича ёзади:

*Асардурки оламга ўлғай нишон,
Киши беасардур, кетар бенишон.*

Дарҳақиқат, алломанинг бой мероси авлодлар учун бир нишон бўлиш баробарида, улуғ ибрат ҳамдир. Зеро, унинг меросида бизнинг замонамиз руҳига ҳамоҳанг жиҳатлар бисёрдир.

Истиқлолдан кейин Ибрат ижодидан намуналар матбуотда, тўпламларда ва алоҳида китоблар тарзида чоп этилмоқда. Унинг мероси нафақат Ўзбекистонда, ҳатто баъзи хорижий мамлакатларда ҳам илмий жиҳатдан ўрганилмоқда.

Исҳоқхон тўра Ибрат асарларининг нашрлари орасида “Истиқлол қахрамонлари” рукнида “Маънавият” нашриётида чоп этилган “Танланган асарлари”и (нашрга тайёрловчилар, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифлари: Улуғбек Долимов, Нурбой Жабборов) алоҳида ўрин тутди.

Ибрат шеърлари олдин ҳам Улуғбек Долимовнинг “Исҳоқхон Ибрат” рисоласига (Тошкент, 1994) илова тарзида, шунингдек, Ибрат, Ажзий, Сўфизода асарлари тўпламида (Тошкент, 1999) ҳамда Туркияда “Турк адабиёти антология”сининг ўзбек адабиётига бағишланган 15-жилдида (Анқара, 2000) чоп қилинган бўлса-да, янги нашрга унинг сақланиб қолган шеърий меросидан намуналар кўпроқ киритилган. Бу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, Ибратнинг шеърий асарларидан фақат бир қисмигина бизнинг давримизгача етиб келган. У “Тарихи маданият” номли рисоласида ўз асарлари ҳақида маълумот берганида шеърий девони хусусида бундай ёзди: “...саккизинчи — “Девони Ибрат”, ўттиз йил ичинда жамъ бўлган тарихий шеърлардурки, мунда кўби таърихлар, миллий қасидалар ва ахлоқий танқид, бошимиздан ўтган ҳодисалар, жами бир ғазалиёт китобидурки, бу ҳоло босма бўлмаган, интишор этилмагандур”. Баъзи замондошлари ҳам Ибратнинг соҳиби девон шоир бўлгани ҳақида маълумот беради. Аммо Ибрат девони ҳозирча топилгани йўқ. Унинг 1909 йили ўз матбаасида нашр этган кичик бир шеърий мажмуаси ва бошқа баъзи шеърлари сақланиб қолган, холос.

Ибрат шеърларини, мазмунига кўра, шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин: маърифатпарварлик руҳидаги ҳамда сати-

рик ва лирик шеърлар. Маърифатпарварлик руҳидаги шеърларга мисол қилиб “Газет хусусида”, “Тарихи чопхона”, “Табрик Намангондин”, “Ислоҳи миллат”, “Маданият ҳақида маснавий” кабиларни кўрсатиш мумкин. Бу шеърларда миллий уйғониш даври адабиётига хос хусусиятлар, яъни миллатни қоқоқлик ва ғафлат уйқусидан уйғонишга, тараққиёт воситаси бўлмиш замонавий илмларни эгаллашга даъват, янгиликларга қарши чиққан мутаассиблар танқиди ва ҳоказолар мавжуд. Ибрат ўз ғояларини шеърият орқали ифодалаганида улар имкон қадар таъсирчан ва ўқувчи онгига тез етиб борадиган бўлишига интилган. Масалан, “Газет хусусида” шеърида бундай байтлар бор:

*Газет кўрмаган беҳабар халқлар
Мисли ўлгандур ва ё ухлагон.*

*Газет амри маъруф этар халқга,
Ёзар кўб хабарларни этмай ниҳон.*

Ибратнинг фикрича, матбуотнинг асосий вазифаси миллатни тараққиётга даъват этиш ва ҳақиқатни ёзишдир. “Садойи Фарғона” газетаси чоп қилиниши муносабати билан битилган “Табрик Намангондин” шеърида худди шундай хулоса ифодаланган:

*Миллатимизи тараққийга тарғиб
Айласун, сўзни қилмай афсона.*

Ибратнинг сатирик шеърлари сирасига кировчи “Қарз” мусаддасида мустамлакачилик зулмига муносабат акс этган. Шуниси диққатга сазоворки, бот-бот қатагонлар тўлқини кўтарилиб турган шўро даврида ҳам Ибрат замонни танқид қиладиган сатирик шеърлар ёзишни тарк этмаган. 1931 йили Тўрақўрган тумани ижроқўмига миробларнинг сув бермагани натижасида боғу экинзорлар қуриётгани ва оғир хўжалик солиғидан шикоят қилиб ёзилган шеърий аризаси бунинг исботидир:

*Сайрашар эрди гул уза булбуллар,
Булбул ўрнига қузғуну зоглар.
Отунадин бўлдилар вакил сувга,
Халқ ғамидин бўлмас уйғоқлар.
Афв этинг хўжалик солиғини,
Ё сув беринг, қурумасин боғлар.*

Мана шу бир неча сатрда тузум зўравонлик билан ўзгартирилгани натижасида Туркистон заминидида мироблик каби ғоятда масъулиятли вазифа тасодифий кимсаларга берилгани, яъни “булбуллар ўрнини кузгуну зоглар эгаллагани” (шоир бу иборага икки хил маъно юклаган, яъни сувсизликдан боғлар қуриётганига ҳам ишора қилган) туйфайли халқ бошига тушган кулфату аламлар акс этган. Ибратнинг ёлғиз шикоят билан чекланиб қолмай, “ё хўжалик солиғини бекор қилинг ёки сув беринг” деб талаб қилиши унинг ўша оғир тузум ва мураккаб вазиятда ҳам адолат ғояларига содиқ қолганини кўрсатади.

Ибратнинг лирик шеърлари анъанавий мавзуларда ёзилган бўлиб, бадиияти анча мукамал. Шоир марсиялар ҳам ёзган. Улуғбек Долимовнинг “Исҳоқхон Ибрат” китобидида шоирнинг ўз онаси вафотига бағишлаб ёзган тарих-марсиясидан жуда таъсирли икки банди келтирилган ва шоирнинг марсиялари қўлёзмаси Исҳоқхон тўранинг ўгли Ротибхон Исҳоқов (ҳозирда мархум) қўлида сақланаётгани ҳақида маълумот берилган. Бироқ, негадир “Танланган асарлар” нашрига Ибрат ёзган марсиялардан биронта ҳам намуна киритилмаган.

Шунингдек, Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти фондида сақланаётган 11620-рақамли қўлёзма баёзда бошқа шоирлар асарлари қатори Исҳоқхон Ибратнинг турли жанрдаги шеърлари ҳам мавжуд. Уларнинг бир қисми қаламда ёзилган ва улар муаллиф дастхати бўлиши ҳам мумкин. Аксарият саҳифалардаги матн майда хат билан ёзилгани, варақлар турли ҳажмда бўлиб, муқовага тикилганда айрим чалкашликлар рўй бергани ва бошқа баъзи жиҳатлар бу қўлёзма ни тадқиқ этишда муайян қийинчилик туғдиради. Аммо эртами-кечми бу ишни бажариши ибратшунос олимлар олдидаги зарур вазифалардандир.

Исҳоқхон тўра Ибрат “Танланган асар-

лари”дан “Тарихи Фарғона”нинг янги матни ўрин олган. Бу асар олдин Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланаётган қўлёзма асосида Хайдарбек Бобобеков ва Маҳмуд Ҳасанийлар томонидан нашрга тайёрланиб, “Мерос” тўпламида (Тошкент, 1991) чоп этилган эди. Ўқувчиларни бу қимматли асар билан илк бор таништиришда маълум аҳамиятга эга бўлган мазкур нашрда арабий-форсий жумлалар ва шеърий парчаларга шарҳ берилмаган. “Танланган асарлар”да нашр учун “Тарихи Фарғона”нинг мархум профессор Гулом Каримов шахсий кутубхонасида сақланган, муаллифнинг ўз дастхатидан хаттот Иноятхон Тўрақўргоний кўчирган нусха асос қилиб олинган. Бу нашрда араб-форс тилларидаги барча иқтибослар ва шеърий парчаларнинг ўзбекча таржималари берилган.

“Тарихи Фарғона” олдинги анъанавий тарихий асарлардан бирмунча фарқ қилиб, унда Фарғона хўжалиги, маъмурий тuzилиши, маданияти ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар

мавжуд. Ибрат тарихга замонадан узилган мавҳум бир ҳодиса сифатида қарамайди, ўтмиш воқеаларидан ўз замони учун муҳим сабоқлар чиқаришга интилади. Тарихга бағишланган асарига қоқоқлик ва турғунлик танқиди ҳамда маърифат ва тараққийпарварлик тарғиби ғояларини сингдиргани ҳам буни тасдиқлайди.

“1312 йилларда бу ерларга темир йўл иншо ўлуб, савдо ишлари янада ривожга кириб, тараққий топти, — деб ёзади у. — Аммоки илми тўғрисида биз халқда чандони аҳамият йўқ, таназзулда турур. Бўлак фирқаларни илмдан топган даража ва маданиятларини кўруб туруб, ҳеч ҳаракат қилмайлар... Бовужуд бу мамлакатга жойдор ва мусофир бўлмасалар ҳам, мусофирларидин маишатда ноқисдурлар. Ва аксар аҳолини аҳоли — қарз балосига мубталодурлар. Шояд мундан буён саодат ва фазилат қадрини билсалар!”

“Тарихи Фарғона”нинг Қўқон хонлиги-

*Исҳоқхон тўра улуми
динияда мударрисдур, фунуни
дунавийда биллошубха архитектор,
техник ва механик ва физикия илминда
телефонист, телеграфист ва яна химик
десақ, оздур, чунки бу илмларни
билур. Баъзи ихтироти ҳам
бордур.*

нинг муайян даврларига оид боблари компиляция, яъни мавжуд манбалар асосида ёзилган бўлса-да, рус босқини воқеаларини тасвирлашда Ибрат кўпгина янги маълумотларни келтиради. Чунки бу давр воқеаларини баён қилишда у аксарият ҳолларда бевосита тарихий воқеалар иштирокчилари ва шохидларидан эшитганларига асосланган. Масалан, рус кўшинлари билан Чимкент ва Тошкент яқинида бўлган муҳрабалар тафсилотини яқунлар экан, муаррих кўйидагиларни ёзади: “Бу ҳикоятни айтувчи Ҳожи Муҳаммаджон Мирзо Душабой ўғли эдики, Иқонда амирлашкар илан бирга бўлуб, белидан ўқ еб ётганда Русия тарафидин отилган бир тўбнинг ўқи буларга яқин тушуб ёрилиб, бул бечора ярадорнинг ётган ерида ёрилган ўқнинг бир бўлаги жағига тегиб, паст жағи тушуб, неча кунлар ҳақимлар муолажа қилиб, сўнгра навъи тузалган экан. Нуқсонлари ровийнинг гарданига ҳомилдур, эшитилганча ёзилди”.

Асарни ёзиш жараёнида нега ўзбек хонликлари мағлуб бўлди, бу фожианинг олдини олиш мумкинмиди, деган савол муаллифни изтиробли ўйларга толдиргани аниқ. Бухоро амири Насрулло Қўқонни ишғол қилганида Қўқон хони Муҳаммад Алихонни Русияга қарши қалқон сифатида омон қолдиришни сўраган вазири Абдусамаднинг оғзига ковуш билан уришни буюргани ҳақидаги фикри бунинг далилидир.

Ёки чор кўшинларига қарши ҳаёт-мамот жанги бораётган давр тасвиридан бир лавҳа: “Мингбой додхоҳ икки еридан ярадор бўлуб, кўшга тушуб ётқузуб кўйган экан, амирлашкарни кўшига чақирди. Амирлашкарга айди: “Эй Олимқул,... қанча мусулмонлар ҳалок бўлди, эмди иш қўлдан кетадур. Давлат тожик ўлди, қурама қипчоқ каттаси ман бўлсам, бир ярим соат умрим қолди, эмди санга бир насиҳатим бор, қулоғингга олсанг, жами оқ туғ, қора туғ аскарларингни ол, Бухорога бориб, амирга кўшул, амир ила хоҳ муҳораба, хоҳ мусолаҳа, бирга

қилинглар, бўлмаса иш қўлдин кетди!” деганда, амирлашкар айтибдурки: “Ака, жон ширин, кўрқуб қолубсиз!”.

Ушбу саҳифаларни ўқиганда беихтиёр “Ўткан кунлар”даги Юсуфбек ҳожи сиймоси эсга тушади. Демак, биз “Миллий уйғониш” деб атаётган даврдан олдин ҳам барча аҳоли ёлпасига уйқуда бўлмаган. Юртга таҳдид солаётган ёвга қарши туриш учун энг аввало иттифоқ зарурлигини жуда яхши англаган уйғоқ ва хушёр, ватанпарвар аждодларимиз бўлган, албатта. Улар ўз замондошларини, айниқса, элу юрт тақдирига масъул мансабдорларни кибру ҳаво ва ғафлат уйқусидан уйғотишга имкон қадар ҳаракат қилган. Афсуски, уларнинг бундай интилишлари кўпинча бесамар кетган, ҳатто баъзан кўрқоқликка йўйилган. Энг ачинарлиси шундаки, истилочиларга қарши мардонавор курашган саркардалар ҳам ички низоларни бартараф қилиш, кучларни бирлаштириш йўлидан бормаган. “Танланган асарлар”-да Ибратнинг бир қатор публицистик мақолалари жорий

имлода илк бор чоп этилган. Уларда муаллифнинг ўз даври ижтимоий ҳаётининг турли масалаларига муносабати ифодаланган.

“Мезон уз-замон” Исҳоқхон Ибратнинг бой ва ранго-ранг меросида алоҳида ажралиб турадиган асарлардандир. У ягона кўлёзма нусхада етиб келган бўлиб, илк бор 2001 йили япон олими Хисао Коматцу ва ўзбек олими Бахтиёр Бобожонов тарафида араб ёзувида нашр этилди. Шуниси борки, бу нашр асосан асар матнининг ўзидан иборат бўлиб, Қуръон ва ҳадислардан келтирилган жуда кўп иқтибослар, арабий ва форсий жумлалар таржимасиз қолдирилган. Умуман, Токио наشري кенг оммага эмас, мутахассисларга мўлжалланган.

“Танланган асарлар”да “Мезон уз-замон” жорий имлода биринчи марта нашр қилинди. Матндаги арабий сўз ва жумлалар, оят ва ҳадислар зарур изоҳлар билан таъминланди. Бу асарни ёзишдан мақсади ва унинг номланиши ҳақида муаллиф

Мезон — баробар қиладургон тарозудур. Бу асрларни, замонларни вазн қиладур. Сўнгра ҳосили мезон — бир натижа ҳосил бўлур. Биз бу мезон ила ўз асримизни тортамыз. Аввалги замон ва кейинги замонларнинг бўлак тарозуси бор.

бундай дейди: “Мезон уз-замон” мақсади халқга амри маъруфдур... Мезон — баробар қиладургон тарозудур. Бу асрларни, замонларни вазн қиладур. Сўнгра ҳосили мезон — бир натижа ҳосил бўлур. Биз бу мезон ила ўз асримизни тортамыз. Аввалги замон ва кейинги замонларнинг бўлак тарозуси бор. Биз кўз билан кўрган нимарсани вазн қиламыз”.

Асар тўққиз мезондан иборат бўлиб, ҳар бирида муайян бир масала таҳлил этилади. Тараққиёт заруратини бутун вужуди билан англаган, аммо қоқоқликдан қутулиш, айниқса, муаассиблар қаршилигини енгиш осон кечмаслигини билган Ибрат бу асарида кўплаб далилларни ишга солиб, маърифатга интилиш одамларнинг нафақат инсоний, балки эътиқодий бурчи ҳам эканини исботлашга ҳаракат қилган. Уламоларнинг вазифаси ҳамда замон талабини у қуйидагича тушунади: “Бул вақтинда уламо ва фузалолардан халқни тараққий ва таолийга қўшмоқ йўлини кўрсатмак энг катта хизмати миллияндур. Бу овонимиз овони илм ва касбу ҳунар замонидурки, асримиз даврида кўруб турубсиз, илму ҳунар арбоби қандоғ, ваҳший ва бадавий халқ қандоғ. Муни мезонга қўйунг. Ҳосили мезон имтиҳон бўладур... Ҳосили калом улмуддао вал-маром асримиз илму ҳунар, ҳаракат асридур, турмоқ асри эмас. Гофил турса, гафлат уйқусидин тургунча бозори олам ўтиб кетадур”.

Муаллиф фикрларини Қуръон оятлари, ҳадислар, мумтоз Шарқ адабиётидан шеърӣ парчалар, мақоллар, шахсий тажрибаси натижалари билан мустаҳкам далиллайди. Асардаги баъзи жумлалар афоризм даражасига етган. Масалан: “Авлодларингизга келар замон илмини ўргатинг. Ҳар замоннинг ўзига қараб, илму ҳунар касби даркор”, “Ҳеч пайғамбар ва ҳеч авлиё беҳунар эмас. Ҳаммалари бир касбни қилганлар” ва ҳоказо.

Олтинчи мезон тўй-маъракалардаги ортиқча, ўринсиз сарф-харажатлар танқидига бағишланган. Ибрат буларни шунчаки маиший ҳаётдаги жузъий камчиликлар эмас, балки миллатнинг оёғига кишан бўлган балога менгзаб, жумладан, бундай ёзади: “Хотунларнинг қиз тўйига қилган меҳнатларини, овораликларини айтсам,

мия қолмайдур. Сеп-сидирга балоси қалмоқдан қолган одат. Мана бу балолар устимизда оғир бир юкдур. Буни кўтаруб, мақсадга етиш бисёр қийиндур”.

Еттинчи мезонда замон инсоният учун бир устоз экани, ҳар бир халқ замон ривожига қараб ўз тараққиёт йўлини белгилаб олиши зарурлигига оид фикр-мулоҳазалар бор: “Замоннинг аҳлини хизмати: замон бир фаол, бир муаллим, бир воиздурки, аҳлини анвоъи синоатларни чиқаруб таълим қилур. Аҳли ҳам ўз оиласидек бираъси ва-л-айн қабул қилиб олурлар ва анинг таълимида юрурлар”.

Исҳоқхон тўра Ибрат “Танланган асарлари” нашрининг ютуқ ва фазилатларини эътироф этган ҳолда, келгусидаги қайта нашрларида уни янада такомиллаштириш юзасидан баъзи фикр-мулоҳазаларимизни билдирамыз. Китобдаги кўпгина асарларнинг илк бор қаерда нашр қилингани, қўлёзма ҳолида бўлса, қаерда сақланаётгани қайд қилинган. Шеърларнинг ҳам ҳар бирига шундай изоҳлар берилганида нашрнинг илмийлиги янада ортар эди. Масалан, нашрнинг 68-71-саҳифаларидан жой олган “Маданият ҳақида маснавий” Ибратнинг “Тарихи маданият” асари қўлёзмасида мавжуд. Аммо нашрга тайёрловчилар мазкур маснавийни “Тарихи маданият” асаридан олишганми ёки алоҳида мустақил асар сифатида кўчирилган нусхасини топишганми, бу ҳақда изоҳ берилмаган. Тўғри, оддий китобхон учун асар матни берилганининг ўзи етарли. Аммо нашрдан тадқиқот объекти сифатида фойдаланадиган олимлар учун бундай изоҳлар муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги вақтда миллий уйғониш даври ўзбек адабиётига нафақат Ўзбекистон, балки жаҳоннинг бир қатор мамлакатларидаги илмий марказларда ҳам қизиқиш ва эътибор кучли экани бундай изоҳларга зарурат мавжудлиги исботидир.

“Тарихи Фарғона” фақат битта қўлёзма асосида нашрга тайёрланган. Ҳолбуки, Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти фондида унинг яна учта қўлёзмаси мавжуд. 10117 ва 11616 рақамлари остида сақланаётган қўлёзмалардаги матнда туркий тил тарихи ҳақида мулоҳазалар юритилиб, Аҳмад Яссавий, Лутфий, Алишер Навоий номлари тилга олинади. Мана шу қизиқарли маълумотлар ва бош-

қа баъзи парчалар “Тарихи Фарғона”нинг “Танланган асарлар” китобидаги матнида мавжуд эмас. Бу ҳол шуни кўрсатадики, асарнинг турли қўлёмларида бир-бирини тўлдирадиган маълумотлар бор. Бу жиҳатдан, айниқса, Шарқшунослик институтидаги 11080-рақамли қўлёзма диққатга сазовор бўлиб, унинг муқаддимаси асарнинг бошқа қўлёмларидан тубдан фарқ қилади. Муқаддима охирига 1928 милодий санаси қўйилган. Асар матни ҳам таҳрир қилиниб, диний жумла ва иборалар қисқартирилган. Назаримизда, “Тарихи Фарғона” дастлаб Октябрь тўнтарышидан олдин ёзилган бўлиб, ўша пайтда Ибрат уни нашр этишга улгурмаган. Шўро даврида эса асарни асл ҳолида чоп қилиш амримаҳол эди. Шу сабабли муаллиф унинг замонга мосланган янги таҳририни яратишга мажбур бўлган. Келгусида “Тарихи Фарғона”нинг барча қўлёмлари муқояса қилиниб, асарнинг тўлиқ илмий-танқидий матни яратилишини умид қилиб қоламиз.

Гарчи “Танланган асарлар” Исҳоқхон Ибрат ижодий меросининг шу пайтгача амалга оширилган нашрлари ичида энг йириги бўлса-да, сермахсул олим ва адибнинг барча асосий асарларини қамраб олган эмас. Исҳоқхон Ибратнинг 1925 йили ёзилган ва бу нашрга кирмай қолган “Тарихи маданият” асарининг икки қўлёзма нусхаси маълум. Муаллиф асарни ёзишга ундаган сабаблар ҳақида, жумладан, бундай ёзади: “Миллатга қалам ва фикр илан фойда етқуриш, хусусан маориф муштоқи бўлганим сабаб бўлуб, бир кичкина хизмати маориф этдим. Шояд, бу асардан фойдалансалар, хизматим фойдасиз қолмаган бўлур эрди. Маориф мутасаддиларидан ражо қилинур: 75 саҳифадан иборат бу рисолаи таъб этдуруб, мактабларга тарқатилса, боруб ваъз ва лексия этишдан кўра бу хизматни бу рисола қилур эди, муни сарфи ҳеч гаф эмасдур, каректурини ўзимиз ҳам қилиб берурмиз дегучи Исҳоқ тўра”. Афсуски, бу асарни чоп этиш муаллифга армон бўлиб қолган.

Ибратнинг “Жомеъ ул-хутут” (“Ёзувлар мажмуаси”) асарининг илк нашридан буён (1912 йил) қарийб бир аср ўтган бўлса-да, маълум маънода бу тадқиқот ҳозирга қадар ҳам аҳамиятини сақлаб қолган. Муаллиф эътироф этганидек, турли ёзувларга қизи-

қиш унда 13-14 ёшларидан бошланган ва ислоний хат турларини ёшлигидаёқ пухта эгаллаб олган. Қадимги Шарқ ва бир қатор Оврупо ёзувларини эса сафарлари давомида ўрганган. Мураккаб қадимий ёзувларнинг сир-асрорларини эгаллаб олишга уни соф илмий мақсадлар ундаган. “Жомеъ ул-хутут”нинг 1912 йилдаги нашрига сўнгсўзида замондош муҳаррир фахр билан “Бу китобнинг Туркистонда нашр қилинуви бизнинг учун ўзи бир шараф”, деб ёзган эди. Бу ифтихор сўзларини ҳозир ҳам бор овоз билан такрорлашга ҳақлимиз. Чунки ёзувлар тарихига оид жиддий тадқиқот ва нашрлар ўзбек тилида ҳамон ноёбдир. Бундай мураккаб илмий вазифага киришиш тадқиқотчидан гоят катта салоҳиятни талаб қилади.

Ибрат олти тилдаги — арабча, форсча, ҳиндча, туркча, ўзбекча ва русча мингдан ортиқ сўзни ичига олган “Луғати ситтати алсина” (“Олти тилли луғат”) номли ноёб китоб ҳам яратган. Муаллиф Н. Остроумов билан ёзишмалар олиб боради ва 1901 йили мазкур китобнинг Тошкентда нашр этилишига эришади. Ўзбек луғатчилиги тарихида бир неча тилли луғатларга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бироқ олти тилли луғат, эҳтимол, “Луғати ситтати алсина”дан олдин ҳам, кейин ҳам яратилмаган бўлса керак. “Луғати ситтати алсина” ўзбек луғатшунослиги тарихини ўрганиш, ўша даврда тилимизда фаол қўлланган сўзларни аниқлаш жиҳатидан бениҳоя аҳамиятлидир.

Ибратнинг “Жомеъ ул-хутут”, “Луғати ситтати алсина” каби асарларни ёзишдан кўзлаган бош мақсади ўз она тили мавқеини ошириш, уни жаҳондаги обрўли илмий тиллардан бирига айлантиришдан иборат бўлган. Ибрат меросидаги ушбу дурдоналар ҳам жорий имлода нашр этилиши зарур. Тўғри, бу асарлар айрим ўзига хос жиҳатларга эга бўлиб (масалан, “Жомеъ ул-хутут”да турли хатларга оид мураккаб ёзувлар ва “Луғати ситтати алсина”да олти тилга оид сўзлар келтирилган), бир пайтлар уларни яратишда муаллифга зарур бўлгани каби теран билим, малака, қунт, чидам ва ибратона фидойилик талаб қиладики, буларнинг барчаси муҳтарам олимларимизда етарли эканига аминмиз.

Мақсуд ҚОРИЕВ

YORUG'LIK VA ZULMAT

Романдан боб

Хужрага ғариб оқшом чўқди. Ватандан жудолик улуғ алломага мана шу гурбатни “ҳадя” этди. Саройдаги биқиқ муҳит — иғво, ҳасад, фиску фасод... Қандай озод ва эркин эди! Коинот сирларига йўл қидирар, бундан ўзи завқланар, эл-юртда обрўси баланд эди.

Бугун эса асаблари ҳар кунгидан-да таранг, кўнглига яқин ҳамсуҳбати ҳам йўқ. Боз устига, бугунги машваратда Султон унга яна: “Ибн Сино қайда? Сен уни биласен! Муқим тургон жойини яширмоқдасен!” — дея иддао қилди. Кейинги пайтларда Султоннинг олимга муносабати анча со-вуклашган, ҳар йиғинда уни турткилайди. Бир мажлисда ҳатто уни том-дан ташлатмоққа-да амр этди.


Султон Маҳмуднинг хасталиги тобора кучайиб бормоқда. Ороми йўқол-ган, тунлари мижжа қоқмайди. Дарди оғир. Тахтда савлат тўкиб ўтириб-ди-ю, безовта. Ўлимни ўйласа, юраги орқага тортиб кетади. Аркони давлат, молу дунё, сарҳадсиз салтанатни кимларга қолдириб кетади ахир?! Кейин-ги кунларда, айниқса, ранги заъфарон, уйқусизлик азоб берар, руҳиятида таҳассур ва тушкунлик... Муолажалари фойда бермагач, сарой табибига ишонмай қўйди. Фақат ўзи “жодугар”, “сеҳргар” деб ерга урган Ибн Сино-гина унинг дардига даво топиши мумкин. Шу фикр анчадан бери миясига

Мақсуд Қориев кўп йиллардан буён заҳмат билан қалам тебратиб кела-ётган оқсоқол адибларимиздан. Асл касби юрист бўлса-да, адиб фаолияти-ни асосан журналистикага бағишлади, неча ўн йиллаб марказий нашрларга раҳбарлик қилди. Қаламини замонавий мавзуларда чархлаган ёзувчи хал-қимизнинг мураккаб ва зиддиятли кечмиши ҳақида ҳам бир талай асарлар битди. “Спитамен”, “Суғд ўғлони”, “Ибн Сино” каби тарихий романлари шу-лар жумласидандир.

Мақсуд Қориев умр манзилининг саксонинчи довонини янги асар — “Ғазна-вийлар” тарихий романи билан қаршиламоқда. Қалам аҳлига аён: бу ёшда роман ёзиш (яна денг тарихий мавзуда!) осон эмас. Ушбу романдан олинган парча муҳтарам журналхонларга манзур бўлади деган умиддамиз.

ўрнашиб олган. Бироқ ҳаким унга тутқич бермай қочиб юрибди. Султоннинг Берунийга хусумати сабабларидан бири — шу.

Беруний эса икки ўт орасида, Ибн Сино унинг қадрони, ҳаммаслаги. Илмий мунозараларни эътиборга олмаганда, ораларида ихтилоф бўлмаган. Ибн Сино Беруний билан савол-жавобларини китоб ҳолига келтириб, рисола муқаддимасида битган қуйидаги сўзлар ҳам уларнинг ўзаро ҳурматидан дарак беради: "...Бу Абу Райҳон Муҳаммад ал-Берунийнинг Хоразмдан менга ёзиб юборган масалалари жавобига оид рисоламдир. Худо сени мақсадинга етказиб шод айласун. Барча орзуларингни раво қилсун, икки дунё саодатини насиб этсун".



Хоразмда "Мажлиси уламо"даги илмий ҳамкорлиги икки улуф алломанинг дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлади. Ҳатто ўша фараҳли дамларда Ибн Сино осмондан тушган тош-жисми ёриб, майдалаб кўрган... Бу шарафли вазифани Абу Райҳон ҳурмат юзасидан Абу Алига топширган. Кейин мажлис аъзолари бу модданинг кимёвий хусусиятини биргаликда ўрганган.

Беруний таҳорат олмоққа чоғланди. Олимнинг одати: аввал покланиб, хуфтон номозидан сўнг қўлига қалам олади. Баъзан тонггача тинимсиз ишлайди. Бунинг Оллоҳнинг инояти деб билади.

Намозни адо қилгач, Ибн Синога мактуб ёзмоққа жазм этди. Ахир, султон сарой аҳли гувоҳлигида унга: "Ибн Синога хат ёз", дея амр этди. Бир сафар Ибн Синонинг унга ёзган номаси султоннинг қўлига тушиб қолгани сарой аҳлига аён. Ўша мактубда ҳаким: "Ҳазнага борма, Султон Маҳмуд раъйига қарши чиқдим. Оқибати не бўлурини билурмен. Бунинг учун Султон мени минбаъд кечирмас. Буёғи энди Оллоҳнинг изнида. Ахир, ўз эркингда юрмоқдан афзал нима бор?.."

Ўша воқеалар хаёлидан бирма-бир ўтар экан, Берунийнинг кечинмалари қоғозда акс эта борди:

"Азизим Абу Али!

Аввало, сенга соғлик-саодат тилаймен. Ушбу мактубни олиб бормиш менинг ишончли шогирдим Абдурахмон Хоразмийдир. Ўша қадрдон она юртим Хоразмда сен бирла кечган саодатли кунларимизни ёдга олсам, бу мушфиқ кўнглим роҳатланур. Ажиб бир осойишта давр эрди, деб кўнглимдан ўтказаман.

Маълумингким, шоҳлар даргоҳида яшашдан оғир бенаволиқ йўқ. Бунда ўзимни қафасга солинган қушдек ҳис этурмен. Бор қувватимни илмга сарфламоқдамен. Балки бунда ҳам Яратганнинг ҳикмати бордир.

Саройда сен билган кўп шоиру фозиллар жам бўлмиш. Улуғларнинг бу даргоҳга йиғилиши саодат белгиси бўлса ажаб эрмас. Аларнинг бебаҳо мероси келажак авлодларимизга улкан, тенгсиз мулк бўлиб қолур.


Хоразм мулкида бунёд этганимиз "Уламолар мажлиси" ҳозирги кунда Газнага кўчирилган бўлса-да, илму фан тараққиёти, насримиз, назмимиз, лисонимиз равнақи йўлидаги ишларимиз давом этмоқда. Аминманки, бу изланишлар изсиз қолмайди.

Сенга Гурганжда айтиб берган Қуёш тожининг авжи хусусидаги кузатишларимни ҳали ҳам давом эттирмоқдамен. Қўп йиллик тадқиқотлардан сўнг хулосам шул бўлдимки, қуёш тожининг даражасини рақамга кўчирадиган бўлсак, бу оғиш 23-24 даражагача боргай. Бу борада хўжандийларнинг расадхоналарида олиб бораётган тадқиқий ишлари таҳсинга сазовор. Йигирма ёшимда Маҳмуд Хўжандийнинг Табарак тоғидаги расадхонасида бўлганмен. Бу ажойиб олим қуёш баландлигини ўлчаб, Рай шахрининг кенглигини аниқлаган. Мен сенга айтган эрдим, мактубларимда ҳам қайта-қайта уқдирганимдек, сен "устоз" деб қўл берганинг — Арасту барча фанларни тартибга солган бўлса-да, аммо анчагина шошмашошарликка, хатоларга-да йўл қўйди. Устозинг ҳақидаги фикрларимдан хафа бўлма, чунки илм-фан қарама-қаршилиқлар, соғлом мунозара ва тортишувлар орқали тараққий этгай. Сен табобат илми соҳасида яғонадурсен. "Ал-Қонун"инг билан бу ёруғ дунё осмонида Зухродек порлаб турурсен. Оллоҳ назари тушган инсонсен. Тожу тахтлар, улкан салтанатлар абадий эрмас, дунёни ларзага солиб турган шаҳаншоҳлар, амиру султонлар оламдан ном-нишонсиз ўтиб

кетурлар. Аҳли илм ва улар битган рисоалар, қилган амаллар эса боқийдур. Аслида олим бўлмоқнинг ўзи тенгсиз бир неъматдур. Қўп ўқиб, уқиб олган одамга ҳаётнинг асл моҳияти аён бўлур. Шу боис дунёнинг ўзгариб туриш ҳақиқати ҳар вақт кўз олдида тургай. Илм — саҳрода дўст, ҳаёт йўлларида таянч, ёлғизликда йўлдош, саодатли дамларда раҳбар, оғир, ташвишли чоқларда мадаккор, маслаҳатгўй. Илм — одамлар орасида зебу зийнат, ганимларга қарши курашда эса энг ўтқир қуроладур.

Яқинда "Ҳикмат ул-машриқийн" деб аталмиш рисолангни ўқидим. Етук асар бўлмиш. Арасту қарашларига анча янгиликлар қўшибдурсен.

Биродарим Абу Али, сўзласам, айтадурғон дардларим кўп. Қани эди, имкон бўлсаю яна бир кўришиб, юракдан сўзлашиб олмоқ насиб этса! На чора, замон нотинч, бошимизда зўрлик қиличи хавф солиб турур. Ўйлайманки, тожу тахт бор экан, куч-қудрат, ҳукмронлик деган нарса дунёни ҳеч қачон тарк этмас. Туғилиб-мизки, тепамизда подшоҳ бор.



Бу — азалий қонун. Бундан кейин ҳам шундай бўлур. Қилич бошимиз узра тураверади. Давлат ҳам, зўрлик ҳам давом этгай. Биз яшаётган жамиятда ўғрилик, гус-тоҳлик, ғаламислик, қотиллик ва бошқа ҳақсизликлар бўлаётгани учун ҳам давлатга эҳтиёж бордур. Адолат ва ҳақсизлик, ёруғлик ва зулмат ҳамиша ёнмаёндир. Бордию бу дунё фақат ёруғликдангина иборат бўлганида ҳаёт бўлмас эди. Инсон деган буюк зот ҳам! Билъакс, дунё нурсиз, фақат зулматдан иборат бўлсачи, унда ҳам ҳаёт бўлмагай. Дунё тузилишидаги, ҳаёт тарзимиздаги жуфтликлар: ҳақ ва ноҳақлик, адолат ва зулм, яхшилик ва ёмонлик... Уларсиз дунё турғунликда қолур эди.


Бир фикр не учундур тафаккурим кўзгусидан кетмас. Ўйлайманки, бепоён коинотда биз яшаб турган заминдан ташқари яна бошқа дунёлар ҳам бўлса керак.

Яна шуни демоқчиманки, кун ва туннинг алмашилиб туриши, Ой ва Қуёшдек улкан сайёраларнинг бирор сония тиним билмай, қатъий интизом билан ҳаракатланиши Яраттанинг қудратига далолат эмасму?!

Наздимда, Қуёш ёритқич ёки иссиқлик манбаи эмас, билъакс бағрида ўзига хос ҳаётни мужассам этган ва инсон зотига маълум бўлмаган илоҳий мўъжизадур.

Субҳи содиқдан то Қуёш чиққунга қадар уфқни қоплаган қоронғулик ва ёруғлик ўртасидаги ҳолат — Оллоҳ ер юзи узра ёйган соядир. Ул зот хоҳдаса, уни кетмайдиган қилиб қўйиши мумкин. Лекин Тангри таоло чиқаётган Қуёшни соя борлигига далил қилади. Зеро, нур бўлмаса, соянинг мавжудлигида маъно бўлмас.

Узоқ тадқиқот ва кузатувлардан сўнг ернинг айланаси 6339,58 чақирим, деган хулосага келдим. Балки бироз янглишгандурмен, аммо ҳисоб-китобим анча аниқ бўлиши керак. Гоҳо кавсуннаҳрга (кавсуннаҳр — қуёш чиқиб, ботгунгача кўзга ташланадиган масофа) қараб, кўп хаёлларга ботаман, шунчалик кенг дунё вақти келганда биз учун торлик қилади. Босқинчилик, уруш-жанжаллар нечун? Не сабабдин одамлар бир-бирининг қонига ташна? Ўйлайманки, комил иймонга эга бўлмоқ, олий илоҳий кучни тушуниб олмоқ учун бепоён коинотга қараб фикр қилмоқ лозим. Чунки у Оллоҳнинг борлигини дилга солур. Ҳа, коинот ажиб сир-асрорлар, ажойиботларга тўлик. Мен ҳозирга қадар 1029 ахтар ва уларнинг ҳаракатини аниқладим,



холос. Дунёнинг бошланиши қайдаю сўнгги қайда? Коинотни кузатиб, тадқиқ этиб, унинг сўнгсизлиги, бепоенлиги ва Яратганининг қудратига қайта ва қайта иймон келтирамен. Эртаю кеч Оллоҳга ҳамду санолар айтурмен.

Кейинги рисоаларим, илмий тадқиқотларимда ана шу беқиёс, сўнгсиз коинот ҳақидаги фикрларим, сен билан олиб борган мунозараларим хусусида сўз юритилган. Энди гапнинг индаллосига келсак, сенга мактуб йўллашимнинг асл сабаби — Фазна ҳукмдори ҳузурига келишингни истардим. Салтанатда ҳаким Ибн Сино учун барча шарт-шароит муҳайё.

Ҳукмдоримиз сенга яхши маош, яшаш учун қулай шароит ваъда этмиш. Ул жаноби олийларининг таклифи муборакларини етказмоқ менга топширилмиш. Меним азиз амаким ва устозим Ибн Ироқ ҳазратларига суратингни чиздириб, барча ҳокимларга юборганларидин ўзинг ҳам воқифдурсен. Устоздан хафа бўлма, ноиложликдан, истагига қарши бориб, бу ишга қўл урди.

Бор гап шу. Кўнглинг тиласа, Фазнага келақол. Умид қилурманки, ҳукмдорнинг илтифотиға сазовор бўлдурсен. Бу ташрифинг билан, энг муҳими, биз — қадрдонларингни ҳам беҳад хурсанд эттайсен...

Абу Райҳон ал-Беруний".

★ ★ ★

Абдурахмон Хоразмий мактуб келтирганда, Ибн Сино шогирдларига сабоқ бераётган эди.

— Ассалому алайкум, устози олий! Мен сизга Ал-Беруний ҳазратларидан мужда келтирдим, — деди бўй-басти келишган серсавлат йигит.

Улуғ аллома номини эшитган Ибн Сино ўрнидан туриб, меҳмон билан кучоқлашиб кўришди. Кейин шогирдларига: "Сизлар бутун озодсизлар", деб рухсат бериб юборди.

Ҳаким меҳмонга илтифот билан дастурхон тўридан жой кўрсатди, кейин кўзачадаги гулобдан бир пиёла қуйиб, ҳаяжон ва ҳурмат билан термулиб турган йигитга узатди.

— Беруний ҳазратлари соғ-саломатмулар? Фазнада қийналиб қолғонлари йўқму? Бизга қандай хушxabар келтирдингиз?

— Энг яхши мужда устознинг Сизга юборган муборак мактуби, — деди йигит.

— О, бундан ортиқ хушxabар бўлиши мумкинми? — деди Ибн Сино қувонч билан.

Йигит мактубни узатди. Ҳаким хатни олиб, юз-кўзига сурди, кейин очиб ўқий бошлади.

Меҳмон йигит Ибн Сино ҳақида кўп эшитган, унинг рисоаларини мутолаа қилган бўлса-да, ҳакими замоннинг ўзини илк бор кўриши эди. Айтганларича бор эркан: юзларидин нур томур. Ақл-заковати ҳар бир ҳаракатида акс этиб турибдур. Меҳмон интиқиб, шоша-пиша мактубни

ўқийётган алломанинг юзларига тикилганча қолди. Аллома гоҳ мамнуният билан бош ирғаб қўяр, гоҳ чеҳрасида ҳаяжон сезиларди.

Ниҳоят, Ибн Сино мактубни ўқиб тугатди. Кейин йигитга қараб сўз бошлади:

— Демак, Абдурахмон Хоразмий сиз бўлурсиз. Илмнинг қайси соҳасинда иш олиб борурсиз?

— Устоз шуғулланган фанлар соҳасинда, — деди Абдурахмон.

— Шунинг унутмангки, кўп ўқиган киши ҳаётнинг аччиқ-чучугини яхши тушунади, дунёнинг эврилиб туриши ҳар доим ёдида бўлади.

— Бале, устоз, ҳақ гапни айтдингиз, донишманд алломалар битган рисолалар доимий йўлдошимдур.

— Жуда яхши, ҳақиқий шогирд эркансиз. Устоз ўрнини босишга лойиқ бўлинг! — деди Ибн Сино.

— Миннатдормен. Илоҳо айтганингиз келсун.

— Эрталаб ҳузуримга келинг, агар ётадурғон жойингиз бўлмаса, шунда қолаверинг, тонггача мактубга жавоб ёзиб қўюрмен. Яна баъзи гапларни бафуржа сўзлашиб олурмиз.

Абдурахмон Хоразмий эртаси куни белгиланган вақтда келди. Ҳаким билан узоқ суҳбатлашди.

Кейин ҳаким ал-Беруний ҳазратларига ёзилган мактубни тутқазар экан:

— Эҳтиёт бўлинг, тагин бирортанинг қўлига тушиб қолмасун! — деди.

— Хотиржам бўлинг, устоз! Ҳаммаси жойида бўлғай. Мактубни кўз қорачиғидек сақлағаймен, — деди самимият билан меҳмон.

Мактуб қуйидаги мазмунда эди:

“Қадрдоним Абу Райҳон Беруний!

Саломдан сўнг дейманким, сен юборган мактубни олдим. Саломатлигингни билиб хурсанд бўлдим. Муборак дастхатингни кўриб, кўнглим равшан тортди. Заковат нури билан йўғрилган фикр-мулоҳазаларингга тасаннолар бўлсун! Сен менга йўллаган битикларингга ёзганингдек, бир-бирига қарама-қарши жуфтликлар фикримга, ҳаётимизга йўналиш бергувчи дорулфунундур. Баъзан хаёлга чўмаман: ёруғлик билан зулматни кашф этган ким ўзи, уйқуни, уйғонишни, туш кўришни ўйлаган моҳир уста ким?..

Қадрдон Бухородан чиқиб кетганимга ҳам бир неча йил бўлди. Волидаи меҳрибоним — оқ сут берган онаи зорим мени кута-кута интизорликда ёруғ дунёдан кўз юмиб кетди. Начора. Иложсизмен. Тақдирнинг тақозоси шундай эркан. Ўз ҳаётим, бутун борлигимни инсонлар дардига дармон бўлишга бахш этдим.

Сен бу сафар ҳам олам, коинот ҳақида ҳайратомуз фикрлар билдирибдурсен. Ўқиб, дунё ва унинг тузилиши хусусидаги фикрларингдан ўзим учун ажиб бир хулоса чиқардим. Фалак, коинот деймиз, ундаги қонуниятлар ҳақида мушоҳада юритамиз. Мен мактубингдаги мулоҳазаларни, яралмишлар афзали Инсон бирлан боғламоқчимен.

Аслида, инсон ҳам коинотнинг бир парчасидир. У барча жонзотлар ичра ақл бовар қилмас даражада мукамал яратилган. Буюк Яратувчи

унда кўриш, эшитиш, сезиш, ҳидлаш, сўзлаш, ақл-идрок, фаросат каби ихсилатларни мужассам этмиш. Шу боис унга "ҳазрати Инсон" деган олий мақом берилган. Фикри ожизимча, тиббиёт — илмлар подшоҳидир. Зеро, тиббиёт инсон танаси, ички дунёси, қолаверса, тафаккури, маънавияти ҳақидаги илмдир.

Баъзи муҳолифларим мени: "Сиз тиббиётни назарияга айлантирдингиз", деб айбламоқчи бўладур. Санъатда бўлгани каби, тиб илмининг ҳам назарияси ва амалиёти бор.

Боз устига, ўша муҳолифларим тиббиёт соҳасидаги илмий-амалий ишларимни кўролмади, мени "кофир" деб аюҳаннос солишгача борди...

Таъкидлаш жоизки, Жолинус ҳаким ҳайвонлар танасини ўрганиб, одамнинг ички тузилиши ҳайвонниқидан фарқ қилмайди, деб катта хатога йўл қўйди. Лекин унинг тиббиётда тажриба усулини қўлагани диққатга сазовордир.

Фақат сенгагина айтиш мумкин бўлган бир ишга қўл урдим. Мурдани ёриб, инсоннинг ички аъзолари тузилиши, жойлашиш тартибини синчковлик билан ўргандим. Бу беморларни даволаш учун жуда ҳам зарур эрди. Ошқозон, ичак, юрак, ўпка, жигар, буйрак — ҳамма-ҳаммасини ўз кўзим билан кўриб, тиббиёт илми учун бебаҳо далил, ҳужжатлар тўпландим. Ахир, мусулмон дунёсида бундай тақиқ этилган ишга журъат этган гуноҳдор баъда мен ўзим — Абу Али Ибн Сино эрурмен. Оллоҳ гуноҳларимни мағфират айласин! Мен шуни Яратгандан кечаю кундуз, ҳар навозда илтижо этурмен. Мана, энди табиб учун ҳамма нарса аниқ ва равшан. Инсон танасидаги ҳар бир аъзонинг аниқ белгиланган вазифаси бор. Агар унга ташқаридан бирор таъсир ўтказилса, бутун тана, вужудларзага келгай. Кейин хасталик бошланур. Ана шу таъсир туфайли бошқа аъзолар ҳам дардга чалинади. Туғилгандан ўлгунга қадар эртаю кеч вужудни ҳаракатлантириб турган юрак безовталана бошлайди. Бундан чиқадиган хулоса шулким, инсон танаси ҳақиқатан ҳам коинотга ўхшар. Ундаги аъзоларнинг сон-саногии йўқдур. Тирноқдан кўз қорачиғигача ҳар бирининг ўз вазифаси бор. Мен табиб сифатида инсон вужудини чуқур ўргандим. Унинг ўзи бир дунё экан. Биз билмаган, сезмаган шундай кўз илғамас аъзолар борки, уларнинг бари муайян вазифани бажарурлар.

Инсон асабининг ҳам ўзига хос хусусиятлари кўп. Танадаги барча аъзолардан фарқли ўлароқ, асабнинг нозик торлари ўта сезувчандир. Ташқаридан берилган кичик зарба ҳам бутун вужудни безовта айлайди. Асаб бузилган тақдирда, беморни даволаш учун берилган дори-дармон, қилинган муолажанинг таъсири кам бўлади. Шу боис ҳар бир табиб беморни даволашдан аввал унинг ҳаёт тарзига, ички дунёсига — кўнглига йўл топмоғи даркор. Юраги нотинч, ичида дарди бор, тушкунликка учраган беморни даволаш бениҳоя мушкул. Унга анқонинг уруғи, булбулнинг сути, нодир гиёҳлар, энг қимматбаҳо дори-дармонларни келтириб берсангиз ҳам шифо топмоғи маҳолдур. Демак, аввал инсон кўнглидаги изтиробни йўқотиш, кейин уни даволаш керак.

Асаб инсоннинг маънавий дунёси билан боғлиқдур. Ҳаддан ошган гуноҳлари оқибатини ўйлаб, юраги безовта бўлган аксар одамлар қариганда асаб касалига йўлиқур. Бу хасталикка, айниқса, ҳукмдор, бой-боёнлар чалингай. Мол-дунё, давлатга ружу қўйишнинг натижаси оғир ва аянчлидур. Зари кўп одамнинг уйқуси қочади, ҳаловати йўқолади. Бундайлар ёши бир жойга борганда, тожу тахт, аркони давлат, беҳисоб бойликлар энди кимга қолади, деб асабийлашади. Мен даволаган подшоҳлар, ҳокимлар, уларнинг фарзандлари хасталигининг аксари ана шу мол-дунё тўфайлидир. Боз устига, алар ёғли, қувватли таомларни ҳаддан ташқари кўп тановул айлар, шаробга ортиқ даражада ружу этар. Хафақонлик, қон босими, бош оғриғи, асаб, ичак-ошқозон касалликлари, меъданинг сусайиб кетиши олий табақага мансуб кишилар ўртасида кўпроқ учрайдур. Камбағаллар, йўқсуллар бундай хасталиклардан холидурлар.

Султон Маҳмуд жаноби олийлари ҳам давлатмандлик касалига мубталодур. Қирғинбаротлар билан кўп мамлакатларни ўзига бўйсундурди, энди хасталик тўшагига боши етганда талвасага тушди. Боиси, давлатини фарзандларидан ҳам қизғонур. Бу — ҳукмдорларга хос хусусият. Алар Азроил жонини олгунга қадар бойлигини ҳеч кимга ишонмайди.

Қуёш қайдан чиқади — Шарқдан. Бу — азалий қонуният. Дунё яралибдики — шундай. Бундан хулоса шуки, Ердаги ҳаёт Шарқдан бошланган. Илм-маърифат ҳам. Биз яшаётган даврда илм-фан соҳасида шундай юксалиш бўлдики, бунга қувонмай, шукр айтмай бўлмас. Қанчадан-қанча машҳур алломалар, шоиру фузалолар бизнинг замондошларимиздир. Алар бирла ифтихор этмай бўларми?

Энди асл мақсадга кўчсам, Ғазнага бормоқ истагим йўқдур. Буни сенга Хоразмда ҳам, кейинги хатларимда ҳам айтган эрдим. Шуни билгинки, подшоҳга ёқсанг, элга ёқмайсан, аксинча, элга ёқсанг, подшоҳга ёқмайсан. Тугалланмаган китобларим, ёзадиган битикларим кўчдур. Умрнинг қанчаси қолди — ёлғиз Оллоҳга маълум. Дунёда энг кенги кўнғилдир, энг тори ҳам. Кўнғил шишасига дарз кетса, уни ҳеч қачон аслига келтириб бўлмас.

Бир машҳур табибдан сўрабдурлар:

— Дунёда энг оғир хасталик недур?

Табиб айтибдур:

— Хасталикнинг яхши-ёмони бўлмайди. Аммо энг даҳшатлиси жоҳилликдир.

— Энг кучли одам-чи?

— Жаҳдини боса олган киши.

Биз ўз хато-камчиликларимизни тан олиб, уни тузатиш йўларини ахтарсақкина ҳақиқий олим ва инсон бўлиб қолурмиз.

Яқинда мендин бир шогирдим сўраб қолди: "Устоз, сиз оламдан кўз юмиб кетсангиз, ўрнингизга ким қолади?" деб.

Шунда мен унга:

— "Ал-Қонун" қолур, — дедим.

Эҳтиром ила

Абу Али Ибн Сино".

HAZIL BASHORATLAR

Кимнинг нимадан жони чиқади

- Граф Брюс — ақли калласига сиғмай кетганидан.
Генерал Александр Нарискин — маиший можарода.
Граф Иван Чернишёв — ғазаби келганда.
Граф Захар Чернишёв — покланаман деб.
Графиня Румянцева — қарта сузишдан тўхтаганда.
Штакельберг хоним — хайратдан очилган оғзини ёполмаганда.
Полянская хоним — таассуфдан чарчаб.
Жаноб д’Остервельд — ўзини тийганда.
Д’Остервельд хоним — парҳездан.
Зиновьева хоним — кулгидан қотиб.
Штакельберг жаноблари — сариққа чалиниб, бундан омон чиқса; сафродан.
Черкасов — сўзга чўкиб.
Протасова хоним — “Қачон туғарканман?” дея кутишдан.
Илья Всевожский — “оҳ-воҳ” дан.
Перфильев — бадҳазмликдан.
Фельдмаршал Голицин — қичимадан.
Граф Панин — шошилгудай бўлса.
Козицкий — славянча сўзларни излаб.
Кузьмин — чавақ қилтаногидан.
Стрекалов — хориж пивосига бўйиб.

Елагин — озиб-ёзиб бир театрга тушганда мусиқа товушидан қулоқ пардаси ёрилиб.

Спиридов — ойнада аксига кўзи тушиб қолса.

Бутун жамиятимизда фақат икки киши — хузур-халоватдан (исмини ҳам, жинсини ҳам айтмайман).

Мен эсам — атрофимдагилар ёқаман деб парвона бўлишидан.



ЭПИГРАММАЛАР

Генерал Нарискинга

Эх, оббо...

Қумлоққа ўтириб қолди кемамиз.

Уни енгиллатиш керак. Нетамиз?

— Сувга ташлаш керак юқдан. — Зўр гоё:

Нарискин сувга тушиб турса кифоя!

Ўзимга

Бугун юз мартача олдим қаламни,

Шунча бор отдим-да олдим аламни:

Насрга уннасам, ёзарман дуруст,

Назмда битганим — сийка, жуда суст.

Екатерина Иккинчи — Россия давлати тақдирида муҳим ўрин тутган мураккаб табиатли тарихий шахс. Асли исми София-Фредерика-Августа бўлган бу аёл Штетин (ҳозирги Польшанинг Щецин) шаҳри коменданти Анхельт-Цербтский оиласида 1729 йилда туғилган. 1744 йили Пётр Биринчининг невараси Пётр Учинчига узатилган. Орадан ҳеч қанча ўтмай, эрини тахтдан ағдариб, улкан ҳокимият тепасига чиққан ва ўттиз йилдан зиёд улкан империяни бошқарган.

Екатерина Иккинчининг сиёсати, айниқса, атрофидаги тарихчи ва публицистлар томонидан турлича баҳоланади. Шу билан бирга, у даврининг атоқли мутафаккирлари Вольтер, Дидро, д'Аламбер, Монтескье билан ёзишмалар олиб боргани яхши маълум (Жан-Жак Руссо билан эса, аксинча, ўзаро танқидий муносабатда бўлган). Қарангки, император хоним вақт топиб бадиий ижод билан ҳам шуғулланган экан. Унинг “Бўлган ва бўлмаган ҳикоялар” туркуми, эртак шаклидаги сатирик прозаси, бир неча драма ва комедиялари, таржимаи ҳолига оид “Ўз қўлим билан битганларим” деган йирик асари нашр этилган (*Екатерина II. Сочинения. Москва, 1990*). Уларнинг бадиий савияси турлича, албатта. Бу ҳақда муаллифнинг ўзи бундай дейди: “Мен адабий машқларимни шунчаки кўнгил ёзиш воситаси деб ҳисоблайман. Қаламимни хилма-хил жанрларда синаб кўришни ёқтирганим ҳам шу туфайли. Фикримча, ёзганларимнинг савияси ўртамиёнадан нарига ўтмайди. Ўтмаса нима? Уларга бирон бир аҳамият бераётганим йўқ-ку!”

Журналнинг “Тафаккур табассуми” рукнига Екатерина Иккинчининг юмористик руҳдаги машқларидан намуналар тақдим этишни лозим топдик.

Абдулла АЪЗАМ тайёрлади.

ЖАВОНДАГИ ЖАВОҲИР

YO'L YURGAN YUTADI

Фарҳод ҲАМРОЕВ мутолаа қилади

Ҳаёт ўз қонунияти асосида шиддат билан елиб бораётир. Йиллар ўтиши билан одамда билим-тажриба ортади ва ҳатто кишини ҳайратга соладиган ногаҳоний воқеа-ҳодисаларга нисбатан қандайдир совуққонлик ҳам пайдо бўлади. Бамисоли бу ҳаётда тақдирингизда ёрқин из қолдирадиган, сизга хуш ёқадиган бирон бир янгилик бўлмайдигандек, ўзингизни бепарво тутишга кўникиб қоласиз. Айни вақтда, ўзингиз билмаган ҳолда, фавқулдда бир янгилик кутиб яшайсиз, ҳатто бу ҳақда зимдан ширин хаёлларга ҳам бериласиз. Ва ниҳоят, ўша ҳайратли онлар етиб келади. Дафъатан қалбингиз қувончга тўлади. Худди болакай каби севиниб, бундай «фавқулдда ҳолат»лар имкон қадар кўпроқ чўзилишини истайсиз. Менинг назаримда, яхши, маъни ва ҳикматга тўла китоб йиллар ўтгани сайин сусаймайдиган ана шундай хурсандчиликнинг қудратли манбаи бўлиб қолмоқда. Оллоҳга шукр!

Ҳаётда шундай бўладики, ёшлиқда айрим китоблар сизга муҳаббат лаззатини, бошқалари — ундан кам бўлмаган фойдали мутолаа лаҳзаларини инъом этади, учинчисини эса йиллар давомида кўлингиздан қўймай қайта-қайта ўқийсиз, ундан сира ажралгингиз келмайди. Чунки бундай китобларда Ҳақ ва ҳақиқат йўли кўрсатилган бўлади. Эҳтимол, уларда битта сизга аталган ёки қалбингиздаги ҳақиқатга элтадиган йўл кўрсатилган бўлар. Лекин, нима бўлганда ҳам, ҳақиқат йўли ўта оғир ва мураккаб, баъзида умрбод давом этадиган...

Япон ёзувчиларининг психологик таҳлилга бой, юксак миллий руҳдаги асарлари бамисоли билим ва туйғуларга ташна озурда юраклар сипқориб роҳатланидиган обиҳаёт томчиларидир.

Ясунари Кавабата. Избранные произведения. М., 1986.

Буюк япон адиби Ясунари Кавабата инсон қалбининг энг нозик нуқталарини, она халқининг яшаш тарзи ва миллий ўзлигини самимий ифодалай олган. Айни пайтда унинг асарларида ёзувчининг фақат ўзига хос бетакрор хусусиятлар акс этган бўлади.

Кавабатанинг бадий тафаккури, аксарият санъаткорларда бўлгани сингари,

тарихий тафаккурдир: замонлар ўртасидаги узвийлик мустаҳкам асосга эга экани ва минг-минглаб кўринмас ришталар тарихни бугунги кун ҳамда келажак билан боғлаб туришини адиб доимо тўғри англайди. Шу боис ёзувчи нафақат ўз халқи адабиёти, балки қадимий ва замонавий фалсафасини ҳам чуқур ўрганган. Айниқса, буддавийликнинг Дзен таълимоти Кавабатага бошқача таъсир қилган.


Дзен, ҳақиқий динларда бўлгани янглиғ, илоҳий битиклар ёки ақидаларга асосланмайди ва шунингдек, ўзининг моҳиятини очиб бериши мумкин бўлган махсус белги-аломатларга ҳам эга эмас. Дзен фақат йўл кўрсатади. Дзен — инсон руҳияти ифодаси. Дзен бу руҳиятнинг ботиний софлиги ва илоҳий неъмат эканига ишонади. Дзен таълимоти мудом инсон қалбини кашф этиш ва уни тушунишга интилиб яшаган ёзувчини айнан шу хусусиятлари билан ўзига жалб этган эди. Кавабата асарларида, худди Дзен таълимотида бўлгани каби, инсоннинг ички кечинмалари билан мулоқотга киришишга интилар ва буни қандайдир ташқи ва ғайритабиий ҳодисаларга таянмасдан туриб, бевосита ўзи амалга оширишга уринар эди.

Ўзига хос сир у синоатларга эга бўлган ҳақиқат ҳаракат орқали эмас, балки деярли ифодалаш имконсиздай туюладиган ҳолатни кузатиш, сезги ва кечинмалар воситасида ҳис этиш орқали инкишоф этилади. Дзен таълимотига кўра, инсон вужудида яшириниб ётган руҳий куч-қудрат ёрдамида ўз-ўзига берилиш усули мақсадга эришишнинг бирдан-бир тўғри йўли ҳисобланади. Бошқача айтганда, бундай маърифий жараён инсоннинг кучли иродасига асосланади.

Кавабата Дзен таълимотини алоҳида турдаги мистицизм ва айнан офтобнинг чараклаб нур сочиши, гулларнинг чаман бўлиб очилиши, кўчадан ногора шовқини эшитилиши қабилдаги аниқ воқеа-ҳодисалар тарзида қабул қилади. Буларнинг барчаси Ясунари Кавабатанинг энг яхши асарларидан бири бўлмиш «Идзулик раққоса» қиссасида яққол акс этган. Унда ёзувчи китобхон наздида нозиктаб ва зукко санъаткор сифатида намоён бўлади. Ушбу қиссада рус адиби Набоковнинг «Лолита» асаридаги воқеага ўхшаб кетадиган вазият тасвирланади: ёш йигит раққоса қизга кўнгал кўяди, унинг муҳаббати гоҳ соф туйғулар, гоҳ жинсий майллар гирдобиди қолади. Бу — ўзига мафтун этадиган ўсмир қиз ва унинг ишқида ёнаётган йигитнинг севги қиссаси.

Ёзувчининг диққат марказида Гўзаллик туради. Унинг қадрловчиси ўспирин талаба. Уларни ахлоқий ришталар бирлаштиради. Қисса поклик руҳида. Кавабата ахлоқийликни бир дақиқа ҳам эсдан чиқармайди. Адиб асосий қахрамони «яхши» эканини мудом ёдда тутди. Умуман, бу сифатлаш ёзувчи ижодининг хос хусусияти: унинг кўплаб асарларида қахрамонларга айнан шундай баҳо берилади. Асарда Софлик тушунчаси ҳам билвосита иштирок этади.

Дастлаб қахрамон «ёмон»лигидан қийналади. Чунки унинг фикру зикрини раққоса ҳақидаги бадбин хаёллар эгаллаб олади. Бу «кирланиш» даврида у қайноқ изтироблар гирдобиди яшайди, «тозаланиш» деган ғайришуурий истак-майлга берилади. Кечалари чалқанча ётганча ўзига азоб бераётган соҳибжамол «ҳозир наҳсга ботиб ётмаганмикан» деган иштибоҳга боради. Кейинчалик ишқида ёнгани бу раққоса аслида ҳали бир гўдак эканини билиб қолади. Шундан сўнг шиддатли покланиш, жинсий майллардан халос бўлиш, хушвақтлик жараёни бошланади. Лекин шайтон васвасаси бутунлай даф бўлмайди. Талаба «нопоклик» ҳақида ўйламай кўяди, аммо қизга интилиш ҳисси қолади ва ҳатто кучаяди. Қиссада «но-



поклик» мавзуси бот-бот бўй кўрсатиб туради. Бутун асар қарама-қарши тушунчалар — «покланиш — булғаниш», «пок — нопок», «хирс — ахлоқ» тамойилларини ёнма-ён таҳлил қилишга асосланган.

Раққоса — хийла кўпмаъноли тимсол, чунки у ўзгарувчан: гоҳ бокира ва бегуноҳ (гўдак, фаришта), гоҳ васвасага солувчи ва хирсни кўзғатувчи (ўйноқи аёл, алвасти). Кавабата бу тимсол воситасида асарларида кейинчалик учрайдиган аёллар образининг икки асосий кўринишини тасвирлайди: идеал аёл ва гуноҳкор аёл.

Ясунари Кавабата Нобель мукофотини олиш маросимида сўзлаган нутқида ўзининг ижодини тушунишда гоётада муҳим бўлган фикрни баён этган эди: «Будда оламига кириш осон, шайтон оламига кириш қийин. Лекин шайтон оламининг Будда олами йўқ».

«Идзулик раққоса» қиссаси қаҳрамони Каору ҳали бутун борлиғи билан тоза ва покиза ҳолда Будда оламига тегишли. Бироқ на қаҳрамон қалбида, на уни ўраб турган муҳитда шайтон олами йўқ бўлиб қолган эмас. Кема Идзу қирғоқларидан узоқлашади, «яхши» талаба «соф» кўз ёшларини тўқади. Олдинда эса уни шайтон олами билан учрашув кутмоқда.

Рюноскэ Акутагава. Новеллы. М., 1985.

Бошқа бир буюк япон адаби Рюноскэ Акутагава асосан новеллалар ёзган. Уларнинг аксарияти бадиий теранлиги ва таъсирчанлиги боис энг етук ижод намуналари билан ёнма-ён туриши мумкин. Унинг «Чакалакзорда» деб номланган, назаримизда, буюк санъаткор ижодидаги энг яхши асарлардан бири бўлган мўъжазгина новелласи китобхонда, айниқса, кучли таассурот қолдиради.

Асар сюжети ҳам шаклан, ҳам мазмунан жуда оддий. Кичкина ўрмонда ёш йигитнинг мурдаси топилади. Суд амалдори тергов олиб боради ва муаллиф бу жараённи ўзига хос иқрош шаклида баён қилади. Бу иқрош ҳам расмий, ҳам мистик мазмунда бўлади. Аста-секин чангалзорда юз берган воқеалар манзараси гавдалана бошлайди.

Аммо муаллифни асосий масала — қотил киму қотиллик қандай содир бўлгани деярли қизиқтирмайди. Бу масала кўпроқ ўқувчини қизиқтиради ва у шахсан ўзи тергов юритишга ҳаракат қилади. Муаллиф эса бутунлай бошқа нарсани тадқиқ этади. Қаҳрамонларнинг миллий руҳияти ва ор-номус тушунчаси биринчи ўринга чиқади. Бу тушунча япон маданиятида мутлақо ўзгача мазмунга эга. Акутагава, баъзан ўқувчини чалғитган ҳолда, воқеаларни турлича талқин қилади. Бошқа бир нарсаси — персонажлардан ҳар бирининг руҳияти қандай ва хатти-ҳаракатларининг сабаблари нимада, деган масала китобхон учун, айниқса, қизиқарлироқ туюлади. Бу масалаларни англаш тушунчалар даражасида эмас, балки ғайришуурий, ҳиссий миқёсда юз беради. Воқеа-ҳодисалар замини шунчаки фон бўлиб, у орқали оламни японга хос тушунишнинг бутунлай бошқача дунёсига кириб борилади. Ор-номус ва шаъну шараф — ҳаётдан ҳам қадрлироқ. Ориятсиз яшашдан ҳеч бир маъни йўқ. Ориятсиз яшаш — шундай бир иснодки, у бутун оила ва ҳатто авлод шаънига ўчмас доғ бўлиб тушиши мумкин. Китобхон қалбида туғиладиган кучли ҳис-ҳаяжон ўқилган саҳифалар ҳақида яна узоқ бош қотириш, фикр-мулоҳаза юритиш ва ўзининг кўнглини англаш учун имкон беради. Ўз виждони билан муроса қилиб яшашга даъват этади. Акутагава учун бу ўта муҳим.

Акутагава ҳам, Кавабата ҳам ҳаётдан эрта ва ихтиёрий равишда кетган. Бу борада кўплаб фикр-мулоҳазалар мавжуд. Бизнингча, бу ҳолатлар япон фалсафаси, турмуш тарзи ва адаблар руҳияти билан боғлиқ. Иккала ёзувчи ҳам ижодий инқирозни бошдан кечирган ва афтидан, аввалгиларидан кўра яхшироқ асарлар яратиш, бордию умуман мумкин бўлганда ҳам, бениҳоя мушкул эканига кўниқолмаган.



Комил ишонч билан айтиш мумкин, япон мумтоз адибларининг деярли бутун ижоди қўлма-қўл ўқилади. Лекин замонавий «бозори чакқон» адабиёт ҳақида бундай деб бўлмади. Кейинги йилларда ўқувчи «харидоргир» китоблар, саргузашт ва постмодерн адабиётга бирмунча шубҳа билан қарамоқда. Бундай китоблар ё бир зумда ўқиб ташланади, ё улар ҳаётдан жуда йироқ. Бу ҳолат, чамаси, китобхоннинг бошқача маданий-руҳий муҳитда тарбия топгани билан боғлиқ. Шу боис инсонга хос камчилик ва нуқсонларни турлича талқин қилиш баъзан зерикарли ҳамда мантиқсиз такрордек туюлади.

Дэн Браун. Код да Винчи. М., 2005.

Аммо таниқли замонавий америка ёзувчиси Дэн Брауннинг «Да Винчининг сирли рақами» китоби бундан мустасно. Китобнинг қисқача мазмуни шундан иборатки, буюк санъаткор ва мутафаккир Леонардо да Винчининг асарларида қандайдир бир махфий белги бор экан. Мислсиз ҳокимият ва қудрат тимсоли бўлган муқаддас насроний ёдгорликларини топишда фақат ўша белги ёрдам берар экан. Одамзод асрлар давомида англаб етишга уриниб келган буюк сирни очадиган калит чиндан ҳам топилиши мумкин экан.

Китоб яхши ўйлаб топилган қиссадан иборат. У ўқувчини бутун мутолаа давомида қаттиқ ҳаяжонга солади. Китобнинг бош қаҳрамонлари сирли белгилар бўйича мутахассис, Гарвард нафис санъатлар университети ўқитувчиси Роберт Лэнгдон ва криптография — сирли белгилар имлоси мутахассиси Софидир. Улар ўзидан беҳисоб жумбоқлар қолдирган луврлик нозирнинг ўлими бўйича тергов олиб боради. Оддий саргузашт воқеа сифатида бошланган китоб католик черковининг кўплаб сиру синоатлари тўғрисидаги ғайриоддий қиссага айланиб кетади. Унда Фотиманинг башоратлари ва католик динининг пайдо бўлиши ҳақида ҳам ёзилган. Лекин китобнинг асосий жумбоғи сирли Грааль ҳисобланади. Тадқиқотчилар уни бир неча юзйилликлар давомида қидиради. Шунингдек, китобда жумбоқ инсон — Леонардо да Винчи билан боғлиқ кўпгина ғаройиб маълумотлар ҳам бор.


Китобда баён қилинган бадий-ҳужжатли изланишлар 1996 йили бошланган. Ўшанда Дэн Браун «Рақамли қалъа» китобини ёзиш чоғида махсус хизмат идораларининг иш услубини ўрганган.

Гарчи романдаги барча персонажлар тўқима бўлса-да, Браун махфий таомил ва ҳужжатлар, бадий ва меъморий асарларнинг тасвири, шунингдек, уларда яширинган хатлар мутлақо ҳақиқий ва ишончли деб қасам ичади.

«Да Винчининг сирли рақами» деган номнинг ўзиёқ китоб ғоясининг буюк расом шахсияти билан алоқадорлигини билдиради. Китобда Исаак Ньютон, Боттичелли, Виктор Гюго сингари мумтоз зотларнинг «Приорат Сион» махфий ташкилоти билан алоқаси очилади. Лекин китобнинг сўнгги саҳифасини ўқиб тугатар экансиз, бу гаплар шунчаки тўқима экани, гарчи баъзи ўринларда мантиқ бузилган бўлса-да, ўқувчини қаттиқ ҳаяжонга солишини тушунасиз. Энг муҳими, бу китобни мутолаа қилиб, ундаги гаплар ҳақиқат бўлмаса-да, ёруғ дунёда ҳамма нарса ўзингиз ўйлаганчалик оддий эмаслигига ишонч ҳосил қиласиз.

Албатта, «Да Винчининг сирли рақами» каби кўнгилга хуш ёқадиган яхши ва маънили китобларни ўқиб маза қиласиз. Аммо ҳам берилиб ўқиладиган, ҳам ишга фойдаси тегадиган китобларнинг йўли бошқа. Бундай мутолаа нафақат профессионал билимларингизни бойитиш, балки ҳақни ноҳақдан ажрата олиш, жамият ҳақида, ташқи омиллар тўғрисида фикр юритиш учун ҳам фойдали. Айниқса, ҳаётда ҳамма нарсани ўрнига қўйиш, оқилона яшашда бундай китоблар беминнат ёрдамчи бўлиши мумкин.

Яқиндагина ўқиганим шундай китоблардан иккитаси ҳақида суҳбатлашишни истардим.



ИСТОЧНИК ТЕРРОРА:**идеология ваххабизма-салафизма. М., 2005.**

Ўтган йилнинг ўрталарида Москвада тадқиқотчи Муҳаммад Ҳасаннинг «Террорнинг манбаи: ваҳҳобийлик-салафийлик мафкураси» китоби босилиб чиқди. Содда ва тушунарли тилда ёзилган бу китобда ваҳҳобийлик мафкураси тадқиқ этилган. Айниқса, бугунги кунда нафақат оммавий ахборот воситалари, балки илмий нашрлар саҳифаларида ҳам учраётган чалкашликларни инobatга олади-ган бўлсак, бундай тадқиқотларга эҳтиёж анча катта экани яққол аён бўлади. Муҳаммад Ҳасаннинг мўъжазгина китоби ваҳҳобий ва салафчилар ким экани, уларнинг ҳақиқий ислом тарафдорларидан фарқи ҳақида, назаримизда, тўғри ва тўлиқ тасаввур уйғотади.

Ушбу асарда аксарият ҳолларда нотўғри, сохталаштирилган тарзда қўлланадиган кўпгина диний атамаларнинг изоҳи берилган. Масалан, бугунги кунда турли нашрларда ваҳҳобийлар атамаси тез-тез ишлатилади. Бу атама орқали Кавказ, Марказий Осиё ва Россия худудида фаолият юритаётган диндорларнинг айрим тоифаси тавсифланади. Китоб муаллифи бу масала хусусида тўхталиб, қуйидагиларни қайд этади: «Ваҳҳобийлар атамаси одатда Саудия Арабистонидаги бу оқим тарафдорларига нисбатан қўлланади. Салафчилар деб эса 1980 йилдан бошлаб ушбу подшолик худудидан ташқарида фаолият олиб бораётганларга айтилади. Аслида бу икки тоифа ҳам ягона оқимга мансуб ва бир хил қарашларни ёқлайди». Китобда шунга ўхшаш, эҳтимол, унча муҳим бўлмаган, лекин ўта фойдали ва қизиқарли қайдлар анчагина.

Мазкур асар ислом ниқоби остидаги айрим уйдирмаларни анча ишонарли тарзда фош этиши билан ажралиб туради. Мисол учун, муаллиф Қуръони карим кўпхотинлиликка рухсат бериши, лекин уни рағбатлантирмаслигини тўғри таъкидлайди. Унинг ёзишича, муқаддас китоб бўйича, эркак киши, истисно ҳолатларни эътиборга олмаган ҳолда, биттадан зиёд хотинга эга бўлмаслиги керак. Бундай истисно ҳолатлар бешта экан: биринчиси — агар биринчи аёли бепушт бўлса, эркак эса зурриёд қолдиришни истаса ва шу билан бирга, кўз очиб кўрган хотинини ўз ҳолига ташлаб қўймаслик учун ундан ажралишни хоҳламаса; иккинчиси — агарда эркакнинг акаси қазо қилса ва у савоб учун жианларини ўз уйида тарбиялаш ниятида тул хотинга уйланса; учинчиси — агарда биринчи аёли оғир касал ёки ногирон бўлса ва болалар тарбияси билан шуғулланишни эглай олмаса; тўртинчиси — агарда ҳукмдор турли сиёсий гуруҳлардан, уларни муросага келтириш учун, биттадан зиёд хотинга эга бўлиши керак бўлса; бешинчиси — давомли уруш ёки ялпи касаллик тарқалиши натижасида аҳоли ўртасида эркаклар камайиб кетган бўлса, аёллар ўзига эр топа олиши учун кўпхотинлиликка рухсат этилар экан.

Муҳаммад Ҳасаннинг китобида билиш ва тушуниш зарур бўлган шундай маълумотлар кўп. Муаллиф бир қарашда ўта оддий туюладиган мисоллар орқали ваҳҳобийлик ва салафийлик мафкурасининг муқаддас ислом динига етказётган зарарини кўрсатиб берган.

Тадқиқотчи китобда илмий теологик баҳс қилишга, диний ақидалар сирини очибга уринмайди. У кўп ҳолларда исломнинг асосий рункларини тушунишда ҳар хилликлар содир бўлаётганини оддий ва тушунарли тарзда изоҳлайди. Муаллифнинг фикрича, бунинг сабаби — тафсир талабларини бузишда. Қуръонни қатъий қоидалар асосида тафсир қилиш зарур. Ваҳҳобий ва салафийларнинг ҳақиқий мусулмонлардан фарқи шундаки, улар Қуръонни тушуниш қоидаларини кўр-кўрона, нодонларча инкор этади, муқаддас китобни тартибсиз равишда, ўзбошимчалик билан тафсир қилади.

Муҳаммад Ҳасан мулоҳазаларининг барчаси ҳам шубҳадан



холи ва қизиқарли эмас. Айниқса, муаллиф ўз фикрларини сиёсийлаштирган саҳифалар бир оз эътироз уйғотади.

Муаллиф китобнинг бир саҳифасида бундай мазмундаги араб мақолини келтиради: инсон ўзи ўқийётган китобнинг таъсирида бўлади. Муҳаммад Ҳасаннинг «Террор манбаи: ваҳҳобийлик-салафийлик мафкуриси» деб номланган қизиқарли ва фойдали китобини ўқиганлар ҳам озгина бўлса-да, унинг таъсирига берилса, ёмон бўлмас эди. Шунда улар исломни янада яхшироқ билган ва тушунган бўларди.

XXI век: Мир между прошлым и будущим. Киев, 2004.

Маънавий масалалар ҳақида кўп ўйлашга ундаган яна бир китоб Украина Халқаро хавфсизлик муаммолари миллий институтининг бир гуруҳ олимлари томонидан тайёрланган «XXI аср: ўтмиш ва келажак ўртасидаги дунё. Маданият халқаро ва миллий хавфсизликнинг тизим яратувчи омили сифатида» номли жиддий руҳдаги каттагина монографиядир.

Бу китоб маънавий хавфсизлик ҳақида. Халқлар ва давлатлар фожиаси одатда уларнинг маънавиятини йўқ қилиш, халқнинг онгига ёт гоёлар, қадриятлар ва уларга эришишнинг номаъқул усулларини жорий этишдан бошланади. Шунинг учун ҳам маънавий хавфсизликни таъминлаш устувор вазифа ҳисобланади. Чунки маънавият миллатнинг руҳини, ахлоқий даражасини унинг ўз олдига тарихий вазифаларни кўя олиш ва ҳал қилиш қобилиятини ифодалайди.

Маънавият хавфсизлиги ахлоқийлик ва ватанпарварлик билан боғлиқ ҳамда давлат хавфсизлигининг муҳим шартидир. Бу халқнинг ҳукуматнинг ички ва ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлаши, ҳокимиятга ишонч билдиришида намоён бўлади.

Китоб XXI аср бошида инсоният тараққиётини беқарорлаштирувчи асосий омиллар бўлмиш террорчилик, диний ва этник тажовуз муаммосини долзарб қилиб қўядиган имманент, яъни ички сабабларни ифодаловчи маънавий қадрият ва мўлжаллар таҳлилига бағишланган.

Ушбу тўпламнинг асосий тезисларидан бири — одамзодга хос ялпи яшаш тарзининг ягона ва бус-бутун қадрият ҳамда меъёрларини бирхиллаштиришдан қочиб масаласидир. Бундай бирхиллашув маданиятнинг жаҳон миқёсидаги тараққиёт даражасини охир-оқибатда ибтидоий жамият даражасига тушириб қўйиши мумкин. Китоб асосан бугун Украинада содир бўлаётган жараёнлар таҳлилига бағишланган, лекин улар бир мамлакат ҳудудидан анча ташқарида ҳам долзарбдир. Муаллифлар жамоаси томонидан таҳлил этилган муаммолар дунёвий аҳамиятга эга.

Китобда қизиқарли ва долзарб хулосалар талайгина. Улар кўп жиҳатдан бугунги авлодни огоҳ бўлишга уйдади. Улар нафақат билимга, балки ҳаёт тажрибасига ҳам асосланган.

Китобнинг кўпгина саҳифаларида исломдан бошқа динлар ҳақида ҳам фикр юритилади. Муаллифлар жамиятдаги диний жараёнларга маънавиятнинг асосий унсурларидан бири ҳамда миллий ва ялпи хавфсизлик тизимини шакллантиришнинг қудратли маданий-руҳий омили сифатида қарайди.



Хавфсизлик муаммоси

Марказий Осиё мамлакатларининг миллий ва минтақавий хавфсизлиги нафақат ушбу ҳудуддаги, балки дунёдаги кўпгина давлатларни ҳам ташвишга солмоқда. Қарийб ўттиз йилдан буён глобал муаммолар ва халқаро хавфсизлик масалалари бўйича тадқиқот олиб бораётган “Мустақил халқаро тадқиқотлар ташкилоти” ўзининг йирик лойиҳасини ушбу минтақа хавфсизлиги муаммоларига бағишлагани бежиз эмас.

Миллий хавфсизликни таъминлаш ҳар бир суверен давлатнинг асосий вазифасидир. Муайян давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини белгилаб берадиган асосий тамойиллар шу мақсадга хизмат қилади. Ҳар бир давлатнинг миллий хавфсизлиги ва барқарорлиги аксарият ҳолларда халқаро вазият ёки кучли давлатларнинг шу минтақадаги манфаатлари даражасига боғлиқ бўлади. Ана шу омиллар минтақа хавфсизлигини барқарорлаштириши ёки аксинча, барқарорликни издан чиқариши мумкин. Ўз навбатида, тобора ўсиб бораётган миллий хавфсизлик муаммолари нафақат алоҳида бир давлатнинг саъй-ҳаракати орқали, балки манфаатдор халқаро ташкилотлар ва давлатлар иштирокида бартараф этилиши лозим.

Марказий Осиёдаги геосиёсий вазият минтақа давлатларида ҳали ўтиш даври поёнига етмагани билан характерланади. Собиқ Иттифоқнинг парчаланиб кетиши, коммунистик мафкуранинг инқирозга юз тутиши, мустақил давлатларнинг ўзаро янгича муносабатга киришиши ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Бу, ўз ўрнида, айрим муаммоларни ҳам келтириб чиқарди. Собиқ Иттифоқ республикалари ўртасида чегаралар ташкил этилганда тарихий объективлик ҳисобга олинмаган. Натижада минтақа давлатлари ўртасида чегараларни қайта белгилаш чоғида келишмовчиликлар юз берди. Узоқ давом этган музокаралардан сўнг Ўзбекистон Қозоғистон билан 100 фоиз, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон Республикалари билан 80 фоизгача ҳудудий чегараларни белгилаб олишга эришди. Бу борада ишлар давом этмоқда.

Минтақавий хавфсизлик тизимини шакллантиришда Марказий Осиё давлатларининг энергетика ва табиий хомашё захираларига бойлиги, айниқса, аҳамиятлидир. Уларни қайта ишлаб, экспортга чиқариш миллий стратегияни ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Шуни таъкидлаш жоизки, мустақилликка эришилганига ўн тўрт йилдан ошган бўлса-да, Марказий Осиё мамлакатлари ўзларининг бу борадаги имкониятларидан самарали фойдалана олмаяпти. Бунинг сабабларидан бири, Каспий денгизи мақоми масаласининг ҳануз ҳал қилинмаганидир. Боз устига, минтақавий ва миллий хавфсизлик борасида ҳам айрим муаммолар мавжуд. Ўрни келганда эътироф этиш лозимки, собиқ Иттифоқ парчаланиб кетганидан сўнг пайдо бўлган давлатларнинг ҳаммаси ҳам халқ кутганидек қисқа фурсатда тараққий эта олмади. Бу эса аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночорлашувига сабаб бўлди. Натижада айрим давлатларда халқ бошқарув тизимидан норози бўла бошлади. Грузия, Украина, Қирғизистон мисолида бунга яққолроқ кўриш мумкин.

Яна бир муаммо экстремистик гуруҳларнинг фаоллашувидир. Бу ҳолат минтақада беқарорликни келтириб чиқаради. Кейинги йиллардаги воқеалар ҳам бунга тасдиқлайди. Минтақада охириги ўн йил ичида диний экстремистик гуруҳлар Тожикистон, Қирғизистон ва Ўзбекистонда бир неча маротаба чегараларни бузиб ўтишга, террорчилик ҳаракатлари содир этиш ва гиёҳванд моддаларни тарқатишга уринди. Бу ҳаракатлар мазкур давлатларнинг барқарорлиги ва хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатди, юзлаб бегуноҳ инсонлар ҳалок бўлди. Бундай бузғунчиликларга қарши Россия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатларининг миллий хавфсизлик хизматлари вакиллари ҳамкорликда фаолият юритмоқда.

Бундай ҳамкорлик келгусида янада кучайиши лозим. Шундагина барқарорликни таъминлашга эришилади.

Ҳикматилла ТУЛИБОЕВ,

Давлат ва жамият қурилиши академияси тадқиқотчиси

Tahdididan saqlanish yo'li

Тahдид — табиатда ҳам, жамиятда ҳам ўзаро тафовутли, бир-биридан тубдан фарқ қилувчи кучлар ўртасида кечадиган, муайян даражада зиён келтирувчи жараён. Одатда таҳдид объектнинг муайян ҳолати, фаолияти ёхуд мавжудлигига қарши қаратилган бўлади.

Миллий хавфсизликка бўлган таҳдид шахснинг ҳаётий эҳтиёжларини буткул издан чиқаради, турмуш шароити оғирлашувига олиб келади. Бугун ўтиш даврини бошдан кечираётган Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигига таҳдид илдизлари ўтган асрнинг “турғунлик даври” деб аталган 70-80 йилларига, ўша замондаги тарихий шароитга бориб ёриб такалади.

Президент Ислom Каримов асарларида таъкидланганидек, Ўзбекистон хавфсизлигига қаратилган бугунги таҳдидлар жамият ҳаётининг барча жабҳаларига қарши йўналтирилаётир.

Таҳдидларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш учун уларни келтириб чиқарувчи манбаларни аниқлаш зарур. Мутахассислар “таҳдид манбалари” тушунчасини турлича талқин этади. Жумладан, улар таҳдид манбаларини ижтимоий муносабатларнинг турли субъектлари — давлат ташкилотлари, мансабдор шахслар, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар, баъзан эса алоҳида шахслар фаолияти билан боғлайди. Шунинг ўзиёқ кўрсатиб турибдики, таҳдид манбаларини жўнгина аниқлаб бўлмайди. Умуман, таҳдидни кимлар амалга оширгани эмас, уни келтириб чиқарувчи омилларни ўрганиш муҳимроқдир.

Таҳдиднинг икки турини ажратиш кўрсатиш мумкин. Биринчиси — табиат ҳодисалари билан боғлиқ таҳдид. Таъкидлаш жоизки, таҳдиднинг бу тури инсон фаолияти билан мутлақо боғлиқ эмас. Бундан ташқари, инсоннинг табиатдаги табиий жараёнларга ноўрин аралашуви натижасида ҳам ушбу таҳдид келиб чиқиши мумкин. Одатда бундай аралашув жамият тараққиётининг муайян босқичида, ижтимоий ҳаётдаги янги эҳтиёжлар ҳосиласи ўлароқ юзага келади.

Иккинчи турдаги таҳдидлар бевосита ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ. Уни ўз навбатида

яна икки турга бўлиш мумкин: жамият ҳаётининг у ёки бу жабҳасидаги ички ва ташқи зиддиятлар ҳамда улардан келиб чиқадиган ижтимоий жараёнлар. Улар кўпинча миллий манфаатларга қарши қаратилган бўлади. “Миллий манфаатлар” тушунчаси эса, бирон бир давлат ёки миллатнинг бошқалари билан ўзаро муносабатларига чамбарчас боғлиқдир.

Халқаро майдонда миллий манфаатлар муайян давлат тимсолида намоён бўлади. Шунинг учун халқаро сиёсат таъбирича, миллий манфаатлар ҳақида гап кетганида, давлат манфаатлари назарда тутилади. Ёки аксинча, давлат манфаати ўзида миллат манфаатини мужассам этади. Бинобарин, миллат манфаати мустақил давлат ва фуқаролик жамияти манфаатлари бирлигидан иборат.

Миллий манфаатларни аҳамиятига кўра қуйидагича тасниф этиш мумкин.

Биринчиси — тўлақонли ривожланишни таъминлашга, шахс камолига, давлат ва жамият тараққиётига хизмат қиладиган муҳим ҳаётий эҳтиёжлар.

Иккинчиси — давлат, жамият ва шахс манфаатлари билан бевосита боғлиқ бўлмаган эҳтиёжлар.

Таҳдид — мазкур манфаатларга қарши йўналтирилган ҳаракат. Таҳдид манбалари турлича бўлиши мумкин. Жумладан, бирон хорижий давлат (давлатлар), уюшган гуруҳ, алоҳида шахслар, шунингдек, экологик, иқтисодий жараёнлар ва ҳоказо.

Давлатнинг қудрати, миллатнинг кучи ҳар қандай ички ва ташқи таҳдидга қарши тура олиши, ундан устун келиш салоҳиятига қараб белгиланади. Шу маънода, мамлакатимиз Президентининг хавфсизликка таҳдид бўйича айтган фикрлари давлат ва миллат манфаатларини ҳимоя қилишда назарий манба вазифасини ўтаса, ҳар бир фуқаронинг огоҳлиги, ҳуқуқий, маърифий билимдонлиги ҳар қандай таҳдидни бартараф этишнинг асосий шартидир.

Азиз МИРЗАЕВ,

Тошкент Юридик
институту докторанти

Geosiyosatda mondializm nazariyasi

Ўтган асрнинг асосий геосиёсий қарама-қаршилиги совуқ урушда ўз аксини топди. Ўша даврда жаҳон ҳамжамиятининг келажакга тўғрисида турли назариялар яратилди. Айримлар ядровий апокалипсис дунёга яқун ясагини таъкидлаган бўлса, бошқалари Шарқ ва Ғарб ўртасидаги зиддият охири-оқибатда ягона сайёравий ҳукмронликка бўйсунуш билан яқун топишини башорат қила бошлади. Айнан ана шу кейинги назария мондиализм номи билан машҳур. Унга кўра, тўлиқ сайёравий интеграциянинг рўй бериши муқаррар бўлиб, давлатлар, халқлар, миллатлар ва маданиятларнинг хилма-хиллиги босқичидан ягона дунё, яъни “one world”га ўтиш амалга ошади.

Ушбу ғоянинг илдизларини ўрта асрларга ва узоқ ўтмишга бориб тақаладиган баъзи утопик назарияларда кўриш мумкин. Бундай таълимотларга кўра, тарихнинг қайсидир кульминацион даврида ердаги барча халқлар ягона салтанат остида бирлашади ва узоқ давом этган зиддиятлар барҳам топади (мондиалистик утопиянинг соф хаёлий кўринишларидан ташқари рационал кўринишлари ҳам мавжуд бўлган. Улардан бири позитивист Огюст Контнинг “Учинчи эра” таълимоти ёки Лессингнинг гуманистик эсхатологиясидир).

Мондиалистик ғоялар кўпроқ бетараф позицияда бўлган турли касбдаги овруполиклар, инглиз социалистлари, шунингдек, шўроларга хос бўлган. XIX аср охиридан бошлаб жаҳон бизнес оламидаги йирик шахслар томонидан шу руҳдаги ташкилотлар тузилгани маълум. Масалан, “Айлана стол” гуруҳини тузган сэр Сэйил Роудс, бу гуруҳнинг аъзолари “Ягона дунё ҳукумати”ни тузиши ва бутун дунёда тўсиқсиз савдо тизимини ўрнатишга ҳисса қўшиши” шарт эди. Бу суҳбатларда кўпинча социалистик мотивлар либерал капиталистик ғоялар билан боғланиб кетар ва коммунистлар ушбу ташкилотларда йирик молия капиталининг вакиллари билан ҳамкорлик қилар эди. Уларнинг барчасини сайёранинг бирлашиши ҳақидаги утопик ғояга ишонч боғлаб турган. Шуниси диққатга сазоворки, рус олими А.Дугин фикрича, Миллатлар Лигаси,

кейинчалик БМТ ва ЮНЕСКО каби нуфузли ташкилотлар ҳам ана шундай мондиалистик руҳдаги ташкилотлар сирасига киради. XX аср давомида бундай ташкилотлар ортиқча шов-шувлардан қочиб, кўпинча яширин, сирли фаолият юритиб, ақсар ҳолларда номини ўзгартирган.

Барча мондиалистик лойиҳаларнинг асосий йўналиши “демократик”, “гуманистик”, “прогрессив” кадрятлар ва Ғарбнинг стратегик устуворлиги остида ягона дунё тизимига ўтишдан иборатдир. Аммо мондиализмга қарши кайфиятлардан халос бўлиш мақсадида сиёсатчи, журналист, зиёли, молиячи ҳамда таҳлилчилардан иборат параллел тизимлар тузилди. Мутахассислар фикрича, бундай тузилмалар “Ягона дунё ҳукумати” лойиҳасини кенг оммага эълон қилиш олдидан замин сифатида ташкил қилинган. Чунки бундай оламшумул дастурнинг кутилмаганда эълон қилиниши кучли қаршиликларни туғдириши мумкин эди.

Узоқ вақт давомида Франция президенти Франсуа Миттераннинг маслаҳатчиси ҳамда бир оз муддат Оврупо Тикланиш ва тараққиёт банки директори бўлиб ишлаган Жак Аттали “Горизонт чизиғи” китобида шунга ўхшаш назарияни ишлаб чиқди.

Атталанинг фикрича, ҳозир учинчи давр — кадрятнинг универсал эквиваленти бўлган “пул даври” бошланди. Унинг айтишича, бу даврда барча нарсаларни рақамларда ифодалаш орқали уларни рационал тарзда бошқариш осон бўлар экан. Жаҳонда ягона либерал-демократик мафкура, бозор тизими ва информацион технологияларнинг ривожланиши дунёни яхлит бир кўринишга олиб келиб, бутун тарих давомида ҳукмронлик қилган геосиёсий воқеликлар “учинчи давр”да аҳамиятсиз ҳолга келиб қолади. Натижада Ғарб ва Шарқ ўртасидаги зиддиятни ифода этган геосиёсий дуализм бекор бўлар эмиш.

Лекин ягона дунё бу сафар “геоиктисодиёт” тамойилларига асосланган янги геосиёсий тизимга айланар экан. Биринчи бўлиб “геоиктисодиёт” концепциясини ривожлантиришни тарихчи Фриц Рериг таклиф қилган. Уни Фернан Бродель давом эттирган. “Геоиктисодиёт”

мондиалистик геосиёсатнинг ўзига хос кўри-ниши бўлиб, бунда геосиёсий ёндашувнинг мазмунини ташкил қилувчи жуғрофий, маданий, мафкуравий, этник, диний ва бошқа хусу-сиятлар эмас, балки соф иқтисодий муноса-бат устувор омил сифатида тан олинади.

Геосиёсат тарихида муҳим ўрин эгаллаган бундай тадқиқотлар бевосита халқаро муно-сабатлар амалиётидан келиб чиққан ва зару-

рий тарзда ривожлантирилган. Шу нуқтаи назардан, кейинги ўн йилликларда геосиёсий жараёнлар жадал кечаётган Марказий Осиё олимлари учун бундай тадқиқотларнинг ўрни бекиёсдир.

Ақтам ЖАЛИЛОВ,

*Давлат ва жамият қурилиши
академияси доценти*

Rossiya va Xiva: elchilik missiyalari

XVIII асрда Хива хонлиги ва Россия учун ўзаро савдо-иқтисодий, сиёсий алоқаларни мустақамлаш ҳаётий эҳтиёж эди. Шу боис бу даврда Хива хонлигидан Россияга ва ўз навбатида, Россиядан Хивага бир неча бор элчилар гуруҳи жўнатилган.

Хар иккала давлат ўртасида элчиларнинг борди-келдиси савдо алоқаларига ижобий таъсир қилган. Ўзаро манфаатли савдони ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш элчилик миссиясининг муҳим вазифаси саналган. Бундан ташқари, Россия томонини Хива асирлигида қолган рус фуқароларининг аҳволи қизиқтирар эди. Подшоҳ ҳукумати ўз фуқароларини дипломатик йўл билан озод қилишга эриша олмагач, ҳарбий тазйиқ режасини тузган. Петербургнинг Хивада ўз консулига эга бўлиши масаласи ҳам рус расмий доираларида кўплаб мунозараларга сабаб бўлган.

1700 йили Россияга Хива хони Шоҳ Ниёздан Пётр Биринчига Дўст Баҳодир исмли элчи ёрлик олиб бориб топширган. Мазкур хон ёрлигида қўл остидаги райат билан биргаликда Россия фуқаролигига ўтиш учун подшоҳдан изн сўралган. 1700 йил 30 июнда Пётр бу таклифга рози бўлган ҳамда ёрликқа имзо чеккан. Ушбу ёрлик кейинчалик, 1703 йилнинг майида Шоҳ Ниёз ўрнига Хива хони бўлган Араб Муҳаммадга жўнатилган.

Лекин ўша даврда Осиё мамлакатларида фуқаролик масаласига қараш Овруподагидан ўзгачароқ эди. Фуқаролик ҳақидаги 1703 йилги мурожаат орқали Хива ҳукмдори Бухоро амири раъйига қарши борган эди. Чунки бу вақтда Хива Бухоронинг кучли таъсири остида эди.

1714 йили Москвага келган Хива элчиси

Ашурбек рус подшоҳига Хива тахтига Ҳожи Муҳаммад Баҳодирхон ўтиргани ҳақида хабар етказди. У айна пайтда Хива хонининг Аму-дарёнинг аввал Каспий денгизига қуйилган жойида қалъа қуриш таклифини ҳам келтиради. Дастлаб элчи Пётр томонидан илиқ қабул қилинган. Бироқ кейинчалик Пётр Биринчининг буйруғи билан Хива элчисининг юклари мусо-дара этилиб, ўзи ҳибсга олинган. Элчининг кейинги тақдири номаълум.

Россия ҳам Хива хонлигига ўз вакилларини жўнатган. 1714 йил 29 майда княз Александр Бекович-Черкасский Хива хонига тахтга ўтириши муносабати билан кўтлов олиб бориш ва у ердан Бухорога ўтиш вазифаси билан жўнатилади. Кейинчалик экспедиция мақсади ўзгаради. Экспедиция уч этапга бўлинган: 1715 ва 1716 йили Каспийга ва 1717 йили эса Хивага юборилган. Бу экспедициянинг фожиавий оқибатлари барчага маълум.

Шундан сўнг Россиянинг Хива хонлиги билан алоқалари узилиб қолган. 1720 йили Хива хони Шерғозихон томонидан Аваз Муҳаммад Петербургга элчи қилиб жўнатилади. Хоннинг ўзаро савдо алоқаларини тиклаш ҳақидаги илтимоси натижа бермайди. Аваз Муҳаммад император фармонига кўра ҳибсга олинади. Оқибатда у 1721 йили тутқунликда вафот этади.

Мазкур воқеа муносабати билан узилиб қолган давлатлараро муносабатлар 1727 йил 22 апрелидан, Россия подшоҳининг махсус фармонидан кейин тикланади. Яна элчилар қатнови йўлга қўйилади.

1739 йилнинг 15 сентябрида Хива хонининг элчиси Ортиқ Рўзимбоев Москвада қабул қили-

нади. Бу элчиликнинг асосий мақсади Хивага қуроллар, совут ва пўлат олиб келиш бўлган. Бироқ бу Россия қонунида тақиқланган эди. Элчининг иккинчи илтимосномаси Россия шаҳарларида яшаётган Хива савдогарлари оилаларини олиб кетишга рухсат сўрашдан иборат эди. Бу илтимоснома ҳам рад этилади. Элчи Ортик Рўзибоев Хивага Нодиршоҳ қўшинлари бостириб киргани туфайли Россиядан паноҳ сўрайди. Унга Самара шаҳрида яшашга рухсат берилади.

Бу пайтда Хивада Россия элчилари поручик Д.Гладишев, ер ўлчовчи И.Муравин, муҳандис Назимов ва таржимонлар Назаров ҳамда Арслоновлар фаолият олиб бораётган эди. 1740 йили В.Татищевнинг ташаббуси билан улар Сирдарёнинг қуйи оқимлари бўйлаб разведка мақсадида жўнатилади. Олинган топшириққа кўра, улар Кичик Ўрда хони Абулхайрхон билан учрашишлари керак эди. 1717 йили Россия фуқаролигини қабул қилган хон 1730 йили иккинчи маротаба фуқаролик олмоқчи бўлади. Лекин Хивага хон этиб сайлангач, Абулхайрхон у ерга жўнаб кетади. Гладишев ва Муравин экспедицияси 1740 йили Хивага келади. Хива айни ўша кезде Нодиршоҳ босқинини бошидан кечираётган эди. Нодиршоҳ Россия ҳомийлигида бўлган Абулхайрхон билан битим тузишга мажбур эди. 12 ноябрда Хўжайлида Абулхайрнинг ўғли Нурали хонликка узил-кесил сайланади. Абулхайрнинг ўзи эса Гладишев ва Муравин билан қароргоҳига қайтади. Рус зобитлари 1741 йилнинг апрелида Орсқ қалъасига эсон-омон етиб олади. Орадан 4 ой ўтиб, Гладишев яна Абулхайр ҳузурига жўнатилади. Улар 1742 йилнинг январиди Амурдорёнинг қуйи оқимида учрашади. Гладишевга бу гал Нуралихонга “Россия империясига содиқлик учун қасамёд қилиш” варақасини олиб бориш вазифаси юклатилган эди. Лекин бу варақани у Абулхайр қароргоҳигача олиб боради, холос. Гладишев ҳужжатни чопар орқали жўнатади. Аммо рус ҳукуматининг Нуралихон билан бўлган алоқалари самарасиз тугайди.

Нуралихон сарой ўйинлари олдида ожиз эди. Кейинроқ у тахтдан маҳрум этилди. Унинг ўрнига эса Нодиршоҳнинг розилиги билан Хива хони Элбарснинг ўғли Абулғози Иккинчи хон бўлади. Хива хонлигидаги сарой ўйинлари XVIII асрнинг 60-йилларига келибгина барҳам топади.

Россия билан савдо алоқаларини кенгайтириш масалалари ҳар доим Хивадаги соғлом фикрлайдиган сиёсий арбоблар ва бой савдогарлар диққатини жалб қилган. 1743 йили Хива хони Абулғозихон номидан элчи Оллоберди Петербургга халқлар ўртасида савдо

алоқаларини кенгайтириш таклифи билан жўнатилади. 1745 йили эса хон вакили Ҳожи Муҳаммад Охун Мулла Турсунов Астраханга боради. Лекин Россия Хива хонлигининг мустақиллигига шубҳа билан қарагани боис у саройга киритилмайди.

1753 йили Оренбургдан Хива томон биринчи йирик савдо қарвони йўлга чиқади. Қарвон таркибида бўлган самаралик савдогар Данил Рокавкин Оренбургдан Хива ва Бухорогача йўлда кўрган-кечирганларини қайд қилар экан, савдо қарвони ҳукмдор Елизавета Петровна амри билан жўнатилаганини ёзади. Д.Рокавкин жуғрофия, иқтисодий ва этнографияга оид қимматли маълумотларни йиғади. Хива ва Россия ўртасидаги савдо алоқаларининг самарасизлиги сабабларини излашга уринади.

Рус амалдорлари Гуляев ва Чучалов ҳам Россия билан Хива ўртасидаги дипломатик алоқалар ва бу йўлдаги қийинчиликлар ҳақида ёзган. Чунки А.Бекович-Черкасский экспедицияси билан боғлиқ воқеалар ҳали-ҳануз иккала томонни ҳам гўёки ишонсизлик ва эҳтиёткорликка ундар эди.

Шунга қарамай, ўзаро элчилар юбориш тўхтаб қолган эмас. Россия билан Хива хонлиги ўртасидаги элчилик алоқалари орқали савдо муносабатларини ривожлантириш, божхона божларини камайтириш, тижорат билан шуғулланиш учун хавфсиз шароитлар яратиш масалалари муҳокама қилинади ва имкон қадар ўз ечимини топади. Лекин ҳар иккала давлат ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий муносабатлар кўпда ҳуқуқий асосга эга бўлмаган. Сабаби — келишувлар шартнома билан тасдиқланган эмас.

Бироқ Россия ҳукумати узоқни кўзлаган режа асосида Ўрта Осиёда ўз сиёсий таъсирини ўрната боради. Россия 1731-1735 йиллари қозоқларнинг Кичик ва Ўрта жузи орасида кучли сиёсий мавқени қўлга киритади. Россия, шарқий чегараларини ўз фуқароларидан ҳимоя қилиш мақсадида, бир неча ҳимоя чизиклари барпо этади. Улар Урал, Оренбург, Ишим ва Иртишдаги истехкомлар эди. Бу ерда 46 та қалъа бунёд этилади. Россиянинг диққат-эътибори асосан қозоқ даштларини тинчатишга қаратилади. Шу боис бу даврда Хива хонлиги билан алоқаларга етарли даражада эътибор қаратилмайди. Натижада ҳар икки давлат муносабатларидаги кўпгина чигал масалалар ўз ечимини топмай, кейинги XIX асрга залворли юки билан ўтади.

Хондамир ҒУЛОМОВ,

ЎЗМУ доценти

Raʼbarning maʼnaviy madaniyati

Республикамиз тараққиётидаги ҳозирги бурилиш даврида инсоннинг маънавий-қасбий ва ахлоқий-сиёсий савиясига қўйиладиган талабларнинг характери тубдан ўзгарди. Жамиятимиз тараққиётида кузатилаётган ҳар бир соҳанинг техник таъминланиш даражасининг ошиб бориши маънавий жиҳатдан ҳам юксалишини тақозо қилмоқда. Бу жараён моддий ишлаб чиқаришнинг техник ва иқтисодий жиҳатдан мураккаблашиб боришига олиб келиши билан бир қаторда раҳбар ходимларнинг ташкилотчилик фаолиятига ҳам юқори талаблар қўймоқда. Бугунги раҳбар юқори технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, ускуналарни янгिलाб бориш эвазига меҳнат унумдорлигини ошириш, ўзи раҳбарлик қилаётган соҳани ривожлантиришга эришиши лозим.

Ижтимоий тараққиётнинг бу тарзда интенсивлашуви раҳбарнинг илмий ва маънавий маданиятини ошириб боришни тақозо этади. Ривожланишнинг қай даражада бўлиши бевоқиф раҳбарнинг маънавий маданияти, билими ижтимоий-сиёсий онгининг теранлигига боғлиқ.

Раҳбарнинг маънавий маданиятини белгиловчи муҳим жиҳатлардан бири унинг маънан собитлигидир. Раҳбарда бу хислатнинг мавжудлиги унинг ўз эътиқоди ва дунёқарашига зид бўлган таъсирларга қарши тура олиши, турли вазиятларда муносабатларни ижобий томонга ўзгартира билишида кўринади.

Таъкидлаш жоизки, раҳбар маънавий етуқлигининг ўзигина ишлаб чиқариш ёки билим олиш самарадорлигини белгилай олмайди. Бу ишлар раҳбарнинг ўз шахсий намунаси, ишлаб чиқаришни талаб даражасида йўлга қўя билиши, ходимлар меҳнатини кадрлаши, уларни маънавий ва моддий рағбатлантириб бориши, бир сўз билан айтганда, инсон омилига муттасил равишда эътибор бериши билан мустаҳкамланади. Мазкур омиллар нафақат иқтисодий самара беради, балки соф маънавий муҳит ҳам яратади. Шу ўринда раҳбар маънавий маданиятининг моҳияти ва хусусиятлари ҳақида фикр юритиш ўринлидир. Маънавий маданият ўзи нима?

Маънавий маданият — шахс ботиний (ички) ривожланишининг мужассамлашган қисmidир.

Маънавий маданият миллат томонидан аждодлардан ўзлаштирилган, шунингдек, катта авлод томонидан эришилган барча ғазилатлар мажмуи билан характерланади. Маънавий маданиятнинг туб моҳияти ва хусусиятларини англаш учун энг аввало маданият, ахлоқ, маънавийлик каби тушунчаларнинг моҳиятини билиш лозим.

Маданият — инсон фаолияти усули, унинг ривожланиш мезонидир. Маданият тарихий ҳодиса, тарих маҳсули бўлиб, унда ижтимоий фаолият ютуқлари қарор топади ва у орқали бу ютуқлар кейинги авлодларга узатилади. Лекин маданият жамият томонидан яратилган моддий ва маънавий қадриятлар мажмуигина эмас, балки у инсон фаолиятининг ўзига хос муайян сифат кўрсаткичи ҳамдир.

Инсон мукамал маънавий маданиятга эришиши учун ўзида барча одоб, хулқ, ахлоқ сифатларини мужассамлаштирган бўлиши лозим. Мазкур сифатлар инсоннинг билимларни эгаллаши, маданият ва маърифатга интилиши натижасидир.

Одоб, хулқ, ахлоқ нормаларига риоя қилиш инсон эркинлигини чегаралаб бўлиб кўринса-да, аслида бу эркинликни таъминлашдир. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, агар инсон ўз хоҳиш ва истакларини чегараламаса, у салбий натижага олиб келади, яъни эркинлик тутқунликка айланади. Масалан, инсонда бойлик тўплаш истаги чегараланмаса, у бориб-бориб бойлик қулига айланади. Унда бировларнинг молига кўз олайтириш ва ҳасадгўйлик хусусиятлари ривожланади. Шунингдек, жиловланмаган шухратпарастлик, ҳокимиятга интилиш, бировларнинг сирига қизиқиш, эгаллаб турган мавқеига ҳасад қилиш ва бошқа ҳолатлар шахснинг кишанига айланади.

Эркинликнинг чегараланиши қандай бўлиши керак? Инсон ўз хоҳишини чегаралаш, иродасини шакллантириш учун нимага суяниши лозим? Бунинг бирдан-бир йўли — инсон ўз билимини ошириб боришидир.

Билим инсонинг хоҳиш-истакларини чегаралай билиши, ўзини ташқи тазйиқ ва таъсирлардан ҳимоя қилиши воситасидир. Қисқача айтганда, маънавиятли бўлиш бу — кўнгил хоҳишини жиловлай билишдир. Маънавиятлилик — кўр-кўрона мулойимлик, сохта мулозамат эмас, балки бошқаларнинг ҳаётини кўркамлаштириш, жамиятда соғлом муҳит яратишдан ва самимий муносабатда бўлишдан завқланишдир.

Маънавиятли инсон ёмонликка қарши фаол курашади, у билан чиқиша олмайди, ўзини ва ўзгаларни идеал тарбияланган инсонлар даражасигача кўтаришга ҳаракат қилади.

Раҳбарларнинг маънавий маданиятини куйидаги босқичларга ажратиб қараш мақсадга мувофиқдир.

Паст савиядаги маънавий маданият. Бундай шахслар оддий ахлоқий фазилатлардан ҳам мосуво ва жамият маънавий нормаларини менсимайдиган кимсалардир.

Ноқис маънавий маданият эгалари ахлоқий даражаси паст бўлиши билан бирга жамоат фикри, оила анъаналари ва бошқа шу каби қадриятлар билан боғлиқ маданиятни тез-тез бузиб турадиган шахслардир.

Кўр-кўрона маънавий маданият. Бу тоифа-

га ахлоқ нормаларини ҳаётий зарурат сифатида ички ишонч ва туйғу билан ўзлаштирмасдан, уларни кўр-кўрона қабул қилувчилар қиради. Бундай маънавий маданият соҳиби бўлган кишилар кўп ўқиб-ўрганади, назарий жиҳатдан юқори билимга эга бўлади, амалда эса бу билимларни қўлламайди.

Рухий-пассив маънавий маданиятли шахслар яхшилик ва ёмонлик, тўғрилиқ ва адолатсизликни ўткир ҳиссиёт билан қабул қилади. Уларда ахлоқий билимлар етарли, аммо уларни рўёбга чиқариш учун ирода етишмайди.

Маънавий маданиятнинг юқори чўққисини эгаллаган шахсларда чуқур билим, тафаккур теранлиги, ҳиссиётларнинг бойлиги ва амалий ҳаракатлар бирлиги намоён бўлади.

Кўриниб турибдики, маънавий маданиятнинг юқори чўққисига эришган раҳбар ходим одоб, хулқ, ахлоқ категорияларини ўзида кўникмага айлантириши лозим. Бу эса ўзининг интеллектуал савиясини ҳар томонлама бойитиб боришни тақозо этади. Шундагина раҳбар муносиб етакчига айланади.

Раҳима МАМАТҚУЛОВА,

Миллий университет доценти

Муаммонинг yechimi

Инсон омилини фаоллаштиришдан кўзда тутилган асосий мақсад халқ фаровонлигини ошириш, мамлакатни тараққий эттириш, жамиятни барқарор ривожлантиришдир. Кишиларнинг ҳаёт кечириш шароитларини яхшилаш, уларнинг тобора ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш шуни тақозо этади.

Ҳар қандай ислоҳот ва тараққиёт охири-оқибат қонун устуворлиги нечоғлиқ таъминлангани билан боғлиқ. Бинобарин, ислоҳотларнинг қонунчилик базаси доимий равишда мукаммаллаштириб бориши лозим. Чунки у инсон омили фаоллиги ошиши ва тадбиркорлик муносабатларининг шаклланишида асос вазифасини ўтайди.

Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг мустаҳкам боғлиқлиги уларнинг меҳнат самарадорлигини оширишга йўналтирилганида кузатилади. Масалан, коммунал хўжаликдаги меҳнатнинг самарадорлиги аҳоли учун қулай турар-жой шароити яратади. Соғлиқни сақлаш тармоғи — фаолият объекти ўлароқ, инсон соғлигини мустаҳкамлаш, иш кучи сифатидаги меҳнат салоҳиятини қайта тиклаш вазифасини бажаради. Бу орқали уларнинг моддий ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларидаги меҳнати самарасини оширишга эришилади. Таълим тизими эса илмий ва маданий даражани ўстириш учун шароит яратади.

Бозор муносабатлари шароитида ижтимо-

ий инфратузилма аҳолига хизмат кўрсатишнинг кенгайишига ёрдам беради. Бу — аҳолини иш билан таъминлаш, моддий ва номоддий соҳаларда ходимлар бандлигини оптималлаштириш, турли мулкчилик шаклидаги хўжалик юритиш усулларини ривожлантиришга кенг йўл очади.

Ҳозирги кунда аҳолининг меҳнат фаолиятини энгиллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, турмуш даражасини узлуксиз ўстириш бўйича давлат сиёсати олиб борилаётганига қарамай, ишлаб чиқариш билан истеъмол, эҳтиёж билан талаб ўртасидаги фарқ тобора ўсиб бормоқда.

Ишлаб чиқаришда инсон омилини фаоллаштириш кўйидагиларга асосланиши лозим:

— ишлаб чиқаришнинг асосий омили, бу — шахс бўлиб, у ишлаб чиқаришнинг жамоавий омилига қарама-қарши туради;

— ишлаб чиқариш жараёнида инсон омили ўзида меҳнатга лаёқатлилики намоён этади. Меҳнат унумдорлигининг ўсиши асосан ишлаб чиқаришга, янги техникани жорий этиш, ходимларни рағбатлантириш ва ижтимоий турмуш шароитларини энгиллаштиришга боғлиқ;

— меҳнатга лаёқатлилиқ ходимдан алоҳида ҳолда мавжуд эмас. Шунинг учун меҳнатга лаёқат шахсга тааллуқли — жамоа мулки эмас;

— шахс эҳтиёжларини тўлиқ таъминлашнинг асосий манбаи ва моддий асоси меҳнат унумдорлигининг узлуксиз ўсиши асосида мулкчиликнинг барча шаклларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳисобланади.

Инсон омилини фаоллаштириш фуқаролар турмуш даражасини юксалтириш йўналишида белгиланган ижтимоий-иқтисодий вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишдан иборат бўлиб, бунда саноат корхоналари қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга молиявий ёрдам кўрсатиши керак. Чунки аҳолисининг 70 фоизидан кўпроғи қишлоқ жойларда истиқомат қиладиган Ўзбекистон шароитида халқ фаровонлигини ошириш учун соҳалар доирасида эмас, балки умумиқтисодий комплекс миқёсида муаммоларнинг ечимини топишга ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқ.

Дилдора ИСЛОМОВА,

Тошкент Техника
университети тадқиқотчиси

Sohibqiron shaxsiyati: haqiqat va uydirma

Ўрта аср ёзма манбаларида Амир Темур шахсига икки хил ёндашув кузатилади. Аксарият тарихчилар, темурийлар хизматида бўлгани учун, ўз даври ахлоқ-одоби тақозоси ҳамда ички ҳурмат-эҳтиром таъсирида, Амир Темур шахсига баҳо беришда маълум даражада муболағага йўл қўйган бўлса, айрим манбаларда ғаразли муносабат ва асоссиз танқидлар ҳам учрайди. Жумладан, Фиёсиддин Али Яздий “Рўзномаи ғазовоти Ҳиндистон” асарининг “Ҳамд” қисмида Оллоҳга Амир Темурдай буюк шахсни яратгани учун ҳамду сано айтиш керак, деб уни кўкларга кўтарган.

Низомиддин Шомийнинг фикрича, “...Унинг

хайрли ишлари, расм-русумлари, феъл-атвори ва сўзларининг натижалари (таъсири) фақат йиллар эмас, кўп асрлар давомида замона (саҳифаси)да боқий қолади...” (Низомиддин Шомий. Зафарнома. Т., 1996, 20-бет).

Шарафиддин Али Яздий Соhibқиронга таъриф берар экан, “У шундай бир хилофатпаноҳким, Фаридун ҳашамати ва Исфандиёр шижоатини Зуннун поклиги ва Молики динор ибодати билан биргаликда (ўзида) мужассамлаштирмиш ҳамда Тангри мадади йўлида бахтиёр подшоҳлар улғуворлиги ва қудрати валийликни шиор этган гўшанишинлар ҳаёт тарзига бўйсундирмиш” деб ёзган. Муаррих Амир Темурга берилган бу таъриф-

ни "...Хушомадгўйликдан узоқ ва иккиюзламачиликдан нари ҳамда муншийчасига (тузилган) асарлару шоирона сўз безашлар қабилдан эмас..." деб баҳолайди (*Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Т., 1994, 34-бет*).

Баъзи манбаларда Амир Темур шахсига нисбатан ғаразли муносабат ҳам учрайди. Масалан, Ибн Арабшоҳнинг "Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур" асари ҳамда рус солномалари, арман афсоналари каби манбаларда Амир Темур шахсияти хусусида кўплаб асоссиз, унинг шаънига тўхмат тарзидаги фикрлар кўзга ташланади.

Шунга қарамай, Амир Темур ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги манбаларнинг аксариятида унинг шахсияти, фазилати ва ибратли фаолияти асосли тарзда очиб берилган. Амир Темурнинг илмий салоҳияти, иқтидори хусусида йирик араб алломаси Ибн Халдун "У ўта ақлли, билимдон, фаросатли, кўп баҳслашадиган киши эди" деб ёзади (*А. Ҳабибуллаев. Амир Темур ва Ибн Халдун. Т., 2004, 9-бет*).

Ибн Арабшоҳ асарида ғаразли фикрлар билан бирга Соҳибқирон шахсияти хусусида қимматли маълумотлар ҳам ўрин олган. Муррихнинг ёзишича: "Амир Темур хотираси шу қадар кучли эдики, тарихий китобларни ўқиб бераётган қиссаҳонлар хато қилсалар, Соҳибқирон уларнинг хатоларини тўғрилар эди" (Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (*Темур тарихида тақдир ажойиботлари. Иккинчи китоб. Т., 1992*)).

Алишер Навоий Соҳибқирон ҳақида, «Темур Кўрагон — агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдур, аммо назму насрни андоқ хўб маҳалу мавқеъда ўқибдурларким, анингдек бир байт ўқиғон минг яхши байт айтқонча бор» деб ёзади (*Алишер Навоий. Мажолис-ун-нафоис. Т., 1960*).

Султония епископи Иоанн Гринло Соҳибқиронни бундай таърифлайди: "Темурбек араб, форс ва турк тилларида бемалол сўзлашади. Илми Куръон ва илми фикҳда шунчалик забардастки, ҳеч қандай мусулмон олими у билан бу мавзуда беллаша олмайди. ...Темурбекдек мустаҳкам хотирага эга киши дунёга келмаган бўлса керак" (*Иоанн Гринло. Темурбекнинг қудрати ва саховати. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1995, 23 июнь, 25-сон*).

Б.В.Луниг Соҳибқиронга қуйидагича таъриф берган эди: "Амир Темур беназир шахсий фазилатлар соҳиби, музаффар саркарда, улкан салтанат бунёдкори, ҳайратомуз иқтидорли ташкилотчи, ёрқин ва ўзига хос ноёб истеъдодли шахсдир" (*Луниг Б.В. Новая книга о Тимуре и несбывшиеся надежды её читатель, 60-61-стр*).

Хорижлик олимлар В.Череванский, Ҳ.Хукхем, Л.Керен Амир Темур шахсини алоҳида ўрганган.

В.Череванский Амир Темурнинг таваллуди, тарих саҳнасида чиқиши, юришлари, жаҳон маданиятида тутган бекиёс ўрни ҳақидаги ривоятларнинг хилма-хиллиги унинг оламшумул аҳамиятидан далолат беради, дея Соҳибқирон шахсиятини юксак баҳолайди.

Х.Хукхем эътирофича, "Темур ўзининг фавқулудда нодир салоҳияти туфайли ўта толеи кулган шахс бўлган".

Лекин манбалардаги ушбу маълумотларга қарамай, 1991-93 йилларда чоп этилган айрим ўқув қўлланма ва дарсликларда Соҳибқирон шахсига ноҳолис муносабат ҳам кўзга ташланади. Жумладан, Г.А.Ҳидоятлов «Темур ўқиш ва ёзишни ўрганмаган бўлиб, турк ва форс тилларида гапирарди» деб ёзса, М.Г.Исҳоқова, В.А.Костецкийлар «Темур деярли саводсиз бўлса ҳам, тарих, фалакиёт, тиббиёт ва айниқса, жуғрофия фанлари соҳасидаги билимдонлиги билан олимларни ҳайратда қолдирар эди» деган мантиқсиз фикрни илгари суради. Ушбу нашрларда собиқ мустабид мафқуранинг таъсири яққол сезилади.

Кейинги тадқиқотлар ва айниқса, Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги халқаро миқёсда нишонланиши Амир Темур халқимизнинг фаҳри, гурури эканини бутун жаҳонга исботлади.

Хулоса сифатида шунини қайд этиш жоизки, ёзма манбалардаги маълумотларда Соҳибқирон Амир Темурнинг юксак даражада билимли шахс экани баён этилган ва улар мустақиллик давридаги тарихшуносликнинг тадрижий тараққиёти жараёнида асосли фикрлар сифатида қайта эътироф этилди.

Озода РАҲМАТУЛЛАЕВА,

Тошкент Педагогика
университети катта ўқитувчиси

Хонақоҳ — та'рифат maskani

Тарихий манбаларда “хонақоҳ” атамаси ва у ҳақдаги илк маълумотлар қорахонийлар, ғазнавийлар маънавияти ва маданиятига доир адабиётларда, шунингдек, Жалолиддин Румий, Шарафиддин Али Яздий, Алишер Навоий, Хондамир, Захириддин Муҳаммад Бобур асарларида учрайди. Хусусан, Алишер Навоий фуқаро фаровонлиги, ғариб ҳамда мусофирлар фароғати учун кўплаб иншоотлар қурдирган. Тарихчи Хондамир бундай иншоотлардан баъзиларини санаб ўтади: 52 работ, 18 масжид, 3 мадраса ва хонақоҳ, 16 кўприк, 19 ҳовуз, 9 ҳаммом ва бошқалар (*Хондамир. Мақоримул-ахлоқ. Т., 1967, 67-68-бетлар*).

Навоий Инжил канали бўйида ҳашаматли “Ихлосия” мадрасаси ва унинг қаршида ғоят кўркам “Халосия” хонақоҳини қурдиради. У “Вақфия” асарида бу ҳақда шундай ёзади: «Ихлосия» мадрасаси муқобаласидаким, мазкур бўлгон шориънинг жанубий ҳадди бўлғай — хонақоҳ бино қилинди» (*А. Навоий. “Вақфия”. Асарлар, 15 томлик, 13-т. Т., 1966, 172-бет*).

Хондамирнинг гувоҳлик беришича, “Халосия” хонақоҳида ҳар куни мингдан ортиқ мискинлар зиёфат қилиниб, лазиз таомлар тортилган. Ҳар йили муҳтожларга икки мингга яқин пўстин, босма чакмон, кўйлак, иштон, тақия ва кафш улашилган.

Тарихчи “Ихлосия” мадрасаси ва “Халосия” хонақоҳи даргоҳида йигирма йил давомида минглаб талабалар илм олганини баён этган. Навоий “Вақфия” асарида мадраса ва хонақоҳга бош қилиб “икки олиму покиза мударрис”ни тайин этганини ёзади. Шунингдек, “Ихлосия” мадрасасида дарс олиб борилиш тартибини, “ҳар ҳалқаи дарсда ўн бир толиби илмки, бориси йигирма икки бўлғай”, дея гуруҳдаги талабалар сонини ҳам кўрсатиб ўтади.

Алишер Навоийнинг “Вақфия”, “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”, “Мажолис-ун-нафос” асарларида ёзилишича, Мавлоно Шарафиддин Али Яздий, Шайх Лукмон, Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий, Мавлоно Жалолиддин, Хожа Маҳмуднинг ўз хонақоҳлари бўлган. Шунингдек, Муҳаммад Табодқоний оламдан

ўтганидан сўнг мақбараси ёнида хонақоҳ қурилган ва бу хонақоҳда унинг ўғли Мавлоно Ҳамидиддин дарвешлар ва бошқа сўфийлар билан бирга ибодат қилган.

Алишер Навоий асарларида хонақоҳ атамаси турли маънода қўлланган.

Баъзан, хонақоҳ атамаси фақат гумбазли катта бино, хона, масжиднинг кенг ва катта хонаси ёки ибодат учун ҳужралар сифатида бирёқлама тушуниб келинган. Шунингдек, хонақоҳнинг зиёратчилар учун қурилган жамоатхоналар ёки шайхлар, дарвешлар зикру самоъ қиладиган катта жой деб ҳам талқин этилиши мазкур муҳим ижтимоий институт моҳиятини чеклаб қўяди.

Шуниси маълумки, хонақоҳлар якка ҳолатда бунёд этилмаган. Улар ҳамisha бирон бир бино билан биргаликда, “эгизак” қилиб қурилган. Буни биз Муҳаммад Султон номидан қурилган хонақоҳ ва мадраса, Бибиҳоним мадрасаси ва аввалбошда хонақоҳ бўлган Бибиҳоним мақбараси, Шоҳрух бунёд эттирган “Шоҳрухия” мадрасаси ва хонақоҳи, Улугбекнинг масжид-мадраса ва хонақоҳи, Хожа Аҳмад Яссавий ва Зангиота мақбаралари ва ниҳоят, ҳазрат Алишер Навоий бунёд эттирган “Ихлосия” ва “Халосия” хонақоҳи мисолида кўришимиз мумкин.

“Вақфия” асарида Навоий бу меъморий мажмуага “Неъматобод” деб ном беради. Дарҳақиқат, бу иншоотлар нафақат таълим-тарбия, илм-маърифат ва сиҳат-саломатлик маскани, балки бева-бечораларга эҳсон улаштурувчи табарруқ жой ҳам ҳисобланган.

Агар XV аср охирига қадар хонақоҳлар асосан мадраса қошида қурилган бўлса, таниқли олим Раҳматуллоҳ Қори Обидов фикрича, XVI асрдан эътиборан меҳроби бор диний марказларнинг ҳаммасини хонақоҳ деб аташ расм бўлган.

Хуллас, миллий маънавиятимизнинг муҳим марказларидан бўлиб, халқимиз тарихида чуқур из қолдирган хонақоҳ куйидагича ижтимоий моҳият касб этиб келган:

— маънавият тарқатувчи ижтимоий институт ҳисобланган;

— маърифий муассаса бўлиб, мадрасалар қошида ташкил этилган;

— шаръий масалалар таҳлили, муҳокама-си учун махсус қурилган илмий баҳслар маскани бўлган;

— тасаввуф аҳли учун муқим ижод этиш мумкин бўлган бошпана вазифасини бажарган;

— хонақоҳларда кутубхоналар мавжуд бўлган ва илмий, диний ижодиёт учун моддий ва маънавий шарт-шароитлар яратилган;

— хонақоҳларда шайхлар, мударрислар машгулотлар ўтказган;

— хонақоҳларда диний таълим билан бирага шеърият, тарих, коллиграфия йўналишида изланишлар олиб бориш учун ҳам имкон яратилган.

Наргиза ЮСУПОВА,

Тошкент Педагогика
университети тадқиқотчиси

Gigiyena madaniyati nima?

Жамиятни демократлаштиришда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг бурч ва масъулияти билан уйғунлик касб этади. Табиат ва унинг бойликларини асраш, соғлом муҳит яратиш, маданий-тарихий ёдгорликлар муҳофазасини таъминлаш, ялпи тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашга кўмаклашиш ана шундай бурчлар сирасига киради.

Бугунги кунда йирик ишлаб чиқаришлар натижасида экологик аҳвол ёмонлашиб бораётгани сир эмас. Лекин маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари имкон қадар табиатнинг гигиеник мувозанатини қонуний меъёрлар асосида сақлашга ҳаракат қилаётир. Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш кўмитасидан олинган маълумотга кўра, табиатни муҳофаза қилиш қонунини бузган 574 нафар мансабдор шахсга жарима солинган, табиатга етказилган зарарни бартараф этиш учун 1,5 минг тавсия ишлаб чиқилган. Атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш мақсадида Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати, Бекобод “Ўзметкомбинат”и, Чирчиқ “Ўзбеккимёмаш” акциядорлик жамиятлари катта миқдорда маблағ ажратган (*Хатамов А. “Окружающая среда: тактика чистоты”. “Народное слово”, 2004, 6 февраля.*)

Ҳозирги вақтда атроф-муҳитга гигиеник маданият асосида ёндашув янги гигиеник ҳуқуқни шакллантиришни тақозо этмоқда. Гигиеник ҳуқуқ, бир сўз билан айтганда, кундалик ҳаётда соғлом турмуш тарзи яратишнинг ички қонуний тартиблари кўринишида моддий оламни муҳофаза этиш эркинлигини беради.

Бунинг асосий омилини гигиеник ва экологик маданият белгиласа, унинг амалий объекти эса яна халқ, халқни бошқарувчи ташкилот бўлиб қолади. Гигиеник ҳуқуқнинг меъёрдан ошмайдиган ва бошқа қонуний тартибларга зид бўлмаган даражада акс этишига ҳам жамият аъзолари жавобгар бўлиши даркор.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда, Канада, Финляндия, Янги Зеландия мамлакатларида 1992 йили тажриба тариқасида тамаки рекламаси тақиқланган ва тамаки истеъмоли беш йилдан кейин киши бошига 14-37 фоизга қисқарган. Нью-Йоркдаги муниципал кенгаш эса иш жойларида чекишни бутунлай тақиқлаш ҳақида қарор қабул қилган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги вакили Арун Нанданинг ҳисоботида кўра, Ўзбекистонда ҳам чекишга қарши кураш йўлида аниқ қадамлар кўйилган. Атроф-муҳит муҳофазасини тарғиб этувчи эълон ва кўргазмалар расмлар рекламасига эътибор кучайтирилиб, тамаки чекишга ундовчи рекламалар нисбатан камайтирилган. Шунга қарамай, бу борада ҳали кўп ишлар қилиниши, кескин чоралар кўрилиши лозим. Гигиеник маданият жамият қонунлари билан уйғун равишда атроф-муҳитга муносабат мезонини белгилайди. Шу боис атроф-муҳитнинг гигиеник мувозанатини бузганларга нисбатан жазо белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 193-моддасида “... одамларнинг оммавий равишда касалланиши, экологияга салбий таъсир қиладиган

даражада атроф-муҳитнинг ўзгариб кетишига ёки бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса:

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамок, ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади” деб ёзилган (*Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. Т., Адолат, 1998, 98-бет*).

Қадимдан атроф-муҳит муҳофазаси, уни ифлослантирганларга жазо тайинлаш ҳукмдорларнинг диққат марказида бўлган. Жумладан, “Авесто”да ҳовли эшиги олдига ёки кўчага ахлат тўплаб қўйган фаррош ёки уй бекаси 15 дарра калтак, ерни ифлос қилган ва уни асраш қоидаларини бузган шахс 400 қамчи уриш жазосига гирифтор қилингани баён этилган. Ўрта асрларда ҳукмдорлик қилган Исмоил Со-

моний ўз даврида мамлакатда мавжуд бўлган сув иншоотлари ва сардобаларнинг гигиеник аҳволини кузатиб борган, яъни сардобаларда сақланувчи сувнинг нафақат тиниқлигини, балки тозаллигини ҳам текшириб турган. Кимки атроф-муҳит тозаллигига риоя қилмаса, давлат қонунларига мувофиқ жазоланган. Худди шундай жазо Россияда Пётр Биринчи даврида Нева дарёсига чиқинди ташлаганларга нисбатан ҳам қўлланган.

Хуллас, экология муаммоси ҳар доим муҳим бўлиб келган. Айниқса, бу муаммо ниҳоятда долзарб бўлган бугунги вазиятда атроф-муҳит муҳофазаси учун барча бирдек масъулиятни зиммасига олишига ва ёш авлоднинг ҳам шу йўсинда тарбияланишига эришмоғимиз лозим.

Нилуфар НИЁЗОВА,

ЎЗМУ тадқиқотчиси

Termiziyimi yoki Tabriziy?

Адабиётимиз тарихида тахаллуси бир хил шоирлар кўп. Натижада замонлар ўтиши билан улар ҳақида чалкаш талқинлар пайдо бўлган. Қатрон тахаллусли шоир қисмати ҳам бунга яққол мисол бўла олади. У манбаларда Абу Мансур Қатрон ёки Қатрон ибн Мансур тарзида зикр этилган. Тазкиранавислардан Мухаммад Авфий (1172-1233) уни табризлик деса, Давлатшоҳ Самарқандий (1435-1495) термизлик эканини қайд қилган. Авфийнинг “Лубоб-ул-албоб (1221) ва Давлатшоҳнинг “Тазкират-уш-шуаро”сидаги (1485) эслатмалардан келиб чиқилса, ўз-ўзидан қатор саволлар туғилади: балки иккала тазкирада бир киши ҳақида ёзилгандир? У ҳолда Табриз ва Термиз масалалари кўндаланг туради. Мабодо улар бошқа-бошқа шоирлар бўлса, қайсиниси табризлик ёки қайси бири термизлик эканини аниқлаш зарур.

Авфий шоир ҳақида бундай ёзади: “Ҳақими шараф уз-замон Қатрон ал-Издий ат-Табризий”. Демак ҳақим — унвон, шараф уз-замон — мақтов нисбаси, Қатрон — исм ёки та-

халлус бўлиши эҳтимол. Ниҳоят, ат-Табризий шоирнинг табризлик эканига очиқ ишорадир.

Давлатшоҳ шоирни Қатрон ибн Мансур Ажалий Термизий шаклида эътироф этади ва уни Термиз аҳлидан деб қатъий ҳукм чиқаради. Эрон олими Зарринкуб ўз тадқиқотларида ҳам Қатрон Термизий аслида Давлатшоҳнинг ўйлаб чиқарган уйдирмаси, дейишгача бориб етади. Башарти, Авфий, Анварий ва Давлатшоҳдаги номларни ўзаро солиштирсак, баъзи жумбоқлар анча равшанлашади. Қиёслайлик: Ҳақим Қатрон ат-Табризий (Авфий), Абу Мансур Қатрон (Анварий), Қатрон ибн Мансур Ажалий Термизий (Давлатшоҳ).

Маълум бўлдики, Қатрон бир эмас, икки киши экан. Биринчисининг ҳам исми, ҳам тахаллуси Қатрон, иккинчисининг исми Қатрон ва тахаллуси Ажалий. Қизиги, ҳар иккиси ҳам Қатрон номи билан шуҳрат қозонган. Бири табризлик, иккинчиси эса термизлик. Фақат бунини ҳужжатлар ёрдамида исботлаш лозим.

Манбаларнинг гувоҳлигича, Қатрон Табризий XI асрда яшаган. 1042 йили Табриз зил-

зиласи муносабати билан ёзган қасидаси ҳам буни тасдиқлайди. Носир Хусрав (1004-1088) “Сафарнома”да (Душанбе, 1970) Табризда Қатрон исмли шоирни кўргани, унинг яхши шеър ёзишини қайд этади. Қатроннинг мовароуннаҳрлик шоирлардан Мунжик Термизий ва Дақиқий девонларини севиб таҳсил қилишини таъкидлайди. Қатрон Табриз шаҳри атрофидаги Шодиобод қишлоғида туғилади. Ижодий фаолияти Аррон ва Нахчивонда кечади. Шоирнинг бирмунча муддат Табриз, Ганжа шаҳарларида яшагани маълум. Қатроннинг 1088 йили ҳаёт бўлгани ҳақида маълумотлар учрайди. Шоирнинг таваллуд санаси 1010 йил. Вафоти санасини 1090 йил деб ҳисоблаш мумкин. Қатрон Табризийнинг шеърлар девони 1897 йили ғалат равишда Рудакий (858-941) девони номида Техронда нашр этилган. Бу ҳодисани олимлар турлича изоҳлашади, бирлари Қатрон Рудакий услубига пайров қилган деса, бошқалар мамдуҳ (наср ва Абу Наср)ларнинг бир хил номга эгалигидан деб исботлашга интилади.

Ҳар икки шоир исмида Қатрон ва Мансур такрорланиб келади: табризлик шоирнинг тахаллуси Қатрон, куняси Абу Мансур, термизлик шоирнинг исми Қатрон, тахаллуси Ажалий ва отасининг исми Мансурдир. Қатрон сўзи “қатра”дан (томчи) олинган. Табризийнинг Абу Мансур куняси унинг ҳомийси Абу Мансур Воҳсудон кунясига ҳамоҳангдир. Зотан, сарой шоирлари орасида аксаран мамдуҳ (хукмрон) кунясини ўзига куня тариқасида олиш одат тусига киргани тарихдан маълум. Ҳар икки шоирдаги Қатрон ва Мансур номлари кейинги асрларда уларни бир киши деб гумон қилишга асос бўлган. Табризлик шоирнинг термизлик адаши эса XII асрда яшаб ўтган.

Давлатшоҳнинг айтишича, Қатрон Термизий Термизда таваллуд топган бўлса-да, Балхда муқим яшаган, маълум муддат Марвда ҳам турган. Шоир Анварий унинг шогирди бўлган. Қатрон Балх ҳокими амир Муҳаммад бинни Абу Бакр Қумочга атаб “Қавснома” (“Ёйнома”) асарини ёзган бўлса, Анварийнинг унга бағишланган қасидалари мавжуд. Давлатшоҳ тилга олган бошқа ижодкорларнинг Қатронга нечоғлиқ алоқаси бор ёки йўқлигини аниқлашнинг иложи бўлмади. Бироқ Рашидий Самарқандийнинг Қатронга шогирд экани ҳақиқатдан йиқоқ. Чунки Рашидий даврининг машҳур қаламкаши Амъак Бухорий (вафоти — 1147) билан Самарқандда Қорахоний ҳукмдорлардан

Хизрхон ҳамда Аҳмадхон (1082-1095) саройида мулозим эди. Хизрхон 1079-1082 йиллари ҳукмронлик қилган. Агар бу саналарга эътибор берилса, Рашидийнинг термизлик Қатронга катта замондош экани аён бўлади. Қатрон Термизийга катта баҳо берган Рашидиддин Ватвот 1088 йили таваллуд топган. Маълум бўладики, термизлик Қатрон Ватвотга (1088-1182) замондош.

Ватвот Балхда дунёга келган. Демак, улар бир-бирини яхши билган бўлиши мумкин. Давлатшоҳ “Тазкират-уш-шуаро”да Ватвотнинг Қатрон таърифидеги сўзларини келтиради: “Мен ўз замонимда шоирликда фақат Қатронни тан оламан. Бошқаларни илм юзасидан эмас, балки кўнгил юзасидан шоир деб биламан”. Эътироф табризлик Қатронга эмас, термизлик Қатронга тегишли экани ойнадек равшан. Аммо “Озарбойжон адабиёти тарихи”да Ватвотнинг худди шу мақтовии табризлик Қатронга дахлдор деган қараш илгари сурилади. Ваҳоланки, Қатрон Табризий на Ватвотга, на Қатрон Термизийга замондош. Қатрон Табризий улардан анча илгари яшаб ўтган.

Диққат қилинса, Ватвот ўз замондоши, ўз даврдоши хусусида гапирмоқда. Адиб Собир (1078-1147), Ватвот ва Қатрон Термизий бошланғич таълимни Балхнинг “Низомия” мадрасида олган бўлишлари эҳтимол. Адиб Собир, Қатрон Ажалий ва Анварий Султон Санжар салтанати замонида яшаб ижод этган шоирлар сирасига кириди. Султон Санжар ҳукмронлиги 1118-1154 йиллардир. Демак, мазкур шоирлар саройда айна шу саналарда хизмат қилган. Ватвот эса Султон Санжарнинг ашаддий ғаними Хоразмшоҳ Отсиз (вафоти — 1156) ҳузуринида хизматда бўлган.

Давлатшоҳ табризлик Қатронни билмаган бўлса керак. Давлатшоҳ Қатрон Термизийнинг луғат тузгани хусусида лом-мим демайди, чунки луғат Қатрон Табризийга тегишлидир. Масалан, Табризийнинг замондоши Асадий Тусий (1005-1073) ўзи тузган “Луғати фурс”да унинг “Тафосир фи луғати фурс” асарини эслатади. У китобнинг иккинчи номи “Луғати форси”дир. Авфий ҳам ўз галида Табризийнинг “Қавснома” асари борлигини айтмайди. Чунки ушбу асар Термизийга тааллуқлидир. Аммо Е. Бертельс “Низомий” (Москва, 1956) рисолисида ва “Озарбойжон адабиёти тарихи” муаллифлари “Қавснома”ни Табризийга нисбатан беради. Уларнинг хато талқини икки Қатронни бир шоир деб ўйлаганидан келиб чиққан. Демак, Давлатшоҳ Табри-

зийни билмаганидек, Авфий ҳам ўз навбатида шоир Термизий ҳақида маълумотга эга бўлмаган. Аммо кейинги давр адабиётшунослари исм, куня ва тахаллусдаги ўхшашлик боис жиддий адашиб, уларни бир шоир си-

фатида қабул қилган ҳамда чалкаш фикрларнинг келиб чиқишига имкон туғилган.

Бобоназар МУРТАЗОЕВ,

Термиз Давлат университети доценти

Kichik janrning katta imkoniyati

Портрет-мақолада маълум бир ёзувчининг ҳаёти ва ижоди, яшаган даври, асарлари ҳақида умумлаштирувчи маълумотлар бериллади, ижодкорнинг ҳаёти ва ижоди тор қамровда ўрганилади. Баъзи ҳолларда адабий портрет яратишга замин ҳозирланади. Адабий портретда эса унга манба бўлган сўз санъаткорининг таржимаи ҳоли, маънавий, шахсий, ижодий қиёфаси муфассал тадқиқ этилади.

Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида бу жанрда ижод этиш XX асрнинг 10-йилларидан бошланган бўлса ҳам, унинг илмий-назарий жиҳатлари ҳақида маълумотлар деярли учрамайди. Портрет-мақола ҳажман қисқа бўлса-да, ёзувчи ижоди ва ҳаёти ҳақида кенгроқ маълумот беришга хизмат қилади. Фитрат, Вадуд Маҳмуд, Ойбекнинг портрет-мақолалари бунинг тасдиғидир.

Утган асрнинг 20-йилларида яратилган портрет-мақолалар мазкур жанрнинг илк намуналари бўлса-да, анча мукамал. Буни мазкур мақолаларнинг аксарияти буюк ижодкорлар (Фитрат, Чўлпон) ва зукко мунаққидлар (Вадуд Маҳмуд) қаламига мансублиги билан изоҳлаш мумкин. Жумладан, Вадуд Маҳмуднинг "Турк шоири Ажзий" мақоласи Ажзий ҳақида умумлаштирувчи маълумот бериши билан қимматли. Портрет-мақола ўзига хос тузилишга эга: у аниқ мақсадга хизмат қилувчи бир неча кичик сарлавҳаларга бўлинган. Мақолада шоир яшаган давр, унинг ижодий фаолияти ва асарларининг ўзига хос хусусиятлари тахлил этилади. Мунаққид мақолани шоирона бир кайфиятда эҳтирос билан ёзган. Ундаги образлилик, жозибadorлик, айниқса, ўқувчи эътиборини тортади. "Ажзий шевада Фузулий йўлини тутган шоирлардан-

дур. Бу шоиримиз ҳам ошиқдур. Фақат бунинг ишқи на тасаввуф ишқидур, на реалист шоирларнинг зоҳирий ишқидур. Шоиримиз ошиқдур, маъшук эса халқдур, миллатдур. Миллати ва халқига муҳаббати унинг ишқидур. У ишқ бизга шуни билдирадур" деб ёзади Вадуд Маҳмуд.

Фитратнинг "Ўзбек шоири Турди", "Муҳаммад Солиҳ" каби мақолалари портрет йўси-нида ёзилган. "Аҳмад Яссавий", "Форс шоири Умар Хайём", "Машраб" каби тадқиқотлари адабий портрет жанрига мансуб.

"Ўзбек шоири Турди" мақоласи Абдулҳамид Мажидийнинг "Маориф ва ўқитғувчи" журналида 1925 йили чоп этилган шоир ҳақидаги фикрларини тўлдириш мақсадида ёзилган. Ўзидан олдинги мақола моҳиятини Фитрат "уч модда"да кўриб чиқади. Мақола шу хусусдаги изоҳ билан бошланган. Фитрат Турдининг "эли, юрти, кимлиги" ҳақидаги маълумотларни шоирнинг ўз асарларидан топишга ҳаракат қилади. "Унинг шеърлари орасида таржимаи ҳоли учун ярарлиқ моддаларни" беш қисмга бўлиб тадқиқ этади ва шу асосда шоирнинг таржимаи ҳолини тиклайди.

Фитратгача ўзбек адабиётшунослигида Муҳаммад Солиҳ ҳаёти ва ижодига бағишланган мақола ёзилмаган. Шунинг ўзиёқ бу портрет-мақоланинг нақадар аҳамиятли эканини кўрсатади. Муаллиф мақолада келтирилган маълумотларни бир неча тарихий манбаларга қиёслаган ҳолда фикр юритади. Портрет-мақолада Муҳаммад Солиҳ асарининг XVI асрдан кейинги адабий тилни соддалаштиришдаги хизматлари тўғри баҳоланган. Фитратнинг бу мақоласи Муҳаммад Солиҳ ҳаёти ва

ижоди ҳақида кам тасаввурга эга ўқувчилар оммасига батафсил маълумот бериш билан бирга Фитратнинг зукко танқидчи ва теран нигоҳли адабиётшунос сифатидаги қиёфасини очишга хизмат қилади.

20-йиллардан кейин портрет-мақолаларнинг яна бошқача мақсадлар билан ва ўзгача йўсинда яратилгани кузатилади. Улар асосан шоир ёки адибнинг юбилеи ёки ижодкорнинг бирор китоби нашр этилиши билан сўз боши шаклида ёзилган портрет-мақолалардир.

Ойбекнинг "Ғафур ҳақида" деб номланган портрет-мақоласида шоирнинг тўпламларига баҳо берилиб, ижодидаги ўзига хос фазилатлар таъкидланган. Ғафур Фуломнинг "Ўзбек шеърлятида такрордан, шаблондан, ясамачиликдан энг кўп қочган шоир" эканини кўрсатиш билан бирга, "шоирнинг таланти ҳамма шеърларида янги куч ва аланга билан ёнмас"лиги ҳам айтиб ўтилган. Ойбек Ғафур Фулом насрига баҳо бериш жараёнида ҳикояларини жиддий таҳлил қилиб, адибнинг маҳоратини очиб беради: "Ғафур Фулом насри реалистик насрдир. Ёзувчи ҳикояларида ҳаётни аниқ

тасвирлайди. Характерли аломатларни, равшан деталларни пайқаб олади" (Ойбек. МАТ. 20 томлик. Т., "Фан", 1979, 14-том, 105-бет).

Ойбекнинг Ҳамид Олимжон ижодига бағишланган портрет-мақоласи шоир вафотидан кейин ёзилган. Ойбек шоир ижодига самимий муҳаббат билан ёндашади.

Айниқса академик адибнинг "Ўрик гуллаганда" шеърига берган баҳоси бугунги ўқувчини ҳам бефарқ қолдирмайди: "Ўрик гуллаганда" бадиий соддалик, самимийликнинг жонли ўрнаги. Унда на фикрчилик бор, на безак бор, на санъатпардозлик бор. Бу сўзлар ҳар ким айта оладиган содда ва табиий. Лекин унда шоирнинг юраги уриб туради".

Портрет-мақола жанри кейинги даврда, айниқса, 70-80 йиллари анча такомиллашиб, адабий портрет жанридаги танқидий асарлар яратилиш жараёни бошланди. Бу эса мазкур жанрдаги асарларнинг шаклан кичик бўлсада, мазмунан теран эканини кўрсатади.

Шоира АҲМЕДОВА,

Бухоро Давлат университети докторанти

Iztirobning badiiy talqini

1916 йилнинг ёзида Николай Иккинчининг мардикор олиш ҳақидаги фармонидан сўнг Туркистонда халқ кўзғолонлари авж олди. Фалаёнлар чор ҳукумати маъмурлари томонидан шафқатсизларча бостирилгани маълум. Лекин бу воқеалар изсиз кетмади. Кўплаб шеърӣ ва насрий асарларда муҳрланиб қолди.

Ҳозирга қадар мардикорлик воқеаларига бағишланган ўнга яқин шеърӣ тўплам босилиб чиққани маълум. Муҳиддин Иброҳимов тузган "Лошмон" ((Наманган, 1616), Ҳамзанинг машҳур "Миллий ашувлалар учун миллий шеърлар мажмуаси"нинг 7-бўлими — "Сафсар гул" (Кўкон, 1917), Абдулла Авлонийнинг "Мардикорлар ашувласи" (Тошкент, 1917),

Сидқийнинг "Рабо(т)чилар намойиши" (Тошкент, 1917), "Рабо(т)чилар келиши" (Тошкент, 1917), Мулла Муртазо бин Исмоилжоннинг "Ватан хизмати" (Тошкент, 1917) каби тўплами, шунингдек, Азмий-Азизийнинг "Янги шугуфа ёхуд миллий адабиёт" (Тошкент, 1917), Сидқийнинг "Русия инқилоби" (Тошкент, 1917) каби асарлари шулар жумласидандир.

Халқ бу адолатсизликка қарши охириги нафасигача курашди. Лекин оқибатда чорасиз қолди. Аёллар ўз боқувчилари — эрлари, оталари, ўғилларини мардикорликка жўнатишга мажбур бўлди. Абдулла Авлонийнинг "Мардикорлар ашувласи"дан ўрин олган "Онасининг ўғлига айтган сўзлари" шеърӣда бундай сатрлар бор:

На қилай, бу кўбга келгон тўй, мани чорам
надур?!
Ман кимам? Бу оху воху нолаи зорам
надур?!
Чордевор ичра ётиб, йиглаб сани
ёд этаман,
Қисмати Ҳақ шул экан — ман кимга
фарёд этаман?!

Қаранги, метрополиянинг халқимизга қилган зулму ситами “қисмати Ҳақ” дея талқин этилган. Бу парча орқали ноилож, чорасиз қолган халқнинг аянчли аҳволини тасаввур қилиш мушкул эмас.

Табиийки, ана шунча курашлардан, талафотлардан, кўргуликлардан сўнг туб жой аҳоли эркаклари мардикорликка ўз хоҳишистаги билан, яъни “кўнгиллилар” сифатида кетиши мумкин эмас эди. Аммо ўша давр матбуотида ҳам, айрим адабий асарларда ҳам мардикорликка отланган “кўнгиллилар” ҳақида сўз юритилган. Жумладан, Муҳиддин Иброҳимов тузган “Лошмон” тўплами муаллиф қаламига мансуб “Кўнгилли фирқамиз” шеъри билан бошланади:

Ёш йигит чиндан тилаб миллатга доим
маърифат,
Жонини айлаб фидо чикди, кўнгилли
фирқамиз,
Юрту эл устида доим ғам булутин
соясин,
Солибон турганда чикди чин кўнгилли
фирқамиз.

Кўзғолонлар шафқатсизларча бостирилгач, омон қолган одамлар айнан “кўнгиллилар фирқаси”ни тузишга мажбур бўлган эди. Чунончи, вақтли матбуотда юзлаб “кўнгиллилар”нинг мардикорликка тинимсиз рўйхатга ёзилаётгани эълон қилиб борилган.

Бизнингча, “кўнгилли” бўлиб кетаётган ишчи ўз онасига, хотинига тубандаги каби афсус ва надоматли айрилиқ сўзларини айтмаган бўлар эди:

Бошингиздан, эй она, парвонадек
айланмадим,
Ўртанурдинг ман учун шамъи шабоним
сен эдинг,
Бу фалак солди жудолиғ бошимизга,
эй она,
Қайғулик вақтимда кайфу шодмоним
сен эдинг.

Ёки:

Бир-биримизга муҳаббат риштасин
боғлаб эдук,
Тоқатим йўқ ҳажринга, эй ёр,
кўрсам-кўрмасам.
Кеча-кундуз фикру зикрим ой юзинг
васли ўлур,
Кўзларим ё уйку ё бедор
кўрсам-кўрмасам.
Бир-биримиздан тирик золим фалак
қилди жудо
Айрилиб сандин ўлум — бемор
кўрсам-кўрмасам.

Абдулла Авлониининг “Ўғлининг онасига айтган сўзлари” ва “Хотунига айтган сўзи”дан олинган ушбу мисраларда куч ва зўравонлик билан мардикорликка сафарбар этилган эр йигитларимизнинг дард ва аламлари ифодаланган. Кўриниб турибдики, “Туркистон вилоятининг газети” ахбороти ёлғон. Улар асло “кўнгиллилар” бўлмаган.

Муҳиддин Иброҳимов “Кўнгиллиларга” бундай дейди:

Эй кўнгилли, эшит муни,
Ўринсиз ҳеч кетмон чопма,
Кетмонингни қувватини
Ҳақсиз ерда ҳеч ишлатма.

Лекин бечора мардикор кетмон бўлмасанда, бошқа иш куралини айнан “ҳақсиз ерда” ишлатишга мажбур эди.

Абдулла Авлониининг “Мардикорлар ашувласи”да мардикорларни “Ватан учун” хизматга даъват қилинмайди, аксинча, уларнинг соғ-саломат ва тезроқ Ватанига қайтиши сўралади:

Ҳақ таоло манга сабру санга умр
этсун ато,
Соғ-саломат кел Ватанга, бўлмасун
ўрнунг хато.

Хулоса қилиш мумкинки, мардикорчиликка олиш воқеалари бадий асарларда турлича талқин этилди. Айрим асарларда бу жараёнга муносабат ўша давр мафқурасига мос бўлса, аксариятида ҳаққоний ифодаланган.

Нодира ХОЛИҚОВА,
Миллий университет аспиранти

Bu dunyoning uch tantisi



Ўтган йили адабиётимизда жудоликлар кўп бўлди. Улкан намояндаларимиздан бир сафи ҳаётдан кўз юмди. Уларни номма-ном санаш, айниқса, журналимизнинг чинакам жонкуяри бўлган сиймоларни эслаш қайғумизга қайғу қўшади.

Устоз Озод Шарафиддинов “Тафаккур”да бир муддат хизмат қилган эдилар. “Публицист сифатида мен “Тафаккур”да туғилганман”, деб ҳам кўярдилар. Дарҳақиқат, журналнинг устоз қатнашмаган сони кам топилади. У киши ёзишга киришган “Бизга қандай фалсафа керак?” мақоласи журнал режасида қолиб кетди...

Устоз “Тафаккур”да ишлаган кезлари йилда тўрт мартагина чиқадаган нашрга гоҳо беш-олтита мақолаю таржимани қаторлаштириб турардилар. Шунда биз “Домла, сизга алоҳида бир журнал очиб бериш керак шекилли”, деб ҳазиллашардик. Ҳазилимиз чинга айланиб, ўзлари “Жаҳон адабиёти” журналига бош бўлдилар. Журналда турли имзолар билан чиққан материалларни кўриб, биз уни ўзимизча “Озоднома” деб атардик. Оғир хасталик, мислсиз оғриқлар гирдобиде яшаган, лекин руҳан ҳамиша бардам, бирор лаҳза фикрлашдан толмаган матонатли инсон баъзида журнал юмушларидан куюниб, “Тафаккур”да ишлаб юраверсам ҳам бўларкан...” дея лутф ҳам қилардилар.

Биз ўтган йили ана шундай меҳрибон суянчигимиз, валломат устозимиздан айрилдик. Журналимизнинг яна бир талабчан дўсти — унутилмас адибимиз Шукур Холмирзаев эди. У киши “Мен “Тафаккур”нинг мухлисиман” дер, журналнинг ҳар бир сонини суриштириб-топиб, синчиклаб ўқир, ҳар бир материал юзасидан мулоҳазасини очиқ, дангал айтиб, “юзга айтадиган дўст” мақомини олган эди. (Дарвоқе, бирмунча вақт ўзи ҳам “тафаккур”чилар рўйхатида бўлган эди.)

Шукур ака авваламбор ижодда шундай талабчан эди. У адабиётни муқаддас деб биларди, ҳаётда ҳам адабий ишдан бошқасини тан олмай ўтди. Танти, мардона умр!

“Чигатой” мозористонида бу икки зотнинг қабри ёнма-ён! Бу дунёда ҳам уларни бирлаштирадиган жиҳатлар кўп эди: миллатпарварлик, заҳматкашлик, адолатпешалик, ҳақгўйлик...

Шумхабар дегани кўша-кўша келар экан. Юракларни ғамга тўлдириб, ўзбек ҳажвиётининг тенгсиз намояндаси, дилкаш акахонимиз Неймат Аминов ҳам ҳаётдан кўз юмди.

Неймат Аминов “Тафаккур”нинг илк — нишона сониде “Темирчининг тиллолари” деган ибратли асари билан қатнашиб, журналнинг келгусидаги бадийий-фалсафий йўналишини белгилаб олишда ўзига хос ҳисса қўшган эди.

Республика “Маънавият ва маърифат” жамоатчилики марказига раҳбарлик қилган йиллари у киши “Тафаккур”га алоҳида бир меҳр билан қараб, бағрикенглик билан муносабатда бўлганини ҳам унутолмаймиз.

Биз, адабиёт ва тафаккур аҳли, унутилмас устозларимизни энди кўмсабгина яшаймиз, уларнинг охирати обод бўлишини Оллоҳдан илтижо қиламиз.

RESUME

F

rom this time on, there is a new section in our magazine - "What do you think, my contemporary?" through which you can find out some interviews with celebrities. National poet of Uzbekistan Khurshid Davron is first to share with his thoughts and concerns about today's topical issues.

W

ithout freedom of thought one cannot imagine neither human perfection nor progress in society. Philosopher Abdurahim Erkaev's articles of the "Freedom of thought" series were published in our last year's editions. This time the author concludes his research by "Parameters of freedom of thought".

U

nderstanding the secrets of word is a tough nut to crack. Physical strength is not enough to deal with word power and puzzles it includes. In his article entitled "Secret of language or secret of word" literary scientist Abdulla Ulugov reflects on this issue.

T

here were lots of great personalities in the East who dealt with both materialistic and religious matters. For instance, encyclopedicscientist Omar Hayyam got to grips with many directions in science, created various literature that are all somehow related to philosophy. Poet and philosopher Abdulla Sher's "What is a philosophy of living?" is dedicated to this topic.

One can discover the life and activity of famous big name Anvar Pasha in a co-authored work of Prof. Dilorom Alimova and Umar Rashidov "History - a source of validity". The authors narrate about the personality of Anvar Pasha, his intentions of coming to Central Asia. The article is skillfully designed with historical facts.

In today's "The pearl in the shelf" political scientist Farhod Hamroev shares with his impressions about the books he has recently read. To him, there are certain books that show a way towards truth. Probably, that is the way that leads to a truth of your heart. However, the phenomenon of truth is somehow very complicated.

Қорли чўққиларга қор босиб...

Ҳафтадони 1369/73
Тоҷикони Ҷамоҳирияти Тоҷикистон

ТАФАККУР

ТАФАККУР 1/2006

